

# ЎЗБЕКИСТОН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА

Бешинчи китоб-альбом



“O‘ZBEKISTON”  
ТОШКЕНТ — 2024



Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган тарихий Ғалабани таъминлашга кўп миллатли Ўзбекистон халқининг қўшган ҳиссаси беқиёсдир.

Бугунги тинч ва озод, фаровон ҳаётга эришиш йўлида фидойи ота-боболаримиз намоён этган мардлик ва жасоратни эл-юртимиз ҳеч қачон унутмайди.

**Шавкат Мирзиёев,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

**Азиз ватандошлар, мухтарам фахрийлар!**

Бугунги шонли байрам – 9 май – Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк ғалабанинг 79 йиллиги муносабати билан мўътабар фахрийларимизни, кўп миллатли бутун халқимизни самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Ушбу кутлуғ кунда инсоният тарихидаги энг даҳшатли урушда жасорат кўрсатиб, башариятни фашизм балосидан сақлаб қолган қаҳрамон ота-боболаримиз ҳамда фронт ортида мардона меҳнат қилиб, ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшган мард ва олижаноб юртдошларимиз хотирасига юксак ҳурмат-эҳтиром бажо келтирамиз.

Жанг майдонларидан омон қайтиб, мамлакатимиз равнақи йўлида фидокорона хизмат қилган, бугунги кунда эзгу дуолари билан ҳаётимизнинг файзу фариштаси бўлиб келаётган кадрли уруш ва меҳнат фахрийларига чексиз ташаккуримизни изҳор этамиз.

Айни вақтда мустақиллик йилларида Ватанимиз озодлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилиш ҳамда ўз хизмат бурчини адо этиш йўлида ҳалок бўлган жасур ҳарбийларимиз хотирасини миннатдорлик билан эсга оламиз.

**Кадрли дўстлар!**

Бугун барча шаҳар ва қишлоқларимизда ўтказилаётган тадбирларда бу мудҳиш уруш эл-юртимиз учун қандай мислсиз талафот ва мусибатлар олиб келганини яна бир бор ёдга олишимиз табиийдир. Ўша оғир йилларда фронтга сафарбар этилган **1 миллион 950 мингдан** зиёд ўзбекистонлик жангчилардан **538 мингдан** кўпроғи ҳалок бўлгани, **158 мингдан** ортиғи бедарак йўқолгани, **870 мингдан** ошиғи турли жароҳатлар олгани, **60 минг** нафардан зиёди эса ногирон бўлиб қайтгани бу ғалаба биз учун нақадар қимматга тушганини яққол кўрсатиб турибди. Ана шу қирғинбарот уруш халқимиз қалбида қолдирган битмас жароҳатни, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳамон унутиб бўлмайди.

Уруш даврида **214 минг** аскар ва офицерларимиз жанговар орден ва медаллар билан тақдирлангани, уларнинг **301 нафари** Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига, **70 нафари** учала даражадаги “Слава” (“Шухрат”) орденига сазовор бўлгани биз учун, ҳеч шубҳасиз, буюк ғалабанинг энг ёрқин саҳифаларини ташкил этади.



Метин иродали халқимиз ўша таҳликали йилларда фронт ортида сабот ва матонат билан меҳнат қилди. Саноат корхоналарининг фаолияти фронт эҳтиёжлари учун йўналтирилди. Уруш алангаси ичида қолган ҳудудлардан мамлакатимизга **170 дан** ортиқ завод ва фабрика кўчириб келтирилди ва қисқа муддатда уларнинг фаолияти қайта тикланди. Эл-юртимиз фронт учун жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотлар етказиб берди.

Ўзбекистон аҳолиси 1941–1943 йилларда мудофаа фондига **475 миллион** рублдан ортиқ маблағни, **22 миллион** рубллик қимматбаҳо шахсий буюмларини ихтиёрий равишда топширгани ғалабани яқинлаштиришга яна бир муҳим ҳисса бўлиб кўшилди.

Халқимиз юксак одамийлик фазилатини намоён этиб, уруш ҳудудларидан эвакуация қилинган **1 миллион 500 мингга** яқин инсонга бошпана берди. Отасидан жудо бўлган **250 минг** нафар етим болаларга меҳр-оқибат кўрсатиб, сўнгги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрди.

Азиз ватандошлар!

Азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида халқимиз жасоратининг тимсоли сифатида бунёд қилинган муҳташам “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси қисқа вақт ичида қутлуғ қадамжога айланди.

Шу кунгача бу ерга **2 миллион 200 минг** нафардан зиёд зиёратчи ташриф буюриб, уни катта қизиқиш ва эътибор билан томоша қилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Мажмуа жамоаси томонидан **эликка яқин** китоб-альбом ва монографиялар, ноёб ҳужжатлар тўпламлари яратилиб, ҳозирга қадар номаълум бўлган юзлаб тарихий фактлар аниқланиб, жамоатчиликка етказилди.

“Бобомни излайман” лойиҳаси доирасида урушда иштирок этган **2 миллион нафарга** яқин ватандошларимиз рўйхати шакллантирилди. Юртдошларимиздан келиб тушган **300 дан** зиёд мурожаатлар бўйича урушда бедарак кетган **200 нафар** жангчининг тақдирига оид муҳим маълумотлар тўпланди.

Муҳтарам дўстлар!

Бугунги байрам муносабати билан жонажон Ўзбекистонимизда хотира маросимлари, турли маданий-маърифий тадбирлар, “уч авлод учрашувлари” ўтказилмоқда. Тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар раҳбарлари иштирокида уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг оила аъзоларига табрик ва совғалар топширишга бағишланган маросимлар тантанали вазиятда ўтказилмоқда.



Муҳтарам уруш фахрийлари халқимизнинг доимий эътибори ва эъзозида бўлиб келмоқдалар. Жумладан, ёлғиз яшаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, истиқлолимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг уй-жойлари таъмирланиб, обод қилинмоқда. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига патронаж хизмати ва зарур тиббий муолажалар кўрсатилмоқда. Улар ўз хоҳишларига кўра санаторийларда даволанмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, биз бугунги озод ва эркин ҳаёт учун азиз жонини аямасдан курашган бундай улуғ инсонлар олдида доимо қарздормиз, улар учун бундан буён ҳам барча шароитларни яратиб берамиз.

Ҳозирги гоёят мураккаб ва таҳликали замонда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фарзандларимизни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро дўстлик ва аҳилликни асрашдек ўта муҳим вазифаларни бажаришда қаҳрамон фахрийларимизнинг жасорати, шонли анъаналари биз учун ҳамиша ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади. Биз улардан руҳ ва куч олиб, Ватан ҳимоячилари, тинчлик посбонлари, Янги Ўзбекистон бунёдкорлари бўлишдек юксак бурчимизни, албатта, шараф билан адо этамиз.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Сиз, азизларни бугунги улуғ айём билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, халқимиз доимо омон бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**





AZIZ JONLARINI  
TINCHLIK VA OZODLIK  
UCHUN FIDO ETGAN  
QAHRAMON  
YURTDOSHLARIMIZNI  
ONA VATAN HECH  
QACHON UNUTMAVDI!

# ВАТАН ФИДОЙИЛАРИ ХОТИРАСИ



**Президент Шавкат Мирзиёев 9 май – Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк ғалабанинг 79 йиллигига бағишланган маросимда иштирок этди.**

Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” деган эзгу тамойил барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош ғоясини ташкил этади.

Бу жиҳатлар Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ватан ва халқ озодлиги йўлида мардлик ва жасорат намунасини кўрсатиб, жанг майдонларида жонини фидо қилган ота-боболаримиз, мустақиллик йилларида халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилиш ҳамда ўз хизмат бурчини адо этиш йўлида ҳалок бўлган жасур ҳарбийларимиз хотирасини абадийлаштириш, уруш йилларида катта қийинчиликларни сабр-бардош билан

енгиб ўтган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган фахрийларимизга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш борасидаги ишларда ҳам намоён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкент шаҳрида халқимиз жасоратининг ёрқин рамзи сифатида бунёд қилинган муҳташам “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси қисқа вақт ичида қутлуғ зиёратгоҳга айланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ғалаба боғига ташриф буюриб, хотира маросимида иштирок этди. “Матонат мадҳияси” ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди.

Ушбу мажмуадаги ҳар бир экспозиция, тимсол ва битиклар мудҳиш уруш ҳақиқатларини ифода этади. “Матонат мадҳияси” ёдгорлиги урушда ўз боласидан, ёридан жудо бўлган барча аёллар шарафига ўрнатилган муаззам обидадир. Боғ бўйлаб



# ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА МАНГУ ЯШАЙДИ



таралаётган мунгли куй халқимизнинг йўқотишлари, ҳалок бўлган инсонлар тақдирини ёдга солади.

– Бу санани биз ҳам хурсандчилик, ҳам изтироб билан нишонлаймиз. Урушнинг халқимиз бошига солган оғир кулфатлари, орадан шунча йиллар ўтса-да, унутилмайди. Ўша пайтда республикамиз аҳолиси 6,5 миллион киши бўлган бўлса, шундан 1 миллион 950 мингдан ортиги урушда қатнашган. Уларнинг 538 мингдан зиёди қонли жангларда ҳалок бўлгани, 158 мингдан кўпроги бедарак кетгани биз учун ҳеч қачон ўрнини тўлдириб бўлмайдиган оғир йўқотишдир. Сўнгги йилларда мана шундай хотира мажмуалари ва музейлар ташкил қилиб, бу ҳақиқатни муҳраб қўйдик. Бу ишларимиз халқимиз, айниқса, ёшларимиз тарбиясида улкан аҳамиятга эга, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бугунги кунда Ғалаба боғи юртдошларимиз, ёшлар учун ўзига хос ватанпарварлик, тинчликсеварлик мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ерда “уч авлод учрашувлари”, хотира тадбирлари, тарих дарслари ўтказилмоқда. Шу кунгача мажмуага 2 миллион 200 минг нафардан зиёд киши ташриф буюриб, Иккинчи жаҳон урушида кўпмиллатли Ўзбекистон халқи кўрсатган жасорат ва матонат тафсилотлари билан яқиндан танишган.

Мажмуа жамоаси томонидан 50 га яқин китоб-альбом ва монографиялар яратилгани, илгари номаълум бўлган юзлаб тарихий далиллар илмий муомалага киритилгани, 2 миллион нафарга яқин уруш қатнашчилари рўйхати шакллантирилгани, аҳоли мурожаатлари бўйича бедарак кетган жангчилар тақдирига оид маълумотлар тўпланганини алоҳида таъкидлаш лозим.





Мамлакатимизда хотира маросимлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг хотирасини улуғлашга қаратилган катта ишлар мунтазам амалга оширилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 16 апрелда қабул қилинган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони ана шундай ҳурмат ва эътиборнинг яна бир амалий ифодасидир. Мазкур фармонга мувофиқ, уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари тантанали равишда топширилди.

Ёлғиз яшаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, истиқлолимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг уй-жойлари таъмирланиб, обод қилинмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Қуролли Кучлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари ва нуронийлар ҳам иштирок этиб, “Матонат мадҳияси” ёдгорлиги пойига гуллар қўйишди.

Президентимиз ташаббуси билан Ғалаба боғи ҳудудида яна бир мажмуа – Мустақиллик фидойилари хиёбонини ташкил этиш режалаштирилган. Ташриф чоғида ушбу мажмуа лойиҳаси тақдимот қилинди.





*– Инсон хотираси ва қадрини улуғлаш борасидаги ишларимизнинг узвий давоми сифатида Ғалаба боғи таркибида мана шу хиёбонни барпо этсак ва унга Мустақиллик фидойилари хиёбони, деб ном берсак, ўйлайманки, эл-юртимиз қалбидаги орзу-армон ва эзгу интилишларни рўёбга чиқарган бўламиз, – деди давлатимиз раҳбари. – Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикасини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш йўлида ҳалок бўлган мард ва жасур ўғлонларимизнинг азиз хотирасига эҳтиром кўрсатиш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Ватанга фидойилик намунасини кўрсатган, юрт тинчлиги ва келажаги учун*

*керак бўлганда жонини қурбон қилган бу баҳодир фарзандларимизнинг қаҳрамонлиги халқимиз, ёш авлодимиз учун доимо ўрнак ва намуна бўлиб хизмат қилади.*

Мамлакатимиз ва чет эллик мутахассислар ҳамкорлигида ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган бетакрор лойиҳага кўра, Мустақиллик фидойилари хиёбонида она юртимизга уюштирилган террорчилик хужуларига қарши курашда, шунингдек, ўз ҳарбий бурчини адо этиш чоғида ҳалок бўлган аскар ва офицерларнинг қутлуғ номлари ва ўчмас хотираси абадийлаштирилади.

Давлатимиз раҳбари мажмуа ғояси ва қурилиши бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.



## ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ



Шу кунларда юртимизда 9 май – Хотира ва кадрлаш куни кенг нишонланмоқда. Президент фармониға мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига бир марталик пул мукофоти топширилмоқда. Уларнинг ҳолидан хабар олиниб, меҳр-эҳтиром кўрсатилаётир.

Юз ёш билан юзлашиб, ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини кўрган бу инсонлар учун энг муҳими соғлиқ. Шунинг учун уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратилмоқда. Айтиш керакки, ҳам бир гуруҳ уруш фахрийлари госпитал ва санаторийларда даволанмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев 8 май куни Мудофаа вазирлигининг Марказий

ҳарбий клиник госпиталига бориб, уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олди.

Ускан ота Хаджиманов Боёвут туманидан, Файзулла ота Нурматов Оққўрғон туманидан, Анарбой ота Жалилов Паркент туманидан, Муҳиддин ота Дусанбаев Ўрта Чирчиқ туманидан келиб даволанмоқда. Улар ҳаётдан рози экани, давлатимизнинг ва одамларнинг ҳурматидан хурсанд эканини айтишди. Саломатликлари туман тиббиёт бирлашмасининг доимий назоратида, бепул дори-дармон ва ҳар йили санаторийларга йўлланмалар берилади.

Нуронийлар Президентимизга неварачевараларининг ўқиш ва ишлари, ютуқлари ҳақида сўзлаб беришди. Улар таълим, қурилиш, ички ишлар, қишлоқ хўжалиги



## УРУШ ФАХРИЙЛАРИНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИ



каби турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб, юртимиз равнақиға ҳисса қўшмоқда. Ёшлар замонавий билим олиб, чет элларга ўқишга кетмоқда. Боболар уларни тинчликнинг қадрига етиш, ватанпарварлик, меҳнатсеварликка даъват этиб келади.

– *Ҳамма ҳаракатларимиз халқимизни рози қилиш учун, – деди Шавкат Мирзиёев. – Ислоҳотлар натижаси энг қуйиға, ҳар бир хонадонга кириб боришини истаймиз. Режаларимиз ҳам катта. Ҳамма жипслашса, биргаликда ҳаракат қилса, ўйлаган ниятларимизга тезроқ етишамиз. Сиздек нуронийларнинг дуолари бунда бизга мададкор бўлади. Сизларнинг ҳаётингиз ирода, жасорат мактаби, гапларингиз ёшларга ибрат.*

Отахонлар меҳр-эътибор учун давлатимиз раҳбарига раҳматлар айтди. Дунёнинг тинчлиги, ёшларнинг порлоқ келажакини сўраб дуолар қилди.

Госпиталда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари муносиб парвариш қилинмоқда. Бу муассаса мукамал таъмирланиб ва янги бинолар қурилиб, 2022 йил фойдаланишга топширилган эди. Госпитал жами 700 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, соҳа фахрийлари бепул даволанади. Бунинг учун 286 хил диагностика текширув, 600 дан ортиқ амалиётлар йўлга қўйилган, 30 га яқин ихтисослашган бўлимлар ташкил этилган.





ОТКРЫТОЕ ПИСЬМО

Место для марки

Куда г. Шахкен  
АН УзССР

Кому Акасаки Айбек

Адрес отправителя Жави Назман, г. Кайрас  
Международное 9/18 кв.23.

Рис. Б. Дамьянова сына Б. Зермита  
ПФ 08189  
Судожестетного фонда ТАССР  
Казань г. Казань 11. 20 х.



**УНУТИЛМАС**

**ЖАСОРАТ**



ҒАЛАБА УЧУН!



Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабада Ўзбекистон халқининг бирдамлиги ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Оддий деҳқондан олимгача, ишчидан раҳбаргача – ҳамма тинчлик учун курашди, сафарбар этилди.

Фашистлар бостириб кирганида ҳарбий хизматда бўлган ўғлонларимиз турли ҳудудларда мудофаага киришди. Эл-юртимиз тинчлик ва келажак учун бошқа фарзандларини ҳам фронтга кузатди.

Халқимиз эвакуация қилинганларни бағрикенглик билан қабул қилди. Ўша йилларда яшаган бобо-момоларимиз халқ ва умуминсоният манфаатини ўз дардидан юқори қўйиб, барча машаққатларни мардонавор енгиб ўтдилар.

Ушбу бўлимдан жанггоҳларда мангу қўним топганлару омон қайтганлар, тинчлик йўлида жасорат кўрсатган азиз инсонлар ҳақидаги сўнмас хотиралар, уруш даврига оид турли маълумотлар ўрин олган.

Жасорат унутилмайди, қаҳрамон юртошларимизнинг порлоқ номлари халқимиз қалбида абадий сақланади.



# **БЕЛАРУСЬ ХОТИРАЛАРИ**



## БРЕСТ МУДОФААСИ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Мангу олов алангасида, улуғвор ёдгорликлар ва обидаларда, адабиёт ва санъат асарларида, қалбларда абадий сақланиб қолган хотиралар – биринчи бўлиб жангга кирган, амбразураларни кўкси билан беркитган, осмонда ўз самолётини душман самолётига тикка буриб юборган, гранаталар билан танк остига ташланган, ёв кемаларини чўктирган, эшелонларини ағдарган, яширин фронтда мардонавор олишган, жанггоҳларда ажални писанд қилмай дидил турган, иродасини фашистларнинг концлагерлари бука олмаган кишиларнинг ўлмас жасоратлари нигоҳимиз олдида намён бўлади...

Брест қалъасининг қаҳрамонона ҳимояси ҳақида эшитмаган, билмаган, ўқимаган одам топилмаса керак. Чунки у 1941 йил 22 июнь тонготарида фашистларнинг биринчи ҳужумига қалқон бўлди. Баренцдан Қора денгизгача ғарбий чегаралар бўйлаб бошланган бомбардимоннинг илк зарбасини қайтарди.

Гитлерчилар қўмондонлигининг сараланган қисмлари бир ҳамла билан Брест қалъасини забт этиши керак эди. Ёвуз душман бу операцияга ғоят катта аҳамият бергани учун ҳам тўплар қалъа иншоотларини шиддат билан ўққа тутдилар. Самолётлар осмондан тўхтовсиз бомба ташлаб турдилар. Улар ташлаган портловчи бомбалар, снарядлар, ёнилғи тўлдирилган баклар мисли кўрилмаган ёнғинга сабаб бўлди. Қалъа аланга ичра қолса ҳам, таслим бўлишни хаёлига келтирмади.

Қалъа 1836–1842 йиллари Брестдан икки километр ғарброқда, Буг дарёсининг ўнг соҳилида қад кўтарган эди. Ана шу метин кўрғоннинг қаҳрамонона ҳимояси 1941 йил 22 июндан бошланиб, июль ойининг 20-кунига қадар давом этди. Унда 6-ва 42-ўқчи дивизиялар, Ички ишлар Халқ комиссарлиги қўшинларининг 17-чегара

полки ва 132-алоҳида батальони бўлинмалари қатнашди. Қалъа ҳимоячилари орасида 30 дан зиёд миллат вакиллари бор эди...

Қалъанинг одамлар сони унча кўп бўлмаган гарнизони душманнинг катта кучига қарши тенгсиз жангга кириб, бир тутамгина заминни қаршилиқнинг йирик ўчоғига айлантирди. 24 июнь куни қалъа ҳимояси штаби – капитан И.Н. Зубачев ва полк комиссари Е.М. Фомин бошчилигида ягона қўмондонлик тузилди.

Жангчиларнинг матонатли ва мардонавор кураши душманнинг йирик кучларини талафотга учратди. Бу – ўз жонини фидо қилган халқ фарзандларининг афсонавий жасорати эди. Ҳимоя иштирокчиларидан ғоят озчилик душман ҳалқасини жанг билан ёриб чиқишга муваффақ бўлди...

Афсонавий Брест қалъаси ҳимоячилари орасида 1939–1941 йиллари бу ерда йигитлик бурчини ўтаган ўзбекистонликлар ҳам бор эди.

Биргина Бекобод туманидан Брест қалъаси ҳимоясида ўн беш жангчи иштирок этди. Улардан фақат уч киши – мен, Маҳмудали Жўраев ва А. Рагузинга туғишганларимиз билан қайта дийдор кўришиш насиб этди. Бекободнинг биз билан уруш бошланишидан илгари ҳарбий хизматга чақирилган ўн икки шунқори қурбон бўлди.

Мана уларнинг ўчмас номлари: Абдусамад Эрматов, Сайфиддин Абдуқодиров, Мирзажон Мўминов, Абдусамад Абдуллаев, Қўчқор Умрзоқов, Мурод Пўлатов, Тожиқул Хайдаров, Тўлаган Маматов, Раҳматқул Аҳмедов, Чўтанбой Нурматов, Ҳакимқул Абдиев, Омонбой Тўқмирзаев.

Омонбой Тўқмирзаев Брест қалъасини мардларча ҳимоя қилиб, 1941 йилнинг июнь ойида қаҳрамонларча ҳалок бўлганини яхши билардим. Кейинчалик унинг





**Абдусамад  
Эрматов**



**Сайфиддин  
Абдуқодиров**



**Тожиқул  
Ҳайдаров**



**Кўчқор  
Умрзоқов**



**Мурод  
Пўлатов**





**Шароф  
Хўжаев**



**Ғофиржон  
Сатторов**



**Машраб  
Отамуродов**



**Миржобит  
Миробидов**



**Аҳмаджон  
Маҳмудов**



катта акаси Валихон Тўқмирзаев қалъани озод қилишда қаҳрамонлик кўрсатиб, олий қўмондонликнинг ташаккурномасига муносиб топилганини эшитдим...

Бу жангда иштирок этган ўзбекистонлик қаҳрамонлар номини кўплаб келтириш мумкин. Калинин туманидан Шароф Хўжаев, Куйбишев туманидан Ғофиржон Сатторов, Киров туманидан Миржобит Миробидов, самарқандлик Нормат Аҳмедов, тошкентлик А. Маҳмудов, Р. Дадажонов, Ю. Ҳамидов, У. Нажимов, сирдарёлик М. Хўжаев, ёзёвонлик О. Собиров, зоминлик

А. Ниёзматов, Б. Қўшмуродов, Пахтачи туманидан И.Ф. Иванов, фарғоналик О. Худойбердиев, Тошкент вилоятидан М. Ризбоев, К. Толипов ва бошқалар шулар жумласидан.

Брест қалъаси 1944 йилнинг 28 июлида 1-Белоруссия fronti жангчилари томонидан озод этилди. Олий Бош қўмондонликнинг 1944 йил 28 июлдаги қарорига биноан Брест қалъасини озод этишда иштирок этган барча жангчиларга ташаккур билдирилди ҳамда улар шарафига Москвада 224 та артиллерия тўпидан бир йўла 20 марта ўқ узиб салют берилди...

**Муҳаммаджон АБДУВАЛИЕВ,**  
Қаҳрамон Брест қалъаси ҳимоячиси

Музей обороны Брестской крепости-героя		1. 9.	
Шифр по классификации	Место хранения	<b>ИНВЕНТАРНАЯ КАРТОЧКА</b>	По главн. инв. книге №
Сфера			По инв. книге № фонда
Раздел		Фонд <i>111055.</i>	
Тема			
Подпись			
Наименование и описание предмета: <i>Снимок портретный Атамуратов Машираб - в июне 1941 г. рядовой тыркетки 111055. Участник войны с Финляндией. Судьба неизвестна.</i>			Количество <i>1</i>
			Стежкость
			Размер <i>30x24</i>
			Материал <i>Бумажная матовая</i>
Снимок поздравлений в военной форме: гимнастерка, пилотка.			
Источники и дата поступления в музей: <i>сестра Атамуратово Журпашино - Узбекская ССР, в Намангане, ул. Карла Маркса 52.</i>			ФОТО
Сдл. делоп. и подл. ак. <i>акт. № от</i>			
Составил <i>Сорин</i>			
начник сотрудник			
<i>13-апреля</i>		1977 г.	
Контроль и размещение в сохранности		Реставрация	
<i>попечительский</i>		Негатив №	

г. Брест. Облитография. 1971 г. 38к. 262

“Қаҳрамон Брест қалъаси” музейининг Машираб Отамуродов суратиға инвентар карточкаси.  
1977 йил. М. Абдувалиевнинг шахсий архивидан



## Мадамин ҲОЖИЕВ

(1920–2002)



Ёзувчи Адҳам Раҳматнинг “Окопдан овозлар” китобида зоминлик Мадамин Ҳожиевнинг Брест қалъаси ҳимоясидаги иштирокига оид хотиралари эълон қилинган.

Бу хотиралар машъум суронли кунларни ёдга солади:

“Армия сафига 1940 йилнинг сентябрь ойида чақирилдим. Дастлаб Брест қалъаси яқинидаги Ким қишлоғида жойлашган қисмнинг мотомеханикалашган бўлинмасида ҳарбий таълим ола бошладим. Ўша йили ҳарбий хизматга чақирилган Ўрта осиелик ёшлардан кўпи Брест шаҳри, қалъа ва унинг атрофидаги ҳарбий қисмларга келган эдилар.

Қисмимизда қozoқ, қирғиз, туркман, тожик йигитлари қаторида анчагина ўзбеклар ҳам бор эди. Қисмдаги жангчилар бизни қадрдон дўстлардек илиқ кутиб олди. Биздан илгари ҳарбий хизматга чақирилган рус, белорусь, украин, ўзбек ва

бошқа миллат жангчилари машқ ва ҳарбий таълим вақтида бизга ёрдамлашар эдилар...

Бўлинмамиз бир йилдан кейин Брест қалъасининг ўзига кўчирилди. Ҳарбий ҳаётга жуда ўрганиб қолган эдик. Ҳарбий-сиёсий тайёргарликда яхши кўрсаткичларга эришганлар қаторида ўзбек жангчилари ҳам анчагина бўлиб, улар янги келган ёш жангчиларга ёрдамлашарди.

Брест қалъаси Брест шаҳридан икки километр нарида, чегарага яқин ерда эди.

Айтишларига қараганда, Брест қалъаси Ҳарбий Буг дарёси соҳилида бундан бир асрдан ошиқ вақт илгари қурилган экан. У ўз даврида дунёдаги энг мустаҳкам қалъалардан бўлиб, Россиянинг Ҳарбдаги асосий таянч пунктларидан ҳисобланган. Лекин замонлар ўтиши билан қалъа эскирган, XX аср бошларига келиб, муҳим ҳарбий объектлик мавқеини йўқотиб бўлган эди. Урушдан олдин у шунчаки қўшинларимиз турадиган жойга, артиллерия ўқи ва бомбалардан сақланиш учун бетон билан қопланган мудофаа истеҳкомларига, ҳарбий анжомлар сақланадиган омборга айланиб қолган эди.

1941 йил 22 июнга ўтар кечаси қалъада кичик бир гарнизон қолган, чунки бу ерда қишлайдиган ҳамма ҳарбий қисмлар, ҳар қачонгидек, ёзги лагерларга ва машқ майдонларига жўнатилган эди. Қалъада қоровуллик қилиш учун ҳаммаси бўлиб, икки полкка етар-етмас пиеда аскарлар қолдирилган эди. Шу жумладан, бизнинг бўлинма ҳам қолган эди.

21 июнь, шанба кунини эрталабки физкультура машқидан бошлаб то яроғ-аслаҳаларни тозалашгача – ҳамма ишларни яхшилаб бажариб, кечқурун кинога бориш учун ҳозирлик кўрардик. Кундузги овқат ҳар кунгидай серғўшт, ёғлилигидан қорин жуда тўқ эди. Шунинг учун ҳам, кечки овқатни кинодан келиб ейдиган бўлдик.

Бир гуруҳ жангчилар Брест шаҳридаги каштан ва сарв дарахтлари билан қуршалган йўлакда чақчақлашиб борардик. Некрасов кўчасидан энди бурилган эдик, бирдан куй ва ашула овозлари эшитилиб қолди.

Катта эшик олдида беш-олтита киши гаплашиб турган эди, уларга салом бериб ўтиб кетаётган эдик, улардан бири бизни тўхташиб, тўйга киришимизни таклиф қилди. Кинога бораётганимизни айтдик, у киши соатига қараб, биринчи сеансинг бошланишига яна бир соат бор, бирпас ўтириб, меҳмон бўлиб чиқинглар, деб туриб олди, бошқалари ҳам ёнимизга келиб ичкарига бошлашди.

Ичкарига кирганимизда ўйин тўхтаб, ҳамма чапак чалаётган эди, бизни кўришлари билан янада қаттиқроқ чапак чалишиб юборишди. Жуда уялиб кетдик. Бизни тўй ноз-неъматлари билан меҳмон қилишди, раҳмат айтиб, хайрлашиб чиқиб кетдик. Буни шунинг учун айтяпманки, Брест халқи солдатларни жуда ҳурмат қилар, ўз фарзандларидек хушмуомалалик билан гаплашардилар.

Картина бошланишидан олдин одатдагича киножурнал кўрсатилди. Журнал Ўзбекистон пахта далаларини, олма-анорлар, узумзор боғларни, Катта Фарғона канали сувларнинг оқишини, колхозларда пилла терими маросими ва яна республикамизнинг кўпгина қурилишларини кўрсатди. Ўзимизни худди Зоминда, ўз уйимизда ўтиргандек ҳис қилдик. “Чапаев” фильмини жуда завқ-шавқ билан томоша қилиб, қалъа томон жўнадик.

Қалъага келгунча йўл-йўлакай ашула айтиб, ҳазиллашиб, баъзан бир-биримизни қувлашиб келдик. Мухавец дарёси кўпригидан казарма томон бурилганимизда, сайхон ердаги танца майдонида ўспиринлар, офицерларнинг хотинлари танца қилишарди. Қалъанинг кенг майсазориди болалар чопқиллашиб ўйнашар, ҳар томондан ашула, кулги овозлари эшитиларди.

Кечки овқатни еб, ухлаш учун казармага кириб кетдик. Биз казармага кирганда етти-саккиз жангчи уйларида келган хатларни ўқиб, суҳбатлашиб ўтирган экан. Улардан бири менга: “Ҳожиёв, қани ўйинга туш!” – деди. Одатда, солдатларга хат келса, ўйинга тушмагунча хатни беришмасди.

Улар лазгенчага чапак чалишди, мен ўйнадим. Сўнгра хатни беришди. Мендан кейин Егоров, Сорокин, Бойдавлатов, Азимов ҳам ўйинга тушдилар.

Ўйқуга ётар эканмиз, эртага дам олиш кун иккинчи рота футболчилари билан бўладиган ўйин ҳақида гаплашиб ётиб, ширин уйқуга кетдик...

Бутун қалъани титратаётган замбарак ўқларининг гумбурлашидан ҳаммамиз ўринларимиздан сапчиб турдик.

– Қуролларингизни олинг! – деган овоз эшитилди. Қалъа ичи худди зилзила бўлаётгандек титрарди.

Тонг қоронғилигида взвод командири кичик лейтенант Смирнов бошчилигида фарғоналик жангчи Бойдавлатов, зоминлик ҳамқишлоқларим Ёқуб Сафаров, Эсирган Жабборқулов ва рус йигити Музирев билан биргаликда фашист босқинчиларига қарши жангга кирдик.

Биринчи жангдаёқ оғир ярадор бўлдим. Бомба парчалари ўнг тиззамни ва чап оёғимнинг тиззадан пастини синдириб юборди. Мен йиқилишим билан, ёнимга Музирев қорнини ушлаганча қичқириб йиқилди. Шундан кейин нима бўлганини билмайман.

Кўзимни очиб қарасам, госпиталда ётибман. Ёнимда ётганлардан қаерда эканимизни сўраганимда, улар Воронеж шаҳридаги ҳарбий госпитал, деб айтдилар.

Госпиталда уч-тўрт кун даволанар-даволанмас, фашист қузғунлари Воронежни ҳам бомбардимон қила бошлашди. Шунинг учун госпиталимизни Воронеждан Чкалов шаҳрига кўчирдилар.

Госпиталда анча ётиб, даволаниб чиққанымдан кейин, мени ногиронга чиқариб, уйимга қайтардилар.

Мен билан бирга армия сафига чақирилган ва Брест қалъасидаги жангда ёнма-ён туриб фашист босқинчиларга қарши курашган юқоридаги ҳамқишлоқ дўстларим қайтиб келмадилар. Улар душман билан курашда ҳалок бўлдилар”.

Урушдан кейин М. Ҳожиёв Мирзачўлни ўзлаштиришда фаол қатнашди. Кейин Сирдарё вилоятига қарашли 4-хўжаликда яшаб, уй-жой коммунал ишлар бошқармаси тизимида фаолият юритди.



## Муҳаммаджон ШОКИРЖОНОВ

(1913–1941)



Ҳамюртимиз, ҳарбий учувчи Муҳаммаджон Шокиржонов 1913 йилда Тошкент вилоятининг Қибрай туманида туғилган. У армия сафида 1935 йилдан бошлаб хизмат қилган. Ҳарбий учувчи 1936 йилда Севастополь (Качинск) учувчилар авиация мактабини тамомлаган, 1938 йилда учувчилар тайёрлаш бўйича командирлар ўқуви тезкор гуруҳини тугатган. Унга 1938 йилда авиация кичик лейтенанти, 1940 йилда эса авиация лейтенанти унвони берилган.

1940 йили совет-фин урушида иштирок этган. Ушбу жанговар ҳаракатларда кўрсатган мардлиги учун СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1940 йил 7 апрелдаги Фармонида биноан, “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган.

1941 йил июнь ойининг биринчи ярмида полкнинг ўн етти нафар энг тажрибали ва моҳир учувчиларига, шу жумладан, М. Шокиржоновга ҳам ИЛ-2 самолётлари

бириктирилди. Бу самолётларни ишлаб чиқариш эндигина йўлга қўйилган бўлиб, совет авиация саноатида туб бурилиш ясаган эди.

Агар 1941 йилнинг 22 июнь санасида Ҳарбий Ҳаво кучларига 93 та шу русумдаги самолёт етказиб берилган бўлса, улардан 61 таси айнан 4-енгил бомбардирмончи авиаполкка ажратилганди. Асосий таркиби жанговар ИЛ-2 самолётлари билан таъминлангани боис, энди авиаполк 4-ҳужумкор авиаполкка айлантирилди. Бу полк учувчиларидан ўта хушёрликни, маҳорат ва билимни талаб этарди.

Авиаполк 1941 йилнинг 27 июнь санасида Харьковдаги аэродромдан Белоруссиянинг Могилёв вилояти ҳудудидаги Старий Бихов аэродромига ташланиб, ана шу аэродромдан ўзининг биринчи жанговар топшириқларини бажаришга киришди. Учувчиларга Бобруйск шоссесида ҳаракатланаётган танк колоннасига ҳужум қилиш ва уни бомбардирмон қилиш топшириғи юклатилди.

Бу авиация тарихида ИЛ-2 самолётларининг илк жанговар парвози эди. Ҳарбий фронт таркибида жанг қилган ушбу полк янги турдаги ИЛ-2 самолётлари билан тўла таъминланган ва душманнинг “Марказ” йўналиши frontiда унга қарши тура олган ягона авиация полки эди.

1941 йил 2 июль куни полк душманнинг Рогачев-Бобруйск йўналишида ҳаракатланаётган механизация ва моторлаштирилган қисмларига қарши жанглар олиб борди. Жанговар топшириқни бажариб қайтаётган вақтда лейтенант М. Шокиржонов самолётдаги носозлик сабаб Криволосье ҳудудида қўнишга мажбур бўлди. Бу кейинчалик авиацияга оид тадқиқотларда авария ҳолатидаги ИЛ-2 самолётини илк бора беталафот қўндириш, дея эътироф этилди.





ВСТУПИЛ НА СЛУЖБУ В РККА 19 Октября 1935 г.

Преступлений Красной Армии в плене

Наименование части	Наименование должности	Г о д	Месяц и числа	Чей приказ	№
Военная часть 6742		1935	май		
САВО Наманганский	Красноармеец	1936	май		
7167 Шакиржанов	Курьер	1937	7-1		
Военная часть 6754 САВО	Взводный	1937-38	7-10		
Военная часть 6734 САВО	Взводный	1938-39	10-11	САВО	1001
Военная часть 6734 САВО	Взводный	1938-39	11-1	НКО	00271
Военная часть 5356 КВО	Взводный	1939	1	САВО	00271
	Взводный	1938	10-10	НКО	00271
	Взводный	1934			
	Взводный	1934			
	Взводный	1939	11-11	САВО	00271
	Взводный	1940	11-4	САВО	00271
	Взводный				
	Взводный				
	Взводный				
	Взводный				
	Взводный				
	Взводный				



1935  
10/14

Имя, отчество: Шакирджанов Мухаммаджон

3. Национальность: Узбек

4. Язык: Узбекский-русский

5. Место рождения: Ташкентский

6. Политическая принадлежность: Член ВЛКСМ с 1930

7. Социальное положение и происхождение: Рабочий

8. Профессия (специальность): Электромонтер

9. Семейное положение: Женат

10. Гражданское образование (высшее учебное заведение): Без высшего образования

11. Высшее образование (до и после войны): Не участвовал

12. Партизанское образование: Не имеет

13. Награды: № 558 00271

14. Раны или контузы: № 5551

15. Почетно-революционные награды: Не имеет

Мухаммаджон Шокиржоновга юритилган ҳисобга олиш карточкаси.  
 Ҳужжат Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги Марказий архивида сақланади



СССР-НКО  
У-Ц

копия

мехобомбардир.  
авиополк  
21.8.41г.

**Извещение № \_\_\_\_\_**

Ваш Л-т Шакирджанов  
муж, сын, брат, военное звание  
Мухамеджон  
фамилия, имя и отчество

в бою за Социалистическую Родину,  
 вверенный воинской присяге, проявив героизм, был не вернувшись  
с боевого задания 11/VI-1941г.

похоронен \_\_\_\_\_  
 место похорон \_\_\_\_\_

Настоящее извещение является документом для возбуждения ходатайства о пенсии (ПРИКАЗ МО СССР № 220)

Командир в/ч. Ч.Ш.А.П. - Военком Г. Рябов /  
Полит.ком.

Начальник штаба майор Г. Катухов

Рязань 21.8.41г. Белый

Муҳаммадҷон Шоқирҷонов жанговар топшириқдан қайтмагани тўғрисида унинг оила аъзоларига юборилган қорахат



Июль ойи бошларида, аниқроғи, 4 июль санасига келиб, полк катта талафотлар кўрди, шахсий таркиб учувчиларидан 20 киши ҳалок бўлди, 36 самолёт йўқ қилинди. Шунга қарамасдан, полк Ғарбий фронтдаги энг жанговар қисмлардан бири бўлиб қолди.

Полкка ғоят қийин жанговар топшириқлар юклатилар эди. Душманнинг Березина дарёси қирғоқларидаги 9 та кечув нуқтаси йўқ қилинди ва бу фашистларнинг олдинга силжишида катта қийинчилик туғдирди.

4-ҳужумкор авиаполк жанговар ҳаракатлари журналини ўрганиш жараёнида Муҳаммаджон Шокиржоновга оид сўнгги маълумотлар 1941 йилнинг 11 июль санасига тегишли экани маълум бўлди. Шу кунни полк Смоленск йўналишидаги жангларда Гановка аэродромидан душманга қарши жанглар олиб борди. М. Шокиржонов қўмондонлик томонидан берилган жанговар топшириқни шараф билан адо этиб, аэродромга қайтиб келди. Берилган жанговар топшириқни бажариш учун куннинг иккинчи ярмида, бағрида ўзбекнинг ботир ўғлонини олиб яна бир бор ҳавога кўтарилган самолёт парвоздан қайтмади.

СССР Қуролли Кучлари Кадрлар Бош бошқармасининг 1948 йил 21 июлдаги 0181/пр-сонли буйруғига биноан, Муҳаммаджон Шокиржонов Ғарбий Ҳаво Кучлари офицерлари таркибидан чиқарилди. Тошкент шаҳар ҳарбий комиссарлигига,

унинг оила аъзоларига, онаси Башорат опа Аҳмедовага ва турмуш ўртоғи Зоя Григорьевна Шокиржоновга 4-ҳужумкор авиаполк учувчиси лейтенант Муҳаммаджон Шокиржонов 1941 йил 11 июль кунни жанговар топшириқдан қайтмагани ва бедарак кетгани тўғрисидаги қорахатнинг нусхасини етказиш тўғрисида кўрсатма берилди.

Орадан қарийб 7 йилдан ортиқ вақт ўтганидан кейингина ўз жигарпорасининг, яқин инсонининг аянчли тақдири тўғрисидаги машъум хабарни қўлга олган оила, етим қолган икки фарзанд дардига ушбу бир парча қоғоз, ундаги совуқ жумлалар малҳам бўла олармиди!

Ҳозирги кунда Муҳаммаджон Шокиржонов хизмат қилган 4-ҳужумкор авиаполк учувчилари шахсий таркибининг фарзандлари ва авлодлари томонидан Беларусь Республикасида уларнинг хотирасини абадийлаштириш бўйича бир қанча ишлар олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, ушбу авиаполк урушнинг биринчи кунлариданоқ Беларусь осмонида мардонавор жанглар олиб борди, шахсий таркибининг қарийб ярмисидан кўпи ана шу замин учун жонларини фидо этди.

Беларусь Республикаси жамоатчилиги ва “Авиагруппа 122” қидирув гуруҳи аъзолари саъй-ҳаракати билан полк учувчиларининг номлари тикланди, уларнинг рўйхати шакллантирилди, Муҳаммаджон Шокиржоновнинг номи ушбу рўйхатда 30-рақам остида қайд этилди.

**Зебо ХОЛБОЕВА,**  
*“Шон-шараф” давлат музейи ходими*






**ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ  
МОСКВА УЧУН  
ЖАНГЛАРДАГИ  
ЖАСОРАТИ**

## Тўйчи ОДИЛОВ

(1920–1973)



Ўрта Осиёда тузилган 316-ўқчи дивизия ва унинг таркибидаги 1075-ўқчи полк жангчиларининг Москва мудофаасида, айниса, 1941 йилнинг 16 ноябрида Волоколамск йўналишида, Дубосеково разъезди атрофида кўрсатган жасорати қахрамонлик рамзи бўлиб қолди.

Бу дивизия таркибида жанг қилган ўзбекистонликлар орасида Тўйчи Одилов ҳам бор эди.

Тўйчи Одилов 1939 йили Тошкент шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган, уруш бошланган вақтда у Тошкент пиёдалар билим юртида таҳсил олаётган эди.

Июль ойида билим юртини тамомлаган ёш жангчи 170 дан ортиқ битирувчилар қаторида янги тузилаётган 316-ўқчи дивизия ихтиёрига юборилади. Катта лейтенант Т. Одилов дивизия таркибидаги 1073-ўқчи полк 1-батальон 2-рота 3-ўқчи взводига командир этиб тайинланади.

Дивизиянинг артиллерия полки командири Георгий Курганов “Панфиловчилар–ўзбекистонликлар” китобида Тўйчи Одилов номини бир неча бор қайд этган. Хусусан, 1941 йил 14 октябрь куни Волоколамск йўналишида бўлиб ўтган жангларда Т. Одилов бошчилигидаги взвод юксак жасорат намунасини кўрсатгани алоҳида таъкидланган.

15 октябрнинг қировли тонгида Т. Одиловга йўлдаги кўприкдан биронта ҳам фашистни ўтказмаслик топшириғи берилади. Агар гитлерчилар бу кўприкдан ўтса, Волоколамск йўлига чиқиб, мудофаани ёриб ўтиши мумкин эди.

Ниҳоят, душманнинг бир неча танки кўприк олдида тўхтади. Фашистлар кўприкни минасизлаштиришга ҳаракат қилади. Т. Одилов снайперларга топшириқ беради ва душманнинг тўрт сапёри кўприкнинг ўзида йўқ қилинади.

Бу орада бошқа бўлинма командири С. Муротов ва жангчи К. Жуков душман танкларига яқинлашиб, гранаталар ва ёнувчан аралашмали бутилкалар ташлашга муваффақ бўлади. Натижада душманнинг уч танки ишдан чиқади, қолганлари ортга қайтиб кетади. Гитлерчилар бу кўприкка бошқа яқинлашмайди.

Жангда енгил ярадор бўлган Тўйчи Одилов кўрсатган мардлиги ҳамда ўз бўлинмасини муносиб бошқаргани учун дивизия кўмондони, генерал-майор Иван Панфиловнинг ташаккурномасини олди.

17 ноябрда 316-ўқчи дивизия Қизил Байроқ ордени билан мукофотланади. 18 ноябрь куни эса 8-гвардиячи ўқчи дивизия сифатида қайта ташкил этилади. Афсуски, шу куни генерал-майор И. Панфилов миномёт минаси парчасидан ҳалок бўлади.

Жанглар шиддат билан давом этаётган бир паллада, яъни 23 ноябрь куни Тўйчи Одилов взводи билан қарши хужумга ўтганида оғир ярадор бўлади.





*Тошкент пёдалар билим юртида тахсил пайтида. 1940 йил*



*Манжуриянинг Чан-чунь шахрида.  
1945 йил сентябрь*

Гвардия катта лейтенанти Т. Одилов Тошкентдаги госпиталда узоқ муддат даволанади. 1945 йили у яна жанговар сафга қайтади ҳамда Манжурияга бориб, япон милитаристларига қарши жангларда иштирок этади. Т. Одиловга 1947 йили СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан “Жасурлиги учун” медали топширилди.

У фаолиятини ички ишлар ва хавфсизлик ташкилотларида, кейинроқ Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институтида давом эттиради. Т. Одилов юридик фанлари бўйича 1964 йили номзодлик, 1970 йили докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

**Мухтор НАЗИРОВ,**  
*фалсафа доктори (PhD)*



## ИНОҒОМ АКРОМОВ

(1915–1942)



Уни урушга сафарбар этишганида 26 ёшда бўлиб, унаштирилган, тўйига тайёргарлик кўраётган эди...

Иноғом Ақромов 1941 йилнинг июль ойида Тошкент шаҳрида тузилган 44-кавалерия дивизияси таркибида фронтга юборилди. У жанговар йўлини дивизия таркибидаги 35-отлик-артиллерия дивизионида алоқа взводи командири ёрдамчиси сифатида бошлади.

1941 йил 18 ноябрь куни Утешево қишлоғи атрофида батареянинг бошқарма взводи қуршовда командирсиз қолади. Асосий кучлар бошқа позицияларга кетиб бўлган бир пайтда И. Ақромов ташаббусни ўз қўлига олиб, взводни айланма йўллар билан олиб ўтади ва йўқотишларсиз батареяга қўшилишига муваффақ бўлади. Взводнинг моддий қисмлари ҳам тўлиқ сақлаб қолинади.

Иноғом Ақромов ўз бўлинмаси билан Мартиново-Шапкино учун жангларда душ-

ман ҳужуми остида кузатув пункти ва батареянинг Кривцово яқинидаги позицияси ўртасида алоқани тезликда таъминлайди. Бу эса батареяга тўхтовсиз ва самарали ўт очишга имкон берадики, душман Шапкинодан қоча бошлайди.

Моҳир жангчи 1941 йилнинг 1–6 декабрь кунлари Крюково қишлоғи учун кечган жангларда ҳам батареянинг оловли нуқтаси билан кузатув пункти ўртасидаги алоқанинг узилишларсиз бўлишини таъминлашга эришади. Шахсан ўзи бир неча бор миномётлар ва автоматчиларнинг қақшатқич олови остидан чиқиб алоқани тиклайди.

И. Ақромовнинг жангчилар ўртасида ҳурмати баланд эди. У ҳар бир жараёнда бутун бўлинмага намуна бўлиб, бошқаларни ўз ортидан эргаштирарди. Шу боис 1942 йилнинг бошида 3-батареянинг бошқарма взводи командири ёрдамчиси этиб тайинланади.

1942 йилнинг 20 мартда катта сержант И. Ақромов “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланди.

1942 йилнинг апрелида 44-кавалерия дивизияси тарқатилиб, унинг таркиби бошқа дивизияларни тўлдириш учун тақсимланади. И. Ақромов 7-гвардиячи кавалерия дивизиясининг 7-гвардиячи отлик-артиллерия дивизиони 3-батареяси бошқарма взводи командири ёрдамчиси бўлиб хизматни давом эттиради.

1942 йилнинг 8 октябрь куни, соат 6:45 лар атрофида 3-батареянинг хўжалик бўлинмаси жойлашган ер ўпирилиб, гвардия катта сержанти И. Ақромовни босиб қолади. Фалокатнинг сабаби, марказий тўсин тупроқ оғирлигини кўтара олмаганида эди. У билан бирга бўлган беш жангчи омон қолади.

Кўплаб аёвсиз жанглардан, миномёт ва артиллерия оловидан омон чиққан Иноғом Ақромов, таассуфки, мана шу фалокат туйфайли ҳалок бўлади. Бу воқеа Смоленск



вилояти Думиничи туманининг Воймирово қишлоғи яқинида, қишлоқнинг жануби шарқидан 1200 метр ўрмон ичкарасида юз беради.

Бугун Иноғом Ақромовнинг ёрқин хотираси ва кўрсатган жасоратлари унинг авлодлари қалбида яшамоқда. Улар

Иноғом Ақромов қабрини бир бор бўлса-да, зиёрат қилиб, ҳурмат бажо келтириш илинжида. Афсуски, фалокат жойи маълум бўлса-да, яқинларининг Иноғом Ақромов қабри ҳақида маълумот сўраб юборган мактубларига ҳанузгача жавоб келгани йўқ.

**Феруза УСАРОВА,**  
сиёсий фанлар номзоди, доцент

449

*Наградной лист*

*фамилия, имя и отчество Ақромов Иноғом.*

*Военное звание Старший сержант*

*Должность и место Ком. взвода Управ. 9. Сайарей 35. ПАВ. УУ. КР.*

*Представляется к награде орденом «За отвагу»*

- 1. Год рождения 1915 г.*
- 2. Национальность Узбек*
- 3. С какого времени состоит в Красной армии 1941 г.*
- 4. Партийность Нет. ВКПб.*
- 5. Участие в боях (где и когда) Сентябрь-октябрь 1941 г. На западном фронте.*
- 6. Имеет ли ранения и контузии Нет.*
- 7. Чем ранее награжден (за какие отличия) Не награждался*
- 8. Качим Р.В.К. призван Советский РВК. сор. Магистр.*
- 9. Постоянной домашний адрес представляемого к награждению или его семьи*

*I. Краткое, конкретное изложение личного боевого подвига или заслуг.*

*Во время Отечественной войны за период боевых действий с немецкими оккупантами, будучи командиром отделения связи не только проявил себя мужественным, отважным и находчивым командиром. 18 ноября 1941 года в районе села Утешино взвод управления Сайарей. выполнял боевую задачу в окружении противника, на наблюдательном пункте когда основные силы сжег.*



на другие позиции, п. Акрамов проявил инициативу и вывел взвод без-  
попечно охваченный турками и соединившись с байсарей сохранив полностью  
майданский взвод.

Во время боя за поселки мартовского участка п.в. Акрамов с своим  
отделением под турецкими огнем продвижения инометельного и  
артиллерийского дивизиона обеспечил связь наблюдательного пункта  
с огневой позицией байсарей в р-н Кривуво и благодаря бесперебойной  
связи с ним байсарей был полностью действенным, и под противник  
бежал из Цанкина.

В период боя за поселки Кривуво п.в. Акрамов с 1 п.в. декабря  
1941 года обеспечил бесперебойную связь КП с ОП. Благодаря байсарей  
лишь не однообразно под турецкими огнем инометельных и артил-  
лерийских воинов выжила связь убивая за собой оружие, тем самым воз-  
можность лучшей корректировке огня байсарей.

В боях и полевых условиях п.в. Акрамов считался  
как инициативный командир подразделений боевыми уважением  
среди своих подчиненных. Поощрял командир байсарей выдвигать на  
должности помощника командира взвода урядовцев Байдарен.

Командир 35 КД



Звание  
Февраль " 1942 г.

Чл. штаба  
д. лейтенант  
д. Фурцирова

Военком 35 КД

Ст. политрук Мамедов

Иноғом Акрамов муқофотга тавсия этилган тақдирлаш варақаси



## ФРОНТ БҮЙЛАБ



## ОЙБЕК

(1905–1968)



Фашистлар ҳужуми бошлангач, газетада шоирлардан биринчи бўлиб Ойбекнинг “Ёвга ўлим!” шеъри эълон қилинди. Адибнинг ўзи ҳам ҳарбий комиссарликка бориб, уни фронтга кўнгиллилар қаторида жўнатишни сўрайди. Аммо уни юборишмайди, кейинроқ “бронь” берилади.

Матбуотда эса унинг сафарбарлик руҳидаги “Зафар бизники”, “Йигитларга”, “Ватанни сев” каби шеърлари босилади. 1941 йилнинг кузидаёқ Ойбек босқинчиларга қарши курашган қаҳрамон – Маҳмуд Торобий ҳақида драматик дostonни ижод қилди.

Фронт ортидаги ҳаёт эса кундан-кунга оғирлашиб борарди. Адибнинг фарзандлари ўша вақтда 9, 6, 4 ва 2 яшар эди. Нон карточка билан берила бошланган, рўзғорда оғир қийинчиликлар пайдо бўлган эди.

Адибнинг умр йўлдоши, таниқли кимёгар олима Зарифа Саидносированинг хо-

тирлашича, ўша шароитда улар бир чора топгандай бўлишади. Уйларидаги катта гиламни сотиб, қўй олишади. У қўзилагач, қўйни қўзиси билан сотиб, ёнига етмаган пулни қўшиб, сигир олмоқчи бўлишади. Аммо бу орада сутли сигир бир ҳовлининг пулигача кўтарилиб кетган эди.

Улар бошқа йўллари қидиришади, уйдаги бирон қийматга эга нарсаларни озиқ-овқат маҳсулотларига алмаштиришади. Биргина З. Саидносирова ўзининг гавҳар тошли исирғасини 16 шиша зиғир мойига алмаштириб келади.

Бу каби ташвишларни адибнинг умр йўлдоши шундай ёдга олади:

*“Очликдан ўзимиз ҳам, болаларимиз ҳам ўлмаслиги учун нималарни қилмадик...”*

*Ойбек ана шундай мушкул бир шароитда “Навоий” романини ёзиб тугатди.*

*Электр йўқ – ҳануз бизга келиб етмаган. Ўтин-кўмир йўқ – печ ёқолмаймиз. Бир қоп, ярим қоп кўмирни амал-тақал қилиб топамиз. Сандалда ўтириб кун кўрамиз. Баъзан қоп кўтариб, Ойбек кўмир излаб кетади. Уй совуқ бўлганидан болалар, кўпинча, сандалга тиқилиб, ухлаб қоладилар.*

*Бир кеча, ёдимда, Ойбек ёзиб ўтирарди. Мен ҳам ёзибми, ўқибми, ўтирибман.*

*– Зарифа, қорним оч, жуда очикдим, – деб қолди Ойбек.*

*Мен нима дейишни билмайман, индамадим, жавоб қилолмадим. Негаки, уй қуп-қуруқ эди.*

*– Бирор нарса йўқми? – сўради Ойбек.*

*Ўрнимдан туриб, шкафни ахтардим. Хужрадаги хурмача, халталарни текширдим. Бир ҳовуч йирик кепак, бир-икки қошиқ шакар топдим, сўнг хурмачанинг тагини сидира-сидира бир қошиқ ёғ олдим. Примусда кепакни қовуриб, сўнг унга шакар аралаштириб, дастурхонга тортдим. Билмадим, бу қандай таом бўлди экан?*





*Ойбек умр йўлдоши, биринчи ўзбек кимёгар олимаси  
Зарифа Саидносирова билан бирга. 1955 йил*

*Ойбек ҳазратлари номи менга ҳам номаълум бўлган бу таомдан бир-икки марта қошиқ учидан олган бўлди. Сўнг “Сен ҳам егин”, деб мени қистади.*

*– Йўқ, очикмадим. Ўзингиз ея беринг, – дедим унга.*

*Менинг ҳам қурсоғимда ҳеч нарса йўқ, фақат қаноат бор, холос.*

*Ойбек озгина еди. Озгинасини қолдириб, деди:*

*– Эрталаб болаларга берарсан.*

*Менга боқиб жилмайди-да, тағин ёзувга киришди. Билмадим, бемазаликдан ея олмадимми ёхуд болаларга илиниб, томоғидан ўтмадимми?..*

*Кўп ўтмай, 30-йилларда бўлганидек, ёпиқ дўконлар ташкил этилди. Қўлимизга дафтарчалар берилди. Ишдан чиқиб, тўғри дўконга югураман... Дўконда картошками, лавлагими, павидломи – нима берса-да, суюниб оламан ва уйга – уясида чуғурлаб, бўйинларини чўзиб ўтирган қуш болалари каби – бизни кутаётган фарзандларимиз олдига югураман”.*

Кейинроқ, Ойбек фронтга кетганида, оила ҳукумат дўконига бириктирилади ва хонадон рўзғори “хийла тузук” бўлиб қолади.

Зарифа Саидносирова Ойбекнинг 2-ўзбек бадий бригадаси таркибида Москва остонасидаги дивизияларга, Фарбий фронтга юборилишини шундай хотирлайди:

*“1942 йил декабрининг бошларида Ойбек бир тўда артистлар билан бирга фронтга жўнади. Биз вокзалда хайрлашиб қолдик. Улар Москва остоналарида жанг қилаётган ўзбек аскарлари билан учрашувлар ўтказишлари ва уларга совға-салом олиб боришлари керак. Ойбек Ватан уруши фронтларида курашаётган ўзбек жангчилари тўғрисида роман ёзмоқчи бўлгани учун фронтга суюниб жўнади”.*

Адиб “командирлар билан олдинги жабҳаларга ҳам бориб, урушнинг оташ нафасини, ўқлар учишини, замбараклар гумбурлашини, самолётлар зарбидан ҳавонинг қалтирашини кўради, лекин ўзини бригадага боғлиқ сезганидан эркинлик устаб, фронтни му-





10/18/44

Хөрмәтле шәһәр-академик Айбек!

Профессор Табрихан Сәгъитов динче буенча,  
 сез укыгыз ишади Әлидрез Жомлаевтан,  
 "Наваи" исеме бик динчәле маузуга  
 кызыктыңыз роман язма икәнсе. Ләкин шуңа  
 роман басылмагыз уккан икән. Мәдәсәрки  
 шуңа бер нәхәсәт профессор Сәгъитов алып  
 кино алыгыз. Без сезнең үч дәрәҗә белән  
 бик котузаксыңыз. Мәлихан бикә һәм кызыңыз  
 артык бер нәхәсәт булса шуңа безгә Жомлаевтан

Ишәди дүстәрдә: Кави Нажми

Татар ёзувчиси Қави Нажми "Навоий" романи чоп этилганини эшитиб,  
 Ойбекка китобдан бир нухса юборишни сўраб йўллаган мактуби



каммал ўрганиш учун 5 февралда Москвадан рухсат олиб, қайта фронт оралаб танҳо кетади. Кейинчалик ёзилган “Қуёш қораймас” романи учун материал ана шундай тўплана бошлаган эди”.

Шоир фронт бўйлаб юрар экан, Ўрта осийлик жангчиларнинг қаҳрамонликларини эшитади, уларга бағишлаб, самимият ҳисси билан шеърлар битади.

Адиб шеърларнинг кўпини 4-5 дақиқада ёзган ва уларнинг барини ҳам “*даҳшат тўла ғалвали уруш шароитида*” кундаликка қайд этмаган. Сабаби, шеърлар митинг ё суҳбат давомида ёзилиб, қаҳрамон жангчиларга тақдим этилган.

Умуман, Ойбек уруш муҳитини, инграган қишлоқларни ўз кўзи билан кўриб, таъсирланади. Ўшалаҳзаларда “Изсиз қишлоқ”, “Жангчининг юраги”, “Йиғи келмайди сира” каби ўнлаб шеърларни ижод қилади.

Фронтдан қайтган адиб 1943 йилнинг 7 апрелида “Қуёш қораймас” романини ёзишга киришди. Ўша йилнинг 1 майида “Қизил Ўзбекистон” газетасида янги романдан парча эълон қилинди.



*Ойбек умр йўлдоши З. Саидносирова ва фарзандлари Бекжон, Суюнбек, Гулранг билан бирга. 1947 йил, май*



*“Навоий” романининг биринчи нашири.  
1944 йил*



*“Қуёш қораймас” романининг биринчи нашири.  
1959 йил*



“Фронт бўйлаб” кундалигида қайд этилган “қаҳрамонлар орасида “Қуёш қораймас” романидаги Бектемир образига прототип бўлган ўзбек жангчилари ҳам бўлгани, шубҳасиз. Эҳтимол, Ойбек Икромжон Тошматовдан ҳам Бектемир образи учун нима-нидир олган”, деб таъкидлаган эди З. Саидносова.

Роман билан бир қаторда, адиб ўша вақтда “Шонли йўл” киноповестини ёзган. Киноповестнинг ҳам бош қаҳрамони – Бектемирдир. Албатта, у ўзбек жангчиларининг умумлашма образидир.

Шу билан бирга, аниқланишича, Бектемир образини яратишда Сталинград учун бўлган жанглар иштирокчиси, лейтенант Қурбон Ўлжабоевнинг қаҳрамонликлари “озми-кўпми роль ўйнаган”. Ойбек у билан 1943 йилда икки жанговар дўсти билан биргаликда фронтдан ўзбек халқининг мактубига жавоб хатини топшириш учун келган пайтида суҳбатлашган эди.

Уруш йилларида Ойбек ижодий фаолияти сермахсул бўлди. Аввало, 1942 йили “Навоий” романини тамомлади, асар 1944 йили чоп этилди. “Навоий” романи учун адиб 1943 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси бўлди, академиянинг ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишини бошқарди. Эълон қилинган ўнлаб мақолалар, шеърлар қаторида “Қуёш қораймас” романини ёза бошлади. “Маҳмуд Торобий” достони асосида композитор Олесь Чишко ишлаган опера 1944 йилда Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида қўйилди.

Қуйида Ойбекнинг жанггоҳлар оралаб ёзилган “Фронт бўйлаб” кундалигидан парчалар эълон қилинмоқда.

Бу сатрлар ортида, Ойбекнинг умр йўлдоши таъкидлаганидек, “ўша, оғир уруш йилларида кўрилган, ҳис этилган, ҳаяжонлантирган нарсалардан хотира” намоён бўлади.

*Йиғи келмайди сира,  
Ғазабдан қақраган кўз.  
Бу йўлларнинг яхидек  
Лабимда қотибди сўз...*

*Қошлар, киприклар қирон –  
Юраман ҳушсиз, ҳайрон.  
Қорним оч, эсга келмас  
Халтамдаги ғиштдек нон...*

*Куйган уйларда увлар  
Қиш қуюни бетиним.  
Танҳо кезаман. Йиғлар  
Юрагимда Ватаним...*



## ФРОНТ БЎЙЛАБ


### ҚУЛИКДАН КЎРА ЎЛИМ АФЗАЛ!

Бутун дунёга ҳокимлик қилиш каби бемаъни, тугуриқсиз хаёлга берилган қон-хўр Гитлернинг миллион-миллион малайлари ҳар ерда ажал ва очликнинг машъум ўроғи, вабонинг қора бўрони билан ҳаётни поймол қилмоқдалар. Гитлерчиларнинг кирдикорлари, манфур ҳаракатлари олдида ҳатто кўзига қон қуйилган ҳар қандай жаллод ҳам зил кетиб қалтирайди, юрак тоши ёрилиб кетади.

Гитлерчилар ёнғин ва кул, қон ва дор, талон-тарож ва зўрловчиликдан завқланувчи бир тоифа ваҳшийлар эканларини бутун кишилик дунёси олдида очиқ-ойдин кўрсатдилар. У, ит эмганлар, оналарнинг кўкраklarини кесадилар. Гўдакларни оловга отадилар. У падаркушлар беозор чолларнинг оқ соқолларини қонга белейдилар!


Гитлерчилар кирган жойларда қуёш йўқ, ойдинли тун йўқ, боғ йўқ – чаман йўқ. Дарддан қовжираган ерда ҳаёт инграйди. Ҳавода бўғувчи дуд бор, холос...

Кўлда қурол кўтариб фронтларда фашист газандалар билан олишган ўзбек йигити ўз халқининг эркин ҳаётини, номусини, одамгарчилигини қўриқлайди... Ўзбек халқининг ҳар томчи қони, ҳар томчи тери ҳаётда энг қимматли, энг муқаддас нарса учун – эрк ва номус учун тўкилади...



*Вокзалда бир парча нонга алмашиб олинган блокнот ва иккинчи кундалик муқоваси*





Фронт кундаликларидан саҳифалар

1942 йил, 6 декабрь. Кундуз соат бирларда иккинчи ўзбек бадиий бригадаси Москвага келдик. Биз 16 киши эдик...

Вокзал залида шу блокнотни бир парча нонга алмашиб олдим...

13 декабрь. Қечқурун машинага ўтириб, Шчелково деган қасабага келдик. Бу Москвадан ўттиз-ўттиз беш километрлик масофада. Бунда ҳаво десант полки жойлашган экан. Бизларни командирлар қарши олиб, дарров овқатлантирдилар. Москвага келганимдан буён ёлғиз шу ерда тўйиб овқат едим.

Соат саккизларда клубга жўнадик. Қоронғи, майда қор учқунламоқда. Бизни клуб олдида Ўрта осиелик йигитлар – ўзбек, қозок, тожик, қорақалпоқлар саф тортиб кутиб туришган экан. Улар бизни кўришлари билан: “Биродарлар, келинлар! Соғмисизлар? Йўқлар экансизлар-у бизларни ҳам! Раҳмат!” – деб қарши олдилар. Ҳаяжон ва самимият билан кўришдик.

Клубнинг катта залига кирдик. Қадам ташлаб бўлмайти – ғиж-ғиж аскар курсантлар. Деярли ҳаммаси Ўрта осиеликлар. Ҳаммаси ғайратли ўспиринлар. Шодлик ва ҳаяжоннинг чеки йўқ. Гўё биз уларнинг туғилган жойининг ҳавосини, ота-оналарининг, ёр-дўстларининг меҳрини келтиргандик.

Ҳаммаси кўришмоқ, гаплашмоқ истайди, шошиб қоласан. Ўн беш минутга қадар ҳар ер-ҳар ерда қалин қуршалган ҳолда суҳбатлашдик...

16 декабрь. Қор тушди. Совуқ шиддатланди. Кечқурун Москвага қайтдик. Госпиталга фронтдан яраланиб қайтган Зебони кўриш учун бордик. Аҳволи оғир экан, яқинда Андижондан онаси келибди. Зебо гоҳ ўзбекча, гоҳ русча гапириб кетди. Аниқ, шўх, таъсирли сўзлайди. Фронтда кечирган кунлари ҳақида қизиқ нарсалар айтиб берди. Санъатни севган, саҳнада донг чиқаришга интилган бу қизчадаги жасорат чиндан ҳам ҳар қандай кишини ҳайратлантиради.



Зебо армияга кўнгилли ёзилган. Аксари ўзи каби кўнгиллилардан иборат бўлган бир қисм билан фронтга, Шимолий фронтга борган.

Уни кўпинча қоровулликка қўйганлар, қизғин жангга қўймаганлар, разведкага юбормаганлар. Зебо бундан хуноб бўлади. Ниҳоят разведкага боришга муваффақ бўлади у. Тўрт немисни отиб ўлдиради.

Қоронғи, ёмғирли бир кечада ёш бир командир билан бирга Зебо тепаликни мудофаа қилади. Пулемётдан отиб, немислар атакасини қайтаради қиз.

Кичик бир гуруҳ билан қишлоққа ҳужум қилинганда, командир ўлади. Зебо командани ўз зиммасига олиб, жангчиларни олға элтади ва қишлоқни немислардан тозалайди.

Яна бир қишлоқ учун бўлган ҳужумда унинг қисми кўп талафот кўради. Атрофдагиларни ҳам жангга соладилар. Улар қўрқиб, орқага қочадилар. Зебо ҳар ёнга югуриб, қочувчиларни тўхтатишга тиришади. Унинг ўртоғи, пулемётчи рус қизи шу жангда ўлади.

Зебони қиш кунини бир фин лижада қувади. Тирик асир олмоқчи экан. Зебога яқин қолганда, совет солдатлари келиб қолади.


Зебонинг фронт хотиралари жуда мароқли. У билан яна алоҳида сўзлашмоқ керак.

Зебо орденларини кўрсатди. Қизлардан ашула айтиб беришларини сўради. Ёш ашулачилар паст овоз билан – госпиталда куйлаш мумкин эмас – ўзбек ва озарбайжон қўшиқларидан айтиб бердилар.

Мен эсам Зебога атаб ёзган шеъримни ўқиб бердим...



*Зебо Ғаниева. 1942 йил*



*Ойбек умр йўлдоши З.Саидносировага юборган телеграммаси. 1942 йил 20 декабрь*



23 декабрь. Нонуштадан кейин ченаларга ўтириб, полк штабига жўнадик. Йўл хавфсиз эмас, немислар бу йўлни узоқдан гоҳ-гоҳ ўққа тутар эканлар. Лекин ҳеч кимда қўрқув андишаси йўқ. Йўлдан нарироқда, қор остида дзотлар қаторлашган...

Оғир булутли само гоҳ-гоҳ гумбурлаб кетади – қаердадир снарядлар ёрилмоқда. Қор билан кўркамлишган ўрмонни “Ура!” садоси қоплайди, жангчилар ва командирлар бизни қаршилайдилар. Учрашув онларидаги ҳаяжон ва қувонч таърифидан тил ожиз.

Олдинги жабҳадан келган милтиқли, автоматли, қалин кийинган жангчиларимизнинг жангларда, изғиринларда чиниққан, қорамтир, жиддий юзларида бирдан нурли табассум тошиб кетди. Қайта-қайта кўришдилар. Ҳол-аҳвол сўрашиб, таниш-билишларини йўқладилар. Туғилиб ўсган ерларига бўлган бутун муҳаббатлари кўзларида ёнди. Ўзбекистонни кўргандек бўлдик дейишди.

Жангчиларга совғалар берилди. Ўзбеклар талашиб-тортишиб олишди. Олма қоқиларни дарров чайнай бошлашди...

Мен қоронғи ертўлада йигитлар номидан Ўзбекистондагиларга хат ёздим ва ўқиб бердим:

“Азиз ота ва оналаримиз! Ватанимизнинг қувноқ ҳаёти, шараф ва номуси учун марди майдон бўлиб душманларни яксон эт, деб қўл очиб фотиҳа бердингиз.

Амин бўлингизки, биз ўғилларингиз, сизнинг талаб ва орзуингизни сидқидил билан бажармоқдамиз ва бажаражакмиз. Биз ҳеч вақт юзингизни қизартрмаймиз, ор ва номусингизга қитдай бўлсин доғ туширмаймиз, қаддингизни ҳам қилмаймиз.

Сафимизда довюрак азаматлар, ўлимдан қўрқмас ботирлар, ўқи хато кетмас ажойиб мерганлар кундан-кун кўпаймоқда. Ўнлаб-йигирмалаб немис босқинчиларини қирган Сайфохун Сатторов, Ғани Эргашев, Юсупов, Бижон Деҳқонов, Тойбоев, Шукуров, Қурбонали Мирзаев, Раҳмонов, Раҳимов сингари ботир фарзандлар билан фахрланишга ҳақлисиз...

Ўғилларингизнинг орзуси душманни тор-мор этиб, қучоғингизга қайтиш ва дийдорингизни кўришдир. Бизлардан кўнглингиз тўқ бўлсин. Жонажон юртимизга, сиз азизларнинг қучоқларингизга қаҳрамон бўлиб, ёруғ юз билан қайтармиз. Ғалаба кунни яқин!

Кўлларингизни ўпиб, ўғилларингиз: имзолар...”.

Янгийўл районидан келган бир йигит, Сайфохун Сатторов энг обрўли жангчилардан. У снайпер экан, тўққиз немисни отиб ўлдирибди. Ўнлаб немисни ўлдирган йигитлар анчагина...

Кечқурун полковник ва майор билан ченага тушиб, олдинги позицияга бордим.

Устимда оқ сурп кийим. Снаряд ва миналар тушиб турадиган йўллардан юриб, батальон команда пунктига бордик. Комбат ва бир неча автоматчилар билан олдинги чизиққа пиёда йўл солдик.

Ўрмонда ҳар ўн-йигирма қадамда қоровуллар туради. Ҳаммаси ўзбек эди. Ҳар бири билан кўришаман. Қисқача суҳбат қиламан. Ҳаммаси жангга тайёрликни билдиради, ҳужумга кирганда, ўзимизни кўрсатамиз, дейишади.

Йўл-йўлакай бир неча дзотларга кирдим. Дзотлар жуда иссиқ. Печга ўтинни аямайдилар.

Андижонлик Тўқсонбоев пулемёт нуқтасида туради. Командирнинг рухсати билан у жойидан чиқиб, мен билан гаплашди. Ўзбеклардан пулемётчи, автоматчи, миномётчилар кўп.





2-ўзбек бадиий бригадаси фронтда. 1942 йил

-10-

1942 йил, 6 декабрь. Кундуз соат Биф-  
ларода иккинчи ўзбек бадиий бригадаси  
Москвага келдик. Ёнз 15 киши Эдик:

Муртаммадашми Мирзаев - рубобчи,  
Шукурullo Ҳамдамов - ширмакдачи,  
СаидАшмов - зилежаакчи  
Соатқулов - кайчи  
Гамара Назарова - кўшиқчи  
Сора Самандарова - "  
Назрулло Якубов - "  
Муаззам Оминова - ўюкчи ва кўшиқчи  
Зайнаб Топтошова - ўюкчи  
Турсуннон Махмудова - "  
София Ҳудасева - кўшиқчи.  
Музаффар Мурзаев - администратор  
Засан Раҳимов - бригада раҳбарини, Ўзбекистон  
Коммунистлар партияси Комитетининг секретари.  
Ўйбек Шошмухамедов - ёзувчи.  
Вахсан Золида шу блокнинг  
Э.П. партия нонга олманиб олди.

Муртам Мирзаев - "

3. Саидносирова томонидан кирилл алифбосига ўгирилган китоб қўлёзмасининг саҳифаси. 1965 йил



Айрим хавфли жойлардан якка-якка бўлиб ўтдик ва траншеяга тушдик. Траншея чуқур – одам бўйидан баланд. Тор. Одим-одимда пулемёт нуқталари, постлар, мушоҳада пунктлари бор.

Жангчилар тунда ухلامас эканлар. Навбат билан постда туришар, бўшагач, блиндажда дам олишар экан.

Блиндажларда чироқ йўқ, жуда иссиқ, печка доим ёниб турар экан. Жуда кўп блиндажларга кирдик. Ўзбеклар билан бемалол ўтириб суҳбатлашдик. Тартиб-қоидаларни, ҳарбий билимни яхши эгаллаган йигитларимиз жуда сезгир. Полковник камтар, ҳар саволимга батафсил жавоб беради, олдинги чизиқ хусусиятларини эринмай тушунтиради.

Немис траншеялари етмиш-юз метр нарида. Айтишларига қараганда, баъзи жойларда немис траншеялари жуда яқин – йигирма-ўттиз метр экан. Уларнинг овозлари, бақирӣқ ва чақирӣқлари эшитилиб турар экан. Баъзан ўзаро сўкинишиб, “даҳанаки жанг” ҳам қилар эканлар. Гоҳ-гоҳ немислар ўзбек тилида ташвиқот юргизар эмишлар.

Кечаси соат бешгача траншеяларда юрдик. Роса чарчадик. Узоқдан отишма садолари келиб турди. Лекин биз юрган жойларда ҳеч қандай отишув бўлмади – шуниси чакки бўлди, холос, деб кулишдик. Полковник бошқа бир кун “шум” ясашга ваъда берди.

Батальон команда пунктига келиб, ченага ўтирганда, тинкам қуриб, сўзлашга ҳам мадорим қолмади. Тонг оппоқ оқарган эди...

24 декабрь. Олдинги позициядан яна йигитлар келди. Яна митинг, концерт. Сатторов Сайфоҳун бу кун икки немисни автоматдан отибди. У ови юришгани учун хурсанд. Дастлаб фронтга келиши ва у вақтги кечинма ҳам кайфиятларини айтиб берди. Милтиқ отишдан у қўрқар экан. Мен отган ўқ ҳам тегармикан, деб гумонсирар экан. Ҳозир эса бу снайпер пулемётнинг тилини ҳаммадан яхши билади.

Мен унга бағишлаб дарров бир шеър ёздим-да, кўпчилик олдида ўқиб бердим.

## ОФАРИН

Автоматинг қўлингда шаҳдам,  
Асл йигит, довюррак, ботир!  
Юрагингда юрт ишқи ҳар дам  
Шонли ишга сени чақирар!

Сен узган ўқ адашмас асло,  
“Овинг” кундан-кун баракали.  
Ёғдиравер душманга бало,  
Бургут йигит, ўзбек мергани.

Мард ўғилдан Ватан миннатдор,  
Элга бўлур ишларинг достон.  
Немисларга сендан дунё тор,  
“Раҳмат!” десин отанг – боғбон.

Сатторов беҳад суюнди.

Бугун отиш кучайди. Эртадан бошлаб ўрмон гулдурайди – пулемёт, тўп, миномёт садолари.

Кечқурун овқатландик. Сўнг ченаларга ўтириб, бошқа дивизияга жўнадик. Иссиқ ертўлада, тахта каравотларда ётдик...



27 декабрь. Эрта билан машинада бошқа дивизияга жўнадик. Ўн-ўн икки километр йўл босдик. Ёнган, хароб бўлган қишлоқлар, уйларни кўрдик. Дивизия штабида бизни яхши қарши олишди. Бу ердан бизларни тезда артполкка юбордилар. Катта ченаларда кетдик. Бепоев қорли далалар. Ҳайбатли қўш отлар елдек учди...

Артполкнинг клубида концерт берилди. Бу ҳам ер остида, лекин, каттароқ саҳначаси бир оз дуруст. Анчагина ўзбеклар йиғилди. Аксари тошкентлик. Жуда хурсанд бўлишди. Тасодифан, ота маҳалламда ёшликда мен билан бирга ўсган Қўчқор (Дадахоннинг ўғли) йўлиқди.

Аксар жангчилар оилаларидан хат олмаганликларидан шикоят қиладилар. Ўн ойлаб хат олмаганлар бор.

Бу ерда яхши ўзбек тўпчиларидан Ҳамдамов деган йигит ҳақида гапирдилар. Мен концерт вақтида, шовқин-сурон орасида тўпчи йигитга бағишлаб кичкина шеър ёздим.

Концерт охирида жангчилар номидан табрик учун Ҳамдамов сўз олди. Ўрта бўйли, юмалоқ, бақувват йигит. Қизиғи шундаки, у ўз нутқини “Берлингача борамиз!” деган жумла билан тугатди, менинг шеъримнинг охириги сўзлари ҳам “Берлингача бор!” эди.

Шеърни қаҳрамоннинг ўзига ўқиб бердим. Тўпчи хурсанд бўлиб қўлимни сиқди.

Фронтида самимият катта. Ўзбек фронтчилари ҳам ҳамма халқ намояндлари каби жуда тетик. Ўзбек куйлари ва айниқса, рақслари жангчиларнинг юрагидан зеркишни, зикликни кўтарди...

Похол устида ечинмай ётдик. Бир ҳафтадан буён кийим-кечак билан ётамиз.

29 декабрь, эрта билан ўқчи полкка жўнадик. Ҳаво очиқ, қуёш қорли далалар, ўрмонларни чарақлатади. Шовқин кўтариб борамиз. Ўқчи полкида шошилинч концерт берилди... Солдатлар орасида фарғоналик кўп яхши йигитлар бор. Ўн-ўн бешлаб душманни ўлдирганлар оз эмас...

Отлиқ разведкадан лейтенант Ражабов кўп воқеаларни айтиб берди. Ражабов дали-ғули, тоза қалбли, оловдай йигит. Ўлимни писанд қилмайдиганлардан.

Баъзи жангчилар “тил” тутмоқ мақсадида душман окопларига бостириб кирар, бундай вақтларда қисқа, лекин қайноқ жанг бўлар экан. Шундай чанг солишлар ҳақида кўп эшитдим...

30 декабрь. Ченаларда дивизия штабига келдик. Штаб ўрмон ичида. Кеча бу ерни душман роса ўққа тутган экан. Ёғочлар синган, шохлари майдаланиб ерга тўкилган. Олдинги чизиқдан келтирилган ўликларга ҳам узоқдан кўзимиз тушди. Урушдан нафрат қилади киши...

Бизни бошқа бир полк клубига юбордилар. Йўлда воронкалар кўп учради. Ҳаммаси янги, кечаги отишмадан. Душман яқин экан, айрим жойларда ченадан тушиб, якка-якка чопиб ўтилди. Қаёққа қарасанг, қабрларга кўзинг тушади...

Бу қисмда ўзбеклар жуда оз. Қозоқ, қирғиз, татарлар кўпроқ. Абдуллаев деган артиллеристни, Ризаев деган снайперни кўп мақтадилар. Улар ҳозир олдинги чизиқдан келмаганлар. Кечкурун дивизияга қайтдик...

31 декабрь. Армия штабига келдик. Энди фронтдан хийла узоқмиз. Бухоролик, тошкентлик болалар билан гаплашиб ўтирдик. Кеч соат тўққизда артистлар концерт бергани клубга кетишди. Бормадим – бугун мазам йўқ, шамоллаганман...



2 январь. Эрталаб очик юк машинага тушиб, бошқа дивизияга кетдик. Йигирма километрча йўл юрдик. Қор шиддатли ёғмоқда. Деярли ҳамма қишлоқлар бузилган. Ҳарбийлардан ўзга бирон киши учрамайди.

Бир қишлоқда тўхтадик... Хароб қишлоқдаги кичкина клубда митинг бўлди. Олдинги позициядан етмиш-саксонга ўзбек жангчилари келган. Ҳаммаси қуролли. Кўпларида автомат. Ораларида лейтенант ва сержантлар, беш-ўнлаб немисни ўлдирганлар, урушининг то биринчи кунларидан бошлаб олов ичида юрганлар бор.

Ёш, келишган йигитча – старший сержант Турдиев Абдуллажонга бағишлаб беш-ўн минутда кичкина шеър ёздим-да, митингда ўқиб бердим. Кейин унинг дафтарида кўчириб бердим. Сержант хурсанд бўлди...

Концерт вақтида бир тўп йигитларимиз билан гаплашдим. Яхши болалар. Ҳаммаси кўндан буён оилаларидан хат олмаганлар. Шундан бошқа ғамлари йўқ. Ўзбекистонни жуда севадилар.

Абдурахмонов – колхозчи ёш йигит, ёзги ҳужумда қатнашган. Тўртта ярадорни олов ичидан олиб чиққан. Йигитлар концертни қийқириқ билан томоша қилиб, қоронғида хайрлашиб, яна олдинги жабҳага кетишди...

3 январь. Бошқа полкка кетдик. Қор қалин. Бироқ, совуқ эмас. Ченаларимиз айрим ерларда миналанган жойлар бўйлаб юрди. Ўрмонга кирдик. Полк штаби шу ерда экан. Қоронғи ертўлада қанд ва печенье билан чой ичдик. Шу ерда митинг ва концерт ҳам бўлди. Ўзбек жангчилари бу ерда ҳам кўп эди. Хоразмлик йигит Қўчқорга бағишлаб уч-тўрт минут ичида ёзган шеъримни ўқиб бердим. Шеърни жуда яхши қаршиладилар.

Чиниққан, намунали ўзбек жангчилари билан суҳбатлашдик...

Старший лейтенант Мўминов урушда кўндан қатнашади. Ўз саргузашт ва можароларини айтиб берди.

Мўминов туркистонлик йигит. У 1941 йил 22 июнда Самарқандда институтни битирган, уч кундан сўнг эса армияга жўнаган, 1-дивизиянинг 106-Қизил Байроқли артиллерия полкида ўқ-дори етказиб берувчи бўлимида ишлаган. Брянскдаги ўрмонда бир оз вақт туриб, 26 июлда фронтга тушдик, дейди лейтенант Мўминов. Йўлдаги ёнган бир қишлоқ олдида Ельняга йўл олган немисларни тўхтатдик: полк командиримиз осетин майор эди. Ельняни олдик, кейин дам берилди. Сўнг яна фронтга. Қаттиқ артиллерия отишидан кейин яна немислар бизга яқин келиб қолади, биз душманни ёриб чиқдик.

Мўминов 1942 йил 19 январда бутун кеча патруллик қилиб турган. Бирдан дивизия штабини немислар босиб қолади, бир оз урушдик, кейин чекиндик, дейди у.

12 июлда ҳужумга ўтилади, Мўминов бир немисни ўлдиради ва ўзи ярадор бўлади. Августда госпиталдан қайтади, шу вақтда немислар ҳужум қилади. Бир кунда немисларнинг беш-олти ҳужумини қайтардик, дейди лейтенант Мўминов...

Сиёсий раҳбар муовини лейтенант Мўминов нотик ва жасур йигит эди.

Кейин хивалик йигит Жуманиёз Худойбергенов сўз олди. У старший сержант, батальон бўйича сиёсий раҳбар муовини... Худойбергенов Оржоникидзе колхозидан, оиласи колхозда, ўзи 1942 йил июндан бошлаб фронтда. Тўққизта немисни



Харакатдаги Армия сарфида  
Ўзбек қалқими Севисили кишидо-  
ри, Ўзбек ёзуғилар Союзига,  
Матнавор фронтга Салом!

Биз Ўзбек инжилари, Менис - фа-  
зиет неаллоғлари билам <sup>бу</sup> тилида  
бул рече ва бошқа миллатлар  
блам Ватан ўрғини фронтда  
неанг қилмоғдалимиз. Сизларни  
Ўзбекистонимизни 20 йиллик билам  
қўтлаймиз, ва энди инд билам  
сизларга мувофаккият тилаймиз  
Биз непислар ерига бостириб  
кирдик. Шархит брусевдаимиз.  
Бошқа ўраеткалардан неаб арғир-  
сизлар.

Хироматли Аўбек! Биз Ўзбекистон  
дан небарилган сизни китобимиз  
"Ўқитилу қон" незмамизни Ўзбек  
неангчилар билам ўқиб килдик ва  
рече ўртакларимизга тилимизда  
бердик. Ва сизга селмиз ва шон-  
шарофлар тиладик.  
Энди сиздан кайта - суравимиз  
шудки, "Навоий" исмли китоб.



74 меъмуни "бўйи" яъни даво олиши вақт-  
ларида коллектив бўлиб ўзидан чи-  
қилгани кўтар эдик.

Сизни Вовоий ҳужжатлари ол-  
дида ўзбек халқи олдида қилган  
ҳизматларини сизни кўзда тутиб  
сизни Ленин ордени билан оуқа-  
ратлади.

Сизнинг ишнингизга оуқларин-  
қийётлар тилаймиз.

Ўзбекистоннинг барча ёзури-  
ларида, маънавий ҳаётининг  
тўлиқ ширкин.

Ўзбек маънавийларини тўли-  
қирини бўйига, сизга ҳурмат  
блам: Ҳ.ми частъ агитатори

1- Ҳ.Хўш - | Хамидов  
Намидов

2- Ҳўш - | Ҳ.Ҳамидов  
Ҳамидов

3- Шайхиев | Шайхиев  
Барч

31.12.44.

Адрес: № 44936. Хамидов

№ 1416

Харакатдаги Армия жангчиларидан мактуб.  
Шарқий Пруссия. 1944 йил



ўлдирган. Немис кўринди – тамом, ураман, дейди. У ўлдирган немисларнинг бири офицер экан. Худойбергеновнинг укаси Жанубий фронтда...

Жангчи Қўчқор Сайдалиев “Қизил азамат” колхозидан. Уйдан хат олмани ҳақида хафа бўлиб гапирди. “Фақат битта хат олдим, эллик беш кун деганда келиб тегди қўлимга”, – деди. Сайдалиев 1941 йил декабрда уч немисни ўлдирган.

Асакалик Тўхтасин Оқмирзаев фронтга кечқурун келган-у, эртасиёқ қизғин жангда иштирок этган. У дейди: “Эрта билан, нонуштадан кейин немислар бирдан ҳужумга ўтди. Артиллерия кучли тайёрлик қилди. Ҳаммаёқни бузиб ташлади. Бирдан қарасам, немислар автомат билан инларидан ташқари чиқиб келаяптир. Мен чўчимадим. Траншеямизда одам кам жойга бориб, пулемётдан ота кетдим. Кейин душман пайқамасин деб бошқа ерга ўтиб отдим. Милтиқ, пулемёт, автомат – ҳаммасидан отаман. Тўғри келиб қолса, тўпни ҳам отаверман. Тўртта немисни отганман.

Жангчилар кўрган-кечирганларини тўлиб-тошиб гапирадилар, мен ёзишга улгуролмайман.

Уларга кичкина шеър ўқиб бердим.

## ЎЗБЕК ОНАСИНИНГ НАСИҲАТИ

Жангга жўна, ўғлим, ёвни яксон этмай қайтма,  
Қотилларни қиличинг-ла хун-қон этмай қайтма.  
Ол байроқли қўшинларнинг тантанасига қадар  
Қаттиқ олиш! Ёвни талқон этмай қайтма.

Душман бизнинг уйимизни бузмоқчидир, лекин сен  
Разилларнинг уйларини вайрон этмай қайтма.  
Сен жангга бор, мен бу ерда юртга посбон бўламан,  
Ўғриларга қора ерни сен макон этмай қайтма!

Бу ер фронтга яқин бўлгани учун бизни бунда қолдирмадилар...

6 январь. Артистлар концерт бергани қаергадир кетишди – мен бормадим. Бу ернинг кичкина ҳаммомчасига тушдим. Кечга яқин бешёғочлик бир йигит – Обид Холиқов кириб келди. Келишган, бақувват, урушнинг бошидан қатнашаркан. Снайпер Холиқов менга баъзи қизиқ фактларни айтиб берди. У йигирма икки немисни ўлдирган экан...

Ётоғимизга иккита жангчи кириб келди. Бири тошкентлик, бошқаси фарғоналик. Фарғоналиги тўпчи экан. Иккиси ҳам бармоқдан енгил ярадор экан, боғлаб қўйишибди. Ҳар иккиси ўз саргузаштларини айтиб беришди. Фарғоналик тўпчи уруш бошланганда Прибалтикада бўлган. У ердаги даҳшатли талафотларни батафсил сўзлаб берди. Бу йигит минг мартга ўлимдан қолган.




7 январь. Бу кун Раҳимов билан ченага тушиб 53-полкка бордик. Митинг бўлди. Руслар, ўзбеклар ва бошқа Ўрта осиелик халқлардан кўпгина эди. Машҳур снайпер Икром Тошматов билан суҳбатлашдим. Ёш, содда, кулар юзи ўтли йигит.

Мен унга бағишлаб бир шеър ёзиб ўқиб бердим. У менга рассом томонидан ишланган расмини эсдалик учун берди. Шеър шундай эди:


*Ботир йигит, она сутин оқладинг,  
Қасамни дилингда маҳкам сақладинг.  
Хато кетмас ўқинг билан, эй мерган,  
Немиснинг бошини хўп мажақладинг.*

*Сени унутмайди асло давронлар,  
Шаънингга ёзилур олтин дostonлар.  
Зафар куни қайтсанг, кўзингдан ўпиб,  
Йўлингга гул сепар гўзал жононлар...*



*“Фронт бўйлаб” китобининг биринчи наشري. 1965 йил.  
Муқовада снайпер Икром Тошматовнинг эсдалик учун берган ва  
рассом томонидан ишланган портрети босилган.  
Зарифа Саидносированинг қайд этишича, Ойбек билан учрашувдан сўнг  
икки кун ўтгач, И. Тошматов жангда ҳалок бўлган*





*Газетадан кундаликка кўчирилган П. Хозол шеъри*

Икром 1922 йилда туғилган. Урушнинг бошида аскарга олинган. Олдин Узоқ Шарққа юборилган. 1942 йил март ойида фронтга келган. Ғарбий фронтда разведкада бўлган. Юхновда урушга кирган, олти киши саккиз немисни асир олган. Шу вақт Икром ярадор бўлган. Ўнг қўл шаҳодат бармоғи ишламайди. Пулемёт ротасига пулемётчи бўлиб келган. Снайперлик курсига бориб, ўн беш кун ўқиган.

Биринчи марта снайпер бўлиб немисни отгани шундай бўлган: кечаси навбатчи экан, эрта билан овга чиққан. Узоқда дарахт тагида бир немис турибди, отдим, дейди у. Лекин, ўзи ҳам ишонмаган, командирлар дурбиндан қараб, немиснинг ўлганини тасдиқлаганлар...

“Защита Родины” номли Ғарбий фронт газетасида Икром ҳақида шундай шеър ёзилган экан:

*Гвардиячи Тошматов барчага маълум,  
Қўрқув не билмайди довярак Икром.  
Душман ўти асло қаддин буколмас,  
Жангда асл ўзбекдек ўжардир мудом.*

*Милтиғидан етмиш етти одамхўр,  
Ер тишлади, парчаланди бирма-бир.  
Ғалабага тезроқ етишни кўзлар,  
Бахтни тезроқ қайтарай, дер у ботир.*

*Павел ХОЗОЛ*

Фронтдан уч километрча орқадамиз. Тўплар тинмасдан гумбурлайди. Биз йўлда снаряд учирган кўп дарахтларни кўрдик. Совуқ қаттиқ. Оёқ-қўлларим роса қотди...



9 январь. Гвардия дивизияси – 51-полкнинг чойхонасида митинг ўтказилди. Митингда армия қўмондони, гвардия дивизияси генерали Захаркин сўзга чиқди:

– Бизнинг гвардия дивизиямиз вазифаларини ўз исмига мувофиқ даражада шараф билан бажараётир. Бизнинг сафимизда ўзбеклар, қozoқлар, туркманлар, тожиклар баҳодирона курашмоқда, – деб генерал қисқа, мазмундор сўзлади.

Генералдан сўнг старший лейтенант Ҳайдаров гапирди.

Кейин старшина Жумаев сўзга чиқди:

– Ўзбекистон фронт учун кўп нарса бераётир. Биз ўз зиммамизга тушган вазифамизни яхши бажарамиз. Ўзбек шоирлари яхши ғазаллар ёзиб, бизни окопларда илҳомлантирадилар. Уларга саломимизни етказингиз!

Кейин гвардия лейтенанти Абдиев сўз олди. Тошкентлик. Тўрт йилдан буён армияда. Яхши гапиради...

Митингдан сўнг концерт бошланиб кетди. Шунда жангчи Ғани Мирзаев – Тошкент, Юқори Чирчиқ районидан – ўзи ёзган шеърини менга ўқиб берди:

Уч йилдан бери соғинч билан  
Эзилганди юраклар.  
Узун сочли қизлар дебон  
Тикилган эди кўзлар.

Сафар айлаб чиқдингиз,  
Узоқ йўлдан бизларга.  
Кўнгилни чоғ этдингиз,  
Раҳмат, деймиз сизларга.

Кейин жангчи Акбаржон Аҳмедов бир қўшиқ айтиб берди. У Қўқондан, “Қизил ғайрат” маҳалласидан. Ўттиз ёшда. Муаллим. Тарих ва жўғрофиядан дарс берган. Фронтга келганига ўн ой бўлибди. Ҳозиргача мудофаада. У тўрт ойдан бери снайпер. Чиройли, келишган йигит. Артист табиати бор. Классик куйларни бутун дарди билан айтади.

Акбаржон қўлидан ярадор, яқинда дивизиянинг дам олиш уйига келган. У қирқ тўртта душманни ўлдирган, яқинда Қизил Байроқ орденига тақдим этилган.

Бу шеърни Акбаржон ғоят наизғали қилиб куйлаб берди:

Сен деб тотдим асал-новвот, лабимда лаззати қолмиш,  
Қизил гулдек юзинг кўрдим, кўзимда суратинг қолмиш.  
Сен деб кўнглим шифо топди юрак-дил хасталигидан,  
Ахири бевафоликдан юраклар сув бўлиб оқмиш.  
Яшардим, шубҳасиз, жонон, деган юксак хаёл билан,  
На бўлдики, мулойим чеҳралар мендан ўзин тортмиш.  
У латофатли гулистоннинг ажойиб бир гули эрди,  
Ажойиб бу нотафон кўнглим севар қиздин жафо кўрмиш.  
А, дер олма-анорзорлар аро жонон,  
Умиди Акбарий сендан нажоти – муддао кутмиш.

Бу шеърни у ўз хотинига ёзган. (Ўзича мувашиша ёзмоқчи бўлган).

Жангчилар қалбларидаги ҳислар ва туйғуларини, ҳижрон дардларини қўшиқ билан, куй билан, жила бўлмаса, оддий, лекин таъсирли сўз билан, кўнгил ҳарорати билан айтгиси келади.



*Мен жуда таъсирландим, элатлар тарқалишди, каравотга чўзилдим, лекин уйқу келмасди. Хаёлимда шеърлар ўқирдим, шеърлар қуюлиб келарди. Дафтар-чамга оҳиста чиздим.*

*Юрагим душманга қаттиқдир тошдан,  
Бир кўзимда Ватан, бир кўзимда сан.  
Жанг сурони тингач, қушдек мизғисам –  
Ўқлар пора этган шинелимда нам...*

*14 январь. Бугун санбатда қўндик. Енгил ярадор аскарлар – бармоғи ёки қулоғининг чети учган ёки вақтинча оқсаган – эрта-индин тағин жангнинг олов гирдобига шўнғиб кетишни сабрсизлик билан кутиб турадилар. Булар ўзларини нимага уришни, вақтларини нима билан банд қилишни билмайдилар.*

*Уларнинг кўрган-кечирганлари, хотиралари бениҳоят кўп. Гапиришни яхши кўрадилар. Гоҳ оилалари ҳақида таъвиш тортадилар, гоҳ қайси фронтда аҳвол қандайлиги ҳақида сўзлашадилар...*

*Жангчилардан бириси гапириб берди. Улар ўз батальонидаги бир лейтенант билан кетатуриб, ўрмон ёқасида бир аёл жасадига дуч келганлар.*

*Аёлнинг ёнида икки-уч яшар қизчаси бор. Қизча онанинг ўлганини фарқ қилмайди. Яқин борганлар. Булар лейтенантнинг оиласи экан. Умримда бир марта кўрдим бундай ҳодисани, Худойим иккинчи кўрсатмасин, дейди аскар бошини қимирлатиб.*

*Фожиали учрашув...*

*1943 йил... 5 февраль. Шу тариқа бадиий бригада билан бирга гоҳ олдинги жабҳага яқинроқ, гоҳ узоқроқ икки ой юрдим. Жангчилар билан ҳаяжонли учрашувлар, қучоқлашиб кўришувлар, митинг ва концертлар, суҳбатлар ҳам ғоят таъсирли хайрлашувлар давом этарди. Кўпинча мен ўзим командирлар билан олдинги жабҳаларга борар эдим. Шунга қарамасдан, ўзимни бригадага боғлиқ сезганимдан, ҳарбнинг ўзим истаганча ҳар бир қавагига кириш имконидан маҳрум эдим. Шу сабабдан, Москвага қайтган чоғимизда бригадани тарк этдим.*

*СССР Ёзувчилар союзининг маслаҳати билан ва унинг воситаси ила тегишли ҳарбий идорадан руҳсат олдим ва ҳарб гирдобига ёлғиз жўнамоқчи бўлдим. 5 февраль эрталаб соат еттида Москвадаги ЦДКА гостиницасини тарк этдим.*

*Ҳаво жуда совуқ. Билет ололмай қоламанми, деб юрагим така-пука. Кўзим туман орасидан чиқиб келаётган трамвайларда. Шоша-пиша биттасига ўтириб, Қозон вокзалига келдим. Ҳарбийлар учун ўнлаб касса, лекин ҳеч бирининг ёнига яқинлашиб бўлмайди. Навбат катта – унга ҳеч ким эътибор қилмайди.*

*Соат ўн бирда кетадиган поезддан қолдим. Диққатим ошди. Аммо кеч соат еттию ўттизда қўшимча состав бўлишини билдим. Кўп ўтмасдан, билет сотила бошланди. Минг азоб билан билет олдим – Мичуринскка қадар. Қорним жуда очди. Ёзувчилар союзига бориб овқатланиб қайтдим.*

*Посадка вақтида бўладиган машмашаларни билганимдан, чиқиш залидан эртароқ жой олдим. Ялпи вагон. Одам лиқ тўла. Ҳаммаси аскарлар ҳам соғайган ярадорлар. Ўтириш учун базўр жой топдим. Эрталаб вагон бўшанқиради – оёғимни чўзиб, бир оз роҳат қилдим.*

*Кундуз соат ўн иккиларда Мичуринскка етдик. Қаттиқ қора совуқ. Ҳамма ўзини станция залига уради. Залда юришга имкон йўқ – ғиж-ғиж аскар ва ярадор. Махорка тутунидан нафас бўғилади. Йўталиши, тупуриши – инчунин. Чарчган аскар дуч келган жойга ётаверади.*



Озуқа қоғози билан овқатланиш учун станция ҳарбий комендантидан талон олмоқ керак. Бу ишнинг асло имкони йўқ – навбатга риоя қилмайдилар. Станция яқинида бозорча бор экан – сут олиб, ноним билан ичдим. Урина-урина билет олдим – Графская деган станцияга қадар. Соат бешида посадка бошланди. Ҳамма вагонларни ҳарбийлар эгаллади. Эшик олдини тўсган старшиналар, сержантларга гап уқтириб бўлмади. Биз – граждандар вагон площадкаларида қолдик.

Қоп кўтарган болалар ва аёллар кўп. Улар поезд атрофида аридай ғувуллайдилар. Ўнлаб темир йўл ходимлари тартиб барпо қилмоқдан ожиз. Тўполон билан, ниҳоят, поезд жўнади.

Совуқ юзни шилиб, суякларга қадар зирқирата бошлади. Учинчи станцияда тушдим. Қоронғида туртина-туртина станция биносига кирдим. Илиқ. Лекин одам қалин. Бир қадам ҳам қўйиб бўлмади. Шовқин. Ҳар ёқдан махорка олови ловуллаиди. Бир жойда қозикдай қадалиб қолдим. Ҳар ҳолда, илиқ. Паровоз кетишга гудок бергач, одамлар ур-йиқит билан бир зумдаёқ чиқиб кетишди – улар исингани киришган экан.

Мен туртиниб, ўтиришга жой қидирдим, тўғри келган скамейкага ўзимни оғир ташиладим. Шовқин тинди, лекин битта-яримта нотинч хуррак эшитила бошлади. Таннимда совуқ захри йўқолди. Оёқларим ёзилди. Бир оз мудрадим – бошим оғади-да, яна қалқиб тушаман. Уй совуқлашди.

Қорним очди. Халтамдан бир парча нон олиб едим... Дуруст бўлди – скамейкага суяниб мудрадим. Фанер қопланган кичкина деразадан тонг бўзарди... Қарасам – тунаган жойим кичкина, тубан, ифлос ёғоч уй экан.

Шу ерда ишлайдиган рабочий батальон одамлари киришди – соқол-мўйловларида сумалак. Ораларида бир ўзбек бор экан, бурнини совуққа олдирибди. Деярли ҳаммаси полга ўтириб, бир-бирларига суяниб бирпасда ухлаб қолишди. Бир қадар вақт ўтгандан кейин старшина кириб, уларни яна ишга олиб жўнади.

Кетмоққа ошиқаман, аммо пассажир поезд йўқ. Кўшни хонадаги станциянинг бақалоқ дежурниги товар поездига ўтириб Грязи деган катта станцияга етиб олишни маслаҳат беради. Бошқа илож йўқ – қарор қилдим.

Ҳарбий эшелон келди. Менга ўхшаб кеча бу ерга тушиб қолган икки сержант билан бирга эшелон бошлиғига мурожаат этдик, илиқ вагон – теплушкалардан жой беришни илтимос қилдик. Бошлиқ гапимизга қулоқ ҳам солмади. Учовимиз вагоннинг тамбурига чиқиб олдик. Совуқ йигирма даража эди, шекилли. Поезд ҳаракат қилгач, шамол жуда эзиб ташилади. Кичкина станцияларда поезд узоқ тўхтамади.

Чамаси, уч соатда Грязига етдик. Катта станция. Ҳарбийлар кўп. Станция бомбардимон қилинган экан. Атрофдаги биноларнинг кўпи хароб.

Ҳарбийлар учун махсус катта “кутиш зали”га ўзимни урдим. Хона иссиқ, тамаки тутуни қоплаган. Кенг скамейкада ўтириб роҳат қилдим. Кўп ўтмади, яна минг ғалва билан аскарларга аралашиб, поездда жўнадим.

Ҳар қадамда қоровул, лекин қўлимдаги рухсат гувоҳномамни кўрсатиб ўтаман. Бригада билан юрганимда бизни қарши олар эдилар, жойлаштирардилар, энди у ерда бир кун, бу ерда бир кун тўхтаб, ёлғиз тентирайман.

Мен каби қўлида қаламдан бошқа нарчаси бўлмаган кимса ҳеч қандай ҳужумда, атакада даркори йўқ, аммо гала-гала душман самолётларини кўрдим. Моторларнинг шовқинига бардош қилиш қийин. Аскарлар жуда ўрганиб қолган. Жангчилар яхши яширинсинлар, талафот кам ёки бўлмаслиги ҳам мумкин, дейдилар.

Бомбаларнинг визиллаши, гумбурлаши, ер уюмларининг минорадай кўтарилиши – жаҳаннамнинг ўзи. Ер ва дарахтлар бир зумда портлашлар ичида кўми-



19-март, 1945-йил, Шарқий Пруссия,  
лейтенант Саид Султоновдан.

Хурматли ажасулик ойбекта,  
Салом билай ейиб малум бўленики,  
юбаргин мухтасрат советангиз, навои  
романингизни бун вихтлардан  
пойдаланиб, ухиб гихдинт в  
бу ~~қисми~~ фикрига қазинасизди  
Бенизови бахро олдинт.

мен билай бурга жизмат қилайи-  
ган одида уртакларинт, романи  
қарор бодини ухиб бўлганидан  
кейин, маржонна қилиб, сўзид  
Беринга шайитос қилганига в  
уларни қайтмосини қондордизинт.

Сўнгра сизини қайтмосини қилганига  
қизиларини сўзиди уйқаздинт.

қозини эсе бу уртакларинт, рзе  
тинига маржонна қилганига, "Қушлар  
вон" романини юбарганингизни

Шарқий Пруссиядан, лейтенант Саид Султоновдан хат. 1945 йил



и ойтмос кимокдамар.

Бу орзуте эртинтозмизте шубха  
йўқдур.

Хурматли ойбек!, бизнинг келтирилган  
жаъидимиз билан таълимнинг мутаассиф  
шубха, ; халқе янгилик вазурун-  
ганини йўқмоқдамиз.

Эртин-кидин бошлангуч дўстликте  
улоқтиларай таълимимиз.

Демиз келтирилган вақер ун таълим  
болди.

Салом ва ихтирдон билан  
лейтнант Саид.

н/н 01838-А.

Султанов Саид.

5161



11-й класс ср.  
пр. Ташкент.  
рабочий городок.  
Прокитной ул. д. 45.  
адресат Айбек.  
Получил 01838-А.  
Султанов Саид.



либ кетади. Тутун, чанг, тупроқ кўтарилиб, аста-аста чўкади. Ер юзини ўраб олади, қуёшни яширади.

Мен, албатта, сичқон кавакка қочгандай, тўғри келган окопга тиқилиб оламан. Окоп тундек қоронғилашади.

Душман юриб ўтган жойлар ҳаммаси хароб. Куйдирилган ва емирилган уйлар. Қайси деҳқон оиланинг эшигини қоқсам, очиқ юз билан қарши олади. Бутун халқ бошига тушган кулфатни яхши биладилар. Ҳаммасининг тағин ўз дарди бор. Бирининг отаси, бирининг эри, бирининг оғаси ёки ўғли, қизи – милтиқ тутишига иқтидори бўлган ҳар бири душман билан курашувга жўнаган. Чол-кампир, ёш болали аёллар ва болалар, етим-есирлар қолган.

Дарров иссиқ уйининг тўрини ва ювинишга иссиқ сув беради. Картошками, бўтқами, ёки бир бурда қора нонми – ейдиган нимаси бўлса, шуни мен билан бўлишади.

Шундай, гоҳ у қишлоқда, гоҳ бу қишлоқда тунаб илгари юрдим. Ҳаммасининг дарди кўп. Душмандан кўрган-кечирган азоб-уқубатлари кўп. Айтаверса, эртаклардек тугамайди...

Кичкина бир шаҳарчада синган, каллакланган, куйиб қовжираган ёғочлар, дўмбоқ-дўмбоқ қабрлар оралаб, қалбимдан қон томган ҳолда паришон борар эдим, тўсатдан Рустам Абдурахмоновга учрасам борми! Ҳар икковимиз суюниб кетдик, бир-бировимизга қучоқларимизни очиб кўришдик. У газета муҳаррири экан. Сўзларимиз тамом бўлмади. Уч-тўрт кун редакцияда бирга бўлдим, тағин ёлғиз тентираб кетдим.

Воронеж душмандан тозаланган. Шаҳарга ҳеч кимни қўймайдилар. Ҳар қадам мина. Махсус рухсат варақаси олиб, шаҳарга бордим. Бир жон кўринмайди. Култепа, ўлик шаҳар деса бўлади. Узоқ дайдиб юрдим. Ҳар қадамда “Мина”, “Мина” деб ёзиб қўйилган. Оғир ҳислар кўнгилга чўкди. Дард бир оғриқ каби бутун борлиғимни пармалар, зирқиратар эди. Дежурний полковник бўлса керак, учраб қолди. Ҳайрон бўлди. “Тез жўнанг, қадамингизда мина”, деди. Ях дарёдан секин ўтиб кетдим.

1941 йил октябрь кунлари фронтда аҳвол ғоят жиддий бўлган. Бир жойда немисларнинг танк дивизиясининг ҳужумини қайтаришда иштирок этган бир жангчи менга қизиқ гапларни айтиб берди.

Қирқ беш немис танки эшелон-эшелон бўлиб, биз томонга ҳаракат қилган. Ҳар эшелонда ўн беш танк. Бизникилар кечаси бу жойни ишғол қилиб, ўз танкларимизни кўмиб махсус дзотлар ясаб қўйишган экан.

Немис танклари кела бошлаган: етмиш метр оралиқ қолганда бизнинг танклар ўт очган. Биринчи снарядлардан бир неча немис танклари хашақдай ёниб кетган. Маскировкамиз соз бўлган. Иккинчи немис эшелони бизнинг нуқта-ни пайқаган ва унга интилган.

Шунда бизнинг кўмилган бир танкимиз ўн беш душман танкига қарши жанг қилган. Танкист ярадор, танк шикаст еган. Танкист ёна бошлаган. Этиги, шими, куртқаси ўтда. Лекин у ҳамон отишдан тўхтамай, икки немис танкини ишдан чиқаради. Куртқасини, этигини ечиб отади. Қорда думалаб-думалаб, ёнаётган шимини ўчиради. Ўликдай чўзилади. Душман танклари ўтиб кетади. Кейин танкист ўз қисмига етиб боради.

Яна бир ҳодиса:

Угра дарёси немисларда. Бизнинг танк батальонимизга дарёнинг ғарб қирғоғига ўтиш вазифаси топширилган. Тўққиз танк ҳужумга ўтади – иккитаси оғир, қолгани енгил танклар. Танклар қишлоққа киради. Немислар турган уй-



ларни тўпга тутади. Немислар ҳамма нарсаларини ташлаб қочадилар. Танклар уларни ўққа тутиб, қувади.

Бир танк сувдан ўтганда шикаст топади. Икки ёқдан немислар келмоқда. Комиссар танкни тузатишга буйруқ беради. Уни қўриқлаш учун пулемётни ташқарига чиқариб бир ярадор танкистни қўядилар. Шунда орқадан ёрдам етади.

Яна бир совет танки шикаст топади. Уни дзотга айлантирадилар. Яхши иш беради.

Ниҳоят, патронлар тамом бўлгач, бутун экипаж – беш киши ўз-ўзларини бешта ўқ билан ўлдирадилар.

Қандай қаҳрамонлик!

Бизнинг бронбойчилар ўт орасида ёки экинзорларда, жилла бўлмаса ўзларига окопча қазиб, яширинган ҳолда душман танкини пойлар экан. Уларни яқин келганда уриш тузук экан. Тўплар эса беш-олти юз метрдан отишлари мумкин. Танклар шикаст еганда бир ёнга қийшаяди, чўкади, ловуллаб ёнади. Кечаси бўлса бир вулқон дейсиз.

Яна бир жангни сўзлаб бердилар.

Самолётлар олов бўрони каби бизнинг жангчилар устидан қайта-қайта ўтади. Уларнинг шовқини ҳавода тинмасдан танклар пайдо бўлади. Улар секин юради, ора-сира тўхтаб, ўт очади. Тўпларининг гумбуридан ҳаво янграйди. Туташ олов девори.

Танклар яқинлашаверади, улар тиғиз келади. Шунда бронбойчиларимиз тезда туриб отадилар. Душман танклари кескин бурилиб қочади. Бир танк батальон команда пунктига яқин экан. Лейтенант окопдан югуриб чиқиб, граната билан уради. Бурилиб қочган танклар орқасидан ҳам граната билан уриб куйдирадилар. Атака шундай қайтарилган.

Лекин яна қирқ-эллик самолёт ва қирқ-эллик танк келади. Ҳаво гулдуросдан қалтирайди. Тўпчиларимиз шошиб қоладилар. Яна кураш. Танклар ёнмоқда, лекин тутун орасидан янги-янги машиналар биз томонга тикка югурмоқда, бизнинг қисмни ўзининг темир қучоғига олмоққа интилади. Мудофаамизнинг ичкарисига кирадилар, окопларимиздан оғир, лапанглаб ўтиб, олдинга силжийдилар.

Лекин бизнинг бирорта жангчи ўз жойини тарк этмайди. Гранаталар, бутилкалар отадилар. Тўпчилар ўн беш метрдан урадилар. Танклар ёнади. Тумшугини ерга қадайдди. Бир нечаси энди у ёқдан-бу ёққа ожиз лапанглайдди. Олов ҳалқадан қутулишга йўл қидиради. Лекин ҳар ёқдан уларни гранаталар ва танкка қарши қуролларнинг узун стволлари қаршилайди.

Бизнинг бир жангчи душман танкига сакраб минади. Пулемёт стволига найза тикади. Танк қақшайдди, ҳар ёққа айланади. Душман қани? Жангчи бутилкани танкнинг мотор қисмига ташлайди, у ёнади. Шунда жангчи ўзини ерга отиб чуқурчага яширинади. Лекин ўтлар орасидан учган ўқлар билан ҳалок бўлади.

Тағин самолётлар ва тағин танклар атакаси бошланади. Энди танкларида автоматчилар ўтирибди. Яна олов бўрони билан қаршилайдилар бизникилар. Гранаталар ва бутилкалар учади. Танклар чекинади. Автоматчилари парижон. Танклар устидан уларнинг ўликлари қулайди.

Яна самолётлар, яна танклар. Жангчиларимиз чуқурда гўё пўлатдан қуйма. Бир қадам силжимайдилар. Қисқа тинчлик вақтида яна чуқурроқ қазинадилар. Дала устида кескин гаранглатувчи ҳид ва қалин тутун... Ўйлаган романим учун яхши материаллар.

Учраган жойда Ўрта осиёлик йигитлар билан кўришаман, суҳбатлашаман, шеърларимни ўқиб бераман.

Жангчи Раҳимжон Бегматов “Ўзбекистон” ва “Мен – Ватан ўғлони” деган икки шеърини берди менга.



Махмуд Фахриддин Бекматов "Ўз-  
бекхетоним" ва "Мен Ватан ўғли" деган  
икки шеърни берди менига:

Мен еттигитим патиг қиларга ўз -  
бекхетоним учун

Ўбек ўғли турди сарга шул турметоним  
учун

Ўйнамай алмос қилгани ушбу бугетоним  
учун.

Мен тикай неонимки энга базориетоним  
учун.

Биз еттигитик ўбек халқи чаманиетоним учун.

Ўбек ўғли патига киреа, қайришб ёв байт -  
магай,

Кунгда давлат еритим ўзгарга айтмагай.

Ўнча асир биледоним қўроқутишка етмагай.

Авне олурим менга қувват Ватаним ёд олмасим,

ёвми қуввай бу Ватандан ўбекхетоним учун.

Мақсади титлердан мен беримки озод айласам  
ёв эароб эткан заманим тезроқ одод айласам.

Беримки самосига қизил юлдузи бунёд айласам  
Одоарим эткан незон тилмоним озод айласам.

Ўбекхетоним безмати бордими шадхетоним учун.

II

Ўобдонман, бахтиёрман, мен Ватан ўғлиман,  
Она еттиги оқлагайман мен зарарини эриман.

Она қўйишда чароқлаб ёнган ў кукдузи ман,  
Эл лашкари, қизил аскари нурию юлдузи ман.

Кирилл алифбосига ўғирилган китоб қўлёзмасидан саҳифа. 1965 йил



## ЎЗБЕКИСТОН

*Мен етишдим жанг қиларга Ўзбекистоним учун,  
Ўзбек ўғли турди сафга шул гулистоним учун,  
Ўйнатай олмос қилични ушбу бўстоним учун,  
Биз етишдик ўзбек халқи – чаманистоним учун,  
Мен тикай жонимни элга баҳористоним учун.*

*Ўзбек ўғли жангга кирса, қайрилиб ёв қайтмагай,  
Кўнглида давлат сирини ўзгаларга айтмагай,  
Тушса асир виждонини қўрқитишга сотмагай,  
Авж олурми менда қувват Ватаним ёд олмасам,  
Ёвни қувай бу Ватандан Ўзбекистоним учун.*

*Мақсадим Гитлердан мен Берлинни озод айласам,  
Ёв хароб этган чаманни тезроқ обод айласам,  
Берлин самосида қизил юлдуз бунёд айласам.  
Офарин этган жаҳон Тельманни озод айласам,  
Ўзбекистон Бегмати бордим шабистоним учун.*

*Бегматов Избоскан райони, “Қизил Юлдуз” сельсовети, “Большевик” колхозидан, Андижон педагогика институтини тугатган, колхоз мактабида директор бўлган. Харьков, Ростов олдидаги жангларда қатнашган, ярадор бўлган.*

*У ўрта бўйли, бақувватгина йигит. Кўрганлари ҳақида ҳаяжон билан гапирди. Ўзбекистон ва ўзбеклар тўғрисида бениҳоят шод ва меҳр билан сўзлайди.*

*Гувоҳноманинг муддати тамом бўлди. Москвага қайтдим. Москва – Тошкент йўлини ўн саккиз кун босиб келдим. Биринчи кунлари вагонда ўтиришга жой топилмаганидан қаққайганим ҳолда тиқилинч одамларга суяниб мудрар эдим. Кейин амал-тақал қилиб, бир жойга ўтириб олдим.*

*Март ойининг энг сўнги кунлари эди, кир-ифлос, ҳорғин ҳолда қоқ ярим тунда эшигим олдида тўхтадим.*

*Болаларим ёш эди, бевақт қўрқитмаслик учун деразани оҳиста чертдим...*





# **СТАЛИНГРАД ЖАНГИДАГИ ҚАҲРАМОНЛИКЛАР**



## Ҳайит ХЎЖАМАТОВ

(1917–1943)

Яна бир жасоратли юртдошимиз – 1939 йили ҳарбий хизматга чақирилиб, сўнгра урушга жалб этилган Ҳайит Хўжаматов ҳақида қуйидаги маълумотлар сақланиб қолган.

Сталинград учун шиддатли жанглар кетаётган вақтда, яъни 1942 йил 2 августда 51-армия штаби жойлашган Зимовниковда турли қисмлардан омон қолган аскарлар ҳисобидан полковник Е.Ф. Макачук бошчилигида алоҳида отряд тузилади. Унинг таркибида ўқчи Ҳайит Хўжаматов ҳам бўлиб, у ўзининг мардлиги ва жангларда ташаббускорлиги билан ажралиб турарди.

Шу ойнинг ўзида Ҳ. Хўжаматов “Жанговар хизматлари учун” медалига тавсия этилади ва “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланади.

Кейинчалик 302-ўқчи дивизиянинг 825-ўқчи полкида 2-ўқчи рота взвод командири ёрдамчиси сифатида хизматни давом эттиради ва кўплаб жангларда қаҳрамонлик кўрсатади.

Шундай жанглардан бирида, 1942 йил 20 ноябрда Ҳ. Хўжаматов “тил” ушлаш мақсадида сафдошлари билан бирга душман ичкарасига ҳужум уюштириб, адъютант

ва полк штаби котибини ҳужжатлар билан бирга олиб келишга муваффақ бўлади.

У хавfli нуқталарга, фашистлар тўпланган жойларга боришда ташаббус кўрсатарди. Шунингдек, бошқа сафдошларини ҳам снайперликка ўргатарди.

Қаҳрамон жангчи 1943 йил 20 февралда Ленин орденига, 3-6 март кунлари Ряженое атрофидаги жангларда фаол иштирок этгач, 23 мартда Қизил Юлдуз орденига тавсия этилади. Бу вақтга келиб, Ҳ. Хўжаматов 159 фашистни йўқ қилган, жангда ўзи ҳам оғир ярадор бўлиб, 10 кун даволангандан сўнг яна сафга қайтган эди.

Катта сержант Ҳ. Хўжаматовнинг жанговар ютуқлари ўша вақтда Сталинград жанги ҳақидаги ҳужжатларда қайд этилади.

Рассом Василий Макаров моҳир снайпернинг суратини чизади. Ҳозирда бу сурат Чувашия давлат бадий музейида сақланмоқда.

1943 йилнинг 23 июнида АҚШ давлати Ҳайит Хўжаматовни “Жанговар хизматлари учун” Хочи билан тақдирлайди.

1943 йилнинг охирида Ҳайит Хўжаматовнинг яқинлари у ҳалок бўлгани ҳақида хат олишди...

**Козимхон САЪДУЛЛАЕВ,**  
фалсафа доктори (PhD)



## Зиё НУРМУҲАМЕДОВ

(1907–1984)



1941 йил октябрь-ноябрь ойларида Чирчиқ шаҳрида Ўрта Осиё Ҳарбий округи қўмондонлигининг 24 октябрдаги 356-сон буйруғи билан 35-алоҳида ўқчи бригада тузилди. Ушбу бригада таркиби Тошкент пиёдалар мактабидан ташқари, Тошкент қишлоқ хўжалиги ирригация ва мелиорация институти, Тошкент политехника ва тиббиёт институтлари талабалари ҳамда Тошкентдаги госпиталларда даволаниб жанговар сафга қайтаётган аскар ва командирлардан ташкил топди. Тошкентлик Зиё Нурмухамедов ҳам шу бригаданинг тиббиёт ходими сифатида фронтга сафарбар этилди.

Москва мудофаасининг суронли кунларида, 1941 йил ноябрь ойида ушбу бригада Истринск–Волоколамск йўналишидаги жангларда иштирок этди. Биргина Волоколамск йўналишидаги жангларнинг 25 куни ичида бригада ҳалок бўлган, беда-

рак йўқолган ва ярадор бўлганлар ҳисобига 1500 кишидан ажралди...

Сталинград учун бўлган жангларда Зиё Нурмухамедов янги ташкил этилган 16-Ҳаво Армияси 56-район авиация базаси таркибида фаолиятини давом эттирди. 1942 йилнинг февралидан у 8-Ҳаво Армияси 16-район авиация базасига қарашли 812-аэродромларга хизмат кўрсатувчи батальонда дорихона бошлиғи вазифасида иш олиб борди.

812-аэродромларга хизмат кўрсатувчи батальон катта шифокори, тиббиёт хизмати капитани В. Титомир Зиё Нурмухамедовни тақдирлаш учун берган тавсияномасида қуйидаги маълумотларни қайд этган:


*“Нурмухамедов батальон дорихонасини ташкил этди, шахсан ўзи ўта чидамли ва сифатли дори идишларини топиб жиҳозладди, уч йил давомида дорихонани мунтазам равишда кўчириб олиб юриш вақтларида бирорта ҳам дорихона жиҳозини синиши ёки дори воситаларини яроқсиз ҳолга келиши ҳолатлари кузатилмади. Ҳар доим дори воситаларидан тежамкорлик билан ва мақсадли фойдалана олиши натижасида кўплаб дори-дармон ва боғлов материалларини тежашга эришади. Дорихонада дориларни ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритишни яхши йўлга қўйган.*

*1943 йилда дорихона ташкиллаштирилган уйда ёнғин бўлган пайти Нурмухамедов ўзининг топқирлиги ва ишбилармонлиги билан кўплаб дорихона ашёлари ва дори-дармонларни ёнғиндан асраб қолди.*

*Фармацевт сифатида Нурмухамедов дори воситаларини ўз вақтида ва тўғри тайёрлай олади. Унинг барча сабъ-ҳаракатлари ярадорлар ва касалларни даволаш ва сафга қайтаришга йўналтирилган.*

*Бундан ташқари, Нурмухамедов ўзининг бевосита лавозим мажбуриятларини бажа-*





*Зиё Нурмухамедов мукофотга тавсия этилган тақдирлаш варақаси*

риш билан бирга, озиқ-овқат блоклари ва шахсий таркиб ётоқхоналарида санитар назорати бўйича ҳам самарали ишларни олиб бормоқда”.

Ушбу хулосага асосан, тиббиёт хизмати лейтенанти З. Нурмухамедов 1945 йилнинг бошида Қизил Юлдуз орденига тавсия этилди. Лекин унга 1945 йил 17 майда “Жанговар хизматлари учун” медали берилди.

Ўзининг Иккинчи жаҳон уруши фронтларидаги жанговар фаолияти давомида фидокор тиббиёт ходими кейинчалик

812-аэродромларга хизмат кўрсатувчи батальон таркибида Берлин шахригача бўлган оғир, синовли ва шарафли йўлни босиб ўтди. Зиё Нурмухамедов “1941–1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун” медали билан ҳам тақдирланди.

1946 йил июль ойида армия сафларидан бўшатилган Зиё Нурмухамедов ўзи туғилиб ўсган Тошкент шахрига қайтди ва фармацевтика соҳасида меҳнат қилиб ватан равнақиға ўз ҳиссасини қўшди.

**Зиёдулла ОРЗИЕВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари  
Ҳарбий тиббиёт академияси  
катта ўқитувчиси*



## МАТОНАТЛИ ЎЗБЕКИСТОН БАҲОДИРЛАРИ

Иккинчи жаҳон уруши тугаганига ҳам қарийб 80 йил бўлди. Урушда ўзбекистонликларнинг иштироки ва жасоратига оид кўплаб мақолалар, китоблар ёзилган. Шу билан бирга, ҳали эътибор берилмаган саҳифалар ҳам борки, улар алоҳида ўрганишни тақозо этади.

Маълумки, Волга бўйи жанглирида ғалабани таъминлашда ўзбекистонликларнинг иштироки аҳамиятли бўлган. Сталинград жангининг сўнгги босқичида Ростов йўналишида ҳам жанглар шиддатли давом этарди. 1943 йил 5 январь куни Морозовск шаҳри озод қилинганидан кейин 112-бошқирд кавалерия дивизияси таркиби сийраклашиб қолади. Шунда дивизия таркиби Ўрта осиелик аскарлар ҳисобидан ҳам тўлдирилиб, мустаҳкамланади.

Фашистлар эгаллаган ҳар бир жойни тиш-тирноғи билан ўз қўлида сақлаб қолишга ҳаракат қиларди. Айниқса, Белая Калитва яқинидаги 79,9 белгили тепалик учун жанг аёвсиз кечди.

8-кавалерия корпуси қўмондони ўринбосари, кейинчалик генерал-лейтенант бўлган Григорий Беловнинг қайд этишича, ўша вақтда душман ихтиёридаги 8-сон шахтага ҳужум уюштириш учун аввал 3-сон бис-шахта жойлашган мустаҳкам тепалик эгалланиши керак эди. Бу тепаликда шахтанинг тош бинолари душман тарафидан узоқ муддатга мўлжаллаб қурилган ўт очиш нуқталарига – дотларга айлантилган эди.

Шунингдек, у ерда кўплаб бошқа муҳандислик қурилмалари ҳам бўлиб, буларнинг бари душманга 8-сон шахтага борувчи йўлларни назорат қилиш имконини берарди.

Тепаликни кундуз куни ва кучли артиллерия тайёргарлигисиз эгаллаш имкони йўқ эди. Шу сабабли, дивизия командири, генерал-майор Минигали Шаймуратов тепаликни тунда забт этишга қарор қилади.

Тун пайти тепаликда фашистлар пулемётчиларини навбатчиликда қолдириб, землянкаларга кириб кетишарди.

Тепаликни эгаллашга лейтенант Аннақлич Атоев бошчилигидаги взвод тайин этилади. Взвод дивизия таркибидаги 294-кавалерия полкида, аксарияти яқинда келиб қўшилган жангчилар ҳисобидан шакллантирилган бўлиб, уларнинг тенгярми ўзбеклар эди.

Гуруҳ 20 январдан 21 январга ўтар кечаси душман дот ва дзотларига яширин ҳолда кириб, гранаталар ёрдамида тепаликка мустаҳкам жойлашади. Фашистлар хаёлида забт этиб бўлмайдиган тепалик эгалланади.

Энди нима бўлганда ҳам, тепаликни қўлда сақлаб қолиш ва бу ердан нафақат танк, қолаверса, биронта немис эмаклаб ўтмаслиги юзасидан қатъий вазифа қўйилади.

Жангчилар амалга оширилаётган муҳим жанговар операциянинг муваффақияти уларнинг мардлиги ва қатъиятига боғлиқ эканини яхши англади.

1943 йилнинг 21 январь куни гитлерчилар бой берилган тепаликни қайтаришга ҳаракат қилади. Аввал душман 4 зирҳли машиналарда автоматчилар ротасини, кейин 2 эсэслар ротаси ва охирида яна қўшимча зирҳли машиналарда автоматчилар гуруҳини ташлайди.

Кучлар тенг бўлмаган ҳолда шиддатли жанглар бошланиб кетади ва тун ярмигача давом этади. Ҳужум қайтарилади. Бироқ гуруҳда катта йўқотишлар бўлиб, 30 жангчидан 17 киши қолади.

Эртасига, яъни 22 январь куни яна бир муваффақиятсиз ҳужумдан кейин фашистлар 10 та танк билан пиёдалар батальонини киритади.

Жангчилар: “Охиригача қаршилик кўрсатамиз. Ўламитиз, лекин немисларга эгал-



Все графы заполнять полностью

# Наградной лист

1. Фамилия, имя и отчество Абрахманов Акрам
2. Звание Красноармиец 3. Должность, часть Сабельных 120 дождь  
294 каб пехота 112 каб див.
- Представляется к Герою Советского Союза
4. Год рождения 1921 5. Национальность Каракайяк 6. Партийность НП
7. Участие в гражданской войне и в последующих боевых действиях по защите СССР (где, когда) Юго-Запад. фронт в 94 к. и 112 к. с 14 Января 1943 г.
8. Имеет ли ранения и контузии в отечественной войне Убит 22 Января 1943 г.
9. С какого времени в Красной Армии Декабрь 1941 г. 10. Каким РВК призван Сардинский РВК Каракайякский аССР
11. Чем ранее награжден (за какие отличия) не имеет
12. Постоянный домашний адрес: (представляемого к награждению, или его семьи) \_\_\_\_\_

ДЛЯ ПОДШИВКИ

## 1. Краткое, конкретное изложение личного боевого подвига или заслуг

Тридцать Советских воинов, в том числе красноармеец Абрахманов Акрам, инициатором боевой приказ: ворваться на высоту, овладеть ее укреплениями и во что бы то ни стало удерживать русск в своих руках. Вся группа отважно выдерживая что бы их умения, храбрости и умеренное значение удерживать высоту от немецкой охраны, после боя стремительно ворвались на укрепления высоту считаясь немцами неприступной, они получили боевую задачу: не дать там добыть не только так, но и она была тогда же продолжалась: так же не провали.

21-января 1943 года гитлеровцы стремясь утвердить видный тактико-техникой русск-высоту с многочисленными укреплениями, немцы раз и проходили в контратаку. Они бросили роту автоматчиков с легкой бронемашинкой и каждый раз отступаясь, оставляя на высотах их и вытесняя десятка трупов.

Героическая борьба приняла характер кровопролитный характер, каждый натиск врага все возрастал, на другой день 22-января немцы, добились одной изухотной контратаки, бросили против горсточка Советских воинов батальон пехоты с десятком танков.

4-враг встал до последнего, умерев, но ни отвалил немцы отсавенной высоты-горочки бойцы, они ни отвали высоты, не отвали, но не отвали, не пропустили на высоту ни одного немца. В течении двух суток героически выдержали они беснующий натиск врага, отбили семь вражеских контратак. Тридцать наших героев истребили на дна для СССР немцев, уничтожил 2 танка и бронемашину.

Должен правительственный награде и звания Героя Советского Союза Акрам Абрахманов 28-чл  
Гв. полковник: Борис  
194 г. М. Буров

Акрам Абдурахмонов мукофотга тавсия этилган тақдирлаш варақаси



ланган тепаликни бермаймиз”, деб аҳд қилади. Улар аҳдларига содиқ қолиб, тепаликни ташлаб кетишмайди. Уларнинг азиз жонлари эвазига бу ердан бирон немис ўта олмайди. Икки кун давомида жангчилар душманнинг 7 хужумини қайтаради. Бу вақт оралиғида улар 300 фашистни, 3 танк ва зирхли машинани йўқ қилишади.

Бу маълумотлар жангчиларнинг тақдирлаш варақалари асосида ёзилди. Дивизиянинг жанговар ҳаракатлар журналида эса атоевчиларнинг жасорати 22–24 январь кунлари бўлиб ўтгани, унда жами 400 дан ортиқ фашист йўқ қилингани қайд этилган.

Тунда душман артиллерияси овози тинганида гуруҳга ёрдамчи куч юборилади. Қияликлар фашистларнинг мурдалари билан тўла эди. Тепалиқдан уч оғир ярадор жангчини топишади. Улардан бири тошкентлик Юлай Сиддиқов полкдошлари қўлида вафот этади. Бухоролик Сафар Зиёев ва Сумскдан Павел Халеев (тақдирлаш варақасида Харитон Халуев) госпиталларга олиб кетилади.

Госпиталда С. Зиёев дивизия командири М. Шаймуратовга жанг тафсилотларини сўзлаб беради ва вафот этади.

Генерал-майор М. Шаймуратов кўрсатган беқиёс жасорати учун ўттиз жангчини Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этади. Бироқ фақат взвод командири А. Атоев Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони, бошқа 29 жангчи 3-гвардиячи армия ҳарбий кенгашининг 1943 йил 11 февралдаги 12/н сонли буйруғига асосан, I даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланади. Гарчи, бу 30 жангчи 28 панфиловчи қаҳрамонлигини такрорлаган бўлса-да, уларнинг барига панфиловчилар каби Қаҳрамон унвони берилмайди...

Қор эриганидан кейин, эрта баҳорда ҳалок бўлган жангчилар шу ерда яшовчи Александра Михайловна Питяева бошчилигида окопга дафн этилади.

1965 йили Белая Калитвага бошқирд дивизияси газетасининг муҳаррири бўлган Ахтам Ихсоновдан жанг бўлган жой ва ҳалок бўлган жангчиларнинг номлари қайд этилган мактуб келади.

Шундан сўнг ҳалок бўлганларнинг қабрлари қидирилганда, улар 20 йилдан ошиқ вақт мобайнида А. Питяева қараётган қабрлар экани маълум бўлади. Шу йили аскарларнинг жасад қолдиқлари ҳалок бўлган жангчилар майдонига қайтадан дафн этилади.

Жанг бўлган жой – ўша вақтда Белокалитва металлургия заводи ҳудудида атоевчи жангчилар шарафига ёдгорлик ўрнатилади. Ёдгорликнинг тантанали очилиши 1967 йил 19 январда бўлиб ўтади.

Шу муносабат билан атоевчи жангчилардан манзиллари маълум бўлганларга яқинларини ёдгорлик очилишига таклиф этиш юзасидан хатлар юборилади. Шунда тепалиқдан госпиталга оғир аҳволда олиб кетилган Павел Халеев омон қолгани маълум бўлади ҳамда у ёдгорлик очилишида иштирок этади. Кейинчалик П. Халеевга I даражали Ватан уруши ордени топширилади.

Шу вақтдан 79,9 белгили тепалик халқ орасида шонли қаҳрамонлар шарафига “Абадият тепалиги” деб юритила бошланди.

Ҳозирга қадар атоевчиларнинг номларига аниқлик киритиш масаласи мавжуд. Аввало, 3-гвардиячи армия ҳарбий кенгаши буйруғида ҳамда дивизиянинг “Қизил отлиқлар” газетасида эълон қилинган рўйхатда қайд этилган исм-фамилияларнинг айримларида хатоликлар бор. Буни тадқиқотчилар рўйхат жангчиларнинг ҳужжатлари билан солиштирилмасдан, шошилишч тайёрлангани билан изоҳлайди.

Қолаверса, атоевчиларнинг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилган тақдирлаш варақалари собиқ СССР Мудофаа вазирлигининг марказий архивида 1981 йил апрелидагина топилади.

Бунга қадар атоевчиларнинг номлари мақолаларда турлича берилганини кўриш мумкин. Жумладан, Г. Белов маълумотида кўра, атоевчилар сафида Ўзбекистон фарзандларидан Амир Баджинов, Раҳим Биджаев, тошкентлик Исмоил Азаматов (кейинчалик Аъзамов экани маълум бўлади), Маҳмуд Каримов, Давлат Тўлаганов, Юлай



Сидиков, самарқандлик Раҳмат Азимов, фарғоналик Малик Отахонов, Бухоронинг Гиждувонидан Сафар Зиёев, Бухоро вилоятидан Икром Йўлдошев, қорақалпоқ Ақром Абдурахмонов бор эди.

Уруш қатнашчиси, ёзувчи Адҳам Раҳмат атоевчилар ҳақида 1974 йили эълон қилган материалида ўзбекистонлик жангчилар номини қуйидагича қайд этган: Исмоил Азимов, Ақром Абдурахмонов, Раҳмат Азимов, Малик Отахонов, Амир Мажидов, Қобил Боймуродов, Раҳим Тожиев, Сафар

Зиёев, Мурод Илҳомов, Баҳром Эшқобилов, Маҳмуд Каримов, Ислонхорис Қосимов, Комил Файзиев, Давлат Тўлаганов, Ақром Йўлдошев.

Демакки, атоевчилар ҳақида маълумотлар тўлиқ эмаслиги, хусусан, манзиллари номаълумлиги туфайли улар ҳақида изланишлар олиб бориш бўйича ишлар силжимаган кўринади. Шу сабабданми, кейинчалик, бу жасорат ўзбекистонлик олимлар ва мутахассислар эътиборидан четда қолади.

Все графы заполнять полностью

## Наградной лист

Юлдашев Акрам

1. Фамилия, имя и отчество Юлдашев Акрам

2. Звание Старшина 3. Должность, часть Стар. Ком. взвода

2-го эск. ка 294 Кавказский полк 112 Кав дивизии

Представляется к Героя советского Союза

4. Год рождения 1912 5. Национальность Узбек 6. Партийность Беспартийн.

7. Участие в гражданской войне и в последующих боевых действиях по защите СССР (где, когда) Ново-Датун. фронт 294 КТ 112 КД с 14 декабря 1942 года.

8. Имеет ли ранения и контузии в отечественной войне Убит 22 января 1943 года

9. С какого времени в Красной Армии 1933-34 и 1941. 10. Каким РВК призыван Шоарканский РВК Уз. ССР.

11. Чем ранее награжден (за какие отличия) Не имеет

12. Постоянный домашний адрес: (представляемого к награждению или его семьи)

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

1. Краткое, конкретное изложение личного боевого подвига или заслуг

*ДЛЯ ПОДШИВКИ*

Старшина Советских Воин, в то время Старшина Юлдашев А. ином боевой бригаде: Ворвался на высоту, овладеть ей укреплениями и зенит-батареей, удерживая в своих руках. Взяв высоту, он смело создал, тем от их числа, забросил Угрозива забросил Угрозива наступательной операции. Когда бой сдерживался врывался на укрепление высоту, сжимаясь нелицом не приспущив, они получили боевую задачу: в этой форме не провалялись, но от них много слышали не провалялись. И тем же не провалялись.

21 января 1943 года Гибелерово Старшина Вернуть Угрозива ватский тактический рубеж - высоту с 11-ю батареями зенит-кампания Угрозива, с тем раз переходил в Кокир авиации. Они бросили роту авиомехаников с тем временем броне машины. Также две роты зенит-авиомехаников, затем была Угрозива роту авиомехаников с броне машинами и казачий раз отбегавшись, отбегавшись на высоту к высоте десятка мотулов.

Неравная борьба приняла тактический характер. Боевыми

Красноградский - Харьковской. Боевыми

194 г.

Икром Йўлдошев муқофотга тавсия этилган тақдирлаш варақаси





Тақдирлаш варақаларига кўра, 112-кавалерия дивизияси 294-кавалерия полки 1-эскадронидаги ўзбекистонлик атоевчилар қуйидагилардир:

1. Ақром Абдурахмонов (ҳужжатда – Абдрахманов Ақрам), 1921 йилда туғилган, қорақалпоқ, Қорақалпоғистоннинг Хўжайли туманидан (ҳужжатда Хаджинский) чақирилган. Манзили (ҳужжатга кўра): Ходжентский р-н, д. Шестая.

2. Исмоил Аъзамов (ҳужжатда Агзамов Исмоил), 1912 йилда туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрининг Киров туманидан чақирилган. Манзили: Тошкент шаҳри, Шахтинский тор кўчаси, 37-уй. Хотини: Н. Агзамова.

3. Раҳмат Азимов (ҳужжатда Азимов Раҳмет), 1921 йилда туғилган, ўзбек, Самарқанд туманидан чақирилган. Манзили: Самарқанд шаҳри, Авиа-Улан кўчаси, 66-уй. Онаси: К. Азимова.

4. Малик Отахонов (ҳужжатда Атахонов Малик), 1923 йилда туғилган, ўзбек. Манзили Фарғона вилояти ҳудудида.

5. Амир Баджигов (Адҳам Раҳмат мақоласида Амир Мажидов деб қайд этилган), 1922 йилда туғилган, ўзбек, ҳужжат бўйича Ўзбекистон ҳудудидан чақирилган. Манзили: Ўзбекистон, Кара-Юрсанский қишлоқ кенгаши. Онаси: С. Баджигова.

6. Раҳим Биджаев (ҳужжатда Биджаев Раҳим, Адҳам Раҳмат мақоласида Раҳим





Абадият тепалигига  
ўрнатилган ёдгорлик

Тожиев деб қайд этилган), 1922 йилда туғилган, ўзбек, ҳужжат бўйича Ўзбекистон ҳудудидан чақирилган. Манзили: Ўзбекистон, Караларский қишлоқ кенгаши. Хотини: С. Биджаева.

7. Сафар Зиёев (ҳужжатда Зияев Сафар), 1915 йилда туғилган, ўзбек, Бухоро шаҳридан чақирилган. Манзили: Ғиждувон шаҳри, Тожикистон кўчаси. Отаси: Бобоқул Зиёев.

8. Мурод Илҳомов (ҳужжатда Ильхамов Мурат), 1922 йилда туғилган, ўзбек, ҳужжат бўйича Тошкент шаҳрининг Киров туманидан чақирилган. Манзили: Тошкент вилояти, Киров тумани, Куйбишев номли колхоз. Хотини: Х. Ильхамова.

Бедарак йўқолгани ҳақидаги ҳужжат бўйича манзили: Тошкент вилояти, Калинин тумани, Куйбишев номли колхоз, Сталин қишлоқ кенгаши. Онаси: Меҳри Қосимова (РФ МВМА. 58-фонд, 977525-рўйхат, 81-ҳужжатлар йиғмажилди).

9. Икром Йўлдошев (ҳужжатда Юлдашев Икром), 1912 йилда туғилган, ўзбек, Шофиркон туманидан чақирилган. Манзили: Шофиркон тумани, Денов қишлоғи. Отаси: Акром Йўлдошев.

10. Маҳмуд Каримов (ҳужжатда Каримов Маҳмут), 1921 йилда туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳридан чақирилган. Манзили: Тошкент шаҳри, Литейная кўчаси, 3-уй. Отаси: К. Каримов.



# Наградной лист

758

1. Фамилия, имя и отчество Зиёев Сафар
2. Звание Красноарминец
3. Должность, часть Сабдан иши 2-го Докладро  
294-Кавалерия полк 112-Кавдивизии
- Представляется к Удостоения Советского Союза
4. Год рождения 1915
5. Национальность Узбек
6. Партийность Без партии
7. Участие в гражданской войне и в последующих боевых действиях по защите СССР (где, когда) Участник Отечественной войны с 1942 года
8. Имеет ли ранения и контузии в отечественной войне Убит 22 января 1943 года
9. С какого времени в Красной Армии Декабрь 1941 год
10. Каким РВК призван Пухаровский горвоенкомат
11. Чем ранее награжден (за какие отличия) Не имеет
12. Постоянный домашний адрес: (происхождение и первоначальное или настоящее)

ДЛЯ ПОДШИВКИ

## 1. Краткое, конкретное изложение личного боевого подвига или заслуг

Будучи Советским воином, в то время красноармейцем 2-го батальона 294-го кавалерийского полка, проявить себя в бою, оказавшись на высоте, оказавшись в окружении и в то же время не сумев добраться до своих, убит. Своей группой отбитых лошадей от отхода отрядов, храбрости и упорства вывел усталых лошадей из окружения, хотя в бою отрядом было окружено на узкой высоте. Считается, что своим подвигом, своим мужеством, своим героизмом не только спас, но и вывел из окружения отряд, в то время не имея возможности отступить.

21 января 1943 года в районе станицы в районе устья реки в районе реки в высоту с многоэтажными зданиями укреплена, семь раз безуспешно в контратаку. Своей группой отбитых лошадей от отхода отрядов, храбрости и упорства вывел усталых лошадей из окружения, хотя в бою отрядом было окружено на узкой высоте. Считается, что своим подвигом, своим мужеством, своим героизмом не только спас, но и вывел из окружения отряд, в то время не имея возможности отступить.

В боях за высоту 294-го кавалерийского полка, проявив себя в бою, оказавшись на высоте, оказавшись в окружении и в то же время не сумев добраться до своих, убит. Своей группой отбитых лошадей от отхода отрядов, храбрости и упорства вывел усталых лошадей из окружения, хотя в бою отрядом было окружено на узкой высоте. Считается, что своим подвигом, своим мужеством, своим героизмом не только спас, но и вывел из окружения отряд, в то время не имея возможности отступить.

21 января 1943 года в районе станицы в районе устья реки в районе реки в высоту с многоэтажными зданиями укреплена, семь раз безуспешно в контратаку. Своей группой отбитых лошадей от отхода отрядов, храбрости и упорства вывел усталых лошадей из окружения, хотя в бою отрядом было окружено на узкой высоте. Считается, что своим подвигом, своим мужеством, своим героизмом не только спас, но и вывел из окружения отряд, в то время не имея возможности отступить.

194 г.  
 Командир 294-й кав. див. Зиёев  
 Ф.в. подполковник Штефан  
 Начальник штаба Штефан  
 лейтенант (Ферендов)

Сафар Зиёев мукофотга тавсия этилган тақдирлаш варақаси

11. Комил Пайжаев (хужжатда Пайжаев Камил, Адхам Раҳмат мақоласида Комил Файзиев деб қайд этилган), 1920 йилда туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳри Сталин туманидан чақирилган. Манзили: Тошкент шаҳри, Сталин тумани, 152-сон база.

12. Юлай Сиддиқов (хужжатда Сиддиқов Юлай), 1922 йилда туғилган, ўзбек, Оржоникидзе туманидан чақирилган. Манзили: Тошкент вилояти, Оржоникидзе тумани, Киров қишлоқ кенгаши. Хотини: Р. Ситдиқова.

13. Давлат Тўлаганов (ҳужжатда Тулаганов Давлей), 1913 йилда туғилган, ўзбек, Тошкент шахри Фрунзе туманидан чақирилган. Манзили: Тошкент шахри, Набережная кўчаси, 12-уй. Хотини: О. Тўлаганова.

14. Ибельхарис Қосимов (ҳужжатда Касимов Ибельхарис), 1908 йилда туғилган, ўзбек, Косон туманидан чақирилган. Бўлинма командири. Манзили: Косон тумани Майманак қишлоқ кенгаши. Хотини: Улфат Қосимова.

15. Ирик Ҳасанов (ҳужжатда Хасанов Ирик), 1911 йилда туғилган, ўзбек, Зомин туманидан чақирилган. Манзили: Зомин тумани, Пешағор қишлоқ кенгаши (ҳужжатда Пшегорский). Хотини: Т. Ҳасанова.

Шунингдек, 3-гвардиячи армия ҳарбий кенгаши буйруғи билан I даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланганлар орасида Баҳром Эшқобилов (буйруқда Ишкабылов Бахран) ҳам бор. Аммо ҳозирга қадар унинг тақдирлаш варақаси архивдан топилмаган. Шу сабабдан жангчининг қаердан экани номаълумлигича қолмоқда.

Адҳам Раҳмат мақоласида тилга олинган Қобил Боймуродов (ҳужжат бўйича Баймуратов Килуб) ҳам ўзбек бўлиб, Тожикистонда яшаган ҳамда ўша ердан урушга сафарбар этилган (1911 йил туғилган, манзили: Кўктам тумани, “Париж коммунаси” колхоз, хотини А. Боймуродова).

Тақдирлаш варақаларидаги маълумотлар шуни кўрсатадики, уруш шароитида кўплаб Ўрта осиелик жангчиларнинг исмларини ҳарбий қисмда кўпчилик талаффуз қилишига қулай бўлган номлар билан аташган ёки қисқартма кўринишида чақиришган. Бу эса кейинчалик ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган.

Шу маънода, Юлай, Ибельхарис, Ирик номлари ортида жангчиларнинг асл исмлари номаълумлигича қолмоқда. Бу, тадқиқотчилар таъкидлаганидек, ҳужжат-

лар шошилинич тарзда, аскарларнинг шахсий маълумотлари билан солиштирмасдан тайёрланганини яна бир бор тасдиқлайди.

Қолаверса, Баджигов, Биджаев, Пайжаев каби фамилияларнинг бузилган ҳолда қайд этилгани ҳам ноаниқликларни келтириб чиқаради. Бу эса жангчиларнинг яқинлари ўз жигарлари ҳалок бўлганини билмасликка сабаб бўлган. Бунга биргина Мурод Илҳомов ҳанузгача бедарак йўқолган, деб ҳисобланиши далил бўла олади.

Албатта, ушбу жангчилар бўйича маълумотларга аниқлик киритиш юзасидан изланишлар давом эттирилиши керак.

Шу билан бирга, таъкидлаш керакки, ҳозирда Абадият тепалиги деб ном олган 79,9 белгили тепаликдаги қаҳрамонликда ўзбекистонликларнинг ҳиссаси катта бўлган. Уларнинг номларини тиклаш ва абадийлаштириш – тинч заминда яшаётган авлодларнинг муқаддас бурчидир.

Яна бир мулоҳаза. Ҳаёт қолган П. Халеевдан бошқа биронта жангчининг яқинларига беқиёс жасорати учун тақдирланган орден топширилмаган кўринади. Ҳатто, Аннақлич Атоевнинг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони ва янгидан тайёрланган Ленин ордени фарзандига 2020 йилда тақдим этилган.

Шу маънода, Абадият тепалигининг ўзбек баҳодирларига тегишли I даражали Ватан уруши орденлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси таркибидаги “Шон-шараф” давлат музейига топширилиши ҳамда алоҳида экспозиция ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

Зеро, бу баҳодирлар шонли ва суронли уруш йилларида жасорат, матонат ва инсонийликнинг юксак намунасини кўрсатган Ўзбекистон халқининг чин фарзандларидир.

**Саидхон САЙДОЛИМОВ,**  
*сиёсий фанлар доктори,*  
*профессор*

**Козимхон САЪДУЛЛАЕВ,**  
*фалсафа доктори (PhD)*





# ДОН БЎЙИДАГИ ЖАНГЛАР



## Тўғон ЭРНАЗАРОВ

(1922–1983)

Тўғон Эрназаров 1922 йилда Тошкент шаҳрида деҳқон оиласида дунёга келди. У болалигидан ҳавас билан шеърлар, ҳикоялар ва пьесалар ёза бошлади. Унинг “Пушаймон” пьесаси 1939 йили мактаб саҳнасида қўйилганида, ихчам хабар ва лавҳалари газеталарда чоп этилганида қалби сурурга тўлганди. Мана шу ҳавасу интилишлар ижодни унинг бир умрлик аъмолига айлантди.

Тўғон Эрназаров замондошлари сингари 1941 йили совет мамлакатига фашистлар Германияси ҳужум бошлаганидан кейин урушга сафарбар этилди. Унинг жанговар йўли Сталинграддан Прагага қадар давом этди. У алоқачи бўлиб, фронтнинг олдинги марраларида алоқа симларини улади.

1944 йил майдан бошлаб Т. Эрназаров “Суворов натиски” газетасида мусахҳих ҳамда ҳарбий мухбир бўлиб, жангчиларни ўз сўзи ва қалами билан жасоратга ундади. Уруш йилларида унинг шеър ва мақолалари “Атакага”, “Ватан шарафи учун”, “Совет жангчиси” каби фронт газеталарида тез-тез босилиб турди.

Уруш йилларида “Жанговар хизматлари учун”, “Сталинград мудофааси учун” медаллари ҳамда Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланган гвардия сержанти Тўғон Эрназаров урушдан қайтаётганида ўзбекистонда чоп қилинган фронт газеталарининг тахламларини ўзи билан олиб келди.

У республика ёшларининг нашри бўлган ҳозирги “Ёшлар овози” газетасида адабий ходим, бўлим мудир, муҳаррир ўринбосари, “Билим” жамиятида муҳаррир бўлиб ишлагач, Москва давлат университети тарих факультетида ўқиб, аспирантурасида таҳсил олди. Олим уруш йилларидаги ўзбек матбуотини тадқиқ этган номзодлик диссертациясини 1955 йилда ёқлади.



Таъкидлаш керакки, у ўз фаолияти билан республика тарих фанида фронт газеталарини ўрганишни бошлаб берди. Тадқиқот бевосита жанггоҳларда газета чиқаришда қатнашган журналист томонидан тайёрланганини ҳам қайд этиш зарур. Бундан сал аввалроқ, 1954 йили айна шу газеталар асосида ёзилган “Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек жангчиларининг қаҳрамонлиги” номли китоби чоп этилган эди.

Т. Эрназаров кейинчалик ҳозирги “Ўзбекистон овози” газетасида масъул котиб сифатида фаолиятини давом эттирди. Шу билан бирга, Тошкент давлат университетининг журналистика кафедрасида ўқитувчилик қила бошлади. Ўн йил давомида Тошкент олий партия мактабининг тил ва адабиёт кафедрасига раҳбарлик қилди.

1965 йили Москвада Ўзбекистон матбуоти тарихига оид докторлик диссер-





*“Журналист – олим” хужжатли фильмидан лавҳа*

тациясини ҳимоя қилди. 1967 йилда Тошкент давлат университетига ишга ўтиб, журналистика факультетининг биринчи декани бўлди. Шунингдек, матбуот назарияси ва амалиёти ҳамда матбуот тарихи кафедраларига раҳбарлик қилди.

Профессор Тўғон Эрназаров фронт газеталарида эълон қилинган очерklarини жамлаб, “Тоғлар орасида” китобини чоп эттирди. Шунингдек, уруш йилларидаги шеърларидан “Жангчи қалби”, “Окоп сатрлари” тўпламларини тартиб берди.

Бундан ташқари, “Туркистонда вақтли матбуот”, “Ўзбекистонда халқ матбуотининг равнақи”, Зиёд Есенбоев, Убайдулла Иброҳимов билан ҳамкорликда “Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари” номли китоблари, шогирди Адҳам Акбаров билан биргаликда “Туркистон матбуоти тарихи”, “Ўзбекистон матбуоти тарихи” дарсликларини ёзди. Сўнгги тадқиқоти – “Ўзбекистон

совет журналистикаси” китоби 1983 йили чоп этилди.

Унинг мактаби илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилган. Буни бир томондан ўттиздан ортиқ номзодлик диссертацияларига раҳбарлик қилгани, бошқа жиҳатдан юзлаб шогирдлари нафақат мамлакатимизда, қолаверса, узоқ ва яқин хориж мамлакатларида, халқаро ташкилотларда самарали меҳнат қилаётгани билан изоҳлаш мумкин.

Айни пайтда фарзандлари ва неваралари ҳам ота касбини давом эттиргани билан Эрназаровлар хонадони – журналистлар сулоласига айланганини ҳам таъкидлаш ўринли.

Яқинда юз берган яна бир воқеага тўхталиш зарур.

Ўзбекистонда 2023 йил апрелда ўтказилган Конституция референдумига “ЕвроМедиа” халқаро нашриёт уйи директори Владимир Денисов халқаро кузатувчи





сифатида ташриф буюрди. Унга “Ўзархив” агентлиги томонидан Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда чоп этилган “Аскар мактублари” китоб-альбоми ҳадя қилинди.

Меҳмон китоб билан танишар экан, ўзининг кичик ватани – Дон ҳақидаги шеърни учратиб қолади. Шунда у атрофдагилардан бу сўз бошқа маъно англатмаслигини, айнан географик жой эканлигини тасдиқлатиб олгач, мазмунини сўрайди. Бу – Тўғон Эрназаровнинг Дон бўйида жанг қилиб, ўз таассуротларини ифода этган шеъри эди. Унга 1943 йил

26 май санаси қўйилган. Бундан таъсирланган В. Денисов ташаббуси билан шеър рус тилига таржима қилинди.

2023 йил 26 май куни, айти шеър ёзилганига 80 йил тўлганида Дон бўйидаги Ростовни озод қилишда иштирок этган Тўғон Эрназаровнинг шеъри “Самбек тепалиги” ҳарбий-тарихий музей мажмуаси бўйлаб жаранглади.

Унинг сўзи 80 йилдан кейин Дон бўйи кенглиklarига қайтди. Бу ташаббуснинг негизида ўзбек жангчиси Тўғон Эрназаров хотирасига юксак эҳтиром мужассам эди.

**Севара ПЎЛАТОВА,**  
тарих фанлари номзоди,  
профессор





**ОРЁЛ–КУРСК  
ҶИМОЯСИДАГИ  
ҚАҲРАМОНЛИКЛАР**

## Адҳам РАҲМАТ

(1909–1983)

Ўзбекистонликларнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўрсатган жасорати бўйича изланишлар олиб борар эканман, ёзувчи Адҳам Раҳматнинг меросини ҳам жиддий ўргана бошладим.

Аввало, бу ижодий мерос муаллифи бевосита уруш қатнашчиси, жангдаги ботирликларни тарихга муҳрлаган фронт журналистларидан бири экани билан ўзига жалб қилган эди. Қолаверса, ёзувчининг урушдан кейинги фаолияти ҳам юртдошларимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги қаҳрамонликларини абадийлаштириш билан боғлиқ эди. Бу очерклар архиву музейлардаги ҳужжатлар, бевосита уруш қатнашчиларининг ўз сўзлари асосида ёзилгани билан аҳамиятли.

Баъзан Андижондами, Самарқанддами ё бошқа жойда яшовчи уруш қатнашчиларининг фарзандлари билан учрашиб қолганимда, улар бундан қарийб ярим аср аввал Адҳам Раҳмат уларнинг оталари билан кўришганини эҳтиром билан ёдга олишади...

Ёзувчи 1909 йили Қўқонда туғилди. 1926–1928 йилларда Тошкент тиббиёт билим юртида ўқиди. Бир муддат қишлоқ мактабларида ўқитувчилик қилди.

1930 йилдан Адҳам Раҳмат “Янги Фарғона”, “Коллективчи”, “Колхозчи” газеталарида ишлади ва республика марказий газеталари – “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока”нинг махсус муҳбири вазифаларида хизмат қилди. Унинг ижоди болаларга бағишланган шеърий асарлардан бошланди.

1934 йилда Адҳам Раҳмат Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди ва уюшманинг Қўқон бўлинмасига масъул котиб этиб сайланди.

Уруш бошланганида Адҳам Раҳмат Ўзбекистон радиосида муҳаррир бўлиб ишларди. Ёзувчилар уюшмаси ва радио-



қўмитада бўлган митингларда у ҳам сўзга чиқиб, кўнгиллилар қаторида фронтга бориш истагини билдиради.

Адҳам Раҳмат 1941 йилнинг октябрь ойида ҳарбий хизматга чақирилади ва Чирчиқ шаҳридаги 34-махсус ўқчилар бригадаси таркибида ҳарбий тайёргарлик машғулотларини ўтай бошлайди.

Орадан кўп ўтмай, уни Олмаотадаги кичик командирлар тайёрлаш курсига юборишади. 1942 йилнинг февраль ойида янги тузилаётган миллий ҳарбий қисмларга кичик командирлар зарур бўлгани учун ёзувчини Ўрта Осиё Ҳарбий округи ихтиёрига жўнатишади. У жангга пулемёт бўлинмаси командири бўлиб боришга тайёрланади.

Август ойида эса Адҳам Раҳмат Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети биринчи секретари Усмон Юсупов ҳузурига чақиртирилади. Ёзувчининг хотирлашича, учрашувда раҳбарият 15 кишини жангчилар ўртасида сиёсий-тар-





*“Қизил аскар ҳақиқати” газетаси ходимлари  
А. Раҳмат, Ҳ. Ҳусаинов, Ғ. Наврӯзбоев, Н. Жабборов. 1944 йил 26 июнь, Тишино*

биявий иш олиб бориш учун Иваново шаҳридаги Ҳарбий-сиёсий мактабга ўқишга юборишга қарор қилганини маълум қилишади. Эртаси куниеқ улар Ивановога жўнаб кетишади.

Ҳарбий тайёргарлик ўтаётган кунлардан бирида, ярим кечаси Адҳам Раҳмат ҳарбий мактаб бошлиғининг хонасига чақирилади.

Бу ҳақда ёзувчи ўз хотираларида шундай ёзиб қолдирган:

*“...Генерал қўлига телефон трубкасини ушлаган ҳолда аллаким билан сўзлашарди.*

*– Ўртоқ подполковник, мана, мана, младший политрук ёнимда турибди... Хўп, хўп, албатта, – деганча телефон трубкасини қўлимга берди. Мен телефон трубкасини қулоғимга тутиб:*

*– Младший политрук Раҳматов слушаёт вас, – деб рапорт бердим.*

*Телефон трубкасида майин ва мулойим овозда: – Раҳматов Адҳам, да? – деб сўради.*

*– Ҳа, ҳа, – деб жавоб бердим.*

*У менинг қаерда, қачон туғилганим, қаерда ўқиганим, қаерда ишлаганимгача ва ҳатто оилавий аҳволим тўғрисида батафсил билиб бўлгач:*

*– Жуда яхши, телефон трубкасини начальникка беринг, – деб буйруқ қилди. Мен телефон трубкасини мактаб бошлиғига узатдим. Бошлиқ трубкани қўлимдан олиб:*

*– Я вас слушаю, товарищ подполковник, – деди-да, – есть, – деб трубкани аппаратга илибоқ адъютантини чақириб, унга мактаб партия ташкилоти секретари ва озиқ-овқат старшинасини чақириб келишини буюрди. Старшина “Есть”, деб чиқиб кетиши биланоқ, у менга мени Москвага Қизил Армиянинг Бош Сиёсий Бошқармаси (ГлавПУР) га чақираётганликларини айтди.*

*Ярим соат ичида мактаб партия ташкилоти ҳисобидан чиқдим, бир кунга етарли нормадаги нон, шакар, балиқ ва ГлавПУРга ёзилган хатни олдим...*

*Казарма майдонига чиққанимда генерал билан старшина машинада мени кутиб ту-*



ришган экан. Старшина вокзалда кассага кириб, билет олиб чиқди. Ярим соатдан сўнг поезд ҳам келди. Генерал ва старшина билан хайрлашиб, вагонга чиқдим.

ГлавПУРда мени подполковник Дедюхин қабул қилди. Кеча телефон қилган киши шу экан.

Подполковник мен билан ярим соатча суҳбатлашди ва кечаги гапларни яна қайтарди. Қўшимча ўлароқ, “Янги Фарғона” ва Риштон район газетасида ишлаганларим, Республика колхозчилар газетаси – “Колхоз йўли”нинг Андижон округидаги махсус мухбири бўлиб ишлаганларимни тасдиқлатиб олгандан сўнг мени полковник Баев олдига бошлаб кирди. Кексадан келган полковник подполковник олиб кирган папкадаги хатни ўқиди-да, менга қараб: ВКП(б) Марказий Комитети фронтлардаги рус бўлмаган миллат жангчилари учун уларнинг она тилларида газета чиқаришга қарор қилганини айтиб:

– Сизни Фарбий фронтга юборишни лозим кўрдим. Фарбий фронтда рус тилида “Красноармейская правда” газетаси чиқади, сиз шу газета редакциясида ўзбек тилида газета чиқарасиз, газета редакцияси шу ерда – Москвада, Станкевич кўчаси, 7-уйда. Собиқ “Гудок” газетасининг биносида. Сиз газета редактори полковник Мироновга бориб учрашинг, биз телефон қилиб қўямиз, – деди-да, редактор номига ёзилган конвертни берди.

Мен “Красноармейская правда” газетасининг редактори, полковник Миронов жойлашган хонага кирганимда у киши соқол олаётган экан.

Полковник ювиниб, артиниб, тараниб келгандан сўнг мен билан қайтадан қўл бериб сўрашди-да, “Красноармейская правда” газетасининг редактори полковник Тимофей Васильевич Миронов”, деб ўзини таништирди. Мен ҳам ҳарбий унвоним, исм-фамилиямни айтдим.

Полковник кетишга шошилиб турганиданми ёки ҳарбий қоида бўйичами қисқа ва лўнда қилиб деди:

– Бизга берилган буйруққа кўра, эртадан бошлаб ўзбек тилида газета чиқаришга киришиш керак.

Мен: “Газета чиқариш учун мендан ҳам бошқа ходимлар борми?” – деб сўраганимда, полковник: “Ҳозирча ёлғиз ўзингиз чиқариб турасиз”, – деб жавоб берди.

Газета чиқариш учун материалларни қаердан олишим, қаерда босилиши ва яна аллақандай нарсаларни сўраганимда, полковник ўрнидан турди-да: “Билишимча газетачиликда анча тажрибангиз борга ўхшайди. Ҳозирча материални бизнинг редакциядан олиб, таржима қилиб чиқариб турасиз, кейин мухбирларингиз кўнайиб кетади, фронтимизда ўзбек жангчи ва офицерлари кўп, газетачиларни ҳам топамиз. Газета вақтинча “Известия” редакциясида терилиб, ўша ерда босилиб туради”, – деб жавоб бериб, мени редакция ходимлари билан таништириб бўлгач, хайрлашиб чиқиб кетди.

Мен газетанинг биринчи сонини чиқаришга ҳозирлик кўра бошладим. Бир неча материални русчадан ўзбекчага таржима қилиб қўйдим. Ниҳоят, газетанинг биринчи сони 1942 йилнинг 1 ноябрь куни босилиб чиқди.

Газета чиққани учун хурсанд ва мамнун бўлганимдан тонг отгунча “Известия” босмахонасидан Станкевич кўчаси ўртасида бўзчининг моксидек бориб келганларим ҳам, корректура ўқиб, макет тузиб, ухламай чиққаним ҳам билинмади. Газета ўша куннинг ўзидаёқ фронтдаги барча қисмларга тарқатилди”.

Шу тариқа “Қизил аскар ҳақиқати” газетаси чоп этила бошланди.

Адҳам Раҳмат фронтнинг олдинги марраларига бориб мардлик кўрсатаётган жангчилар ҳақида хабарлар, очерклар ёзиб эълон қилади. Бир муддатдан кейин тахририятга аввал Иброҳим Раҳим, Ҳамид Файзи, сўнгра Абдулла Шарафуддинов хизматга келади. Кейинчалик Наби Жабборов, Маъруф Ҳаким, Ҳаким Ҳусанов, Ғани Маликов ва бошқа журналистлар ҳам газетада фаолият юритади, берилаётган материалларнинг сифати ҳам ошади.

Жанггоҳлардан ҳам ҳар куни 15–20 хат-хабар келадиган бўлади. Адҳам Раҳмат уларни ўқиб саралайди, жамоанинг иш фаолиятини ташкил этади. Газета тахри-



## Адҳам Раҳмат асарлари



рияги армия сингари доим ҳаракатда: ҳозир содир бўлган қаҳрамонликларни эълон қилади, ўз материаллари билан жангчиларга мадад бўлади.

Газета фронт билан бирга Курск бўйлаб ва Смоленскни озод қилиш жангларида иштирок этди. Газета 1944 йилнинг 24 апрелида Ғарбий фронтдан ажралиб чиққан 3-Белоруссия fronti таркибида Витебск, Минск, Вильнюс, Каунас шаҳарлари озод қилиниши учун ва Шарқий Пруссияда олиб борилган жанглардаги ботирликларни ёритди. Газетанинг охириги сони 1945 йилнинг 31 июль куни чиқди.

Уруш вақтида капитан Адҳам Раҳмат Ўзбекистон телеграф агентлигининг фронтдаги махсус мухбири ҳам эди. Унинг фронтдан юборган жанговар лавҳалари ва очерклари “Қизил Ўзбекистон” газетасида эълон қилинади. Шу билан бирга, ҳарбий-ватанпарварлик йўналишида ўнлаб шеърлар ёзади. Айниқса, “Мени кут”, “Сен қаерлик?” каби шеърлари кўп минг нусхада варақа қилиб босилиб, барча фронтларда хизмат қилаётган ўзбекистонлик жангчилар орасида тарқатилади. “Қизил аскарлар куйлайди” тўплами ҳам кўп нусхада чоп этилади.

Адҳам Раҳматнинг урушдан кейинги ижодий фаолияти, асосан, ўзбек халқи фарзандларининг жасорати бўйича изланишларга бағишланди.

Ёзувчи умр бўйи муқаддас хотира билан яшади: жанггоҳларда ҳалок бўлган қанчадан-қанча юртдошларининг номини абадийлаштиришга катта ҳисса қўшди.

Адҳам Раҳмат ўзбекистонликларнинг Иккинчи жаҳон урушида иштироки ва улар кўрсатган жасоратга китоблари билан ёдгорлик ўрнатди: “Эллик бир баҳодир”, “Ватан ботирлари”, “Генерал Собир Раҳимов”, “Генерал Файзулла Норхўжаев”, “Шинелли қизлар қиссаси”, “Ўзбек генераллари”, “Изларни излаб...”, “Қамал кунлари”, “Жанг суронларида”, “Олтин Юлдуз кавалерлари”, “Жанговар сафда” ва бошқа бир неча асарлар ёзди. Бу асарларнинг кўпчилиги рус ва бошқа тилларга таржима қилинди. Архиву музейлардаги ўрганишлар, жанг бўлган жойларга сафарлар – қаҳрамонлик ва жасорат гувоҳлари бўлган кишилар билан учрашувлар негизида юзага келди бу асарлар.

1967 йилда “Окопдан овозлар” ва “Брест лавҳалари” китоблари учун Адҳам Раҳмат республика танлови мукофотига сазовор бўлди. 1976 йилда у А. Фадеев мукофоти лауреати бўлди, Иттифоқ Мудофаа вазирлигининг дипломи билан тақдирланди. Шунингдек, ёзувчи “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Ўзбекистон ва Белоруссия Олий Совети Президиуми фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

**Козимхон САЪДУЛЛАЕВ,**  
*фалсафа доктори (PhD)*



## Ҳасан ИСЛОМОВ

(1920–2000)

Бу воқеа 1943 йилнинг 8 мартида содир бўлган эди. Ўшанда: “Бўлди энди, буюғи талмом, ҳеч нарсага ярамай, ҳеч кимга керагим бўлмай, бир чеккада қолиб кетаман!..” деб ўйлаган эдим.

...Снарядлар портлайди, олов ранг чанг-тўзон кўтарилади. Одамлар қулайди. Қулаган ерида тўлғанади. Қолганлар автоматларидан олов сачратиб, олға силжишади. Ҳавода снарядлар учади. Лекин на уларнинг чийиллаши, на ботмонлаб тупроқни осмонга сочган портлашлар гумбури, на пулемётларнинг тариллаши, на ярадорларнинг инграши қулоғимга киради. Худди овозсиз кинонинг ўзи дейсиз. Ҳатто ўзим ҳам “Олға!” деб бақирганча югуриб кетяпман-у, овозимни эшитмайман...

Шу кунга қадар ўзимни омадли ҳисоблардим. Уруш боиланибдики, жангдаман. Не не олов-оташли майдонларни эсон-омон ўтиб келяпман. Оғир атлетикачи эмасманми, олтмиш килоли пулемётимни елкалаб, “Олға!” “Олға!” дея ҳайқирганча ротамни эргаштириб, жангга кириб кетавераман. Ўлимни писанд қилмайман. Москва, Сталинград, Курск ёйи, Орёл... Ватан уруши, Қизил Юлдуз деган иккита орден ва “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланганман.

Лекин ўша кунни Орёл яқинидаги Красное қишлоғи учун бораётган жанг мен учун сўнгисини эканини хаёлимга келтирмаган эдим.

Қишлоқ шу чоққача олти марта қўлдан-қўлга ўтган эди. Охири таваккал қилдим. Қишлоқдан Неручь дарёси айланиб ўтарди. Ўз ротам билан шу дарёни кечиб ўтиб, душманга орқа тарафдан ўқ ёғдирдик. Кутилмаган ҳужумдан рақиблар аввал саросимага тушди. Кейин мадад кучи келди чамаси, дадилланиб қолди. Бизнинг сафимиз эса сийраклашиб борарди. Аммо чекиниш хаёлимизга ҳам келмасди. Қадам сайин душманга яқинлашиб борардик. Бир маҳал шундоқ



ёнгинамда снаряд портлаб, мени итқитиб ташлади...

Кўзимни очиб чанг-тўзон қоплаган осмонни кўрдим... Тепамдан бораётган баланд-баланд дарахтларнинг шохлари яланғоч, совуқда дийдираб тургандай. Эътибор берсам, қандайдир чанада кетяпман. Бир пайт кўз ўнгимда кучли ўт чақнади. Аммо ҳеч нарса эшитмадим. Ўзим ётган чана-пана билан отилиб кетганимдан сездимки, кучли портлаш юз берди. Билмадим, минага дуч келдикми, снаряд келиб тушдимми?..

Шуниси аниқ эсимдаки, кўз олдимда қип-қизил қон тусидаги олов ярқирар эди. Бу олов қотиб қолди-да, анчагача йўқолмади. Кейин эса ранг қуюқлашиб, қора тусга кира борди. Охири ҳаммаёқни қоп-қора зулмат тутди. Қолгани эсимда йўқ...

Онамнинг овози мени уйғотди.

– Ҳасанжон, тур болам, кўзингни оч. Оч, кўзингни!..



Кўзимни очмоққа уриндим. Қовоқларим зилдек, кучим етмади кўтаришга. Пайпаслаб кўрдим: юз-кўзларим боғлаб ташланган. Демак, госпиталдаман. Қўл-оёқларимни қимирлатдим: сопна-соғ. Ҳайрият... Бошимдан яраланибман чоғи – зирқиллаб турибди...

Кунлар ўтаверди. Ётавериб зерикдим. Энди манави бинтларни ечиб ташлашса, ёруғ дунёни бир кўрсам...

Кўнглимга ғулғула тушди. Ҳамшира қиз келган эди, қўрқа-писа унга ёрилдим. Ундан: “Бўлмасам-чи, Ҳасан, сопна-соғсан”, деган жавобни кутгандик. Бироқ ҳамшира жим қолди. Қўлларимдан оҳиста тутди. Шу ондаёқ баданим музлади. Юрагим орқамга тортиб кетди.

“Бўлди, гапирма, бас”, дердим, овозим чиқмасди. “Йўқ, айтгин, синглим, кўзларинг кўради, дегин, лоақал биттаси кўради, дегин!”, дея унсиз бўзлардим. Ҳамшира қиз ҳамон жим эди. Худди ўғлини овутаётган каби қўлларимни силаб-сийпаларди. Раҳми келяпти менга. Балки, йиғлаётгандир ҳам?..

Ҳа, энди бир умр шундай: менга ачиниб қарайдилар, менга ҳамдард оҳангда гапирадилар. Наҳотки, шу ҳодисалар ўнгимда рўй бераётган бўлса?! Бир умр доим кимнингдир етовига муҳтож бўлиб яшашим керакми? Қандай даҳшат!

Демак, эрта бир кун жавоб беришади. Сен учун уруш тугади, Ҳасан, юртингга жўнагин, дейишади. Жўнайман. Ота-онам ҳузурига ошиқиб бораману уларнинг бағрига отилман. Юз-кўзларидан ўпаман. Болалигимдан димоғимга ўтириб қолган таниш бўйларини ҳидлайман. Лекин ўзларини кўролмайман-ку! Шунда бир аламим олти бўлмайдими?!

Уф-ф! Юрагим тарс ёрилиб кетяпти-я! Мунча зимистон-а!

Эй, Худо, шунчалар гуноҳим қаттиқми-дики, менга бундай тақдирни раво кўрдинг?! (Ўзи кечирсин.)

Кунларим ана шундай зил-замбил хаёллар ўровида ўтарди. Аллоҳ сабр бераркан, секин-аста кўника борардим.

Ёнимда Анатолий Лопирин деган подполковник ётарди. Шу одамнинг таъсири кучли



*Ҳасан Исломов акаси Абдулла қори,  
амакиваччаси Мавлон ва ўғли Муҳаммад Амин билан*



ОРДЕНОМ  
ОТЕЧЕСТВЕННОЙ ВОЙНЫ  
С ЗНАКОМ

Все графы заполнять полностью

# НАГРАДНОЙ ЛИСТ, 124

1. Фамилия, имя и отчество ИСЛОМОВ Хасан
2. Звание Ст. лейтенант Запас 3. Должность, часть и.в.адм.слоним, не работает
- Представляется к ордену "Красного знамени"
4. Год рождения 1920 5. Национальность узбек 6. Партийность чл. ВЛКСМ
7. Участие в гражданской войне, последующих боевых действиях по защите СССР и отечественной войне (где, когда) В Отечественной войне с декабря 1941г. по март 1942г. на западном фронте оборона Москвы и Орловское напр.
8. Имеет ли ранения и контузии в отечественной войне три ранения и контузии
9. С какого времени в Красной Армии 1941г. 10. Каким РВК призван Сталинским РВК г. Ташкент
11. Чем ранее награжден (за какие отличия) не награждался
12. Постоянный домашний адрес представляемого к награждению и адрес его семьи

## I. Краткое, конкретное изложение личного боевого подвига или заслуг

Западный фронт участвовал в обороне гор. Москвы с 5 декабря 1941г. в должности командира отделения 108 стр. полка, 248 стр. дивизии.  
С 8 мая 1942г. по 29 февраля 1943г. Западный фронт Орловское направление участвовал в боевых операциях в составе 860 стр. полка, 288 стр. дивизии в должности командира пулеметной роты. В этих боевых операциях получил 3 марта 42г. третье тяжелое ранение и контузию. В следствии чего потерял зрения. В данное время в следствии потери зрения не работает и обучается на курсах при обществе сслепых. Несмотря на то, что потерял зрения тов. ИСЛОМОВ энергично занялся учебу, чтобы преобрести себе специальность и приступить к работе.

Тов. ИСЛОМОВ достоин представления к представлению в правительственном порядке.



С.И. Демидов  
Командир (начальник)

*(Handwritten signature)*  
(звание)

28. июля 1944 г.

И  
В  
К  
И  
Ш  
И  
Д  
П  
О  
Л  
Я  
Д  
А

Хасан Исломов мукофотга тавсия этилган тақдирлаш варақаси



бўлди. У менга урушда шундай аянчли аҳволга тушган одамлар ҳақида гапириб берардики, беихтиёр: “Э, менинг ғамим уларнинг олдида ҳолва экан”, деб юборардим.

Хуллас, аҳволим хиёл ўзгара бошлади. Палатада мотам тутиб ётавермай, аста-секин ҳовлига чиқадиган бўлдим. Суриштириб, ўзим пайпаслаб турник топдим. Эрмагим шу бўлди. Қулай фурсат бўлдими, чиқаману турникка осиламан. Турли машқлар бажараман. Жиққа-жиққа терга тушаман. Баъзида ҳамшира койиб, чақириб олмагунча, палатага кирмайман. Хуллас, дардим бирмунча енгиллашди.

Вақт-соати етиб, Аллоҳ тақдир этган кунни уйга қайтдим. Туғишганларим бағридаман. Ахир, шунча йил олисларда юриб келсам-да, соғинганларим дийдорини кўролмасам!.. Онаизорим, отажоним нечук ҳолатда бўлишса экан? Сочлари оқариб, ажинлари кўпайиб қолгандир. Э-воҳ, улар ёнгинамда-ю, юзларини, дийдорларини, тушларимдагина кўраман!.. Бу қандай бедодлик?! Уларнинг белига қувват бўлиш ўрнига дардисар бўлиб ўтирибман...

Ҳеч ерга сиғмасдим. Уйга кирардим, ҳовлига чиқардим. Асабийлашардим. Бир кун онам насиҳат қилиб қолдилар.

– Болам, кўп куюнаверма, Худо ўзи бир йўлга бошқариб қолар.

Ростданам шундай бўлди...

Бир кунни жияним етовида собиқ тренерим Мито Мкртумянцнинг уйига бордим. У аҳволимни кўрди-ю, сир бой бермади. Ҳар ҳолда, менга шундай туюлди, чунки кўзим ҳақида гап бўлмади-да.

– Хўп, Ҳасан энди келган жойимиздан бошлаймизми? – деди.

Бош эгиб туравердим.

У елкаларим, билакларимни сиқиб кўрди-да:

– Ҳасан, зўрсан-ку, – деди. – Мушакларинг тошдай. Хуллас, формадасан. Ҳеч иккиланмай бошлайверамиз.

– Мито Азарович, ман илгариги Ҳасан эмасман... – деган эдим, койиб берди.

– Тўғри, сен илгариги Ҳасанга ўхшама-япсан, пессимист бўп қопсан. Уят эмасми, сендай полвон йигитга! Беҳуда гапни қўй,

сенда куч-қувват бор, ирода бор. Кўзга келсак, у штангист учун кўп ҳам зарур эмас, – деди кулиб.

Аслида, мен Мито Азарович олдига шундай бир далда излаб келгандим ва уни топганимдан суюнардим.

Машқларни бошлаб юбордик. Мито Азарович ҳовлимизга штанга келтирди. Турли мосламалар ясаб берди. Ҳар кунни спорт залидаги шогирдлари билан машғулот ўтказгач, уйимизга келади. Завқ-шавқ билан машқ қиламиз.

Айни чоқда бошқа бир устозим кўмагида брайлча – игна билан ёзишни ҳам ўргана бошладим.

Руҳим тетик, кайфият кўтаринки, юрагимда алланечук ширин туйғулар, орзулар уйғона бошлаган...

1945 йил августи. Фарғонадаги офицерлар уйининг томоша залида оғир атлетика бўйича мусобақалар ўтяпти. Мусобақани биз, енгил вазнлилар бошлаб беришимиз керак эди. Етти киши эканмиз. Саҳнага мени таклиф этишди. Мито Азарович қўлтиғимдан олди.

Зал сув қуйгандек сукутга чўмди. Сабоби тушунарли, мен қора кўзойнакда эдим. Мито Азарович билагимни сиқиб қўйди-ю, ортига қайтди.

Штангани секин оёғим билан туртиб кўриб, мўлжал олдим-да, энгашидим... 80 килограмм! Дастлабки ғалаба! Мендан олдингилар 77,5 килоли маррага етган эдилар. Буёғи осон кўчди, кейинги икки курашда ҳам рақибларимни енгиб, жами 222,5 килограммли маррани забт этдим. Энди залнинг дув кўчганини кўрсангиз эди. Кимсан Ҳасан Исломов – Республика чемпиони...

Албатта, онам ҳам бу хайрли ўзгаришлардан хурсанд эди. Аммо яна бир кўнгли тўлмаётган томони бор эди: тезроқ бошимни иккита қилиб қўймоқчи, орзу-ҳавас кўрмоқчи эди. Мен эса бу масалада шошилмаётгандим, тўғриси, юрагим бетламаётганди. Қайси бир соппа-соғ қиз мендек ногиронга турмушга чиқишга рози бўларди, дердим. Йўқ, бир тирик жонга жабр қилмаслигим керак...

Лекин онам бир кунни очиқчасига масалани ўртага қўйди: “Кўшимиз Олия хо-





*Ҳасан Исломов умр йўлдоши Маҳфузахон,  
қизи Матлуба ва “Спартак” жамияти раҳбарлари билан*

лангинг бир жиян бўлмиши бор экан. Шу қизни кўрдим-у хаёлимдан кетмай қолди. Бирам одобли, ҳаёли, ҳуснини айтмайсанми. Сочи тақимини ўпади. Қўл-оёғи бирам чаққон, ўзи шунақанги ширинки, қўяверасан. Бир кўргандаёқ юрагимга олов тушди. Менинг Ҳасаним шунга уйланса, бахтини топади, дедим. Олия холангга оғиз солган эдим, аввал Ҳасанжоннинг кўнглини биллинг, у нима деркин, деди. Хўш, нима дейсан, болам?”

Мен ўйланиб қолдим. Кейин онамнинг қўлларидан тутиб, гап бошладим: “Онажон, сиз ўша қизни жуда чиройли деяпсиз-а”, – дедим. “Ҳа, ҳа, жудаям, яқин ўртада бунақа кўҳликкина қизни кўрмаганман”, деди онам жонланиб.

Мен яна жим қолдим. Кейин алам ва оғриқ билан дедим: “Ўша чиройли қизга қандай қилиб, менинг кўзи ожиз боламга турмушга чиқасанми, дейсиз?”

Онам довдираб қолди: “Вой, Ҳасанжон, нималар деяпсан, сендан бошқа кўзидан ажралган йўқми, сен урушда йўқотдинг кўзингни. Бу сенинг айбинг эмас-ку! Хўп, бўл-

маса, сенга ўзингга ўхшаган ногиронни олиб беришим керакмиди”, деди онаизорим йиғламоқдан бери бўлиб.

Мен жим қолдим. Онам аён ҳақиқатни айтган эди... Шундан кўп ўтмай у мени бағрига босиб қутлади. “Болам, бошингга қўнаётган бахт қушинг муборак бўлсин”, деди. Кейин яна таърифлай кетди... Қош-кўзи мундай, мўй-милласи бундай. Менга бу таърифлар эмас, балки қизнинг ўз тилидан иқрори, розилигини эшитиш муҳимроқ эди.

Маҳфуза билан учрашдик. Қизнинг майин овози, иболи кулишлари, ундан келаётган ифорлар мени сархуш этди. Лекин рўй-рост гапирдим. Огоҳлантирдим. Ҳали ҳам кеч эмас, ўйлаб кўринг, дедим. Шу гапларни тилим сўзляпти-ю, аммо дилим...

Маҳфузахон катта-катта, чиройли вағдалар бермади, бир оғизгина сўз айтди: “Ҳасан ака, мен ҳаммасини ўйлаб кўрганман”, – деди, холос.

Аниқ тасаввур қилдим: бу гапларни у ердан кўз узмай, юзлари лоладай қизариб айтди. Ушбу бир калима замирида мен жуда кўп айтилмаган эзгу ниятларни уқдим.





*Ҳасан Исломов мураббий Мито Мкртумянц билан бирга*

Мен сархуш эдим ва сўнги йилларда илк бор ўзимни тўқис ва бахтли инсондай ҳис этдим. Янглишмаган эканман, ҳаётда нимагаки эришган бўлсам, бу ҳаммаси Аллоҳ менга йўлдош этган Маҳфузахон туфайлидир.

Тасаввур қилинг, азизлар, ўшанда Маҳфузахон бош эгиб: “Ҳасан ака, мен ҳаммасини ўйлаб кўрганман”, деганида, унинг ял-ял ёниб кетган юзларига, онам таърифлаган қаро кўзларига қанчалар термилгим келганди-я!..

Яқинда мен учун борлиғини фидо қилган Маҳфузамни, эллик йиллик ёстиқдошимни тупроққа бердим. Дийдор қиёматга қолди!..

Маҳфузамдан ёдгор тўрт азамат ўғлим, бир оқила қизим бор: Муҳаммад Амин, Муҳаммад Раҳим, Бахтиёр, Аббос, Матлуба деб исм қўйганмиз уларга.

Муҳаммад Амин ўзимдек штанга бўйича, Бахтиёр ўғлим бокс бўйича спорт устаси.

Ўттиздан ортиқ невара, чевараларим бор. Қанчалик ширин улар. Аммо бу жигарбандларимнинг масъум чеҳраларини фақат тушларимда кўраман, ҳа, фақат тушларимда...

Йўқ, мен йиғлаётганим йўқ. Ҳаётимда йиғламаганман. Менинг юрагим, кўнглим йиғлайди баъзан. Қолаверса, ҳаётда тўқис одам кам бўлади. Тўқисман, тўрт мучам соғ деган баъзи каслар борки, қалби сўқир, кўнгил кўзи беркилган бўлади. Бундай кўрликдан асрасин!..

Дарвоқе, мен эришган нарсалар... Ҳар ҳолда, толеимдан розиман. Устозим Мито Азарович билан бетиним машқлар қилиб, тер тўкиб, курашиб эришган натижаларим шу бўлдики, тўрт марта штанга кўтариши бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлдим.

Айтишларича, бу ҳодиса, яъни кўзи ожиз одамнинг соғлар орасида бундай натижага эришуви жаҳон спорти тарихида учрамаган экан.

Ўзбекистоннинг соғлар терма командаси сафида Москва, Тбилиси, Горький, Рига шаҳарларида бўлиб ўтган собиқ иттифоқ мусобақаларида қатнашдим. Чемпион бўлмаган эсам-да, ҳар ҳолда, командадошларимни уялтириб қўймадим, ўзбек спорти тарихида биринчи бўлиб, оғир атлетика бўйича спорт устаси унвонига сазовор бўлдим. Бир қанча шогирдлар тайёрладим.





Бир муддат Тошкент шаҳар оғир атлетика федерацияси ҳайъатига жамоатчилик асосида раислик қилдим. Ўша йили менинг номимда ёш штангачилар соврини таъсис этилди. Тўқсон учинчи йилдан эътиборан, у халқаро совринга айлантирилди.

Домла Ғайратий ташкил этган Эски Жўвадаги адабий тўғаракка мен ҳам уч йил қатнаганман. Шеър, ҳикоялар машқ қилганман. Бир қанча хотира-қиссаларим китоб бўлиб чиқди. Низомий номидаги педагогика институтининг кечки бўлимини тугатиб, кейин кўп йиллар Кўзи ожизлар жамиятига қарашли ҳунар-техника билим юртида дарс бердим. “Бир сафда” журнали таҳрир ҳайъати аъзоси бўлдим.

Айниқса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидек мўътабар жамоа аъзолигига қабул қилишганидан бошим осмонга етди.

Киночиларимиз мен ҳақимда “Қаро кўзим”, телевидение ижодкорлари “Шукрона” деган фильмлар яратишган...

Йўқ, биродарлар, мен бу гапларни бировга писанда қилиб ёки мақтаниб айтаётганим йўқ. Баъзан менга ўхшаган одамлар ҳақида гап кетса, жиндай ошириб юборишади. Бу одам ўз иродаси, матонати билан барча машаққатларни енгиб ўтди. Ўз тақдирини ўзи яратди... деб. Бу унчалик тўғри эмас.

Бир донишманд таъбирича, одам боласи ўз яралишига кўра чумчуқдан ҳам, ари-

дан ҳам лаёқатсизроқ экан. Дарҳақиқат, чумчуқ боласи йигирма кунда бу ёруғ дунёга мослашиб, ўз кунини кўриб кетади. Аммо одамизод йигирма йил деганда бунга эришади, ўшанда ҳам Худо хоҳласа.

Шундай экан, эришилган ютуқдан кибрланиб, ҳаволаниб кетиши яхшиликка олиб бормайди. Аллоҳ такаббурни севмайди.

Демоқчиманки, мен ногирон бўла туриб, Ҳасан Ислом номим оз-моз элга танилган экан, бу ҳаммаси меҳрибон Худонинг марҳаматидан. Олис кечаларда Эгамга йиғлаб қилган илтижоларим, Ундан ва фақат Ундан мадад сўраганларим натижасидир.

Лекин яна бир нарса борки, фақат дуою илтижо билан иш битмайди. Қуръони каримда таъкидланганидек, инсон нимагаки эришса, ўз сабъ-ҳаракати билан эришади. Қурашмаса, интилмаса, умри зое кетиши аниқ.

Яна айтмоқчи бўлганим, менинг бу изтиробларим ҳаммаси уруш туфайли. Эҳ ҳе, бу лавнати уруш мендайларнинг неча бирини нобуд этди, қанчасини майиб-мажруҳ этди. Шунинг учун мен хотиржам, тинчликда ўтган ҳар бир кунни Аллоҳнинг неъматидеб биламан.

Эришганимиз Истиқлол эса неъматларнинг олийси. Бунинг шукрини қилиш, қадрига етиш керак, болаларим, қадрига етиш керак!..

**Орзикул ЭРҒАШ ёзиб олди**





# ДНЕПР БҀЙЛАРИДА

## Абдулла ҚУРБОНОВ

(1925–2004)

Сталинград жанги иштирокчиси, игна билан ўз ҳаётини романга кўчирган Вали Ғофуров Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдулла Қурбонов ҳақида ҳам қисса ёзган. “Ботирга ўлим йўқ” деб номланган ушбу қиссада қаҳрамоннинг жанговар йўли ҳақида ҳикоя қилинади.

1941 йилнинг сентябрида Абдулла Қурбонов урушга кетаётган ҳамқишлоғи ортидан туман ҳарбий комиссарлигига келади ва уни ҳам фронтга жўнатишларини сўрайди. Ҳарбий комиссар ёши ҳали кичиклигини айтиб қайтаради. Ниятидан қайтмайдиган Абдулла Қурбонов Янгийўл бекатида турган вагонлардан бирига чиқиб олади. Москвага етиб борганларида уни 173-ўқчи дивизияси (“Халқ кўнгиллилар” полки) таркибига “полк ўғли” сифатида қабул қилишади ва “узбечёнок” деб аташади.

Биринчи йиғиндаёқ, душман шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилиб, бегуноҳ аҳолини отиб, осиб юбораётганини гапириб беришганида, Абдулланинг вужуди титраб кетди. Унинг хаёлидан онаси билан синглиси Қумрихон ўтди. *“Уруш бизнинг томондан бошланганида онамни ўлдириб, эҳтимол, синглимни олиб кетган бўлишармиди, аблаҳлар”*, деб қўйди.

А. Қурбонов мактабда ўқиган кезлари “Ворошиловчи ўқчи” тўғарагида фаол иштирок этиб, моҳир снайпер уқувини олгани қўл келди. Қисқа муддатда ҳарбий машғулотларни ўтагач, жанговар йўли Тула шаҳридан бошланди.

У бир сафар разведкачилар билан кузатувга чиққанида, диққатини сарой ҳамда унинг ёнидаги усти ёпиқ машина жалб этади. Машинадан қўллари боғлиқ кишиларни олиб тушиб, саройга олиб киришганини кўради. Барини разведка гуруҳи бошлиғига етказиб, сарой томонга қайтиб келади.

Энди сарой атрофи жимжит эди, машина кетган эди. Ёзувчи Ҳамид Жалолов



А. Қурбоновнинг жанговар хотиралари асосида ёзган “Узбечёнок” очеркида қайд этганидек, қаҳрамон саройга биринчи бўлиб етиб боради:

*“У аста сарой эшигини очиб ичкарига кирди-ю, шу заҳоти додлаганича орқасига қайтди. Бу вақтда қолганлар ҳам етиб келган эди.*

– Ўзи нима гап? – сўради группа бошлиғи.

*Абдулла ҳушини йўқотган, тили калимага келмас, дағ-дағ қалтирарди. У кўзини чирт юмганича сарой томон имо қилди. Бошқалар ҳам кирди-ю, қути ўчганича тез қайтиб чиқди.*

*Сарой ўртасида тахта тиладиган арра ўрнатилган. Бир томонда эса бути орқали арра солиниб иккига бўлинган мурдалар худди саржиндек тахлаб ташланган эди. Саройга кирган кишининг димоғини куйган суяк, сасиган гўшт ва қон ҳиди ёрарди...”*



Бундай ҳолатларни, яқин дўстларининг ўлимини кўриш кейинроқ одатий ҳолга айланган бўлса-да, Абдулла Қурбонов бу воқеадан жуда таъсирланган ҳамда агар фашистларнинг қадами Ўзбекистонга етса, қандай қирғин қилишлари мумкинлигини тасаввур этарди...

Бир неча жангларда иштирок этгандан кейин уни разведка мактабида ўқишга юборишади.

А. Қурбонов ўз взводига қайтиб, разведкачи сифатида муҳим топшириқларни бажаради. Жанглардан бирида оёғидан ярадор бўлиб, беш ой давомида Куйбишев госпиталларидан бирида даволанади.

Кейин А. Қурбонов жанговар йўлини 92-гвардиячи ўқчи дивизия таркибида давом эттириб, Сталинград мудофаасида, Днепр дарёсини кечиб ўтиш жангларида қатнашди.

Бир гал Днепр бўйлаб душман кучларининг жойлашувини аниқлашдек муҳим вазифа қўйилади. Разведкачилар қайиқларда ўтишаётганда, душман самолёти дарёнинг ҳар ерига ракета ташлаб, орқага қайтади.

Вали Ғофуровнинг қиссасида воқеа шундай баён этилган:

*“Днепр усти яна кундузгидек ёп-ёруғ бўлди-қўйди... Улар дарёнинг учдан икки қисмини босишганида, яна душман самолёти булутлар орасида пайдо бўлди. Ташланган ракеталарнинг бири нақ қайиқ устига ўткир нур сочиб, имиллаганича келарди.*

*Саша жон-жаҳди билан эшакка ёпишиб, яна тезроқ ҳайдашга ҳаракат қила бошлади. Бироқ энди кеч бўлганди. У қанчалик тез ҳайдамасин, душман кўздан қочиб қутула олишмади. Пайқаб қолган немислар фақат автоматлардангина эмас, ҳатто миномётларини ишга солиб юборди. Отилаётган ўқ Сашани ҳам, младший лейтенант Котегинни ҳам сафдан чиқарди.*

*Битта мина учиб келиб қайиқни тўнкариб юборди. Абдулла сувга шўнғиб кетди. У сув тагида узоқ муддат тура оларди... Нафаси қайтгунга қадар сув тагида сузиб, қирғоққа яқинлаша борди. Сўнгра бошини сувдан чиқариб чуқур нафас олгач, яна шўнғиди. Сув уни уч юз-тўрт юз*

*метрга оқизиб бориб, ниҳоят қирғоққа яқинлашди...*

*Абдулла қирғоққа чиқиб олди... Октябрнинг салқин ҳавосида кийими билан сувга шўнғиган жангчи шу топда совуқ қотаётганини ҳам сезмасди...”*

А. Қурбонов қирғоқда фашистни йўқ қилиб, унинг кийимини кийиб олади ва атрофни кўздан кечири бошлайди. Орадан бир муддат ўтгач, ўрдакнинг ғағиллашига ўхшаш кучсиз таниш овозни эшитгач, у ҳам жавоб қайтаради ва ёнида дўсти Вася Кудряшев пайдо бўлади.

*“Икковлари ўннга бурилиб 120-тепалик томон юриб кетишди. Бу тепалик душманнинг орқа томонида бўлиб, фашист газандаларидан деярли холи эди...*

*Тонг ёришиб, атроф худди кафтдагидек кўрина бошлади. Немис солдатига айланиб олган Абдулла пачақланган каскасини бостириб кийганича тепалик устида бемалол юрарди. Унинг қўлида ўлжа олинган дурбин. У тепалик тагидан бошлаб, то кўзи илғагунга қадар масофадаги душман кучларининг жойлашган ерини аниқлаб олгач, Вася билан қоғозга туширишди.*

*Энди уларга немисларнинг шу райондаги дот ва дзотлари, танклари билан замбраклари қаерга жойлашганлиги равшан эди. Пулемёт ва миномётлар ўрнатилган ўт очиш нуқталари ҳам уларнинг назаридан қочиб қутулмади...*

*Улар қош қорайишини сабрсиз кутишарди. Кутилган муддат етиб келди. Абдулла қўлбола картани буклаб, касканинг ичига жойлаштирди-да, бошига кийиб олди. Днепр қирғоғига етиб келишгач, каскадан бошқа немиснинг барча кийимини ечиб, сувга улоқтирди...*

*Яқинларидаги ёритувчи ракеталар сўниши билан икковлари баравар сувга шўнғишди. Дарёнинг ярмидан ўтганларида, совуқ сув йигитларга таъсирини ўтказа бошлади... Шундай бўлса ҳам, оқар сув эмасми, салгина ҳаракат қилинса, сувнинг ўзи манзилга элтиб қўяди...*

*Абдулла совуқдан майишиб қолаётганига қарамай, ўзида куч тўплай олди. Қулоч отолмаса ҳамки, баданларини ҳаракат-*



Наградной лист

- 1. Фамилия, имя и отчество - Курбанов Алексей Абдурашипович
- 2. Звание - гвардии красноармеец Должность, часть - снайпер 2<sup>ой</sup> стрелковой роты 282 гвардейского Стрелкового полка 92 гвардейской Стрелковой дивизии
- 3. Присутствует ли к званию "Герой Советского Союза"
- 4. Год рождения - 1926 5. Национальность - Узбек
- 6. Партийность - Б/Партийный 7. Участие в гражданской войне, последующих военных действиях по защите СССР и Отечественной войне (где, когда) - Сталинской фронт с 27.09.43г.

- 8. Имеет ли ранения и контузы в Отечественной войне - ранен в левую
- 9. В каком времени в Красной Армии - с марта 1943 года
- 10. Каким РВЗМ призван - Английским РВЗМ, Ташкентской области
- 11. Чем ранее награжден (за какие подвиги) - не награждался
- 12. Домашнее адрес представляемого к награде (денно, адрес семьи) - Ташкент, Английский у-н ю-в, "Красный Октябрь" - отец Курбанов Абдурашипов

1. Краткое, конкретное изложение личного боевого подвига или заслуг  
Гвардии рядовой Курбанов в боях с немецкими захватчиками при форсировании реки Днепр на острове в районе села Березовка огнем из снайперской винтовки уничтожил 15 немецких солдат.

4.10.43 года в боях за высоту 179,9 огнем из снайперской винтовки уничтожил 17 немецких солдат. Продвигаясь пешотью мешая огнем снайперской винтовки противника, отважный снайпер подполковник Курбанов, двумя гранатами уничтожил пулемет в вместе с расчетом, этим самым дал возможность наступающим подразделениям продвигаться вперед.

17.10.43 года при атаке высоты 113,7 снайпер Курбанов огнем из снайперской винтовки уничтожил 13 немецких солдат, в том числе три снайпера противника.

Командир 282 гвардейского  
стрелкового полка  
гвардии подполковник

[Стеценкин]

..19 " октябрь 1943 года

Абдулла Курбанов Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилган тақдирлаш варақаси



га келтириб суза бошлади. Кўп ўтмай, қоронғида қорайиб қирғоқ кўринди. Абдулла севиниб кетди. Кучига яна куч қўшилгандек ҳис этиб, ҳаракатини тезлаштирди.

У қирғоққа яқинлашганида рўпарасида Вася пайдо бўлди. Абдулланинг қўлидан тортиб, сувдан олиб чиқди. Сол ясаётган жангчилар шинелларини ечиб, Абдулла билан Васяга узатишди. Айримлари этикларини ечиб, разведкачиларга кийгазиб қўйишди...

Йигитларнинг тинмай қилаётган массажлари ҳам қўл келиб қолди. Кўп ўтмай, икки жангчи батамом ўзларига келиб, қаддиларини тутиб олишди. Абдулла немис каскасининг ичидан картани суғуриб олиб, каскани сувга улоқтирди...

Абдулла билан Васянинг келтирган маълумотлари, қўмондонликда текшириб кўрилгач, маъқул топилди. Кўшни полк ва дивизиялардан жўнатилган разведкачилар маълумотларининг айнан ўзи бўлиб чиққач, генерал-майор Кириллов Армия қўмондони Ватутинга ҳужумга тайёр эканлигини маълум қилди”.

Шу тариха разведкачилар олиб келган муҳим маълумотлар ҳал қилувчи жанговар операция бошланишига замин бўлди.

Днепр дарёсини кечиб ўтиш вақтида А. Қурбонов снайперлик винтовкаси билан Дериевка қишлоғи атрофидаги оролда 15 гитлерчини, 1943 йил 4 октябрида 179,9 тепалиги учун бўлган жангда 67 немис аскарини йўқ қилди.

У пиёда аскарларнинг олға силжишига халақит бераётган станокли пулемётга судралиб бориб, икки граната билан пулемётни, унинг расчётини ҳам қақшатди.

17 октябрда 113,7 тепалигини штурм қилиш вақтида А. Қурбонов ўз винтовкасидан ўт очиб 83 немис аскарини, жумладан, душманнинг 3 снайперини ер тишлатди.

У Днепр дарёсини кечиб ўтишдаги жасурлиги учун 19 октябрда Совет Иттифоқи Қахрамони унвонига тавсия этилди.

Бошқа сафар разведкачиларга фашист генералини йўқ қилиш вазифаси қўйилди. Улар генерал штаби жойлашган ерга яқинлашиб, соқчилар сони ва уларнинг пост чегараларини аниқлашди.

“Абдулла немис соқчисининг орқасидан худди мушукдек шарпасиз келиб, гарданига ханжар урди. Сўнгра душман соқчисидек автоматини елкасига осганича штабнинг олди томонига ўтди. Бу ерда столбадек қаққайиб турган соқчининг ёнига бемалол юриб келди-да, чап кўкрагига ханжар урди.

Пиллапоядан юқори кўтарилиб, ичкарига назар ташлади. Узун коридорнинг бошига стол-стул қўйилган бўлиб, у ерда бир немис соқчилик қилиб ўтирарди. Абдулла шинелининг чўнтагидан сигарета олиб лабига қистирди. Худди тутатиб олмоқчи бўлган кишидек коридор бўйлаб юриб кетди. Чироқнинг хира ёруғида папирос тутатгани келаётган Абдуллани ўзимизнинг одам деб тушунган соқчи чўнтагидан гугурт чиқарди. Худди шу вақтда довярак йигит соқчининг гарданига ханжар урди. Гумбурлаб йиқилишидан чўчиган Абдулла иккала қўлтиғидан ушлаб стулдан туширди.

Шундан кейин рўпарадаги эшикни очиб, ичкарига қадам қўйди. Генерални маст уйқуда кўрган Абдулла севиниб кетди. Уни ҳам бир зумда саранжомлагач, стол устидаги папкага бор ҳужжатларни тикка бошлади.

Генералнинг погонларини юлиб олаётганда, ёстиғи тагидаги пакет ва яна қанақадир қоғозларга кўзи тушди. Уларни ҳам папкага жойлагач, югуриб ташқарига чиқди...

Жарликдан ўтиб, кампирнинг уйига яқинлашганларида орқадан ўқ товушлари билан итлар овози эшитила бошлади...

Разведкачилар автоматларини жанговар ҳолатда тутиб, югурганларича, линияга этиб келишди. Атрофдан отилаётган ўқларга чап бериб, ҳамон югуришда давом этишарди. Қоронғилик уларнинг жонларига оро кириб, душман линиясидан эсон-омон ўтиб олишди”.

А. Қурбонов 1943 йил ноябрида Николаевка районидаги жангда оғир ярадор бўлади. Унинг устидан танк ўтиб, тупроқ тагида қолиб кетгани сабабли сафдошлари Абдулла Қурбоновни ўлди деб комбатга хабар беришади. Шу сабабли, унинг уйига қахрамонларча ҳалок бўлди, деган қорахат жўнатилади. Бу қорахат фарзандини илҳақ кутаётган онаси Нишонбувининг умидини сўндиради...



“Совуқ хабар шамол тезлигидек шу кечанинг ўзидаёқ колхозчиларга ёйилди...

Ҳакимжон ака билан Тошматовлар тонг отиши билан Нишонбувилар уйига кириб келишди. Сандал четига омонатгина ўтиришиб, ҳол-аҳвол сўрашган бўлишди. Улар шум хабарни Нишонбувига етказишга шошилишмасди. Қорахат кетидан ўзи кириб келган Санталатнинг эри Муҳиддинхўжа ва унга ўхшаш бир нечталарини тилга олишди. Сўнгра кўпда қорахатга ишонавермаслик керак экан, деган фикрни ўртага ташлашди.

Ҳакимжон ака билан Тошматов Нишонбувининг олдидан ярим соатдан мўлроқ ўтиришган бўлса ҳамки, ўғлидан қорахат келгани тўғрисида оғиз очишга журъат қила олишмади. Кампирнинг дардчил сўлғин юзлари билан косаси ичига ботиб кетган маъюс кўзларига тикилишар экан, қўшимча дардни кўтаролмайди, деган фикрга келиб, ўринларидан туришди...

Улар чиқиб кетишлари билан кириб келётган аёллар сандал четидан шумшайиб ўтирган Нишонбувининг елкасига қўлларини ташлаб нола қила бошлашди.

– Холажон, Абдуллангиздан ҳам ажралиб қолибсиз-а.

...Нишонбуви чувуллашиб нола қилаётган аёлларга тикилганича қотиб қолди.

– А, Абдулла, Абдулла ўлибдими?

Нишонбувининг охирги сўзлари лаблари орасидан учиб ташқарига чиқмади. У ҳушидан кетган эди. Кун бўйи ўзига келмай намозшомда оламдан ўтди”...

Абдулла Қурбонов госпиталда даволанаётганида, унга СССР Олий Совет Президиумининг 1944 йил 22 февралдаги Фармони билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

1944 йил мартида Бошқирдистоннинг Ишимбой шаҳридаги госпиталдан чиқиб, бир оз муддат Чельн туманида яшади. Шу вақтда ярадорлиги бўйича II гуруҳ ногирони сифатида сафдан бўшатилди ва ўз қишлоғига қайтиб келди.

1944 йил сентябрида Тошкент юридик институтига ўқишга кирди. 1947 йили институтни тамомлагач, юстиция капитани бўлиб, ҳозирги Яккасарой туманида прокурор ёрдамчиси вазифасида ишлади. 1950 йил августидан 1968 йилгача ўз қишлоғи Ниёзбошидаги 14-сонли мактабга директорлик қилди.

Ҳозир Қирғоқбўйидаги Чельн шаҳридаги кўчалардан бири Абдулла Қурбонов номи билан аталади.

**Абдулазиз ЗИЯЕВ,**  
тадқиқотчи



## Муҳаммад ЭЛМУРОДОВ

(1915–1943)

1944 йили чоп этилган “Ўзбек баҳодирлари” китобини варақлаётиб, Абдулла Қахҳорнинг Муҳаммад Элмуродов ҳақидаги очерки эътиборимни тортди. Шу сабабли бу юртдошимиз ҳақида маълумотлар қидира бошладим.

1941 йил 8 августда Самарқанднинг Оқдарё туманидан фронтга чақирилган Муҳаммад Элмуродов 32-Қизил Байроқ орденли ўқчи дивизия таркибида Можайск, Бородино атрофидаги жангларда жасорат кўрсатди.

Жумладан, жангчилар билан бирга қуршовда қолганида, М. Элмуродовнинг ўзи душманнинг бир офицери ва икки мотоциклчисини йўқ қилиб, командирга қимматли хужжатларни етказди.

Бир жангчи билан ўз бўлинмасига кетаётган пайтда йўлда немис аскарлари билан тўла автомашинага дуч келади. Тенгсиз олишув бошланиб кетади. Гранаталар билан машина ва 37 фашист яксон этилади. У ярадор бўлса-да, душман гуруҳи тўлиқ йўқ қилинмагунча, жанг майдонини ташлаб кетмайди.

М. Элмуродовнинг немислардан озод қилинган дастлабки қишлоқларнинг бирига кирганидаги манзара ёдидан кўтарилган эмас:

*“Бутун қишлоқ куйиб кул бўлган, йўл бўйидаги қурум босган бир дарахтда икки киши осилиб турибди. Унинг бири соч-соқолига оқ оралаган, бир оёғи ногирон эркак, иккинчиси эса ўрта ёшлардаги аёл эди.*

*Эркак худди қаттиқ тиш оғриғига зўр билан бардош бериб, нафасини ичига олиб тургандай кўринар эди. Аёлнинг шишган ва кўкариб кетган лабларининг бир четидан оққан қон иягига тушиб қотиб қолган.*

*Яна бир ерда икки гўдак ўлиб ётибди. Иккови ҳам 3-4 ёшларда. Бири қаншаридан, иккинчиси эса кўкрагидан ўқ еган...”*

М. Элмуродов жанглардан бирида якка ўзи позицияни ишғол қилиб, у жойни тўрт кун давомида мудофаа қилади. Ўша пайтда қуролдош дўстларидан бири уни ҳалок бўлди, деб ўйлаб унинг хотинига хат юборади. М. Элмуродовнинг хотини ҳам аза очади. А. Қахҳор таъкидлаганидек, уруш шароитида бундай англашилмовчиликлар бўлиб турган.

М. Элмуродов 1942 йил февралдан 352-ўқчи дивизия 1158-ўқчи полки сафида снайпер бўлиб жангни давом эттиради. У энг хавфли нуқталарга, душманга яқин жойларга бориб фашистларни йўқ қиларди.

15 сентябрь куни душман артиллерия ва миномёт ўти билан олд сафни йўқ қилаётган оғир вазиятда М. Элмуродов ўн гитлерчинини яксон этишга муваффақ бўлди.

1942 йилнинг сўнгги кунларидан бирида полкдан 28 киши фашистларнинг мудофаа чизиғига юз метр яқин боради. Бу ҳақда Абдулла Қахҳорнинг очеркида шундай маълумот берилади:

*“Элмуродов икки жангчини ёнига олиб, кузатиш пунктини окоплар, блиндажлар билан боғлайдиган ҳамма телефон симларини узиб ташлади. Кузатиш пунктидаги офицер “юмалоқ-ёстиқ” қилингандан кейин жангчиларнинг бир қисми операцияга киришиб, иккинчи қисми пистирма бўлгани ҳолда уни қўриқлаб турди. Воқеадан хабардор бўлиб, ёрдамга келган немислардан 32 таси пистирмага дуч келиб ер тишлади. Блиндажда ухлаб ётган 17 солдат ва офицер асир олинди”.*

Днепрни мудофаа этишда ўз ҳаётини хавфга қўйса-да, душман позицияларига яқин келади ҳамда нишонга олинган фашистларни аниқ уради.

Хусусан, 1943 йилнинг 9 июнь куни немис дозорини яширин кузатиб боради ва узоқ таъқиб этганидан кейин рақибнинг икки аскарини ўлдиради.



№ 6  
обговар  
13.11.43

Обязательно все графы заполнять полностью

№ 214  
104

### НАГРАДНОЙ ЛИСТ

Фамилия, имя и отчество ИЛЬМУРАТОВ Мухаммат

Военное звание старшина

Должность, часть командир снайперского отделения роты автоматчиков  
1158 стрелкового полка, 32 стрелковой дивизии.

Представляется к званию ГЕРОИ СОВЕТСКОГО СОЮЗА

М  
З  
В  
Н  
Ш  
А  
О  
П  
Я  
Л  
Д

1. Год рождения 1915 года 2. Национальность узбек
3. С какого времени состоит в Красной Армии 8 августа 1941 г. 4. Партийность член ВКП(б)
5. Участие в боях (где и когда) участник боев на горе Хасан. На фронте Отечественной войны с ноября 1941 года безвыездно.
6. Имеет ли ранения и контузии ранен 14 января 1942 года на Зап. фронте
7. Чем ранее награжден (за какие отличия) орден "Красная звезда" 31.12.1942 года  
Республиканским значком Б. И. за активное участие в строительстве  
Большого Ферганского канала им. Ж.С. Сталина.
8. Кем и кем РК призыв Алдаровским РК, Самаркандской области.
9. Постоянный домашний адрес (представляемого к награждению или его семьи) \_\_\_\_\_

#### I. Краткое, конкретное изложение личного боевого подвига или заслуг

на фронте борьбы с немецкими захватчиками старшина ИЛЬМУРАТОВ проявил себя бесстрашным, смелым, самоотверженным воином.

осенью 1941 года, находясь в 32 Краснознаменной дивизии, ныне 29 Гвардейской дивизии тов. ИЛЬМУРАТОВ участвовал в ожесточенных боях с немецкими захватчиками в районе Монайска и Бородино, показав высокие образцы мужества и героизма.

смелость и дерзость на фронте и тогда, когда с группой бойцов оказался в окружении врага. ИЛЬМУРАТОВ лично уложил двух немецких солдат и одного немецкого офицера и доставил своему командиру

Мухаммад Элмуродов мукофотга тавсия этилган тақдирлаш варақаси (олд томони)



ценные документы. Остатки отбросил и провалился к своему подразделению тов. ИЛЬМУРАТОВ на своем пути встретил авто-машину с немецкими солдатами. Завязавшая неравная боя. Гранатами была уничтожена машина и 37 немцев. В этой схватке он был ранен, но не ушел с поля боя, пока полностью уничтожил вражескую группу.

С февраля 1942 года, тов. ИЛЬМУРАТОВ, приком в 1158 стрелковой полк, стал снайпером. Презирав смерть, он провалился в самые опасные места, в непосредственную близость к врагу и методично уничтожал фашистских солдат и офицеров. За время службы в полку он в совершенстве изучил снайперское искусство. Все свое умение, хитрость, всю силу своей ненависти он направил на истребление противника. Он уничтожил 118 фашистов. Только 15 сентября, при сложной обстановке, когда немцы артиллерийским и минометным огнем сильно обстреливали наш передний край старшина ИЛЬМУРАТОВ, выбрав хорошо замаскированное место, уничтожил 10 гитлеровцев.

По ряду с личными успехами по уничтожению врага старшина ИЛЬМУРАТОВ широко ведет работу среди бойцов роты по своему примеру, пропагандируя снайперское дело в масштабе дивизии. Он научил снайперскому искусству 24-х бойцов. Его ученики КРАЦОВ и ХАРИТОНОВ убили по 78 немцев, ИВАНОВ - 101 немца, ПЕТРОВСКИЙ-33, ХАЙМУЛЛИН-50 немцев и т.д.

Находясь в обороне на Днепре тов. ИЛЬМУРАТОВ, рискуя жизнью, приближается к вражеским позициям и метко бьет врагов. 9 июня с/р. он замаскировался против одного немецкого дота и после терпеливого выслеживания убит двух солдат. Старшина ИЛЬМУРАТОВ, как преданный сын Советского народа, ненавидя врага, всеми силами своей души, беспощадно уничтожает немцев. Там, где находится ИЛЬМУРАТОВ - нет ни одного гитлеровца. Он является грозой для фашистских авантюристов.

За исключительные успехи в уничтожении живых сил противника проявленное при этом мужество и героизм, за образцовое выполнение заданий командования в бою с немецкими захватчиками считаю старшину ИЛЬМУРАТОВА достойным присвоения звания Героя Советского Союза.



Командир (Начальник)  
1158 стрелк. полка - майор

*Т. Г. Мичков*  
Мичков

Муҳаммад Элмуродов мукофотга тавсия этилган тақдирлаш варақаси (орқа томони)



М. Элмуродов полкдаги снайперлар бўлинмасига командир эди. У 24 жангчини снайперликка тайёрлади, шогирдларининг ҳар бири қатор гитлерчиларни йўқ қилган. Бирида ҳисоб 50 дан ортиқ бўлса, бошқасида 101 та эди. Унинг ўзи 1943 йилнинг 26 июнь ҳолатига 113 фашистни йўқ қилган эди. Ҳатто бир кунда 16 нафар немисни отган ҳоллар ҳам бўлганди.

Муҳаммад Элмуродов Ғарбий фронт 5-армия Ҳарбий Кенгашининг 1942 йил 31 декабрдаги 945-сон буйруғига кўра, Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланади. 1943 йилнинг июль ойида 5-армия Ҳарбий Кенгаши М. Элмуродовни Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этади. Унга Ғарбий фронт Ҳарбий Кенгашининг 1943 йил 29 июлдаги 767-сон буйруғи билан Қизил Байроқ ордени берилади.

**Шухрат ЮСУПОВ,**  
*полковник*



# ЛЕНИНГРАД ОСТОНАСИДА



## Набижон МИНГБОВ

(1918–1999)

Набижон Мингбоев 1918 йил 12 февралда Наманган шаҳрида оддий ишчи Мингбой сувоқчининг оиласида туғилган. Маҳалласидаги мактабда бошланғич маълумотли бўлгач, отасининг ёнига кириб, уй-жой қуриш ва устачилик сирларини ўрганган.

Ёшлигидан соғлом ва бақувват, меҳнаткаш, камтарин бўлган Набижон Мингбоев ҳарбий хизматга чақирилгунга қадар Учқўрғон туманидаги “Янги байроқ” ва “Гулбоғ” хўжаликларида ишлаб, турар жойлар, омборлар ҳамда чорвачилик биноларини қуришда қатнашади.

Оиласининг бош фарзанди бўлган Набижон 1941 йил март ойида армия сафига чақирилади. Ҳарбий хизматни ўтаётган оддий аскарни 1942 йилнинг ёз-куз ойларида Тошкент яқинидаги Товоқсойга, кичик командирлар тайёрлаш ўқув курсига жўнатадилар.

У ўқиш ва ҳарбий амалиётларда чиниқиб, аълочи курсантлар сафидан жой олади. Битирув синовларини юқори кўрсаткичлар билан тугатган Н. Мингбоевга кичик сержант ҳарбий унвони берилди.

1942 йилнинг қиш фаслида урушнинг энг оғир нуқталаридан ҳисобланган Ленинград шаҳри остоналаридаги фронтга сафарбар этилади ва 21-армия таркибидаги 381-ўқчи дивизия 1261-ўқчи полкининг мудофаада турган гвардиячи ҳарбий қисм штурмчилар махсус взводи командирига ўринбосар этиб тайинланади.

Мазкур взвод шахсий таркиби турли миллатлардан иборат бўлиб, улар орасида хўжандлик Расулов, олмаоталик Маминов, чуствлик Раҳимов, Орёл шаҳридан Михаил Кондратьев каби тажрибали ўқчи-мерганлар бор эди.

Кичик сержант Набижон Мингбоев хизмат қилган ҳарбий қисм жангчилари ҳам қуршовни ёриб ўтишдаги даҳшатли



савашларда жасорат намуналарини кўрсатадилар. Айни шундай паллада унинг взводига бетонлаштирилган ҳарбий таянч пунктини қуршаб олиб, у ердаги барча ўқотиш нуқталарини йўқ қилиш вазифаси топширилади.

Истеҳкомга биринчилардан бўлиб сержант Н. Мингбоев гранаталар отиб ҳужумга ўтади ва шерикларини руҳлантириб, олға бошлайди. Тез орада душман пулемётчиларининг ҳаммаси йўқ қилиниб, зирҳланган истеҳком ишғол этилади.

Олдинги марраларда ҳужумкор ҳисобланган Зайцев ва Мингбоев бошчилигидаги махсус штурм отрядига 1944 йил 10 июнь куни Ленинград области Всеволожский райони Лемболово қишлоғидаги душман ҳарбий қўрғонига кечаси яқинроқ бориб, тонг саҳарда артиллерия ҳужуми бошлангандан сўнг плацдармни тўсатдан ўққа тутиб йўқ қилиш вазифаси топширилади.



НАГРАДНОЕ ЛИСТ.

№. в 029472

21.10.44.

Фамилия, Имя, Отчество - МИНБАЕВ НАБИЖАН

Военное звание - Младший сержант

Личность и часть - Командир отделения 5 стрелкового роты 1761 СТ

Год рождения - 1918г. Национальность - узбек Партийность - б/п.

Участие в Отечественной войне - с мая 1944г. Ленинградский фронт.

Имеет ли ранения и контузии - Ранен 13 июня 1944г.

С какого времени в Красной Армии - с марта 1941 года

Каким РВМ призван - Наманганским Горвоенкоматом.

Награды - Ранее не награждался.

Место жительства - Узбекская ССР г. НАМАНГАН - Сардобенская часть, ул. Хлобевская тупик Сталина, 9.

## КРАТКОЕ ИЗЛОЖЕНИЕ ПОДВИГА.

10 июня с.г., когда наша артиллерия перенесла огонь за передний край пр-ва, подразделение, в котором находился МИНБАЕВ, стремительно бросилось в атаку. Преодолев ряд препятствий - боями дошли до проволочного заграждения. Густая сеть колючей проволоки, огонь финских пулеметов снизили темп атаки и, вызвал задерж. Ранен был и командир взвода.

Создалась серьезная обстановка, которая потребовала уверенности у отдельных бойцов в успехе боя. В эту минуту - МИНБАЕВ, поднявшись во весь рост, окрикнул: "Командование взвода принимаю на себя!"

"За мной товарищи!". Вырвавшись вперед - МИНБАЕВ полбежал к проволочке, лег на нее животом и командовал: "Взвод через меня, бегом марш!"

По живому мосту - бойцы быстро перешагнули через колючую проволоку, не дав финнам выиграть ни минуты времени; часть захвачен была разгромлена, остальные беспорядочно бежали. В это время - МИНБАЕВ был также ранен, но превозмогая боль, продолжал руководить боевую атаку, появляясь вновь впереди взвода. В этом бою МИНБАЕВ уничтожил до 15 человек финских солдат, 3-х кукушек в лесу и находится весь период боя в первых рядах взвода.

Смелость, отвага, находчивость, личный пример - проявленные МИНБАЕВЫМ - удостоивает

Набижон Мингбоев Совет Иттифоқи Қахрамони унвониға тавсия этилган тақдирлаш варақаси



ного на право присвоения ему высшей Правительственной награды - "Герой Советского Союза".

КОМАНДИР 1261 СТРЕЛКОВОГО ПОЛКА

ПОЛПОЛКОВНИК

*Крутенко*

/КРУТЕНКО



Отп. 3. вкз  
1 в дело  
2-3 адресатам

.....  
ГИС 23.6-44

Достоин присвоения <sup>ИСК №</sup> высшей Правительственной награды "Герой Советского Союза" Командир 381 стр. дивизии Генерал-майор

Июль 1944 г.

*(личное)*

ЗАКЛЮЧЕНИЕ ВОЕННОГО СОВЕТА АРМИИ

Достоин награждения Правительственной наградой Орденом ЛЕНИНА и медалью "ЗОЛОТАЯ ЗВЕЗДА"

КОМАНДУЮЩИЙ 23 АРМИЕЙ  
ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТ  
Шевцов

*Шевцов*

ЧЛЕН ВОЕННОГО СОВЕТА  
ГЕНЕРАЛ-МАЙОР:  
Шаманин

*Шаманин*

"5" июля 1944 года

ДОСТОИН присвоения звания Герой Советского Союза

КОМАНДУЮЩИЙ ВОЙСКАМИ  
ЛЕНИНГРАДСКОГО ФРОНТА  
ГЕНЕРАЛ-ПОЛКОВНИК

*И. М. Попов*

ЧЛЕН ВОЕННОГО СОВЕТА  
ЛЕНИНГРАДСКОГО ФРОНТА  
ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТ:

А. Кузнецов /

*А. Кузнецов*

"5" Октября 1944 г.

Присвоено звание Героя Советского Союза с вручением ордена Ленина и медали "Золотая Звезда"

Указ от 24.03.45г.

*10/21*



Жангчилар бу ўта оғир вазифани бажариш учун йўл бўйлаб эмаклар боришлари режалаштирилган эди. Фақат бир нарса, яъни ёз фасли бўлганидан бу ҳудудларда бошланган “Оқ тунлар” (“Белая ночь”) табиат ҳодисаси туфайли ёруғ тунлар аскарларнинг кўнглини ғаш этиб, ваҳимага соларди. Бундай ойдинлик оғушида душман кўз олдида миналаштирилган очиқ майдонда жуда ҳам яқин масофага бориб хужумга ўтиш мураккаб эди.

Буйруқ берилгач, отряд аъзолари режадагидек ҳаракатни бошлайдилар. Тўп садолари остида темир-бетон истеҳкомларда яшириниб ётган душманлар устига бостириб кирадилар. Снарядларнинг тўхтовсиз портлашига қарамай, фашистлар қаттиқ қаршилик кўрсата бошлайди. Душман томонидан бошланган фугас бомбалари портлашидан ўнлаб аскарлар ҳалок бўлади.

Қирғинбарот жангда командир Зайцев оғир ярадор бўлиб сафдан чиққани сабабли унинг топшириғи билан Мингбоев отрядга раҳбарликни дарҳол ўз қўлига олади, ҳар дақиқанинг қадрига етиб, жангчиларни олға бошлайди. Аммо олдинда тиканли симлардан тўрт қават қилиб тўқилган душманнинг “Маннергейм чизиғи”дан ўтиш амримаҳол бўлиб турарди.

Тенгсиз, мисли кўрилмаган жангда енгилмаслик учун кичик сержант Н. Мингбоев душман кўрғони ичкарисига қарата пушкарлардан зарбалар берилаётганда пайдо бўлаётган қисқа танаффусдан оқилона фойдаланиб, якка ўзи биринчи тўсиқдан сакраб ўтади. Тиканли деворга тирмашиб, дарҳол қорни билан сим тўсиққа ёпишиб: “Орқамдан сакраб, тезда олдинга!” командасини беради.

Айни шу дамда унинг устидан, бамисоли жонли кўприқдан ўтгандек, 18 нафар шериги қурол-яроғи билан сакраб ўтиб, душман ҳудудига бостириб киради. Бар-

ча взвод аскарлари Н. Мингбоев билан йўл-йўлакай ўқ узганча фашистларни саросимага солиб, траншея бўйлаб ҳал қилувчи ҳамлага ўтадилар. Ёрдамга келган сапёр жангчилар эса истеҳкомни шу даражада даҳшатли портлатадиларки, натижада душман узил-кесил таслим бўлади.

Н. Мингбоев ярадор бўлишига қарамай, бу жангда ўн беш фрицни ва ўрмондаги учта “какку” мерганни йўқ қилади. Унга госпиталда тиббий ёрдам кўрсатилгач, жанговар сафга қайта қўшилади.

Набижон Мингбоев орадан 3 кун ўтгач, взводни бошлаб жангга киради. У иккинчи бор ярадор бўлади. Бу жангдаги баҳодирлиги туфайли Н. Мингбоев “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланади.

Госпиталда даволанаётган пайтда унинг ҳолидан хабар олгани келган дивизия кўмондони хушxabар етказди: у ҳал қилувчи жангларда кўрсатган жасорати ва матонати учун Олий Совет Президиумининг 1945 йил 24 мартдаги Фармонига биноан, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони ва Олтин Юлдуз медали билан тақдирланган эди.

У ҳарбий госпиталда икки ой даволангач, яна сафга, қадрдон ўқчи дивизиясига етиб олади. Лекин шифокорлар уни Ҳаракатдаги армияга тавсия этмайдилар. Уруш қаҳрамони Набижон Мингбоев Саратов шаҳридаги гарнизонда хизматни давом эттириб, 1946 йил бошида армия сафидан демобилизация қилинади ва она юрти Ўзбекистонга қайтади.

Дастлаб Наманган шаҳридаги “Намуна” артелига раис қилиб тайинланади. 1948 йилдан Наманган қандолатчилик фабрикасининг директори лавозимида узоқ йиллар фидокорона фаолият юритади.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Набижон Мингбоев 1999 йил 3 март куни Наманган шаҳрида вафот этди.

Номи мангуликка дахлдор ўзбек ўғлонининг хотираси абадийдир.

**Тўлқин ЗОҲИДОВ**  
*тарих фанлари номзоди,*  
*доцент*



## Матёқуб ҚЎШЖОНОВ

(1918–2005)

*“Мислсиз бу уруш инсон бошига нималарни солмади дейсиз! Миллион-миллион оилалар, “менман” деган йигитлар ҳаёт билан видолашдилар. Сон-саноқсиз оилалар ё емирлди, ё аламда қолди. Қанчадан-қанча етим-есирлар...”*

Ушбу сатрлар муаллифи Матёқуб Қўшжонов ўзи ёзганидек, Иккинчи жаҳон уруши даврида *“гоҳ елкасида автомат, гоҳ қўлида снайпер милтиғи билан қарийб тўрт йил давомида бу жаҳаннам олови ичида жавлон урган эди”*.

Матёқуб Қўшжонов 1918 йил 5 майда Туркменистоннинг Тошҳовуз туманидаги Катта Ҳалланг қишлоғининг бир қисми бўлган Зийлиги қишлоқчасида чўпон оиласида туғилди. Тўлиқсиз ўрта маълумот олгандан сўнг у Чоржўйдаги ўқитувчилар тайёрлаш билим юртида ўқийди. 1940 йилда қисқа муддат Тошкентдаги педагогика институтида таҳсил олади. 1942 йилгача Тошҳовуздаги ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс беради.

1942 йилда урушга сафарбар этилган оддий мактаб ўқитувчиси Матёқуб Қўшжонов Волхов fronti 59-армия 372-ўқчи дивизиянинг 38-полкида хизматни ўтади.

1942 йилнинг кузида ушбу дивизия Ленинград яқинидаги Синявино ҳудудига жойлаштирилади ва Синявино операциясида фаол иштирок этади. Мақсад Ленинград қамалини ёриб ўтиш эди.

Тарих саҳифаларига “Синявино операцияси” номи билан муҳрланган бужанглр 1942 йилнинг 19 августидан 10 октябрга қадар давом этган. Бу Қизил Армиянинг Волхов ва Ленинград фронтларини Германиянинг “Север” (“Шимол”) 18-армиясига қарши қаратилган ҳужумкор операцияси эди.

Мазкур операция давомида қўшинлар Ленинград қамалини тўлиқ ёриб ўта олмаган бўлсалар-да, ўз ҳужумлари билан



фашистларнинг “Шимол ёғдуси” (немисча “Nordlicht”) номи остида Ленинградни босиб олиш режасини амалга оширишга имкон бермаган ва немис қўшинларининг муҳим кучларини сиқиб қўйган эди. Бу билан Сталинград ва Шимолий Кавказ мудофаасига катта ҳисса қўшилганди.

Матёқуб Қўшжонов оддий аскар сифатида 1942 йилнинг сентябрь ойида Волхов фронтининг Синявино ботқоқлиги, баъзан Синявино тепалиги деб номланган ҳудудда жанг майдонига киради.

Бу ердан 15–20 чакирим нарида фашистлар томонидан оккупация этилган Мга деган шаҳар бўлган. Ўнг томондан 5–10 км нарида Ладога кўли бошланган.

Матёқуб Қўшжонов хотираларида келтирганидек, *“урушнинг энг даҳшатли жанглари икки жойда кечган бўлса, бири шу ерда рўй берган эди. Бу ернинг ҳар бир қаричи учун жон олиб жон берилган. Шу боисданми,*



тупроқ қонга белангандек қизғиш тусда кўринар эди. Оддий жангчилар орасида “Синявинская мясорубка” – “Синявинодаги қирғин” деган иборанинг кўп ишлатилиши ҳам бежиз эмас” эди.

Ҳарбий хизмат ғоят машаққатли ва мураккаб, бироқ снайперлик энг қийини саналади. Снайпер махсус жиҳозланган пана жой (позиция)дан туриб отади. Снайперлик уқув, зийраклик ва диққатни талаб этади. Мерган бехато отиши, ниқобланиши, кузатиш санъатини тўла ўзлаштирган бўлиши керак.

Урушнинг биринчи кунлариданоқ фашистлар ҳамма жойда снайперлар фаолигидан шикоят қилгани манбаларда қайд этилган. Иккинчи жаҳон урушида снайперларга катта эҳтиёж бўлган эди.


Қизил Армияга малакали снайперлар етказиш мақсадида 1942 йилда Москва остонаси (Подмосковье)да юқори малакали снайпер ўқитувчилари мактаби, 1943 йилда эса курсантлар учун уч ойдан олти ойгача Марказий снайперлар мактаби ташкил этилган.

Бироқ фронтдаги бирон-бир ҳарбий кўмондон ўз аскарларини тайёрлов учун узоқ муддатга юбора олмас эди. Шу сабабли, марказлаштирилган тайёрлов билан бир қаторда, фронт чизиқларида тўғридан-тўғри снайперларни тайёрлаш ташкил этилади. Алоҳида натижаларни қўлга киритган снайперларни рағбатлантириш мақсадида 1942 йил 21 майда “Снайпер” кўкрак нишони жорий этилади.

Мерганлик мактаблари фронт миқёсидаги шарт-шароитлар ва жанговар вазиятга қараб қисқа муддатда шакллантирилади ҳамда жойларда тезкор равишда машқ майдонлари яратилади. Машғулотларнинг ўқув стандартларига қурол ва оптик нишонлардан фойдаланиш қоидаларини ўрганиш, нишонгача бўлган масофани тўғри аниқлаш, қуролнинг ҳолатини текшириш, нишонга олиш, ўқ отиш ва камуфляж учун позиция танлаш кирган эди. Аскарнинг соғлиғи, кўриш ва эшитиш қобилияти, нишонга аниқ отиш сифатлари эътиборга олиниб, снайперликка даъво қилишига имкон берилган.

Оддий жангчи бўлган Матёқуб Қўшжонов бу воқеаларни шундай эслайди:

“Бизнинг ўқишимиз бошқа ўқишларга ўхшамас эди. Қисқа муддат ичида Ладога бўйидаги пастқамлик бошланадиган тикка жарлик билан ўрмон орасидаги очикликда машқ майдони ясадик. Жар томонда симга боғланган одам шаклида нишонлар, улардан баъзилари тикка, баъзилари энкайган шакл-



Матёқуб Қўшжоновнинг мерганлик китобчаси. 1943 йил



да, баъзилари эса ётган ҳолда, ҳатто битта калла шаклида ҳам нишон ясалган эди.

Навбатчи бу нишонларни ҳаракатга келтирар эди. Биз навбатма-навбат нишонларга ўқ узардик. Ҳар гал текширилиб, командиримиз томонидан баҳо қўйиб бориларди. Эрталабдан кечгача бу нишонларни ўққа тутиш бизнинг асосий машғулоти эди.

Шундай ҳоллар ҳам бўлар эдики, куни билан отилган милтиқнинг акси зарби – “тепки”сидан ўнг елкамиз шишиб кетарди..”

Бу жараёнга кўпчилик аскарлар дош беролмас эди. Бироқ М. Қўшжонов бу машғулоти алоҳида ҳавас билан бажарар, нишонни тўғри олиши билан ажралиб турарди. Бунинг сабаби, Матёқуб ёшлигидаёқ осмондаги қушни кўзидан урадиган овчи сифатида донг чиқарган уста мерган номини олганди.

Қўшинлар таркибида снайперлар алоҳида мавқега эга бўлган. М. Қўшжонов: “снайперликка ўқишдан олдин командирлар томонидан ўзимга нисбатан бу даражадаги ҳурмат-эътиборни кўрмаган эдим”, деб бежиз ёзмаган.

У урушнинг охиригача фронтда моҳир мерган – снайпер сифатида фаолият кўрсатади. Бўлимдаги жангчилар уни “мерган командир” деб атайдилар.

М. Қўшжонов ўз хизматдошлари билан ҳаётнинг ҳар бир дақиқаси хавф остида бўлган энг хавфли ҳудуд – жанг майдонининг олд чизиқларида бўлди.

Унинг хотираларида шундай мисраларни ўқиймиз:

*“Биз жойлашган тепалик икки томоннинг бир-бирига энг яқин нуқталаридан эди. Душман траншеяси билан бизнинг траншеяларимиз ораси атиги 50-66 метр келарди. Одатда, бу хилдаги масофага қарама-қарши туриш мудофаада кам учрайдиган ҳол. Фашистлар қаттиқроқ гаплашса ё бир воқеа рўй бериб бир-бирлари билан жанжаллашиб қолса, бемалол эшитилаверар эди”.*

Ёки: *“Кечқурун янги амбразурани тайёр қилиб, узоқ вақт ухлай олмадик... биздан 15–20 км. орқада Ладога кўли бўйлаб “туқ-туқ”, “туқ-туқ” қилиб, Ленинград томон юк олиб ўтаётган поезд овозини ерга қулоқ*



*Снайпер Матёқуб Қўшжонов.  
Волхов фронти. 1942 йил*

*солиб эшитар эдик. Узоқдан поезд томон катта тўпларда отаётган ва темир йўл атрофларида портлаётган снаряд овозларини эшитиб, фашистларни лаънатлардик”.*

1943 йил январь ойида Волхов ва Ленинград фронтлари “Искра” номи остида ҳужум операциясини бошлади. 18 январь куни эрталаб Ленинград қамали бузилди. Шундан сўнг 372-дивизия Смердиня посёлкаси ҳудудига кўчирилди ва у ерда Волхов фронтининг 54-армияси таркибига кирди. Дивизия 1943 йил ёзида Мгинск ҳужум операциясида қатнашган эди.

Маълумки, Мгинск ҳужум операцияси – 1943 йил 22 июлдан 22 августгача Ленинград ва Волхов фронтларидаги совет қўшинларининг Германия 18-армиясига қарши ўтказилган ҳужумкор операцияси бўлиб, у ҳужжатлар ва тарихий адабиётларда “Мга ҳужуми”, “Мгинск операцияси”, “Бешинчи Синявино ҳужуми”, “Синявино операцияси”, “Синявино-Мга операцияси”, немис тарихий адабиётларида “Ладо-



га кўлидаги учинчи жанг” номлари билан учрайди.

Матёкуб Қўшжонов бу жараёнларни шундай хотирлайди:

*“1943 йил. Бизнинг 372-дивизиямиз фронтнинг гоҳ у жойи, гоҳ бу жойида жангга кирарди. Баъзан жонли кучу қурол-аслаҳада анча йўқотишлар сабабли олдинги сафдан орқага олинарди-да, 5–10 кун куч йиғишга киришилди. Бир оз ҳордиқ чиқарилгандан сўнг яна жанг...”, “1944 йил эрта баҳор кунлари бизнинг дивизиямиз Волхов томондан олиниб Новгород томонга ташланди. Олдимизда шиддатли жанглар борарди”.*

Дарҳақиқат, фаол жанговар ҳаракатлар натижасида Новгородни қуршаб олган душман гуруҳлари йўқ қилинади. 372-дивизиянинг қатъий ва тезкор ҳаракатлари, шахсий таркибнинг уюшқоқлиги ва интизоми душманнинг олдинги чизиғидан яширин тарзда ўтишини, чуқурликдаги қўрғонларининг вайрон қилинишини таъминлади. Новгород шаҳрини озод қилишдаги иштироки учун 372-ўқчи дивизиясига “Новгород” дивизияси деган фахрий ном берилган, кўплаб аскарлар ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган эдилар.

1945 йил бошларида М. Қўшжонов немис снайпери ўқидан яраланиб, анча муддат госпиталларда даволанади. Жанговар сафга қайтганида, 372-дивизия узоқ шимол томон йўналтирилгани сабабли, қайта тақсимотга кўра, у 1-Болтиқбўйи fronti таркибидаги 46-механизациялашган танк бригадасига юборилади. 1-Болтиқбўйи fronti 1944–1945 йил баҳоригача Латвия ва Литва ҳудудидаги Курляндия ярим оролидаги душман қисмларини тор-мор этишга йўналтирилганди. М. Қўшжонов зиммасига қисмининг байроғини қўриқлаш топшириғи юкланади.

*“Энди мен снайпер эмасман. Механизациялашган қисмининг оддий жангчиси, аниқроғи, байроқдорларидан бириман. Снайперлигимни инobatга олиб, махсус оптикали милтиқ ҳам бериб қўйишган. Бироқ уни ишлатиш имкониятлари ҳадеганда бўлавермас эди. “Байроқдор снайпер” – бу менга қўйилган янги ном эди”.*

М. Қўшжонов Ғалаба кунини Латвия ҳудудида кутиб олади. Бир оз вақтдан кейин у қаттиқ иситмалаб ҳушдан кетади. Кўзини очганида, оқ халатли доктор ва ҳамширалар қуршовида эди. Аввал Ригадаги, кейин Ленинграддаги госпиталларда даволанади ва II гуруҳ ногирони бўлиб ўз она Ватанига қайтади.

Иккинчи жаҳон урушида чапдаст снайпер сифатида жанг қилган Матёкуб Қўшжонов жасорати учун орден ва медаллар билан мукофотланди.

У 1943 йил апрель–сентябрь ойларида 63 нафар душман аскар ва офицерини йўқ қилди. Лейтенант М. Қўшжонов II даражали Ватан уруши ордени, “Жанговар хизматлари учун”, “1941–1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун” медаллари билан тақдирланди.

Она юрт соғинчи, адабиётга бўлган меҳр жанговар муҳитда ҳам уни тарк этмади. У шундай қайд этган эди:

*“Ўқишдан чарчаганимда, уйга ва дўстларимга хат ёзишга ўтирардим. Кўчма ҳарбий дўконларда одеколон олиб тўкиб ташлар эдим-да, ўша дўконлардан олинган қуруқ сиёҳни эритиб, ёғочдан оғзига тиққич ясаб, сиёҳдон ясаб ва оддий перо илинадиган ручкани унга ботириб, ҳарбий блокнотларга фронт таассуротларимни ёзишга киришар эдим. Улардан баъзилари ҳанузгача сақланган”.*

Ушбу таассуротлар кейинчалик унинг “Тепки босилди... Снайпер хотиралари” китобидан жой олди. Асарда Синявино тепаликларида жангчиларнинг бошдан кечирган машаққатли кунлари, ички кечинмалари “оддий аскар” тилидан ҳикоя қилингани билан аҳамиятлидир. Ушбу китобнинг бош ғояси шундай эди:

*“Тепки қайта босилмасин, яна снарядлар портламасин, қайтиб миналар ёрилмасин, бомбалар бошимизга ёғилмасин, қитъалар, океанлар писанд бўлмаган ракеталар жойларидан қўзғалмасин! Мана, кечаги оддий жангчи нидоси, тўрт йиллик уруш сабоғи!”*

Ҳаёт-мамот жангидан қайтгач, Матёкуб Қўшжонов Ўрта Осиё давлат университети-



нинг филология факультетига ўқишга кириб, уни имтиёзли диплом билан тугатди.

У Иккинчи жаҳон урушида снайпер – мерган сифатида иштирок этган бўлса, фан йўлини танлаб, ўзбек адабиётида ўз мавқеи ва нишонга аниқ бориб уриладиган сўзига эга, адабий танқид соҳасида ўткир қалами, янги мавзулари, оригинал ёндашувлари билан ажралиб турувчи моҳир адабиётшунос олим бўлиб етишди. 50 дан ортиқ китоблар ёзди.

Матёқуб Қўшжонови асосий илмий ишлари ХХ аср ўзбек адабиётининг ривожланиш тамойиллари, адабий танқид ва адабиётшунослик методологияси муаммолари, адабиёт назарияси ва ёзувчи маҳорати масалаларига бағишланди. У адабиётнинг чинакам жонкуяри сифатида ном қозонди.

1982 йили Матёқуб Қўшжонов Чўлпон, Фитрат ижодини, жадидчилик ҳаракатини ўрганиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари учун “миллатчи олим” сифатида қаттиқ таъқиб остига ҳам олинган эди.

Матёқуб Қўшжонов 1975–1986 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти директори лавозимида ишлади. 1986 йилдан умрининг охиригача мазкур институтда етакчи илмий ходим ва илмий маслаҳатчи бўлиб фаолият юритди. 1972 йилда филология фанлари доктори илмий даражасига, 1978 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвонига эга бўлди. 2000 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси академиклигига сайланди.

Матёқуб Қўшжонов 2005 йил 16 августда Тошкент шаҳрида 87 ёшида вафот этди.

**Нодира МУСТАФАЕВА,**  
*тарих фанлари доктори,*  
*профессор*



## Ҳамид ЗИЁЕВ

(1923–2015)

Машхур олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зиёев асарларида Иккинчи жаҳон уруши давридаги халқ турмуши, фронт ва фронт орқасидаги ҳодисалар ҳаётӣ воқеалар асосида баён этилган.

Олим уруш ҳақида сўз юритар экан, бу хотираларда ўша давр муҳити, қийинчиликлари, иқтисодий танглик намоён бўлади: *“Иккинчи жаҳон уруши бошланиши ва фарзандлар оммавий равишда ҳарбий хизматга олиниши ота-оналарнинг юракбағрини тилка-пора қилди. 1941 йилда 10-синфни битирганимдан сўнг Тошкентда уруш келтирган фожияларнинг жонли гувоҳиман. Авваламбор, мендан каттароқ болаларнинг, 25–40 ёшдагиларнинг фронтга сафарбар этилиши орқасида хонадон ва маҳаллалар ҳувуллаб қолди”*.

Ўзбек халқининг фикри-хаёли фронтда жанг қилаётган умр йўлдошлари, ўғиллари ва қариндошларининг ҳаёти, уларни ўз вақтида кийим-бош ва озиқ-овқат билан таъминлаш бўлган. Фронт томондан келган юз минглаб одамларни уй-жой ва озиқ-овқат билан таъминлаш ҳам аҳоли зиммасига тушди.

Ишчи ва хизматчиларнинг маоши оширилган, аммо озиқ-овқат маҳсулотлари ва товарларнинг тақчиллиги боис пул қадрсизланиб борган. Бугдой ва арпа, гуруч, ун фронт эҳтиёжи учун узлуксиз олиб кетилиши сабабли нон танқислиги юзага келган.

Шунингдек, Тошкентдаги ҳарбий қисм ва госпиталларни, етимхоналарни озиқ-овқат билан таъминлаш ҳам халқнинг зиммасига тушган.

Боқувчисиз қолган кексалар, ёлғиз оналар ва болаларнинг сони тобора кўпайиб борди. Айниқса, нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етишмас, шаҳарларда “забор карточкаси” жорий қилиниб, дўконда ёши-



га қараб 200–400 граммгача нон бериларди. Аммо бу ноннинг унига кунжара аралаштирилган, ранги тим қора ва ёпишқоқ бўлиб, чайнаганда тишдан ажратиш ва ютиш жуда қийин эди. Жўхори унига эса қовоқ ва сут қўшиб зоғора нон ёпиларди. Овқат, кўпинча, ёғсиз ва гўштсиз пиширилар, лекин уларни тайёрлашга қодир кишилар кўп эмасди.

Шундай воқеалар бўлгандики, айрим кишилар “забор карточкаси”ни йўқотиб, бир ой нонсиз яшашга мажбур бўлган. Чунки карточка тикланмаган.

Лекин шундай қийин пайтда ҳам аҳоли орасида бағрикенг ва муруватли кишилар кўп эди. Масалан, Ҳамид Зиёевнинг отаси Мулла Зиё ва онаси Зебинисо опа новвойчилик билан шуғулланиб, унни, кўпинча, насияга қўшниси Сидиқ акадан олиб туришган. Бу саховатли киши уларнинг оталари мулла бўлгани ва яхши хул-



қи учун жуда ҳурмат қилиб, ёрдамини аямаган экан. Ҳатто ун олиб новвойчиликни уддалай олмаган кишилардан қарзини ундирмай кечиб юборган вақтлари ҳам бўлган, деб эслайди Ҳ. Зиёев. Сидиқ ака томонидан қурилган тегирмон маҳалладаги новвойларни арпа аралашган ун билан таъминлаган. Сидиқ ака ҳар куни ночор кексаларни сувда қайнатилган шилпилдоқ, гоҳида гўштли чучвара билан меҳмон қилиб турган.

Сидиқ ака урушдан кейин Ҳамид Зиёевга бу йиллар ҳақида гапириб, шундай хотирлайди: *“Кўп даҳшатли кунларни кўрдим. Тегирмоним атрофида очликдан сулайиб ётган кишилар ва болаларни кўриб, ич-ичимдан эзилиб кетардим. Бир куни тегирмон атрофида бир аёл ва иккита 8–10 ёшлардаги боланинг ерга сочилган унни ялашаётганини кўриб жуда ачиндим. Дарҳол уларни ўрnidан турғазиб, кексаларга бериладиган шилпилдоқ билан меҳмон қилдим. Онаси карточкани йўқотишгани туфайли тўрт кундан бери ҳеч нарса ейишмаганини айтди. Болалар оч қоринга кўп еса бўкиб қолади деб, уларга озгина бериб, қолган шилпилдоқни рўмолга ўраб бериб юбордим”.*

Уруш йилларида эркакларнинг аксарият қисми фронтда бўлгани сабабли турмушдаги асосий оғирлик табиий равишда аёллар зиммасига тушган. Тасаввур қи-

линг, оилада ҳам эркак, ҳам аёл сифатида меҳнат қилиш, фарзандларни тарбиялаш ва вояга етказиш, қўшимча равишда етим болаларни боқиб олиш ёки болалар уйларига ёрдам бериш, фронтга кийим-кечак ва озиқ-овқат жўнатиш... санайверсак, адоғи йўқ. Бу вазифаларни бизнинг оддийгина ўзбек аёллари елкасида кўтаришди.

Ҳамид Зиёев: *“Менинг онам бир кечакундузда кўпи билан тўрт-беш соатдан ортиқ ухлამасди. Онам от аравани юки билан тортгандек уйимиздаги барча ишлар унинг зиммасида эди. У 10 йил мобайнида бағрини оловга тутиб новвойчилик билан шуғулланди”*, – деб хотирлайди.

Уй-жойлар таъмир кўрмаганидан ўпирилган, қийшайган уйларнинг сувалмаган томларидан чакка ўтиб, хонадонлар сувга ботиб ётарди. Халқнинг қашшоқлиги одамларнинг кийиниши ва юриш-туришида ҳам ўз ифодасини топган эди.

Ҳамид Зиёевнинг хотирлашича, бу пайтларда давлат *“хонадонларда кўнчилик, маҳсидўзлик, тикувчилик ва умуман, барча ҳунарлар билан шуғулланишни тақиқлаган. Бундан мақсад, одамларнинг ортиқча даромад олишига йўл қўймай, давлат аҳолини ўз панжасида ушлаб туриш бўлган. Одамлар уйда яширин ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарар ва уларни яширинча сотиб, қозонларини қайнатардилар. Бундан хабар топган*



*Ҳамид Зиёевнинг “1941–1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун” медали билан тақдирлангани тўғрисида гувоҳнома*



милиция уларнинг уйда тинтув ўтказар ва молини мусодара қилиб, ўзларини ҳибсга оларди. Суд эса уларни бир неча йил қамоққа ҳукм этган. Ҳатто хонадонларда қорамол ёки қўйларни сўйиб қассобчилик билан шуғулланиш ҳам тақиқланган. Бунга риоя қилмаган қассоблар қамалган”.

Ҳамид Зиёев асарларидаги бу фактлар ўзбеклар “сувда чўкмайдиган, оловда ёнмайдиган”, метиндек мустаҳкам ва сабрқаноатли халқ эканини, мисли кўрилмаган азоб-уқубат ва талафотларни мардонавор енгиб ўтганини кўрсатади.

Ҳамид Зиёевнинг ҳаётида Иккинчи жаҳон уруши ўчмас из қолдирди. У 1941 йилда Тошкент медицина институтининг ёнидаги заводда миномёт ўқларини тайёрлайдиган цехда, сўнгра Авиация заводида акаси билан биргаликда меҳнат қилган.

Ҳамид Зиёевни 19 ёшида урушга сафарбар қилишди. У бу жараёни шундай тасвирлаган: “1942 йил июнь ойининг бошларида мени ҳарбий хизматга оладиган бўлишди. Бусиз ҳам жуда оғир аҳволни бошидан кечираётган ота-онамнинг ҳолатини сўз билан ифодалаш амри-маҳол. Ахир, бир ўғил тузалмас дардга чалинган, иккинчиси эса фронтга жўнатилса. Бирданига икки ўғилдан айрилиш жуда оғир эди. Онам менга икки-уч кунга етадиган қотган нон, майиз,

туршак ва ёнғоқ солинган халтани бериб, кўп насиҳатлар қилди.

Ота-онам, акам, укам, синглим ва қўни-қўшилар билан хайрлашиб, 10-трамвайнинг охирги бекатига, “Ишчилар шаҳарчаси”га келдим. Бу ерга бутун туман бўйича менга ўхшаганларни тўплашган экан. Шаҳарнинг бошқа туманларида ҳам сафарбарлик уюштирилган эди.

Бизларни бўш трамвайга ўтқазишди. Шундан кейин Тельман номли боққа келганимизда, бутун республика бўйича ёшлар йиғилганини кўрдик. Улар 19–20 ёшдаги йигитлар эди. Боғдан пиёда юриб темир йўлга келганимизда, қатор бўлиб турган ва ичига бир қарич қалинликда похол солинган қизил рангли юк вагонларини кўрсатиб, уларга чиқишимизни буюришди.

Мен ва дўстим Зоҳиджон Обидов (шоир) бир вагонга тиқилиб ўрнашдик. Кўрпа-ёстиқ, сув ва ҳожатхона йўқлиги туфайли кўп қийналдик. Похолни тўплаб, ёстиқ қилиб ухлардик. Вагоннинг ойнаси йўқлигидан ёруғлик ва ҳаво етишмасди. Тўрт кишига бир буханка нон бериларди. Уни тақсимлаганда, ҳар бир кишига 200 граммга етар-етмас нон тўғри келарди.

Поезд Россия ерларига киргандан кейин қаровсиз ётган уй ва кўчаларни кўриб, Россия ҳақидаги фикримиз бутунлай ўзгарди. Бизларга Россиянинг ривожланган ва илғор



Ҳамид Зиёевнинг I даражали  
Ватан уруши ордени билан тақдирлангани тўғрисида гувоҳнома



мамлакат экани ҳақидаги мактабда ўргатилган ташиқотлар пуч бўлиб чиқди. Шу тариқа кўзимиз очилиб борди. Бекатларда паровозларнинг етишмаслиги туфайли 2–3 соат, ҳатто ундан ҳам кўпроқ вақт давомида туриб қолардик...

Айрим темир йўл бекатларида вагонларнинг баъзилари одамлари билан ажратиб олиниб, ҳарбий қисмга жўнатилди. 17 кун деганда Удмуртиянинг Ижевск шаҳри атрофидаги бекатга етиб келдик. Бир оз пиёда юриб ўрмон ёнидаги казармага келиб жойлашдик. Бу ерда ярми ернинг ичига кирган ва тахтадан ясалган икки қаватли қурилган турар жойни кўриб, ҳайрон қолдик. Ҳарбий хизматда бўлсак ҳам, ўз кийимимизда ёғочдан ясалган милтиқ билан машқ қилардик.

Ниҳоят, икки ойдан кўпроқ вақт ўтгандан сўнг, йўлга отланиш ҳақида буйруқ берилди. Юк ташийдиган вагонда Ярославл шаҳрининг вокзалига келганимизда, бизга шинел, гимнастёрка, ботинка, тўпикдан тиззагача ўрайдиган яшил рангли қалин мато (обмотка) беришди. Шундан кейингина баданимизни бир оз исигандек ҳис этдик.

Поездда йўлни давом эттириб, Вологда шаҳри орқали шимолга, Архангельскка юриб, кун қорайганда манзилга етиб келдик. Бу ердаги портга тушган вақтимизда фашистлар бомба ташлаётган экан. Бомба портлаганида катта ҳажмдаги сув шовқинсурон билан осмонга кўтарилар ва атрофга сочилар эди.

Фашистлар бомба ташлашни тўхтатгандан кейин, кемада денгизнинг нариги қирғоғига ўтиб, Маймаксанский районига ўрнашдик, кўчаларга асфальт ёки тош ўрнига қалин ва узун тахталар полга ўхшатиб ётқизилган экан. Бу йўлдан оғир юк ортилган машиналар бемалол юрарди.

20 сентябрда биринчи қор ёғиб, совуқ бошланди. Фашистлар шаҳарни ҳар икки-уч кунда бомбардимон қиларди. Биз аскарлар бу пайтларда кўчаларда соқчилик билан шуғулланардик...

Тахминан октябрь ёки ноябрь ойларида Архангельский шаҳридан кемада денгиздан ўтиб, Онега дарёсининг бўйидаги посёлканинг ёнидаги тўрт томони девор ва тикан-

ли сим билан ўралган баракка ўрнашдик. Бу ерда маҳбуслар истиқомат қилган экан...

Бир куни ҳаммамизни сафга тизишиб, бир офицер сержантликка ўқишни хоҳловчилар бир қадам олдинга чиқишни буюрди. Шу пайтда Зоҳид Обидов чиқди, яна бир нечта солдатлар ҳам шу тарзда хоҳиш билдирдилар. Уларнинг Архангельск шаҳрига юборилиши маълум қилинди. Ҳамма вақт ёнма-ён юриб, бирга овқатланиб, бирга ухлаб дўстлигимиз мустаҳкамланганда, бир-биримиздан айрилиш жуда оғир бўлди. Бамисоли бағрим ўпирилгандек туюлди.

Зоҳиджон мени қучоқлаб: “Ҳамид! Мени кечир, нима иш қилганимни билмай қолдим. Кечаси тушимда шу ерда ўлган эмишман. У ўнгимдан келмасин деб ўқишга боришни лозим топдим”, – деди. Унинг бу гапида жон бор эди. Зеро, шароит жуда оғир бўлиб, тирик қолишга умид оз эди. Зоҳиджон билан йиғлаб хайрлашдик.

Яхшиямки, баракда узоқ турмадик. Тахминан бир ойдан кейин бизни вокзалга олиб бориб бўш юк вагонларга чиқаришди. Ёмғирда бўкиб, Шарья номли посёлканинг атрофидаги кенг майдонга етиб келдик. Бу посёлка Ленинград вилоятига тегишли, деган сўзларни эшитдик.

Кундуз ҳақиқий милтиқ ва миномёт билан машқларни ўтказардик. Менга миномётчи касбини беришган эди. Бу қурол унча катта бўлмай, “рота миномёти” дейиларди.

Кунларнинг бирида, ярославлик политрук, капитан Ивановнинг ташаббуси билан мени Шарья посёлкасидаги разведкачилар билан учрашувга жўнатишди. Разведкачилар мени ўртага олиб бошларидан кечирган воқеалар ва разведка усуллари ҳақида сўз юритдилар.

Бир куни медпунктнинг олдида қирғиз врач аёлини кўрдим ва у билан суҳбатлашдик. У Москвада медицина институтида ўқиётганида фронтга сафарбар этилган экан. У менга соғ-саломат Тошкентга қайтишни тилади.

1943 йил февраль ойида фронт зонасига, хусусан, Любан атрофига кирдик. Ўқлар ёмғирдек ёғиб турар, ҳамма тўп ва миномётларнинг ўқи портларди. Гоҳ олдинга ташланиб, гоҳ тўхтаб жанг қилдик, лекин душман ичига бостириб киришга имкон йўқ эди.





*Ҳамид Зиёев темир йўл соҳаси бўйича аспирант дўстлари даврасида.  
Ленинград, 1949 йил*

*Кун қорайиши билан душман артиллерияси тўп ва миномётлардан камида уч соат тинмай ўт очиб турди. 15 февралда эрталабдан душманни ўққа тутиб, жуда секинлик билан олдинга сурилдик. Душман миномётлардан устимизга тинимсиз ўқ ёғдириб турарди.*

*Кундузи тахминан соат ўн иккиларда сал чуқурликда милтиқдан тинимсиз ўқ узаётганимда ёнимизда снаряд кетма-кет портлади. Икки киши ўлди. Мен ўнг оёғимдан жарландим. Чап тиззамнинг пастроғи озгина шилинган эди. Жанг олдидан ҳамроҳларим (булардан бири қозоғистонлик) билан ким жароҳатланса, уни олиб чиқиб кетиш ҳақида келишган эдик. Шунга биноан, мени тўрт киши кўтариб, қалин қорга ботиб, ағдарилган дарахтларнинг орасида зўрға ўтиб, бир кичкина майдонга чиқишди”.*

*Шу тариқа Ҳамид Зиёевнинг ҳаётида иккинчи давр бошланди.*

*Зўрға оқсоқланиб юраётган солдат уни опичлаб брезент билан ёпилган катта хонага олиб кирди. Столнинг ёнига келган-*

*да эса ўзи ҳам толиқиб беморни ташлаб юборди. Боши столга теккан жангчи ҳушини йўқотди. Кўзини очгач, яна ўша қирғиз аёлни кўрди. У пешанасини силаб ва жилмайиб, “ота-онангнинг бағрига борадиган бўлдинг”, деди. Снаряд парчаси оёғининг илик суягини парчалаб, қон томирларига қаттиқ зарба берган экан.*

*Уни юк машинасига жойлашаётган вақтда қавилган кенг кўрпаларни кўрганда кўзлари ёшга тўлди, чунки бу унинг онаси қавиб ўтирадиган кўрпаларга ўхшар эди. Балки, ҳақиқатан ҳам, бу Ўзбекистондан фронтга совға сифатида юборилгандир.*

*Йўлни давом эттириб, дастлаб Святстрой, кейин Рибинск деган шаҳарга госпиталга етиб боришди. Врач ва ҳамширалар ярадорларга хизмат қилиб, ўта меҳрибонлик қилаётганини жангчи жуда яхши тасвирлайди:*

*“Уларнинг ранги ўчган, озиб кетган, ҳатто баъзан овқат ейишга ҳам вақтлари бўлмас, лекин сир бой бермай ярадорларнинг кўнглини олишга ҳаракат қилардилар. Ҳамширалардан бири ёнимдаги ўлим тўшагида*



ётган солдатнинг тепасида кечаси билан ўтирди. Шундан кейин ҳам уйига кетмай хизматни давом эттирди. Иштаҳам йўқлигидан менга берилган нон ва борични ўша ҳамширага берганимда, кўз ёшлари билан олиб оч ётган қари онам ва боламга олиб бораман, деб раҳматлар айтди.

Госпиталдан кетадиган куним ҳамшира бир стакан сут ва икки дона печений билан меҳмон қилиб, самимий хайрлашди. Печенийни болангга олиб боргин, деб зўрлаб чўнтагига солиб қўйдим. Ёнимда ётган оғир, лекин бирмунча ўзига келган рус солдати менга “добрый путь” деб шивирлади. Ҳамшира сутдан бўшаган стакани олмай, йўлда керак бўлиши мумкин, деб совға қилди”.

Ярадорлар тўла поезд Рибинскдан Перм шахрига қараб йўл олди. Шаҳарга етиб келгач, ярадорлар госпиталга жойлаштирилди. Лекин жангчи Ҳамид Зиёевнинг жароҳати битмагани учун ҳали иситмаси тушмаган эди. Ҳатто ҳамширалар уни қўлида бемалол кўтариб, хирургия хонасига олиб боришган. Бу даврда ярадорлар учун яхши овқат ва даволашдан ҳам муҳимроқ нарса – меҳр-муҳаббат жуда зарур эди.

Оёғидаги жароҳат битмагач, тиззасидан кесиш таклифи айтилганда, у рад жавобини беради. Таниқли хирургнинг госпиталга консультация учун келиши ва

унинг текшируви натижасида муаммо суякнинг битиш жараёнида экани аниқланиши жангчи учун ҳаётининг туб бурилиши нуқтаси сифатида ниҳоятда муҳим эди.

Шуни айтиш лозимки, ўн минглаб ярадорларни ўз ичига олган госпиталларнинг кўплиги туфайли, дори-дармон ва малакали врачлар билан таъминлашнинг иложи йўқ эди. Шу боис кўз, тиш шифокорлари, терапевт ва бошқа йўналиш врачлари ҳам хирургия билан шуғулланишга мажбур эди. Улар бир неча ойлик курсларда қайта малака оширар ва фронтга жўнатиладди.

Фронтдан келаётган ярадорларга госпиталлар етишмагани боис фронтга яроқсиз бўлиб қолган ярадорларни имкони борича мамлакатнинг ичкарасига жойлаштиришар эди. Ҳ. Зиёевни ҳам бошқа ярадорлар сафида Перм шахридан Кемерово вилоятининг Ленинск-Кузнецк деган шахридаги госпиталга жўнатишди.

Госпиталда даволанаётган ватандошлар билан учрашувлар жангчига мадор бўлар, у ҳамшираларга қовун, узум, шафтоли, ўрик ва майизлар ҳақида мароқ билан гапириб, “агар тузалсам, сизларни ҳам Тошкентга олиб кетаман”, деган сўзлари билан барчада тинч ҳаётга умид туғдирарди.

Жангчининг шахмат бўйича 2-разрядли ўйинчи экани ҳам асқотган. У бу воқеаларни шундай тасвирлайди:



Ҳамид Зиёевнинг “Волхов fronti фахрийси – 1941–1944 йилларда Ленинград учун жанглар қатнашчиси” кўкрак нишони билан тақдирлангани тўғрисида гувоҳнома



*“Даволовчи врач этиб тайинланган Подковский шахматни кўтариб, ким ўйнашни билади, деди. Мен хурсандлигимдан кўзим чақнаб кетиб, мен, деганимдан кейин ҳар куни кечқурун шахмат ўйнайдиган бўлдим. Билсам, у ашаддий ҳаваскор шахматчи экан. Болалигимда мусобақаларда қатнашиб, иккинчи разрядли шахматчи бўлганман.*

*Врач билан шахматга жуда берилишимиз боис анча чалғидим ва у билан дўстлашдим. Ҳатто ярим кечагача шахмат ўйнаган вақтларимиз кўп бўлган эди. Кўпинча, мен ютардим, лекин у “йиқилган курашга тўймас” деганларидек, ўйинни давом эттиргиси келаверарди. Ютганда ўзида йўқ хурсанд бўлиб, атрофдаги касалларга қараб мақтанарди.*

*Госпиталда шахмат ўйнайдиган бошқа кишилар ҳам топилиб, энди кўпчилик бўлиб беллаша бошладик. Томошабинлар ҳам пайдо бўлди. Шундай қилиб, мен госпиталда дўстлар даврасида даволандим. Бу менинг соғлиғим тикланишида муҳим ўрин эгаллади. Чунки бир ўзим каравотда эртаю кеч жароҳатимни ўйлаб ва инграб ётишдан ҳоли бўлиб, одамлар билан самимий суҳбатлашиб, шахмат ўйнаб овундим.*

*1943 йилнинг сентябрь ойида қўлтиқтаёқ билан зўрға юра бошладим. Хоналарга кириб, ватандошларимдан хабар олдим ва маза қилиб суҳбатлашдим”.*

*Тахминан октябрь ойининг бошларида қор ёққан кунларда Подковский шундай деб қолди: “Ҳамид! Бизнинг шаҳардаги кон ва заводларда ишлайдиган ўзбеклар бор. Уларнинг аҳволи жуда оғир, дардга чалинганлари ва ўлганлари ҳам бор. Уларнинг айримлари госпиталга келиб тиланчилик қиладилар. Биринчи қаватга тушсанг, уларни кўрасан”.*

*Тарихий маълумотларга кўра, “Рабочий батальондаги”лар фақат Сибирда эмас, балки Россиянинг жуда кўп жойларида ҳам ишлаганлар. Чунончи, 1943 йил 15 апрелда Ўзбекистондан кўмир ишлаб чиқариш вазирлигига – 10162, темир йўл вазирлигига – 13641, қурилиш вазирлигига – 10410, қора металл вазирлигига – 10064, рангли металл вазирлигига – 2915, ҳимоя саноат вазирлигига – 7724, қурол-аслаҳа вазирлигига – 17181, резинка саноати вазирлигига – 1718, электр станциялар вазирлигига –*



*17313 киши жўнатилган. Ўзбеклар саноатнинг барча тармоқлари, жумладан, шароити ниҳоятда оғир конларда ишлаган.*

*Ўзбекистонликлар Урал, Куйбишев, Саратов, Горький, Москва, Новосибирск, Тула, Ярославль, Омск, Красноярск, Кемерово, Хабаровск, Челябинск, Свердловск, Перм, Иркутск, Архангельск, Қарағанда, Бошқирдистон, Татаристон, Удмурдия ва бошқа жойлардаги саноат корхоналари ва конларда ишлаганлар.*

*Жангчи бу хабарни эшитгач, эртасига қўлтиқтаёқда пастга тушади ва ҳақиқатан ҳам деразанинг орқасида турган тўрт кишини кўриб ҳайратда қолади. “Уларнинг соч-соқоллари ўсиб, фақат кўзлари билан бурунлари кўринарди. Саломлашгандан сўнг озгина нон, қанд ва сариёғ бердим. Кўп гаплаша олмадим. Кейинги кунларда улар кўринмай қолдилар. Улар “Рабочий батальон”га олиниб, Россияга мажбуран жўнатилган катта ёшдаги кишилар эди”.*

*1943 йилнинг охирига тегишли маълумот бўйича 155 минг киши Россияга ишчи сифатида юборилган.*

*1943 йил октябрь ойларида қўлтиқтаёқда бемалол юрадиган бўлгач, унга кетишга рухсат беришди. Новосибирск–Тошкент поезда ярадорларни ўз ватанига олиб келди.*

*“Вокзалда қўлтиқтаёқда турибман. Ўша вақтда хурсандчилигимнинг чеки йўқ эди. Ахир, саккиз ойдан ортиқ госпиталда гипсда ётиб ва эсон-омон қутулиб, ота-онанг бағ-*





рига боришдан ортиқ бахт борми? Йўқ, албатта. Ўзимни бамисоли шундай бақувват ва тетик тутдимки, бу ҳолатимни тушунтириш қийин. Ваҳоланки, ҳали яра тузалмагани учун оёғим гипсланган ва оғриқ ҳамон давом этарди. Шодлигимдан уларнинг азобини унчалик сезмадим.

Хурсандчилигимдан кўзимдан ёш оқарди. Чунки кишининг саломатлиги заифлашгандан кейин йиғлагиси келавераркан. Вокзалда бир оз ўтириб ўзимга келганимдан кейин, келаётганим ҳақида уйдагиларга хабар бермаганим учун ўзимча ўйладим: улар мени тўсатдан кўриб қандай аҳволга тушишар экан?

Кўчага чиқиб қарасам, ҳаммаёқ қоп-қоронғи, ҳеч ким кўринмасди. Ваҳоланки, соат тўққиз-ўн атрофида эди. 10-трамвайга чиққанимда, вагон бўм-бўш эди. Қошиқчи бекатидан тушаётганимда, трамвай ҳайдовчиси рус аёли қўлимдан ушлаб ёрдамани аямади. Йўлда бир кишини учратмай ўзи-

мизнинг кўчамизга кириб, эшигимиз олдида бир оз тўхтаб, ичкарига қулоқ солдим. Жимжитлик, ҳеч нарса сезилмагандан сўнг эшикни тақиллатдим.

Онам қўлида лампа ушлаган ҳолда эшикни очди ва мени кўриб: “Войдод, ўғлим, ўғлим”, деб бир қўлида лампа ушлаб, иккинчиси билан мени маҳкам қучоқлаб йиғлаб юборди. Мен ҳам ўзимни йиғидан тутолмадим.

Отам гузардаги тегирмонга ун олиш учун кетган экан. Кўп ўтмай чопиб, ҳарсиллаб келиб, йиғлаб бағрига босди. Онам иссиқ сувга мени ювинтирди ва палов дамлади. Ўша кезде соғинганим, бу палов шундай ширин туюлдики... тасвирлашга ожизлик қиламан...”

Ҳамид Зиёевни Олой бозорининг ёнидаги собиқ ўрта мактабнинг биносидан жойлашган госпиталда бош врач Умарова ва хирург Орлов операция қилди. Унинг дўсти Зоҳиджон Обидов ҳам шу пайтда бир оёғидан айрилиб фронтдан қайтиб келди.

Ҳамид Зиёев уруш йилларини ёдга олар экан, 1944 йилда СССР бўйлаб мевали дарахти бор хонадонларга солиқ солиш юзасидан қарор қабул қилингани ёппасига мевали дарахтларнинг кесилиб кетиши ва мева танқислигига сабаб бўлганини қайд этган:

“Сталиннинг мевали дарахт ва токнинг ҳар бир тупидан солиқ олиш ҳақидаги фармони халққа жуда катта зиён келтирган. Унга биноан, дарахт мева бериш ва бермаслигидан қатъи назар, барибир, солиқ тўлаш мажбур эди. Одамлар солиқ тўлай олмай шаҳар ва қишлоқлардаги дарахтларни илдизи билан кўпордилар. Қанчадан-қанча боғлар харобага айланди”.

Ҳамид Зиёев 1946 йили Тошкент давлат педагогика институтининг тарих факультетини тугатди. Илм йўлини танлаб, таниқли олим бўлиб етишди.

Ёш жангчининг фронт тафсилотлари, ярадор бўлиш ва ватанга қайтиш, ўзбек халқининг бағрикенглиги билан боғлиқ таассуротлари Ўзбекистоннинг уруш йилларидаги ҳаётини холисона баҳолашда муҳим манба бўлиб қолди.

**Жаннат ИСМОИЛОВА,**  
тарих фанлари доктори,  
профессор



## Ҳожи РАҲМОНОВ

(1923–1995)

Ҳожи Раҳмонов жанг майдонига келганида 16 ёшда эди. У дастлаб 99-кавалерия дивизиясида фельдшер бўлиб, ярадорлар ва жангларда жабранганларга биринчи ёрдам кўрсатди.

Ҳ. Раҳмонов 1942 йилнинг июнь-июль ойларида Ленинград остонасидаги Лигово Урицк яқинида бўлган аёвсиз жангларда шахсан ўзи 14 жангчини олиб чиқиб, биринчи тиббий ёрдам кўрсатди.

Умуман, 1941 йил октябридан 1942 йил июнига қадар Ҳ. Раҳмонов 40 га яқин аскар ва офицерга тиббий ёрдам кўрсатган ҳолда, жанг майдонларидан олиб чиқди ва санитария батальонига юборди.

Шунингдек, у бир неча бор разведкага борган жангчиларга ҳам тиббий ёрдам кўрсатди. Жумладан, 1942 йил июлида Урицк яқинида 12 кишилик разведка гуруҳи қуршовда қолади. Шунда Ҳ. Раҳмонов ташаббус билдириб, пулемёт ва миномёт олови ичра қуршовдаги гуруҳга эмаклар етиб борди. У ярадорларга биринчи ёрдам кўрсатиб, 12 кишини қуршовдан олиб чиқишга муваффақ бўлди. Бунинг учун Ҳ. Раҳмоновга қўмондонлик томонидан миннатдорлик эълон қилинди.

1942 йил октябридан у Болтиқ флоти 1-зенит артиллерия ҳаво ҳужумига қарши мудофаа полки 149-зенит артиллерия дивизиони 424-батареясида хизмат қила бошлади.

Ҳ. Раҳмонов 1943 йил апрелида бандаргоҳ шаҳар Кронштадтга ташланган бомбардан ҳосил бўлган ўралар орасидан оғир



яраланган уч жангчига ёрдам кўрсатди ва уларни госпиталга юборди.

У Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўрсатган мардлиги учун II даражали Ватан уруши ордени ва “Ленинград мудофааси учун”, “Жанговар хизматлари учун”, “1941–1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун” медаллари билан мукофотланди.

Ҳ. Раҳмонов урушдан кейин ҳам ҳарбий тиббий хизмат соҳасида фаолиятини давом эттирди. 1962 йили тиббий хизмат майори унвони билан истеъфога чиқди.

**Бобур ТУХТАРОВ,**  
*тадқиқотчи*



Нагр. Мед. "За доб. Заслуги" Прок. Кр. 140. Отд. 6777  
№ 11. от 13.09.42

### НАГРАДНОУ ЛИСТ

№ 219  
На Тернера старшего 424 батарея 149 ЗДЛ 1-го Зен. Арт.  
Краснознаменного Полка 140 бригады ИВС ИВЛ.

Старшего лейтенанта медицинской службы Р А Х М А Н О В А  
Хаджи Рахмановича

Орденом " **КРАСНАЯ ЗВЕЗДА** "

1. Год рождения - 1925
2. Национальность - Узбек
3. Социальное положение - служащий
4. Партийность - Член ВКП/С/
5. С какого времени в РККА или РКВМФ - с 1941 года
6. Участие в гражданской войне - Не участвовал
7. Представлялся ли ранее к награде когда и за что - Не представлялся.
8. Ранения и контузии - Не имеет
9. Какие имеет поощрения и награды и за что - Медаль "За оборону Ленинграда"
10. Служба в белой и других буржуазных армиях в пребывание в плену - Не служил, в плену не был
11. Постоянный адрес: -

=====

#### 1. КРАТКОЕ, КОНКРЕТНОЕ ИЗЛОЖЕНИЕ СОБЫТИЙ И ЛИЧНОЮ БОЕВУЮ ПОДЪЕМТА ЭТИ ЗАСЛУГИ

=====

3 октября месяца 1941 года работал в 9 кавалерийской дивизии принимая активное участие в оказании первой помощи раненым и пострадавшим в боях с октября по январь 1942 года вынес лично сам с поля боя до 40 бойцов и офицеров при этом оказал им первую медицинскую помощь и направил в санбат.

Во время ожесточенных боев в районе Лигово-Урицк под Ленинградом работал фельшером в июле и августе месяце 1942 года лично спас жизнь 14 бойцам вынес их с нейтральной зоны и оказав им первую медицинскую помощь. В этих боях неоднократно обеспечивал медицинскую помощь бойцам в разведке и лично принимал активное участие в боях. В августе месяце под Урицком наша разведка в количестве двенадцати человек попала в окружение тов. Рахманов лично вызвался оказать ей помощь при сильном пулеметном и минометном огне он дошел до окруженной группы, оказал первую помощь раненым и всех двенадцать человек вывел из окружения за что получил благодарность командования.

*Хожи Раҳмонов мукофотга тавсия этилган тақдирлаш варақаси*





# БОСҚИНЧИЛАРНИНГ ЧЕКИНИШИ



## Ғулом ЁҚУБОВ

(1915–1944)

2020 йили Беларусь пойтахти Минск шаҳри кўчаларидан бирига Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ғулом Ёқубов номи берилди. 2022 йили шу кўчада жойлашган 36-сон мактабга ҳам унинг номи қўйилди.

Ғулом Ёқубов 1915 йили Асака тумани Мирзаобод қишлоғида деҳқон Ёқуб Болтабоев хонадонида туғилди. Ҳозирда бу жойлар Хонақо маҳалласи таркибида. У дастлабки фаолиятини шу қишлоқда бош табелчиликдан бошлади. Кейинроқ колхозда правление котиби бўлди, маълум муддат туманнинг “Колхозчи” газетасида масъул котиб вазифасида ишлади.

1937 йили армия сафига чақирилган Ғ. Ёқубов Ленинград Ҳарбий округи қисмларидан бирида хизмат қилди, совет-фин урушида қатнашди.

Сержант Ғ. Ёқубов 1940 йилнинг 4 мартига ўтар кечаси бўлган жанглардан бирида ўнг қўлидан оғир ярадор бўлди. Госпиталда даволаниб уйига қайтгач, “Савай” пахтачилик хўжалигида директор ўринбосари сифатида фаолият олиб борди.

Фашистлар босқини бошланган 1941 йилнинг ўзидаёқ у армия сафига чақирилди. Дастлаб Куйбишев шаҳрида кичик командирлар курсида таҳсил олди ва унга кичик лейтенант унвони берилди.

1942 йил бошлаб Ғ. Ёқубов Ўрта Осиё Ҳарбий округи 103-алоҳида кавалерия дивизияси 285-кавалерия полкининг пулемётчилар взводида командирлик қилди.

1943 йилда лейтенант унвонини олган Ғ. Ёқубов 169-ўқчи дивизия 556-ўқчи полкининг автоматчилар взводида командирлик қила бошлади.

1943 йил 11 июлга ўтар кечаси Смоленскдаги 198,3 тепалиги ва Глинная қишлоғида душманнинг кучли мудофаа чизиғини ёриб ўтишда Ғулом Ёқубов взводи билан фашистларнинг тўрт ҳужумини қайтарди. Унинг ўзи снайперлик милтиғидан саккиз



гитлерчини йўқ қилди. Бу жангда кўрсатган мардлиги учун Ғ. Ёқубов дивизиянинг 27 июлдаги буйруғи билан “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланди.

Ушбу жанг давомида автоматчилар ротаси командири Михаил Асташев ва 2-взвод командири Николай Федин ҳалок бўлади. Журналист, уруш қатнашчиси Муҳаммаджон Раҳимов маълумотида кўра, жанг кетаётган вазиятда рота командирлигини Ғулом Ёқубов ўз зиммасига олади ва асосийси, рота гитлерчилар ҳужумини қайтаришга муваффақ бўлади.

169-ўқчи дивизия Орёл ўрмони орқали Ғарбга силжий бошлайди. 28 июлда Ғ. Ёқубов командирлигидаги рота Знаменское туманидаги 232,9 тепалигини эгаллаб, душман окопларига мустаҳкам ўрнашиб олади. Кун давомида фашистлар уларни сиқиб чиқариш учун 4 бор ҳужум қилади. Гарчи душман кучлари сон жиҳатидан



63

102 2518

№ 111-111-111 00000 6302/2 27.6.44

ВСЕ ГРАФЫ ЗАПОЛНЯТЬ ПОЛНОСТЬЮ

# НАГРАДНОЙ ЛИСТ

КОЛОДЦЫ  
27.6.44

1. Фамилия, имя и отчество Акубов Гулям
2. Звание Капитан
3. Должность, часть Командир роты авиамашин 556 широкое поле 169 шир. Ферганской дивизии
- Представляется к присвоению звания "Герой Советского Союза"
4. Год рождения 1915
5. Национальность Узбек
6. Партийность ЧКП, вступил 1.1942
7. Участие в гражданской войне, в последующих боевых действиях по защите СССР и Отечества (где и когда) В гражданской войне и последующих боях за Родину не участвовал. В авиационной войне с 11-1942. Боевые операции: захват Владивостока, взятие Кавказа.
8. Имеет ли ранения и контузии в Отечественной войне Убит 27.6.44
9. С какого времени в Красной Армии с 1941
10. Каким РВК призван Ленинградский РВК, Выборгской области
11. Чем ранее награжден (за какие отличия) Указом Президиума Верховного Совета СССР от 27.6.44 за проявленное мужество и героизм в боях за Родину.
12. Постоянный домашний адрес представляемого к награждению и адрес его семьи Узбекская 668, ай. Фасале, Ленинский р-н, Ташкентский об. комсомол или Куйбышев

И  
Д  
Л  
Я  
П  
О  
Д  
Ш  
И  
В  
К  
И

## I. Краткое, конкретное изложение личного боевого подвига или заслуг

В ночь с 26 на 27 июня 1944 г. и. Акубов, командир роты авиамашин по призыву оборонял крайние позиции в районе деревни 156.9, этого же вечера в районе д. Лубинское, Бердского района, Вологодской области, проявил исключительное мужество, бесстрашие и героизм. Все попытки противника, направленные на захват деревни, он отбил с помощью авиамашин, сбитых на месте, сбитыми самолетами и артиллерийскими средствами. Оборону крайних позиций он вел до конца, до последнего снаряда, при этом проявив исключительное мужество и героизм. В ночь с 27 на 28 июня 1944 г. командир роты и. Акубов, во главе авиамашин, проявил исключительное мужество и героизм, сбитыми самолетами и артиллерийскими средствами отбил все попытки противника захватить деревню Лубинское, Бердского района Вологодской области. Акубов сбил 4 самолета, уничтожил при этом более 425 снарядов и артиллерийские средства. За исключительное мужество и героизм, проявленные в боях за Родину, командир роты и. Акубов награжден орденом Отечественной войны 1-й степени. Акубов сбил не только самолеты противника, но и артиллерийские средства, которыми захватывали деревню Лубинское. Этих снарядов хватило бы на всю артиллерийскую батарею.

Вывод: за проявленное мужество и героизм в боях за Родину и фронт советскими войсками боевого присвоения звания "Герой Советского Союза"

КОМАНДИР 556 шир. поле  
(подпись)  
Гаджаковича Гулям (подпись)  
(звание)  
1944 г.

Гулом Ёкубов Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилган тақдирлаш varaқаси

устун бўлса-да, рота ҳужумларни қайтариб, янада мустаҳкамроқ ўрнашади. Бу жангларда Ғ. Ёқубовнинг мардонавор ва қатъий командирлиги остида 2 та немис автоматчилар взводи ва 3 пулемёт нуқтаси йўқ қилинади. Дивизиянинг 10 августдаги буйруғи билан унга Қизил Юлдуз ордени берилди.

Дивизия Брянск ўрмони орқали жанговар йўлни давом эттириб, Клинци шаҳрини озод қилади ҳамда Гомель ҳудудига ўтади.

Ғулом Ёқубов 24 ноябрдан 25 ноябрга ўтар кечаси Чичерск тумани Вороновка қишлоғи атрофида ўз бўлинмаси билан билан полкнинг асир келтириш бўйича буйруғини муваффақиятли бажаради. У немис аскарларини айланиб ўтар экан, ўз гуруҳи билан немисларнинг ўрнашиб олишига имкон бермайди. Шахсий таркибда йўқотишларсиз 3 асир қўлга туширилади.

Унинг шахсий ташаббуси билан душманнинг кучли ўт очишига қарамай разведкадан қайтаётганларни ҳимоя этиш учун олдинга силжиб ҳандақлар эгалланади. Битта телефон аппарати ва иккита автомат ўлжа қилиб олинади.

Ғулом Ёқубов разведка ишида моҳирлик, қатъият ва жасорат кўрсатгани учун 63 армия 40-ўқчи корпуснинг 1944 йил 29 январдаги буйруғи билан II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланади. Шунингдек, унга 10 январда 63-армия томонидан катта лейтенант унвони берилади.

1944 йили 7 февралдан 8 февралга ўтар кечаси Рогачев туманидаги Турскнинг жануби-ғарбидаги 145,1 тепалиги атрофида Ғулом Ёқубов командирлигидаги рота биринчи бўлиб душман чизигини, кейин иккинчи чизиқдаги ҳандақларни ёриб кирди. Уч аскар асирликка олинди, 2 қўл пулемёти, 3 автомат, 5 милтиқ ўлжа бўлди ва 40 га яқин фашист йўқ қилинди.

Икки кун давомида душман 12 бор қарши ҳужумга ўтди, лекин ҳар сафар кучли автомат олови остида катта йўқотишлар билан ортга чекинишга мажбур бўлди. 63-армия ҳарбий кенгашининг 1944 йил 9 февралдаги буйруғи билан катта лейтенант Ғ. Ёқубовга Қизил Байроқ ордени берилди.

М. Раҳимовнинг қайд этишича, тунги жанглардан бирида Ёқубов яраланган эди. У госпиталда даволаниб, ўз қисмига қайтиб келганида, дивизия катта ҳужумга тайёргарлик кўраётган эди. Дивизия командири Ғ. Ёқубовни ўз юртига, яқинларини кўриб қайтиш учун юборади.

У қишлоғига май ойининг бошларида кириб келди. Уйда онаси Жонон ая ва урушдан ногирон бўлиб қайтган укаси Миркомил кутиб олишди. Акаси Тўракул ишчи батальонига олинган, энг кичик укаси Маматқул ҳам фронтда эди. Ғ. Ёқубов 3-4 кун уйда бўлганидан кейин яна фронтга жўнаб кетди. 4 июнь куни унга капитан унвони берилди.

Бу вақтда “Багратион” операцияси доирасида душманнинг Бобруйскдаги қўшинларини қуршаб олиш ва яксон этишга тайёргарлик борарди. Душманнинг 40 минг кишилиқ қўшинини яксон қилган бу қуршов кейинчалик “Бобруйск қозони” номи билан машҳур бўлди.

556-ўқчи полк зиммасига кучли зарбдор отряд ташкил этиш ва Лудчица қишлоғи – Бихов йўналишида жанг билан разведка ўтказиб, Днепр дарёси устидаги кўприкни эгаллаш вазифаси қўйилди. Бу отряд ўз ҳаракати билан душманнинг кўпроқ куч-эътиборини жалб қилиши зарур эди. Бундан мақсад 1-Белоруссия fronti қўшинларининг асосий қисмидан гитлерчиларнинг диққатини чалғитиш эди.

23 июндан 24 июнга ўтар кечаси Могилёв вилояти Бихов тумани Лудчица қишлоғининг жануби-шарқидаги 150,9 тепалиги учун аёвсиз жанг бўлди. Капитан Ғулом Ёқубов бошчилик қилган автоматчилар ротаси полкнинг чап қанотида ҳаракат қилиб, душман муҳофаасини ёриб кирди ва қишлоқнинг жануби-ғарбий четига етиб олди. Бир оз муддатдан кейин душман уч батальон пиёдаларини жангга солиб, тўплар ва миномётлар мададида қарши ҳужумга ўтди.

Рота 20 соат мобайнида душманнинг 40 дан ортиқ қарши ҳужумини қайтарди ҳамда 425 немис аскар ва офицерини йўқ қилди.

Урушдан омон қолган полк командири Петр Качур хотирлашича, жанг олдидан





*“Лудчица тепалиги” ёдгорлиги*

Ғ. Ёқубов унга *“Менинг ротамни доим полк гвардияси, деб атардингиз. Кўнглингиз тўқ бўлсин, гвардия сизга панд бермайди, тепалик бизники бўлади!”* – деган экан. Шунингдек, у автоматчилар: *“Ғулом биз билан экан, бизни рота эмас, батальон деб ҳисоблайверинг”*, дейишларини ёдга олган. Бу мисолларда, бир томондан, командирнинг ўз ротасига бўлган қатъий ишончини, бошқа жиҳатдан жангчиларнинг ўз командирига нисбатан ҳурматини кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, кечкурун гитлерчилар ротани қуршаб олганида капитан Ғулом Ёқубов ҳам, жангчилар ҳам эгаллаб олинган маррадан чекинмади, ўзларидан ўн бора кўп бўлган душман билан қаҳрамонона жанг қилди.

Тепалик забт этилди, вазифа бажарилди. Ротадаги автоматчиларнинг кўпчилиги, жумладан, капитан Ғ. Ёқубов қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Ушбу тундаги шиддатли жангда иштирок этиб ҳалок бўлганлардан В. Мартинов, Ғ. Ёқубов ва С. Искалиевга СССР Олий Совети Президиумининг 1945 йил 24 мартдаги Фармони билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Тепалик учун мардона жанг бўлган жойда Бихов озодлиги йўлида жасорат на-

муналарини кўрсатган Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари – Владимир Мартинов, Сундуткали Искалиев, Ғулом Ёқубов, Петр Виниченко, Иван Борисович, Галактион Размадзе шарафига “Лудчица тепалиги” шон-шуҳрат ёдгорлиги бунёд этилган. Ёдгорлик Бихов озод этилганининг 40 йиллик санасида – 1984 йилда тантанали очилган.

Қўрғон шаклидаги тепалик чўққисидда бу ерда содир бўлган жасоратни мадҳ этаётган Баянчининг рамзий ҳайкали ўрнатилган. У 1944 йил ёзида Беларусни озод қилишга келган халоскорлар томон – шарққа юзланган. Қўрғоннинг тагдеворидан олти қаҳрамоннинг сиймоси тажассум этилган.

Ўзбекистон ҳам ўз баҳодирининг номини абадийлаштирган. 1977 йили унинг номида хотира хиёбони бунёд этилди. Хозирда Асака шаҳри кўчаларидан бири Ғулом Ёқубов номи билан юритилади.

Юртдошимизнинг ботирлиги икки халқ хотирасида мангу сақланмоқда.

**Козимхон САЪДУЛЛАЕВ,**  
*фалсафа доктори (PhD)*



## Бурҳон СИРОЖИДДИНОВ

(1917–1994)

Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк ғалабада Ўзбекистон халқининг муносиб ҳиссаси ва ўрни бор. Уруш йилларида Ўзбекистон фронт учун нафақат хомашё, қурол-яроғ етказиб берди, балки жанг тақдирини ўзгартиришга қодир бўлган Собир Раҳимов, Муллажон Узоқов, Собиржон Охунжонов, Файзулла Норхўжаев, Мамадали Топиволдиев каби юзлаб иқтидорли ва моҳир қўмондонларни ҳам тарбиялаб берди.

Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, бу даҳшатларнинг бевосита гувоҳи бўлган ҳамда талотўплардан омон чиқиб, узок йиллар мудофаа ва ички ишлар соҳаларида самарали меҳнат қилган қахрамонлардан бири Бурҳон Ҳасанович Сирожиддиновдир.

Бурҳон Сирожиддинов 1917 йилнинг 24 декабрида Тожикистон Республикасининг Конибодом шаҳрида кўп фарзандли этикдўз оиласида дунёга келди. Бўлғуси генерал-лейтенант Б. Сирожиддиновнинг ўғли, полковник Али Бурҳонович Сирожиддиновнинг хотираларига кўра, бобоси Ҳасан Сирожиддинов (1886–1979) олти нафар фарзанди бўлган катта оила соҳиби, турмуш қийинчиликларига қарамай фарзандларининг барчаси яхши таълим олишига алоҳида эътибор берган.

Шу сабабли Сирожиддиновлар оиласидан физика-математика фанлари доктори, дунё эътироф этган академик Саъди Сирожиддинов (1920–1988), гидрогеология соҳасига катта ҳисса қўшган геология-минералогия фанлари доктори, профессор Абдуманнон Сирожиддинов (1924–2006) сингари таниқли олимлар етишиб чиқди.

Бурҳон Сирожиддинов Конибодомдаги 1-мактабда таълим олди. Мактабни тамомлагач, Сирожиддиновлар оиласи Тошкент шаҳрига кўчиб келди.



Тошкентдаги педагогика техникумидаги қисқа муддатли таҳсилдан сўнг Бурҳон Сирожиддиновнинг оиласи Қирғизистоннинг ҳозирги Бишкек шаҳрига кўчиб кетади ҳамда у ҳам ўқишини шу шаҳардаги Педагогика институтининг физика-математика факультетида давом эттиради.

Б. Сирожиддиновнинг институтни тамомлаши айна Иккинчи жаҳон уруши бошланган 1939 йилга тўғри келади. Ўша йили Сирожиддиновлар оиласининг тўнғич вакилини ҳам ҳарбий хизматга чақиришади.

Бурҳон Сирожиддинов 138-артиллерия полкига курсантликка қабул қилиниб, полкнинг икки ойлик курсини тамомлади ва катта сержант унвонида взвод командирининг ёрдамчиси этиб тайинланди. Ёшлигида ўқитувчи бўлишни орзу қилган йигитнинг ҳарбий ҳаёт йўли мана шундай бошланди.



1941 йилнинг 22 июнида Германия СССР-га уруш эълон қилгач, Бурҳон Сирожиддинов олий маълумотли ҳарбий мутахассис сифатида Ростов артиллерия билим юртига юборилди. У қисқа муддатли курсни тамомлагач, офицерликка имтиҳон топширади ҳамда унга 1941 йилнинг августида кичик лейтенант ҳарбий унвони берилади.

Б. Сирожиддиновнинг кичик лейтенантликдан бошланган ҳарбий ҳаёт йўли ва фаолияти узоқ, масъулиятли ҳамда машаққатли йиллар ва хизматлардан сўнг генерал-лейтенантликка қадар давом этди.

1941 йилнинг сентябрида 995-артиллерия полки тузилиб, эндигина 24 ёшга кирган Б. Сирожиддинов 30 кишилик топографик разведка взводнинг командири этиб тайинланди. Душманнинг қурол-яроғ, ўқ-дори ҳамда техника омборлари жойлашган ҳудудларни аниқлаб, полк раҳбариятига етказиш у қўмондонлик қилаётган взводнинг асосий вазифаси эди.

Взвод жуда қалтис ҳамда хавфли ҳарбий амалиётларни бажариб, душман ҳарбий қисмлари жойлашган ҳудудларга кириб борди, душман бўлинмалари жойлашган дислокация хариталарини қўлга киритди. Қўлга киритилган қимматли ҳарбий маълумотлар асосида душманнинг қурол-аслаҳа ва ўқ-дори жойлашган базалари артиллерия кучлари орқали йўқ қилинди.

Б. Сирожиддинов Смоленск, Москва остонасида аёвсиз жанглarda қатнашди. 1941 йилнинг октябрида Гжатск (ҳозирги Гагарин шаҳри) атрофидаги жанглarning бирида душман қуршовидан чиқиш пайтида снаряд парчаларидан енгил ярадор бўлди.

Бурҳон Сирожиддинов урушнинг илк кунидан сўнгги кунларига қадар взвод, рота командири, дивизия қўмондони, бригада штаби бошлиғининг ўринбосари сифатида Россия, Белоруссия, Польша, Шарқий Пруссия ҳудудларини озод қилиш учун кечган жанглarda иштирок этди. Хусусан, 995-армия артиллерия полки таркибида 3-дивизион ташкил этилганидан бошлаб катта лейтенант Бурҳон Сирожиддинов разведка бошлиғи сифатида душман танклари ва пиёдалари жойлашуви

разведкасида фаол қатнашди. Бу борадаги муваффақиятлари мукофотга тавсия этиш варақасида ҳам қайд этилган:

*“Ҳали ҳужумгача бўлган мудофаа босқичида унинг ўзи 6 пулемёт нуқтасини, 3 та 105 м/м батареясини ва 1 та миномёт батареяси жойлашувини аниқладик, артиллерия тайёргарлиги пайтида бу оловли нуқталар яксон этилди.*

*Пиёда қисмлар олдинга силжиётганда у бирон дақиқа ҳам дивизион билан алоқани узмади, вазият ҳақида маълумот берар экан, аниқ йўл-йўриқ кўрсатди.*

*Ҳужум пайтида Б. Сирожиддиновнинг ўзи душманнинг 3 пулемёт нуқтаси, 2 артиллерия батареяси ҳамда пиёдалар ва юклар ташийётган автомашиналар колоннасини аниқлади. Унинг талабига кўра буларнинг бари бостирилди ва қисман йўқ қилинди”.*

Кўрсатган жасорати учун Бурҳон Сирожиддинов Брянск fronti 11-гвардиячи армия артиллерия кучлари Ҳарбий Кенгашининг 1943 йил 2 августдаги 59/н буйруғи билан “Жанговар хизматлари учун” медали билан тақдирланди.

У Белоруссияни озод қилиш жангларида 143-армия тўпчи-артиллерия бригадасининг разведка бошлиғи сифатида иштирок этди. 1944 йил 23 июнида Проня дарёси яқинида немислар мудофаасини ёриб ўтишга тайёргарлик кўраётганда Чауси, Будино чизиғида душман артиллерия гуруҳларини аниқлаш бўйича катта ишларни амалга оширди.

У разведка маълумотларини чуқур таҳлил қилиб, душман артиллерия гуруҳлари тўпланган жой ҳақида тўғри хулоса қилди. Натижада, бригада томонидан 5 батарея йўқ қилинди.

Капитан Б. Сирожиддинов пиёдалар ҳужумини уюштириш ва жанг ичкарасида душман артиллериясини разведка қилиш ишларини тўғри ташкил этди. Унинг биргина ўзи томонидан 6 артиллерия батареяси разведка қилиниб, бригаданинг олови билан бостирилди. Капитан 24 июндан 28 июнгача пиёдалар жанговар сафида вазият ҳақида бригадани хабардор қилди, ўрнида дивизионларнинг ўт очишини тўғрилаб турди.



Днепр дарёси бўйларида ҳам Б. Сирожиддинов душманнинг 2 батареясини разведка қилиб, уларни дивизион ўти билан йўқ қилди. Унга бу муваффақиятлари учун 1944 йилнинг июлида қуролдош дўстлари қаторида жанговар саф олдида раҳматнома эълон қилинди. 16 июль куни 2-Белоруссия fronti 49-армия Ҳарбий кенгашининг 60-сон буйруғига асосан, Б. Сирожиддинов I даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланди.

Шунингдек, у II даражали Ватан уруши ордени ҳамда “Москва мудофааси учун”, “1941–1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун” медаллари билан мукофотланди.

Фронт қўмондони маршал Константин Рокоссовскийнинг буйруғига асосан, Бош Қўмондонлик Қароргоҳи 143-тўпчи артиллерия бригадаси штаб бошлиғи ўринбосари, майор Б. Сирожиддиновни 1945 йилнинг феврида Қизил қўшин Олий штаб артиллерия мактабига ўқишга юборди.

Иккинчи жаҳон уруши майдонларида катта ҳарбий тажриба ва малака орттирган Б. Сирожиддинов урушдан 1945 йил майор унвони билан қайтди ҳамда Тошкент ҳарбий артиллерия мактабига ўқитувчилик қила бошлади.

Бурҳон Сирожиддиновнинг умр йўлини таҳлил қилар экансиз, унинг ҳаёт йўли нафақат Иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли жанглари, балки мунтазам изланиш, таҳсилдан ҳам иборат эканлигини кўриш мумкин.

Ҳарбий педагогик маҳоратини янада ошириш мақсадида у 1949 йил Москвадаги СССР Ички ишлар вазирлигига қарашли ҳарбий институтга ўқишга кирди. 1953 йил ўқишни тамомлаб Тошкентга қайтди ҳамда Ўзбекистон маҳаллий ҳаво мудофааси республика штабига раҳбар этиб тайинланди.

У жисмоний тарбия ва спортни жуда яхши кўрар, ўзи ҳам моҳир атлет эди. Ўқиб юрган вақтида Москвадаги СССР Ички ишлар вазирлигига қарашли ҳарбий институт талабаси сифатида спортнинг енгил атлетика тури бўйича Москва шахрининг

мутлақ чемпиони унвонини қўлга киритганди.

Б. Сирожиддинов нафақат мудофаа соҳасида, балки узоқ йиллар Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам самарали хизмат қилди. 1965 йилда унга СССР Вазирлар Кенгашининг қарори асосида “генерал-майор” унвони берилди ҳамда Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар қўмондони этиб тайинланди.

Ички қўшинлар қўмондонлиги таркибига Ўзбекистондан ташқари Ўрта Осиёнинг Тожикистон, Туркменистон республикалари ҳам кириб, Б. Сирожиддинов қўмондонлиги остида Навоий, Зарафшон, Учқудуқ, Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ, Нефазаводск, Душанбе ҳамда Қоровулбозор каби шаҳарлар қурилишида иштирок этиб, ўта муҳим объектларни қўриқлаш ва табиий офатларнинг олдини олишда фидойилик кўрсатди.

Б. Сирожиддинов ўзи ҳамда қўмондонлиги остидаги таркибий бўлинмаларга ҳаммиша талабчанлик билан ёндашди. Қўмондонликнинг ўқув-тактик машғулотларига шахсан ўзи раҳбарлик қилиб, унинг даврида ички ишлар ходимларининг жисмоний ва ҳарбий тайёргарлиги учун спорт иншоотлари ва ўқ отиш базаси қурилди.

Унинг ташаббуси билан ўзбек миллий чолғу асбоблари илк бор Ички ишлар вазирлигининг Ашула ва рақс ансамбли таркибига киритилиб, ҳарбий оркестрлар томонидан ўзбек миллий мумтоз мақомлари ҳам ижро этила бошланди.

Узоқ йиллар Ички ишлар вазирлигининг Ашула ва рақс ансамблида хизмат қилган ва ҳозирда АҚШда истиқомат қилаётган созанда Симха Шаломов мазкур ансамблда меҳнат фаолиятини бошлаши хусусида тўхталиб, шундай хотирлайди:

*“Уч доирани моҳирлик билан чертаётганимни телевизор орқали кўрган Бурҳон Ҳасанович Сирожиддинов қўл остидаги ходимларига зудлик билан мени топиб келишни буюрган. Б. Сирожиддинов тавсияси асосида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, полковник Икромжон Бўронов менга офицерлик формасини кийдириб, хизматга олган”.*



У жамоат ишлари ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнларда ҳам ҳамisha фаол иштирок этди. Бир неча бор Тошкент шаҳар Халқ депутатлари Кенгаши депутати этиб сайланди.

Нафақага чиққандан сўнг Қуролли Кучларнинг етук мутахассиси сифатида ёш ҳарбий зобитларни тайёрлаш, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшди, ўзининг бой тажрибасини ёш зобитлар билан баҳам кўрди. Ёш авлодни тарбиялашдаги фидойилиги, ёшларга касб маҳоратини ўргатиш, меҳнатга ҳалол ва виждонан муносабат, юксак ватанпарварлик ва ахлоқий фазилатларни тарбиялашда кўрсатган алоҳида хизматлари учун Б.Сирожиддинов “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” унвони билан мукофотланди. 1981 йилда эса унга “генерал-лейтенант” унвони берилди.

Б.Сирожиддиновнинг фарзандлари ва набиралари – Али Сирожиддинов, Вали Сирожиддинов, Малика Маматова, Носир Сирожиддинов, Жалолиддин Сирожиддинов, Жаҳонгир Сирожиддинов, Темур Сирожиддинов, Жамолиддин Сирожиддинов ҳам унинг изидан бориб, ҳарбийлик касбини танлашди ҳамда ушбу соҳада фаолият кўрсатишди.

Генералнинг тўнғич фарзанди Али Сирожиддинов: *“Отам оиласи ва фарзандларини жуда яхши кўрар, касби билан боғлиқ қийинчиликларга қарамасдан, биз учун ҳамisha вақт ажратар, кечки овқатдан сўнг эса ўқишдаги муваффақиятларимиз билан қизиқар эди. Отам бизга, кўпинча, олий математиканинг энг қийин масалаларини ечишда яқин кўмакчи эди”,* дея хотирлайди.

Генерал-лейтенант Бурҳон Сирожиддинов 1994 йил 77 ёшида вафот этди. У Тошкентнинг “Чиғатой” қабристонига дафн этилган.

**Эркин РАЖАБОВ,**  
*фалсафа доктори (PhD)*



## Восил ҚОБУЛОВ

(1921–2010)

Восил Қобулов 1921 йил 5 сентябрь куни Тошкент шаҳрида темирчи-косиб оиласида дунёга келди. Буваси Фозилжон отанинг касб-кори темирчи бўлса-да, ўз даврининг ўқимишли вакиллари билан бўлиб, форс ва араб тилларини билган, Шарқ адабиётидан яхши хабардор киши эди. Отаси ўтган асрнинг 20-йилларида бирмунча вақт мактабда ўқитувчилик қилган, лекин катта оилани боқиш мақсадида ўз ота касби темирчилик билан шуғулланар эди. Қобилжон ота тўрт ўғил ва бир қизининг олий маълумотли бўлишига шароит яратиб, уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлайди.

Болалигидан қатъиятли, бир сўзли ва жасоратли бўлган Восил Қобулов 1938 йилда мактабни аъло баҳоларга тугатгач, Ўрта Осиё давлат университетининг механика-математика факультетига ўқишга кирди. Бироқ 1941 йилда бошланган уруш туфайли у кўнгиллилар қаторида армия сафига хизматга отланди. Дастлаб метеокузатувчилик курсида ўқиди, кейин авиация хизмати батальонида фаолиятини давом эттирди.

Метеокузатувчилар бомбардимончи самолётларнинг жанговар топшириқларни бажариши учун ғоятда зарур бўлган фактик маълумотлар, яъни парвоз пайтида об-ҳавонинг ҳолати, булутлар шакли, баландлиги, қалинлиги, кўриниши, ёғингарчилик, музлаши ва ҳоказоларни қайд этарди.

1942 йилнинг июль ойидан В. Қобулов ўз илтимосига биноан, фронт чизиғига юборилди. Унинг жанговар йўли 33-гвардия ўқчи дивизиясининг 59-гвардия артиллерия полкида алоқачи сифатида бошланди.

Уруш йиллари ҳарбий алоқачилар жанг майдонларида муҳим роль ўйнар эди. Улардан қўмондонлик таркиби билан ҳарбий хизматчилар ўртасидаги доимий алоқани таъминлаш, қўмондонлик-



ни фронтдаги вазиятдан хабардор қилиш, айти пайтда, штабларга зарур тезкор маълумотлар ҳамда жанговар бўлинмаларга қўмондонлик буйруқларини етказиб бериш талаб этиларди. Ҳарбий алоқачи жанг майдонидаги ўқлар ёмғири остида алоқа линиясининг узилиш жойларини аниқлаши, кабелни узоқ масофага чўзиб олиб бориши ва тузатиши зарур эди.

Шунинг учун урушда алоқачининг иши энг зарур, энг шарафли ва масъулиятли ҳисобланган. Жангнинг, ҳатто бутун операциянинг тақдирини алоқачи белгилаши ҳам мумкин бўлган. Шиддатли жанговар шароитларда, айтиқса, оғир жанглардаги вазиятлар бўйича ҳисобот бериш, зарур кўрсатмалар олиш, алоқани узатиш тезлиги ва алоқачининг аниқ тактикасига боғлиқ эди.

Уруш даврида қўлланилаётган янги технологиялар ва янги радио ускуналарни ўзлаштириш, маълумотларни узатишнинг янги-янги усуллари билан фойдаланиш каби



Все графы заполнять полностью

# НАГРАДНОЙ ЛИСТ

1. Фамилия, имя и отчество: Кабулов Василий Кабулович
2. Звание: 2в. старший сержант 3. Должность, часть: Радиотелеграфист 59-го Уврд. Армии. Москва. 33-й Уврд. Стр. Сивасиен. Дивизии
- Представляется к Правительственной награде ордена "Красная Звезда"
4. Год рождения: 1921 5. Национальность: узбек 6. Партийность: к.ч. ВЛКСМ (5)
7. Участие в гражданской войне, последующих боевых действиях по защите СССР и отечественной войне (где, когда): с 1942г. Сталинградский, Юненьби, Ч.и Украинский, Х.и Кербобитийский
8. Имеет ли ранения и контузии в отечественной войне: 11 контузии
9. С какого времени в Красной Армии: с 1941 года 10. Каким РВК призван: Сталинским РВК. гор. Ташкент
11. Чем ранее награжден (за какие отличия): медаль "50 Стрелу" Приказ 59-го ЗВНП №015/Н 15.05.44 года
12. Постоянный домашний адрес представляемого к награждению и адрес его семьи: \_\_\_\_\_

## I. Краткое, конкретное изложение личного боевого подвига или заслуг

20.07.44г. во время боев в районе м. Гринкички - Ягоская ССР, бесперебойно держал связь по радио, находясь в боевых порядках пехоты т. КАБУЛОВ давал возможность корректировать огонь, где уничтожено было несколько десятков немцев.

16.08.44 года, в бою в районе м. Кавчи во время контратаки танков противника т. КАБУЛОВ находился на м. дивизиона бесперебойно держал связь по радио, корректируя огонь по пехоте и танкам противника где было подбито три танка и уничтожено до 10 гитлеровцев.

За проявленную смелость, решительность и мужество в бою с немецкими захватчиками достоин Правительственной награды ордена "Красная Звезда".



22.08.44г. Командир 30 Гвардейского АРГОИНА Ташкент. МАКСИМ /ВАРСУ ОБ./

Командир (начальник) \_\_\_\_\_ (звание)

194 г.

172

Восил Қобулов Қизил Юлдуз ордени  
мукофотиға тавсия этилган тақдирлаш варақаси



доимий ҳаракатдаги жараёнлар ҳарбий алоқачидан юқори билимни ҳам тақозо қиларди. Уруш йиллари ҳарбий алоқачи ва разведкачи бўлиб хизмат қилган Восил Қобуловнинг аниқ фанлар бўйича чуқур билимга эгаллиги жанг майдонларида унга жуда асқотди. У Сталинграддан Кенигсберггача бўлган ҳудудларни босиб ўтди, бир неча бор яраланди, контузияга учради...

Уруш йилларининг шафқатсиз синовлари ҳақида олимнинг “Менинг тарихим” деб аталган эсдаликларида бир лавҳа келтирилади:

*“Ҳозирга қадар Ивановка қишлоғини эсламан: бутун атроф ўпирилган чуқурликлар, нариги томонда эса шиддат билан ҳужумга ўтишга тайёр турган немис танклари. Мен у ерда разведкада хизмат қилиб, батареямизга аниқ маълумотларни етказиб берардим. Ҳа, бу жангда “Иссиқ қор” бадийий фильмида кўрсатилганидек, жуда кам одам тирик қолган эди”.*

Айтиб ўтиш жоиз, 1942 йил ёзида Сталинграднинг ўрта мудофаа чизиғи айнан Ивановка қишлоғи яқинидан ўтган эди. “Иссиқ қор” бадийий фильми эса Юрий Бондаревнинг шу номдаги романи асосида 1972 йилда суратга олинган бўлиб, у тарихий воқеаларга асосланган.

Ўзбек ўғлони Восил Қобулов ушбу қонли тўқнашувлардан омон чиқиб, “Жанговар хизматлари учун” ва “Сталинград мудофааси учун” медаллари билан тақдирланди.

1943 йилнинг 24 июлида у Донецк об-ластининг Саур-Мои́ла районида бўлган жангда алоқа линиясидаги 24 та узилишни бартараф этди ва ярадор бўлишига қарамай, алоқа тугамагунча линияни ташлаб кетмади.

В. Қобуловнинг хотирлашича, у икки томондан ўқ ёғилаётган 8 километр узунликдаги очиқ майдонда полк штаби ва кузатув пункти ўртасида алоқани таъминлаган эди. Бу қаҳрамонлиги учун катта сержант В. Қобулов “Жасурлиги учун” медалига сазовор бўлди.

Балки, ўша пайтда жангчи ҳеч қандай жасорат ҳақида ўйламагандир, аммо у ўз ҳарбий бурчини бажарган эди.

*“Душманнинг снаряд ва бомбалар ёмғири остида қолган солдат, агар тирик қолсам ҳар қандай ҳаётга тайёрман, деб Аллоҳга илтижолар қилганини кўп кўрганмиз, эшитганмиз. Биз солдатлар қаерда бўлмайлик, қайси окопларда, снаряд ва бомбалар хавфи остида ётмайлик, ҳамма вақт ўз юртимиз ҳақида ўйлаганмиз, уни қўмсаганмиз. Ўша жойлардан омон қайтибмиз, эҳтимол, бизга ота-оналаримиз, ёр-биродарлар меҳри мадад бўлгандир”,* – деб ёзган эди В. Қобулов.

1944 йилнинг 9 июлида Сивашнинг жанубий қирғоғида душман мудофаасини ёриб ўтишда гвардия катта сержанти В. Қобулов полкнинг бошқа ўқчи полклар билан алоқасини таъминлади. Унинг радиостанцияси 18 соат давомида узлуксиз ишлади, икки бор рациядаги узилишларни бартараф этди. Натижада полк пиёда жангчилар билан бирга олд марраларга силжишга муваффақ бўлди.

Камишли қишлоғи яқинидаги жангларда ҳам у алоқа узлуксизлигини таъминлади ва олд марралар эгалланди. Қрим озодлиги йўлидаги ушбу жанглардаги жасорати учун В. Қобулов “Жанговар хизматлари учун” медали билан тақдирланди.

1944 йил 28 июлда Литванинг Гринкишки деган жойи яқинида унинг алоқани муваффақиятли таъминлаши душманга оловни тўғри йўналтиришга имкон берди ҳамда ўнлаб фашистлар йўқ қилинишига шароит яратди. 16 августда эса у Кельме шаҳри атрофидаги жангларда танкларнинг контрҳужумини уюштиришда радио алоқа узлуксизлигини таъминлади. Натижада душманнинг 3 танки ва 15 гитлерчи йўқ қилинди. Мазкур жангларда кўрсатган қаҳрамонликлари учун В. Қобулов Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди.

Украина, Қрим, Белоруссия, Болтиқбўйини озод қилиш жангларида иштирок этган Восил Қобулов II даражали Ватан





*В. Қобулов қуролдош дўсти И. Седов билан. 1942 йил*

уруши ордени, “Кенигсберг запт этилгани учун”, кейинчалик, “Совет Иттифоқи флот адмиралли Кузнецов” медаллари, турли даражадаги орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Восил Қобуловдан қайси жангларда иштирок қилгани ҳақида қизиқиб сўралганда: “Сталинград яқинида Манштейн армиясига зарба беришда, Харьков атрофидаги жангларда, Қримда фашист қўшинларини тор-мор қилишда, сўнгра Болтиқбўйида ўрнашиб олган Курляндия гуруҳига қарши курашда ва ниҳоят, шарқий Пруссия жанглирида – мана менинг жанговар йўлим”, – дея ҳикоясини мухтасар қиларди.

Аслида, оғир урушнинг барча мушкулотлари Восил Қобуловнинг ҳам бошидан ўтган эди. Бир неча бор ярадор бўлиб, яна ўз дивизиясига қайтиб келиши, жангларда толиққан дивизиянинг бир неча

бор янги кучлар билан қайта тўлдирилиши, айрим ҳолларда қуршовда қолиб, оч-наҳор қолишлар, 30–40 даража совуқ ва изғиринларда юзлаб чақирим йўл босишлар, ҳоказо ва ҳоказолар...

“Эндиликда ўйлаб қарасам, бу машаққатларга фақат ёшликдагина чидам бериш мумкин экан, – дея эсларди Восил Қобулов ва қўшиб қўярди: – Бирор жангдан омон чиқиб, яна Ватанимга қайтиб келиш хаёлимда меҳмон ҳам бўлмасди. Жангга кирганда ҳар лаҳза, ҳар дақиқа ўлимни кутардик. Қанчадан-қанча дўстлардан ажралдик. Ҳатто уларни дафн қилиб кетишнинг ҳам иложи бўлмасди”.

Восил Қобулов Ғалаба куни ўзининг иккинчи туғилган куни эканини кўп такрорласа-да, ўз қаҳрамонликларини дoston қилавермас эди.

Урушдан кейин В. Қобулов Тошкент темир йўл муҳандислари институтида



ўқишни давом эттириб, уни имтиёзли диплом билан тугатди. 1949–1950 йилларда Чоржўй – Қўнғирот темир йўл қурилишида муҳандис бўлиб ишлади. 1950 йилда илмга чанқоқ бу инсон Ўзбекистон Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар институти аспирантурасига қабул қилинди.

Восил Қобулов электрон-ҳисоблаш машиналари билан боғлиқ илм сирларини эгаллашга қаратилган илм “жанги”га кирди. Бу жангда унга республикадаги тажрибали олимлар, Ҳамид Абдуллаев, Муҳаммаджон Ўрозбоев каби академиклар раҳнамолик қилди.

1952 йили номзодлик, 1959 йили докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1966 йилда профессор унвонини олди.

Восил Қобулов Ўзбекистонда кибернетика фани асосчиларидан бўлди. 1962 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси муҳбир аъзолигига, 1966 йилда академикликка сайланди.

1966 йили Тошкентда Кибернетика институти ташкил этилди ва унга 1992 йилгача Восил Қобулов раҳбарлик қилди. Ўзбекистонда кибернетика, сунъий тафаккур, информацион ва рақамли технологияларни ривожлантириш мақсадида нуфузли илмий марказлар билан алоқалар ўрнатилди. Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида кибернетика, ҳисоблаш техникаси, информацион ва рақамли технологияларга ихтисослашган кафедра ва факультетлар ташкил қилинди.

Восил Қобулов ташаббуси билан Мурунтов олтин кони ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатида автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Олим 1971 йилда Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати бўлди. 1998 йилда “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотланди.

Восил Қобулов изланувчан ва ташаббускор, зиёли, камтарин, миллатпарвар ва миллий ғурурни юқори тутадиган инсон эди. Ҳар қандай оғир шароитда ҳам, тазйиқли вазиятларда ҳам тушкунликка тушмаган ва ўзининг ҳақ эканини исботлай олган ватанпарвар шахс эди.

Восил Қобулов “Дўстим Матёқубга мактуб” мақоласида шундай сатрларни ёзган эди:

*“Биз – фронт қатнашчилари ҳаёти ҳеч вақт осон ўтмаган, эҳтимол, бу синовларга фронтларда олинган сабоқлар воситасида бардош берармиз...”*

*Ҳақиқатан ҳам, ўша жойларда инсон қалбининг олийжаноб қирралари очиларди, фронтдагилар бир-бирларига одамшавандалик билан муносабатда бўлар, ҳеч ким миллатига, қаердан келганига қараб ўтирмас, балки жангу жадалда ёнма-ён туриб бардош беришига интилар эди. Шунинг учун бўлса керак, мен ҳозир ҳам ўзимни фронтда деб ҳис қиламан ва атрофдагиларга ўша вақтлардаги каби ҳамкорлар деб қарашга ҳаракат қиламан.*

*Фикримча, халқимизнинг ҳозирги ҳар бир ҳалол одами арзимаган ғаразларни четга суриб қўйиб, иттифоқ бўлиши ва халқимиз фаровонлиги йўлида бирга курашиши керак”.*

Академик Восил Қобулов 2010 йилда 89 ёшида вафот этди.

2021 йил 6 сентябрь куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Восил Қобулов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган “Математиканинг бетакрор оламида” деб номланган кўргазма бўлиб ўтди.

**Нодира МУСТАҒАЕВА,**  
*тарих фанлари доктори,*  
*профессор*



## Қурбон НАЗАРОВ

(1917–1971)

Қурбон Назаров 1939 йили ҳарбий хизматга чақирилди, 1941 йил июлидан урушда қатнаша бошлади. 1942 йил ноябридан 34-алоҳида ўқчи бригада таркибида Шимолий Кавказ фронтининг жанговар ҳаракатларида, бригаданинг 600 километрлик жанговар юришида иштирок этди. Жанг олиб борилаётган оғир шароитларда мардлик ва қатъият кўрсатди.

Бир неча бор қўмондонликнинг душман кучларини разведка қилиш ва қимматли маълумотларни қўлга киритиш бўйича топшириқларини бажариб, жанговар вазифалар муваффақиятли ҳал этилишини таъминлади. Бригаданинг 1943 йил 3 февралдаги буйруғи билан 4-алоҳида ўқчи батальони пиёда разведкаси взводининг сиёсий қисм бўйича командир ўринбосари, сержант Қурбон Назаров “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланди.

1943 йилнинг августида 301-ўқчи дивизия ташкил этилди. Унинг таркибига бу бригада ҳам киритилди. Старшина Қ. Назаров дивизия таркибидаги 1054-ўқчи полки пиёда разведкаси взводида дастлаб командир ёрдамчиси, кейин взвод командири бўлиб, Ворошиловграддан Днестргача бўлган жанговар йўлни босиб ўтди.

1944 йилда у Молдавиянинг Гура-Бикулуй қишлоғидан 2 километр жануби-ғарбда жойлашган душман позициясидан асир олиб келиш операциясини муваффақиятли амалга оширди.

1944 йил 27 июль куни Қурбон Назаров бошчилигидаги взвод томонидан душманнинг 15 аскари, 1 станокли пулемёти ва 4 гранатомёти йўқ қилинди. 1 гранатомёт, ҳужжатлар қўлга киритилди. Қ. Назаров жанг майдонидан оғир ярадор бўлган разведкачини олиб чиқди.

Унинг жасорати муносиб баҳоланиб, дивизия таркибидаги 9-ўқчи корпуснинг



13 августдаги буйруғи билан I даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланди.

Қ. Назаров Молдованинг Бозиень қишлоғини эгаллашда ҳам жасорат кўрсатди. 25 август куни унга қишлоқдаги душман мудофаа тизимини ва фашистлар сонини аниқлаш вазифаси қўйилди. У разведкачилар билан топшириқни бажариш учун кетаётганида йўлда артиллерия батареясини ўрнатиш билан тепаликка ҳаракатланаётган фашист аскарларининг катта гуруҳини пайқаб қолди. Шу заҳоти Қ. Назаров бошчилигидаги взвод қўққисдан ҳужум қилишга ўтди.

Кутилмаган жангдан душман ўзини ўнглай олмади. Взвод томонидан 37 гитлерчи йўқ қилинди, 26 нафари таслим бўлди. 3 тўп ва 2 штаб автомашинаси ўлжа қилиб олинди. Қурбон Назаровнинг ўзи 6 фашистни йўқ қилди. Кўрсатган жасорати учун у 9-ўқчи корпуснинг 22 сентябр-



Награды и медали

Фамилия, Имя, Отчество

Назаров Курбан Назарович

226

Военное звание

Старшина

Документы, ранее Командир взвода пешей разведки, 1054 стрелкового Сталинского полка, 301 стрелковой Сталинской Дивизии

Представитель к ордену Красная Звезда

1947

2. Национальностью Узбек

1. Золотой ордена

3. В то же время в кр. армии с 02. 1939 года

4. Туркменской Респ. ВДВ/ос. 1943г.

5. Участвовал в боях с 08. 1941 по 01. 1942г. - Южный фронт; с 01. 1942г. по 01. 1943г. - Северный фронт; с 01. 1943г. по 02. 1943г. - Северо-Кавказский фронт; с 02. 1943г. по 01. 1944г. - Южный фронт; с 01. 1944г. по 03. 1944г. - Западный фронт; с 03. 1944г. - 3 Украинский фронт.

6. Участвовал в боях с 01. 1942г. по Зап. фронт; с 02. 1943г. по Северо-Кавказскому фронту

Ранен 5. 06. 1944г. на 3 Украинском фронте.

7. Награды Награжден орденом За Отвагу "присвоены" на 24 отдельной стрелковой бригаде (№ 15-й Отдельная бригада) Первой советской армии - приказом по Ленинградскому фронту от 3. 02. 1943г. в звании Краснознаменному партизану № 25-й от 13. 02. 1943г.

8. Наименование ордена Бухарский Областной В.К.

9. Адрес ордена

В наступательном бою за овладение с. Бозиев, Бейдерского района Молдавской ССР. 25.08.1944 года старшина Назаров занял должность командира взвода пешей разведки, проявил исключительную отвагу и мужество. Получив задачу, разведать слабину обороны и численность противника находящегося в селе Бозиев, т. Назаров отправил её выполнять. По пути следования, он заметил как большая группа немецких солдат передвигалась по лощине устанавливали арт. батарею. Нервный бросок вперед и взвод разведчиков навязал немцам бой. В завязавшейся схватке с противником взвод пешей разведки уничтожил 37 немцев, 26 немцев было взято в плен. Захвачено 3 орудия исправных и 2 штыковых автомата. Лично санин Назаров уничтожил 6 немцев.



Орден "Красная Звезда"

14 сентября 1944 года

Командир

1054 Стрелкового Сталинского полка -

Майор: [Подпись]

Курбан Назаров Қизил Юлдуз ордени мукофотига тавсия этилган тақдирлаш варақаси

даги буйруғига кўра, Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди.

1945 йилининг февралида Қурбон Назаровга Ортвиг шаҳри яқинида мудофаада турган ўқчи бўлинмаларга ёрдам бериш вазифаси топширилди. 4 февралдан 20 февралга қадар у бошчилигидаги взвод сон жиҳатидан анча устун бўлган ҳамда кўп сонли танклар ва авиация ёрдами билан келаётган душманнинг 25 марта қилган қарши ҳужумини бартараф этди. Қ. Назаров фашистларни ўзига жуда яқин келтириб, автомат билан ўт очди. Бу жангда взвод томонидан душманнинг 70 га яқин аскар ва офицери йўқ қилинди.

Дарё қирғоғидаги плацдарм сақлаб қоллинишидаги мардона иштироки учун Қурбон Назаров 9-ўқчи корпуснинг 24 мартдаги буйруғи билан II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланди.

У Вербич темир йўл станцияси яқинидаги душманнинг эшелонли мудофаасини ёриб ўтиш ва душманни Берлингача таъқиб этиш жанглирида взводга бошчилик қилиб, қўмондонликнинг қатор муҳим жанговар топшириқларини бажарди. 14 апрель куни у икки разведкачи билан ҳарбий шаҳарчадаги кучли қўриқланаётган душман ҳандақига яширин тарзда эмаклаб бориб, душман пулемётчисини олиб келишга муваффақ бўлди. Асир олинган пулемётчидан қимматли маълумотлар олинди.

Қ. Назаровнинг душман кучлари ва ўт очиш нуқталари бўйича тақдим этган маълумотлари фашист артиллериясининг йўли тўсилиши ёки яқсон этилишига хизмат қилди. Унинг ҳисобида душманнинг йўқ қилинган 14 ўт очиш нуқтаси, 28 аскар ва офицерлари, асир олинган 13 фашист бор эди.

Қ. Назаров ўз қаҳрамонликлари билан “Кавказ мудофааси учун”, “Варшава озод этилгани учун”, “Берлин забт этилгани учун”, “1941–1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун” медаллари билан тақдирланди. Ғалабадан кейин Берлинга қайтиб, 1946 йилнинг августига қадар ҳарбий хизматни давом эттирди.

Она юрти Бухорога қайтганидан сўнг турли раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилди. 1946–1948 йилларда Харгўш қишлоқ матлубот жамиятига раислик қилди, 1948–1952 йилларда Бухоро туман партия комитетида масъул ходим бўлиб ишлади. 1952–1957 йилларда Галаосиё туман совети ижроия комитетининг раиси, 1958–1962 йилларда колхоз раиси, совхоз директорининг ўринбосари бўлди. 1962 йилдан умрининг охиригача Бухоро туман маиший хизмат кўрсатиш комбинатида директорлик қилди.

Бухороликлар уруш ва меҳнат фахрийси, фидойи инсон Қурбон Назаров хотирасини ҳамisha эҳтиром билан ёдга оладилар.

**Фахриддин УСМОНОВ,**  
*тадқиқотчи*





# ПАРТИЗАНЛИК ҲАРАКАТИДА



## Тўрақул Жўраев

(1919–1994)

Отам Тўрақул Жўраев 1919 йил 7 апрелда Самарқанд туманининг Бухори қишлоғида дунёга келган. Отамнинг отаси Жўра Саидов хунарманд бўлиб, хумдонда гишт пиширган, онаси Мушарраф Саидова тикувчи бўлган.

Отам ёшлигидан оила юмушларига ёрдам берган. 1926 йили қишлоқдаги 53-бошланғич мактабга ўқишга борган. Бир йил олдин, 1925 йилда қишлоқ марказидаги чойхона биноси қаршисида 4 хонадан иборат мактаб фойдаланишга топширилган экан. Дарслар жадид усулида бўлган.

1933 йили мактабни битирган 14 ёшли ўспиринда ўқишни давом эттириш иштиёқи баланд бўлса-да, оила ўғилнинг ўқишидан эмас, хизматидан кўпроқ манфаатдор эди.

Ўша даврларда, яъни 1928–1937 йиллар оралиғида қимматчилик ва қаҳатчилик бутун минтақани қамраб олган, 1925–1929 йилларда ўтказилган ер-сув ислоҳоти ҳам кўп норозиликларга сабаб бўлган эди. Ислоҳот жараёнида бой хўжаликлар билан бирга ўзига тўқ хонадонларнинг ерлари ҳам мусодара қилинади. Бундай сиёсат кўплаб оилаларни хонавайрон қилади.

– *Ўқишдан кейин, албатта, хумдон ишларига кўмаклашаман*, – деган ваъдалар билан отам Самарқанд шаҳрида жойлашган Қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга киради. 1938 йили билим юртини аъло баҳолар билан битириб, Андижон вилоятига йўлланма олади.

Ёшликнинг орзу-ҳаваси кишини кўп томонга етаклар экан. Отам икки нафар курсдоши билан учувчи бўлишга аҳд қилади. Шу тариқа ўртоқлари Ҳожимат Юнусов ва Гилязитдинов билан ҳарбий комиссарликка бориб, учувчилар билим юртига юборишни сўраб ариза беради. Тиббий кўрикдан ўтгач, август ойида Тошкентда ўтказилган тантанали йиғиндан



кейин учувчилик орзусидаги 30 нафар ўзбекистонлик сафида Тамбовдаги билим юртига жўнатилади.

Дарслар 1 сентябрдан бошланади. Октябрь ойига бориб эса, об-ҳаво ўзгаришими, бошқа сабаблар бўлганми, Ўзбекистондан борган курсантлар орасида безгак касали тарқалади ва билим юрти раҳбарлари дарров уларни ажратиб, уйларига жавоб беришади.

Самарқандга қайтгач, отам техникум тақсимотига асосан, Андижондаги ўрмон хўжалигига ишга жойлашади ва у ерда 1939 йил баҳоригача фаолият юритади.

1939 йил апрель ойининг охирларида отам 1-мактабга ўқитувчиликка олинади ва ўша йили ёзда Самарқанд шаҳридаги Педагогика институтига ўқишга киради.

Октябрь охирларида армия хизмати учун чақирув қоғози келади. Ҳарбий хизматни Хмельницкий вилоятининг Каменец-Подольский шаҳарчасида, 9-Крим



кавалерия дивизиясининг 136-кавалерия полкида бошлаган отамни кичик командирлар тайёрловчи полк мактабига юборишади, отам станокли пулемёт взводига қабул қилинади. Отам хизмат қилаётган дивизия 1940 йилда Бессарабияни озод қилиш жанглирида иштирок этади.

Отам урушни шундай хотирларди:

*“Эрталаб соат 4 ларда Руминия томонидан бизлар турган Прут дарёсининг чап соҳилидаги Готешти қишлоғи артиллериядан ўққа тутилди. Готешти Молдавиянинг Кагуль уездига қарашли эди. Прут дарёсининг ўнг соҳилида Киржа қишлоғи жойлашган бўлиб, дастлабки снарядлар шу томондан ёғилди...*

*1941 йилнинг куз ва қишида Москва ҳимоясида қатнашдим. Шу йилнинг декабрида қўшинларимиз қарши ҳужумга ўтди. Серпухов, Подольск, Тула ва ўша даврда ҳарбий аэродром жойлашган Ступино остоналаридаги ҳаёт-мамот жанглирида қатнашдим.*

*Москва яқинидаги шаҳарлар – Белёв, Сухиничи, Масальск, Сталиногорск ва бошқа жойларни душмандан озод қилдик. Немисларнинг мудофаа истеҳкоми ўрнатилган Варшавская шоссесини ёриб ўтиб, душман қўшинларининг орқа томонига ўтдик. Шу тариқа, 1942 йилнинг май ойларигача душманнинг орқа томонида ҳаракат қилишга тўғри келди.*

*Ҳар бир жанг оғир кечарди. Ёрдам кутушига умид йўқ. Сафимиз кундан-кунга сийраклашиб борарди. Мен генерал Н. Осиковский қўмондонлигидаги 2-гвардиячи кавалерия дивизиясининг штабида хизмат қилардим. Варшавская шоссесини кечиб ўтишида ярадор бўлдим, бунинг устига, ўнг қўлимнинг бармоғини совуқ олди.*

*Уч ойдан кўпроқ госпиталда ётдим, аммо у ерда на дорилар, на ярани боғлайдиган материаллар топилмасди.*

*Жанглар борган сари даҳшатли тус оларди, душман орқасида ҳаракат қилиш эса, айниқса, оғир кечаркан...*

*Бир гал окопда турар эканмиз, душман снарядлари қутурган ариларга ўхшаб бирин-кетин ғизиллаб ўтарди. Биттаси келиб тушса, ҳаммани ер билан яксон қили-*

*шини тушуниб турибмиз. Отишма салгина тингач, окопдагилардан бирови: “Бу аҳволда бирортамиз тирик қолармиканмиз?” – деб қолди. Ҳамма жим, миқ этмайди. Шу дам мен: “Сизларни-ку билмадим, лекин мен тирик қоламан,” – дедим. “Нега энди, сен тирик қоларкансан?” – деди кимдир кесатиб. “Чунки менга бобом айтган тирик қолишимни”, деб жавоб қайтардим.*

*Мавриди бўлмаса ҳам окопда қаҳқаҳа янгради...*

*Шу маҳал портлаган снаряд аскарларни тўрт томонга улоқтириб ташлади...”*

Очликдан дармонсизланган, бир неча кундан бери хотиржам ухлаш имконига эга бўлмаган отам ҳушидан кетибди. Ўзига келса, бир чуқурликда ётибди. Ёлғиз, атрофда ҳеч кимса йўқ. Узоқдан отишмаларнинг гулдуриси келиб турибди. Оғриқ азобидан бадан зирқирайди. Шу маҳал бир бурда нон бўлса эди, кўнглидан ўтказди отам. Оғриқ, очлик, уйқусизлик, ажал гирдоби, ҳар дақиқада фашистлар келиши эҳтимоли катта.

Ўша лаҳзаларда отам: *“Наҳотки, ҳаммаси тугади, дунёга келиб кўрганларим шу экан-да. Ота-онам, укаларим, қишлоғим, сизларни севардим... ётган жойимнинг номини ҳам билмасам, кимга ҳам керакман энди”,* – деган ўй-хаёллар билан кўзларини чирт юмиб уйқуга кетибди. Бир маҳал биров туртгандай бўлибди. Кўзларини очиб қараса, тепасида ўзининг оти тумшуғи билан уйғотаётган экан.

Дадам отини қучиб, юзларидан ўпибди, от сал эгилгач, отга худди хуржунни ташлагандай икки томонга осилиб, қорни билан мингашибди. От жонивор, ўз ҳолича юриб, тўғри қисмлари ўрнашган жойга олиб борибди.

Жангчи дўстларининг айтишича, портлашдан кейин ҳар ким ўз ташвиши билан бўлиб, кимлар қолиб кетганини сезишмаган экан.

*“Бир маҳал отингнинг ёлғиз келаётганини кўриб, Анатолийдан ҳам ажралибмиз, деган хаёлга бордик. Лекин келиб ўрнашганимиздан кейин отинг яна келган йўлимиздан орқага қараб кетганига ҳайрон бўлган эдик. Хайрият, сени топиб келибди”,* – деб айтган экан қуролдош дўстлари.



КОПИЯ

220623, г. Минск  
08 09 19 89 № Д-1155

СПРАВКА

Согласно архивным материалам Джурев Туракул, 1919 года рождения, в период Великой Отечественной войны с 7 апреля 1943 года по 7 июля 1944 года служил командиром отделения партизанского отряда "Славный", действовавшего в тылу противника на территории Белорусской ССР.

За время нахождения в партизанском отряде Джурев 29 июня 1944 года был ранен в ногу, а 2 июля 1944 года в бою около деревни Бересково Гродненской области - вторично ранен в ногу и, несмотря на это, продолжал вести огонь по отступавшему противнику. Отряд "Славный" имел свою санчасть. Приказом Белорусского штаба партизанского движения Джурев Туракул в 1944 году награжден медалью "Партизану Отечественной войны I-ой степени".

Начальник отдела



В.Н. Дашковский

*Белоруссия ССР давлат хавфсизлик қўмитасининг Тўракул Жўраевнинг партизанлик ҳаракатида иштирок этганлиги ҳақидаги маълумотномаси. 1989 йил*

Кавалерия полкида хизмат қилаётган отам Тўракул – Анатолийнинг ҳарбий қисми бир жангда душманни сиқиб, анча ичкари кириб боради. Мудофаадаги фашистлар қарши ҳужумга ўтади. Чекиниш жараёнида саросима бўлади, содир бўлган портлашдан кейин жангчиларнинг айримлари душман эгаллаган ичкари ҳудудларда қолиб кетади. Шуларнинг бири бўлган отам ҳам 1943 йил 27 апрель куни яширин ҳаракатда бўлган партизанлар қўлига тушиб қолади.

Махсус суҳбатдан кейин отам "Славный" номли партизан отрядига қабул қилинади.

Алоҳида ва махсус топшириқларни бажариш билан шуғулланган бу отряд, асосан, номдор спортчилардан ташкил топган экан. Отряд 250 кишидан иборат бўлиб, унинг командири кейинчалик қахрамонлик унвонига сазовор бўлган Анатолий Шестаков эди.

Отряднинг штаб бошлиғи бўлган Михаил Оборотов урушдан кейин эълон қилинган мақоласида отам ва самарқандлик яна бир партизан Восе Воҳидов ҳақида шундай хотирлаган:

*"Эсимда, отрядимизга чамаси 20 ёшлардан озгина ошган, Самарқанд туманидан*



Восе Воҳидов қўшилди. Биз уни русчалаб Василий деб атардик. У моҳир мерган эди ва отни жуда усталик билан бошқарарди. У партизанларнинг камбағалгина паёғидан ҳам тез ва жуда мазали таом тайёрлай оларди. Биз уни мақтардик, у эса болалардек қувонарди.

Баъзида эса бизнинг Василий маънос бўлиб, юртини, яқинларини соғинарди, шекилли, ўзбек тилида ҳазин қўшиқларни хиргойи қиларди. Лекин биз уни, кўпинча қувноқ, топқир, ҳаётбахш ҳолатда кўрардик. У ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам ўзини йўқотиб қўймасди, партизан учун бу жуда муҳим эди...

Бир маҳал отрядимизда Тўрақул Жўраев пайдо бўлди.

У ҳам Самарқанд туманидан бўлиб Василийнинг юртдоши экан. Уларнинг учрашуви жуда қувончли кечди.

1943 йил май ойларида бизнинг отрядимиз Брянск ўрмонларидан Белоруссия томон силжиди. Бизлар Днепрга шошилардик. Унинг соҳилларида фашистлар мудофаа истеҳкомлари қуряптими-йўқми, разведкамиз шуни аниқлаб, маълумот бериши керак эди.

Влазовичи қишлоғида душманга рўбарў келдик. Қисқа отишма натижасида душманнинг юзтача отини ўлжа олдик. Гомель – Могилёв йўналишида душман автоколоннасини қирдик. Бу жангларда ҳам Василий ва Тўрақул қаҳрамонлик кўрсатдилар.

Бир галги жангда фрицларнинг кўпгина тўқ кўк комбензонига эга бўлдик. Отряд командири майор Шестаков жангчиларга бу кийимларни кийишга буйруқ берди...

300 га яқин партизанларга қарши гитлерчилар танк, артиллерия, самолётлар ва 3 мингга яқин қўшинни ташлади. Олти соатча ҳаёт-мамот жанги бўлди. Воҳидов душман томон кетма-кет мина ирғитар, Тўрақул эса автоматдан ўққа тутарди.

Тез орада фашистлар саросимада чекина бошлади. Эҳтимол, улар партизанлар сонини ўзларидан кам эмас, деб ўйладилар, шекилли. Шестаковчиларнинг жанговар сафида Восе ва Тўрақул душманни Рогачёв, Би-

хов, Могилёв, Бобруйск остоналарида тормор этиб, деярли бутун Белоруссияни кечиб ўтдилар. Молодечно, Барановичи, Лидодаги жангларда душманга қақшатқич зарба бердилар.

Гродно яқинидаги Вересково қишлоғида Тўрақул билан иккаламиз ярадор бўлдик. Бир-биримизнинг яраларимизни боғладик...

Бутун қаҳрамонлик йўлини жанглар, блокадалар ва бошқа оғир синовлар билан босиб ўтган ўзбекистонлик икки халқ қасоскори – Восе Воҳидов ва Тўрақул Жўраев отряд сафида Брянск ўрмонларидан ғарбий чегараларгача бўлган ҳудудларни босиб ўтдилар”.

Отам партизан сифатида кўплаб мардлик намуналарини кўрсатган. Мана, отамни I даражали “Ватан уруши партизани” медалига тавсия этиш варақасида қуйидагилар ёзилган:

“Бўлинма командири, катта сержант Тўрақул Жўраев махсус гуруҳ таркибида душманнинг фронт орти томонида немис босқинчиларига қарши 10 жанг ва 8 пистирмада қатнашди. Верицки қишлоғидаги немис гарнизонини йўқ қилишда оёғидан яраланганига қарамай, жангнинг охиригача бўлиб, чекинаётган гитлерчиларга қарата ўт ёғдирди”.

1944 йилнинг 2 июлида Гродно шаҳри яқинидаги Вересково қишлоғида бўлган жангда душман снарядидан учган парча отамнинг чап оёғини яралайди. Тиззадан пастроққа суқилиб кирган бу осколка оёқ суягини тешиб ўртароққа бориб тўхтайдди. Одатда, партизанларда “санчасть” деган тушунча бўлмаган. Чунки улар доим ҳаракатда, бунинг устига душман орқасида фаолият юритишган.

Бу пайтда душман бутун Шарқий фронт бўйлаб чекиниб борар, фронт орқасида бўлган баъзи партизан отрядлари армия қўшинларига қўшилиб кетаётган эди. Кўп ўтмай, “Славный”чилар ҳам армия қўшинлари билан бирлашиб кетади.

Лекин Анатолийнинг жароҳати оғир. Армия санитария қисми мутахассислари унга даволаниш учун камида уч ойлик вақт керак, деб таътил берадилар. Энди совет қўшинлари эгаллаган ҳудудга ўтиб олган отамнинг ҳужжатларини расмийлашти-





*Урушда қаҳрамонларча ҳалок бўлган Тўйчи ўғли Ақром билан*

риб, ўз юртига жўнатиб юборишди. Отамнинг эғнида немис офицерининг кийимлари, ёнида немис тўппончаси, устига устак, оёғида немис снарядининг осколкаси... Бу аҳволда йўл ҳам осон кечмаслигини тасаввур қилиш қийин эмас. Лекин ҳаммаси қонуний бўлгани учун отам ҳамма текширувлардан ўтиб, 1944 йил август ойининг ўрталарида Самарқанд вокзалига келиб тушади.

Ярадор бўлса-да, урушдан омон қайтишнинг ўзи ҳаммага ҳам насиб қилмайдиган ҳол эди. Ўғлининг қайтиши оила учун чексиз қувонч эди. Чунки Тўрақулнинг фронтга кетган амакилари Тўйчи ва Жума, Шарифа аммасининг ўғли Собир акалардан “қаҳрамонларча ҳалок бўлди”, деган хабар келган эди. Отам тўғрисида ҳам 2 марта қора хат келган экан...

Шарифа аммасининг яна бир ўғли Шокир, Султонмурод амакисининг ўғиллари Ҳайит ва Мирза, ўзининг укаси Аҳрор ҳам урушга сафарбар этилган.

Амаким Аҳрор Жўраев 1942 йилда 18 ёшини тўлдириб фронтга отланган экан. Даст-

лаб, у 1942 йил августдан 1943 йилнинг сентябригача эвакуацияда бўлган Харьков 2-ҳарбий танкчилар билим юртида таҳсил олади. 1943 йилнинг сентябридан Аҳрор Жўраев 3-Украина fronti таркибида урушга киради. Тез орада нафақат танкни усталик билан бошқара олиши, балки ҳарбий операцияларни ташкил этиш ва амалга оширишнинг моҳир ижрочиси сифатида танилади.

Амаким бошқарган танк экипажи бирин-кетин қаҳрамонлик намуналарини кўрсата бошлаган. 1944 йил 11 мартда лейтенант А. Жўраевнинг чап оёқ тиззаси ва сонига ўқ осколкалари кириб яраланади. 20 апрелгача ҳаракатдаги дала госпиталида даволанган амакимни ҳарбий қисмга қайтариб юборишади. Амаким бир марта I даражали ва икки марта II даражали Ватан уруши орденлари билан тақдирланади.

Бош қўмондонлик капитан Аҳрор Жўраевни танкчилар батареяси командири этиб тайинлайди. Амаким Иккинчи жаҳон урушидаги иштирокини 1945 йилнинг сентябрида якунлайди. У 1946 йил октябригача Ленинград ҳарбий округининг Олий





*Тўракул ва Аҳрор Жўраевлар фарзандлар даврасида. 1987 йил*

офицерлар мактабида таҳсил олади, кейин Москва ҳарбий округининг Рязань шаҳрида жойлашган 20-ўқув танк полкида взвод командирлиги бўлиб хизматни давом эттиради.

Амаким хавотир олаётган ота-онасини ўйлаб, қўмондонликка захира қўшин таркибига ўтказишни сўраб мурожаат қилади. Ниҳоят, 1947 йилнинг июнида унга Самарқандга қайтиш имкони берилади...

Отам урушда кўрсатган жасорати учун I даражали Ватан уруши ордени, I даражали “Ватан уруши партизани”, “Москва мудофаси учун”, “1941–1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун”, “Совет гвардиясига 50 йил”, “Махсус топшириқ бўйича алоҳида мотоўқчи бригадага 50 йил”, “Улуғ Ватан урушидаги Ғалабага 25 йил” медаллари, Белоруссия партизани, Гвардиячи кавалерия корпуси фахрийси кўкрак нишонлари ҳамда эликдан ортиқ фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган эди.

Отам қайтиб келгач, ўқитувчилар институтидаги ўқишини тиклаб, 1944 йилнинг

сентябрь ойидан 36-мактабда педагоглик фаолиятини давом эттиради. Шу йилнинг кузида жамоа хўжаликларидан бирида раис ўринбосари бўлиб ишлаётган Темура Маҳмудбобо қизига уйланади.

1947 йилнинг октябрида 1-мактабга ўқитувчи бўлиб ўтади. 1948 йили ўқитувчилар институтини тугатганидан кейин, мактаб илмий бўлим мудирлиги бўлади. Шу йилнинг ўзида Самарқанд давлат университети филология факультетининг сиртқи бўлимига ўқишга киради. 1950 йили Митан туманидаги 19-мактабга ўқитувчи сифатида ўтказилади. 1952 йили университетни имтиёзли диплом билан битирганидан кейин 1-мактабда яна илмий бўлим мудирлиги ва ўқитувчи бўлиб 1992 йилгача, 73 ёшига қадар самарали меҳнат қилади.

1-мактаб нафақат туманда, балки вилоятда ҳам тажриба-таянч, намунавий таълим маскани эди. Отам Тўракул Жўраев бутун вужуди билан мураббий-

ликка киришиб кетган, ёш авлодга билим, тарбия беришни ўзининг муқаддас бурчи деб биларди. У киши узоқ йиллар давомида вилоят миқёсидаги нуфузли фан олимпиадалари ҳакамлар ҳайъатига раҳбарлик қилди. Шунингдек, республика миқёсидаги педагогик ўқишларда маърузалари билан фаол иштирок этиб, икки бор I даражали мукофот билан тақдирланди.

#### **44 йилдан сўнг “ўғли”ни топган “она”**

Илгари Ўзбекистон телевидениеси декабрь ойининг охирида республика-миздаги таниқли ва донгдор кишиларни таклиф этиб, Янги йил кўрсатувини ёзиб оларди. 1986 йил охирларида шундай даврада иштирок этиш учун отам ҳам Тошкентга таклиф этилади. Ўшанда телевидение суҳандони отам ўтирган столга келиб, у кишини *“Урушдан олдин ҳам ўқитувчилик қилган, урушдан кейин ҳам севимли касбини давом эттирган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи”*, деб таништиради.

Янги йил кечасида намойиш этилган бу дастурни бутун Ўзбекистон қизиқиб томоша қилади. Андижон вилояти Хўжаобод

Отам ҳудуддаги суперфосфат заводи посёлкасининг 7-сонли кечки ишчи-ёшлар мактабида ҳам ўзбек тилидан дарс берди.

1975 йилда отамга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи” фахрий унвони берилди.

1976 йилда отамнинг “Она тилидан карточкалар” ўқув қўлланмаси, 1990 йилда доцент Сайфулла Аъзамов билан ҳаммуаллифликда 1-мактаб тарихига бағишланган “Қишлоқдорилфунуни” китоби чоп этилди.

тумани “Шарқ юлдузи” хўжалигида яшовчи аҳоли эса кўрсатувни кўриб хайратда қолади: наҳотки, Тўтихон аянинг фронтга кетган, шунча йиллардан бери кутаётган ўғли топилган бўлса!..

Қарангки, отам билан исми ҳам, фамилияси ҳам бир хил булоқбошилиқ Тўракул Жўраев деган киши ҳам ўрта мактабни битириб, ўқитувчилар тайёрлаш курсида таҳсил олган, ўқишни тугатиб ўзи ўқиган мактабда дарс берган, 1942 йили 19 ёшга тўлганида урушга кетган экан.

Тўтихон ая зор-зор қақшаса-да, кўпга келган тўй, деб тўнғичини фронтга кузатиб қолар экан. Хайриятки, қўлида икки ярим яшар кичкинтой ўғли Аҳмадали бор.



*“Славный” партизан отряди аъзоларининг дийдор учрашуви.  
Марказда Тўракул Жўраев. Минск, 1984 йил*





*Белоруссияда партизанлар учрашуви. Минск, 1984 йил*

Тўнғичининг йўлдан, фронтга киргунча ёзган хатлари етиб келган эди. Лекин кейинчалик хат ҳам, хабар ҳам келмай қўяди. Қўни-қўшниларга келган “қора хат” ҳаманинг дилини вайрон қилар эди. Бундай шум хабарни олмаган Тўтихон ая ўғлидан умидини узмайди...

Булоқбошилиқ Тўракулнинг севгилиси бўлган аёл (ҳозирда беш боланинг онаси, кўплаб набиралар момоси) Тўтихон ая хузурига келиб, “Тўракул ака тирик эканлар, телевизорда кўрдим”, дейди.

Шундан сўнг аянинг ўғли Аҳмадали телевидениега хат йўллаб, Тўракул Жўраев ҳақида тўлароқ маълумот беришларини сўрайди. Телевидениедан тўлиқ жавоб билан бирга, дастур 18 январь куни такроран намойиш этилиши тўғрисида маълумот ҳам олинади.

18 январь куни ҳамма-ҳамма умидвор кўзлар диққат билан телевизорга тикилади. Тўтихон ая ўғлини танийди: бу ўша, 44 йил олдин урушга борган ва хат-хабарсиз бедарак кетган тўнғич ўғли – Тўракул!

80 дан ошган онахон ўғли Аҳмадалига: “Нима бўлса ҳам, акангни топасан”, дейди қатъий оҳангда.

Аҳмадали амаки ва у кишининг қариндош шериклари Самарқандга келгач, таксига ўтириб, 1-мактабга олиб боришни сўрайдилар. Машина уларни Самарқанд шаҳридаги 1-мактаб дарвозаси олдида тушириб кетади.

Хайриятки, бу мактабда отам Тўракул Жўраевнинг бир собиқ ўқувчиси ишлар экан. У андижонлик меҳмонларни Самарқанд туманидаги 1-мактаб томон йўллайди.

Мактабга келганларида отам дарсда экан. Меҳмонлар мактаб директори кабинетида кутиб туришади.

Муаллим дарсдан чиқиб келар экан, салон-алиқдан кейинги меҳмонларнинг биринчи гапи: “Тўракул ака, сиз асли андижонликмисиз?” – деган савол бўлади.

Отам: “Йўқ, мен самарқандликман, ҳамма авлод-аждодларим шу заминдан”, деб жавоб беради.

Аҳмадали амаки бўлган воқеани, онаси у кишини жуда интиқ кутаётганини айтиб беради.

Меҳмонлар-ку, отамнинг андижонлик эмаслигига ишонч ҳосил қиладилар. Лекин Тўтихон ая-чи, ўғлимни топдим, деб



умид билан кутаётган онаизор бу хабарни кўтара олармикан?!

Ўзганинг дарду ташвишини ўзиникидай қабул қиладиган бағрикенг отам таътил бошланиши билан, албатта, Булоқбошига боришини айтиб, меҳмонларнинг илтимосига кўра ўзининг бир дона фотосуратини бериб юборади.

Кейинчалик билсак, суратни кўрган Тўтихон ая уни бағрига босиб: *“Ҳа, шу менинг ўғлим, Тўрақулгинам”*, деб суратни қайта-қайта кўзларига сураб, меҳр билан тикилиб, такрор-такрор ўпиб тўймас экан.

У даврларда фақат хат орқали алоқа ўрнатиларди. Албатта, кўпроқ хат Андижондан келарди. Тўтихон ая ҳар бир мактубида жигаргўшасини интизорлик билан кутаётгани, тезроқ Булоқбошига келишини сўрарди.

Бечора отам, *“Таътилга чиқсам, бораман”*, деб қандай масъулиятни зиммасига олганини яхши тасаввур этарди.

Отам аянинг ёзган хатларини ўқир экан, олти йил ҳарбийда бўлганида онаси уни қанчалар илҳақ бўлиб кутгани, ҳатто бир гал томда майиз ёйиб турганида узоқдан ҳарбий кийимда келаётган кишини кўриб, *“Тўрақул келяпти”*, дея қувонганидан беҳос орқага тисарилиб томдан тушиб кетгани, анча шикастланиб ётгани хаёлидан ўтарди.

1987 йили отамнинг волидаси – Мушарраф онамизнинг вафот этганига 12 йил тўлган эди. Ҳаёт бўлганида 87 ёшда бўлар экан. Тўтихон ая 83 ёшда.

Отам Тўтихон ая ҳам ўз Тўрақулини кўп эмас, кам эмас, 45 йил кутганини яхши тасаввур қиларди.

Аяга узилмаган умид куч бағишлар, сабрга чорлар, бир куни келиб, албатта, дийдорлашишига ишонч бағишларди.

Дарҳақиқат, онаизор билан бўладиган учрашув осон кечмаслиги муқаррар, *“ҳақиқий ўғил”* бўлиш осон эмас...

1987 йилнинг июнь ойи охирларида отам Андижон томон йўл олади. У кишини Озод акам ўзининг “Москвич” машинасида олиб боради. Уларга энг кичик синглимиз Моҳигул (19 ёшда) ва акамнинг қизи Дамира (15 ёшда) ҳамроҳ бўлади. Узоқ

юрганларидан кейин сўраб-суриштириб Хўжаобод тумани Булоқбоши ҳудудидаги “Шарқ юлдузи” колхозини марказига етиб келишади.

Саратон пайти, кун иссиқ, йўл четидаги ариқ бўйида икки киши курсида ўтирганини кўриб, отам улардан манзилни сўрамоқчи бўлганида, кутилмаганда ҳалиги кишилар: *“Сиз Тўтихон аянинг урушда бедарак кетган ўғли Тўрақул бўласиз-а?”* – деб қолишади. Табиийки, отам *“ҳа”* деб жавоб беради.

Бир зумда одамлар тўпланади: телевизорда кўрганлар ҳам, кўрмаганлар ҳам. Отам одамлар қуршовида Аҳмадали амакимнинг ҳовлилари томон пиёда йўл олади.

Аҳмадали амакимнинг турар жойлари катта бир ариқ ёқасидаги ҳовли экан. Тумонат одам йиғилган, Тўтихон ая ўғлининг келишига пойандоз тикиб қўйган экан. Кўчадан хоналари остонасига қадар пойандоз тўшалган. Отамни пойандоз устидан юргизиб оёқлари остига қўй сўйилади. Аҳмадали амакимиз юк машинасида стол-стуллар келтириб, ҳовлида тўй бошланиб кетади.

Отамнинг келишини бутун қишлоқ аҳли кутган экан. Ярим тунгача одамларнинг келиб-кетиши узилмайди. Қариндош-уруғлар, дўстлар, синфдошлар қувончининг чегараси йўқ эди.

Ҳамма Тўрақулнинг урушдан кейин нега уйига келмай, Самарқандга бориб қолгани билан қизиқар эди.

Отам ҳар гал: *“Туз-насиба экан, тақдир экан”*, деган сўзлар билан қутулиб қолади. Лекин келганларнинг бирортаси *“Бу бизнинг Тўрақул эмас”*, демайди, ҳеч ким иккиланмайди ҳам.

Ҳатто бир вақтлар бир-бирига кўнгили қўйиб, муҳаббат изтиробини тортган онахон ҳам 45 йил олдинги суюклисини “танигани”га ажабланмай бўладими?

Отам Андижонда уч кун меҳмон бўлади. Тўтихон ая уч кун ҳам отамдан бир қадам ҳам ажрамайди...

Тўтихон ая ўғли Тўрақулни кўрмасдан турулмасди энди.

Кўп ўтмай, улар кўпчилик бўлиб Самарқандга келишди. Ҳовлимиз бир дамда тўлиб қолди.





*Тўрақул Жўраев Тўтихон ая ва  
укаси Аҳмадали билан, 1987 йил*

Ўшанда мен 40 ёшда эдим. Дикқатимни кўпроқ Тўтихон аянинг хатти-ҳаракатлари тортарди. Жуда эпчил, ҳаракатчан, ёшларга хос бурро-бурро гапирарди. Набираларим деб ҳаммамизни бағирларига босиб, пешонамиздан ўпиб чиқди. Назаримда, онамга худди келинига бўладиган муносабатда эди. Онам фаросатли, оқила аёл, ҳаммасини тушуниб, илиқ муносабатда бўлди. Отам ҳам, иложи борича, ўзини “ая”сига яқинроқ тутди.

Ҳамма шод, келинлар, куёвлар, набиралар, қариндошлар, қўни-қўшнилар йиғилган. Фақат биз эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилар, болаларнинг, қариндошлар ёки қўшнилари оғзидан муҳитни бузадиган бирор сўз чиқишидан хавотирда эдик.

Онам меҳмонларни қутлаш учун келган Аҳрор ва Ҳамроқул амакиларимни отамнинг укалари деб таништиради, Тўтихон ая: *“Йўқ, улар сенинг укаларинг, Тўрақулнинг укаси мана – Аҳмадали”*, деб жавоб берган экан.

Отамнинг ҳовлиси Самарқанд ўлчови учун кичик эмас, роса 13 сотих бўлса-да, аялари назарида бу жуда тор кўринади.

Тўтихон ая: *“Тўрақулгинамни четдан келган деб анча қисиб қўйишибди. Болалари ҳам кўп экан – 10 та. Насиб бўлса, катта ўғилларидан учтасига ҳовлимиздан жой ажратиб берамиз, уй-жой қилиб ўша ерда яшасин”*, дейди куюниб.

Андижонликлар ҳам Самарқандда уч кун меҳмон бўлдилар. Меҳмонлар тўла ишонч билан фарзандини, қондошини топганига шубҳа қилмай жигарларини Самарқандда қолдириб, Булоқбоши томон қайтдилар.

Уйларига келган куннинг эртасига Аҳмадали амаки эрталаб турса, ҳовлининг тўрида Тўтихон ая катта қадамлар ташлаб ер ўлчаётган экан.

*“Ая, нима қиляпсиз?”* – деса, *“Акангнинг учта ўғлига ер ўлчаяпман”*, – деган экан. Меҳр-оқибатга тўла сўзлар...

Андижон ва Самарқандда бўлган бу икки учрашув битта исм-фамилиядаги икки сулолани бирлаштиради.

Оиламиз аъзолари, барча қариндош-уруғлар, шу жумладан, отамиз томонидан бўлган авлодлар ҳам бўлиб ўтган ноодатий, антиқа муносабатларга тўғри, одамийлик билан баҳо бера олдилар.

Ўзимдан қиёс, ҳаммамизнинг ҳам кўз ўнгимизда ўғлини фронтга жўнатиб 45 йил давомида уни интизор кутган онаизор ва ниҳоят муродга етган бахтиёр, севинчи чехрасида барқ уриб турган Тўтихон аянинг мамнун сиймоси намоён бўлади.

Бировнинг кулфатини ўзиникидай қабул қила оладиган, кишиларнинг мушкулани осон қилишни ўзининг инсоний бурчи деб биладиган, йиқилганга ёрдам қўлини чўзадиган, меҳрли ва оқибатли отажоним Тўтихон аяни оналари ўрнига қўя олдилар, урушда беному нишон кетган ўғлининг меҳрини бера олдилар.

Албатта, бунга ҳар иккала Тўрақулнинг ўқитувчи бўлгани, характердаги ўхшашликлари, ҳатто юз тузилишларидаги монандлик ҳам қўл келгани аҳамиятли бўлса керак.

Қўйингки, бунини Аллоҳ истаган, десам, хато бўлмайди. Чунки, агар отам бир оғиз *“Йўқ, менинг ўз ота-онам бор эди”*, деса, қанча кўнгиллар дарз кетарди. Арзандасини топдим деб еру кўкка сиғмаган Тўтихон аянинг фожиасини тасаввур қила ола-





*Тўрақул Жўраев рафиқаси ва набиралари билан, 1991 йил*

сизми? Шуларнинг ҳаммасини бағрикенг отам тасаввур этган, олдиндан кўра билган...

Ўғлини топиб мақсадига эришган Тўтихон ая 1989 йили 86 ёшида бу ҳаётни хотиржам тарк этди.

Охирги вақтларда отам Булоқбошига кўп қатнайдиغان бўлиб қолган эди. Эҳтимол, кўнгиллари сезгандир. Ҳақиқий ўғил бўлиб, отам тўртта ўғлини эргаштириб, Булоқбошининг Найман қишлоғига бордик. Тўрт кун бел боғлаб, Тўтихон аяни сўнгги манзилига кузатдик. Аза ҳаммамизни энг азиз кишисини йўқотган инсонлар ҳолига солган эди...

Кейинги йилларда, асосан, Аҳмадали амакимиз отамдан хабар оладиган бўлди. Ҳар гал у киши келганида туғишган қариндошимизни кўргандек қувонардик.

Қиблагоҳим умрининг охирги кунларида андижонлик қариндошлар билан

алоқани узмасликни такрор ва такрор эслатганди.

Ўтган вақт ичида қариндошлик ришталаримиз мустаҳкам боғланиб кетди. Тўй-маъракаларимиз ҳар иккала томоннинг иштироки билан ўтади. Шу орада икки авлод катталарининг аксари оламдан ўтди, отамнинг булоқбошилиқ оналари – Тўтихон онамиз, падаримиз ҳам, Темура онамиз, ҳатто инилари Аҳмадали амакимиз ҳам бу дунёни тарк этдилар. Бу мусибат бизларни янада жипслаштирди.

Катталаримиз тинч, хотиржам, оқибат билан кўз юмдилар. Отамнинг бир оғиз “муносабатни узманглар”, дея айтганлари туфайли борди-келдимиз, мана, ўттиз йилки, асло узилган эмас.

**Беҳзод ТЎРАҚУЛОВ,**  
*тарих фанлари номзоди,*  
*доцент*





# ҚАРШИЛИК КЎРСАТИШ ҲАРАКАТИДА БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР



## Карим ТўРАБЕКОВ

(1908–1970)

Карим Тўрабеков 1908 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1928 йили Сағбон кўчасида жойлашган 24-мактабни тамомлагач, машхур қурувчи, мадрасалар таъмири бўйича уста Аҳмад Юсупов қўлида ишлайди.

1930 йилда шаҳардаги 1-ошхона (ҳозирги “Зарафшон” ресторани)га ошпаз ёрдамчиси бўлиб ишга киради. Бу ерда 1-тоифали ошпаз даражасигача кўтарилади. 1938 йилдан Тошкент вокзалидаги ресторанда меҳнат фаолиятини давом эттиради.

1941 йилнинг 22 июнида уруш бошлангани ҳақида хабар тарқалади. 24 июнь куни К. Тўрабековга туман ҳарбий комиссарлигидан чақирув қоғози берилади. Шу куннинг ўзидаёқ у тузилаётган 370-тоғ-ўқчи полк ихтиёрига юборилади. Полк бир ҳафта ичида тайёргарликдан ўтказилгач, фронтга жўнатилади.

14 июлда полк Смоленск вилоятига етиб боради. Июль–август ойларида полк жанг билан ортга чекиниб боради. Ниҳоят, полк ўзини мудофаа этишга ўтади. Аммо полкка катта путур етади. Шу сабабли, унинг таркиби бошқа ҳарбий қисмларга бўлиб юборилади. Карим Тўрабеков 406-ўқчи полкка тақсимланади.

Октябрь ойида полк Брянскка ташланади. К. Тўрабеков ошпаз сифатида ҳисобда турса-да, жангларда фаол қатнашади. У ўз автоматига эга эди.

Полк ортга чекинишга мажбур бўлади ва октябрь ойининг охирларида қуршовда қолади. Очлик авж олади. Хом карам, картошка, отлар ейила бошланади.

Командирлар жангчиларга қайси йўл билан бўлса ҳам, қуршовдан чиқиш топшириғини беради. Шунда рота командири, лейтенант Егоров бошчилигида 13 киши гуруҳ бўлиб қуршовдан чиқишга ҳаракат қилишади. Гуруҳ кундузи ухлаб, тунда ҳаракатланади.

Кейинчалик К. Тўрабеков қуршовни шундай ёдга олган эди:



*“Биз Калуга атрофида эдик. Кўпчилик қолдан тойган, шу сабабли, иккинчи куни ҳам тунашга қарор қилдик.*

*28 октябрь санаси бир умрга хотирамда қолди. Эрталаб уйғонганимизда қуршовдалигимизни билдик (биз колхоз саройидаги похолда ухлаган эдик).*

*Жангга киришдик. Оч, совқотган, оёқ-яланг ва ёзги кийимларда эдик. Жанглар аёвсиз бўлди. Фашистлар 100 киши бўлиб, уларнинг кўпини автоматлар олови билан ер тишлатдик. Лекин бизда ҳам йўқотишлар оғир эди. Иккимиз қолдик: мен ва Егоров. Немислар саройга граната ташлади...*

*Егоровда икки граната, менда бир граната ва танкка қарши ёқилғи солинган бир бутилка бор. Шу онда Егоров: “Тўрабеков, гранатани ташла!” – деб бақирди.*

*Мен гранатани кўтардим. Аммо ярадор ва контузия бўлганим учун ҳушимдан кетдим...”*



**РАССКАЗ КАРИМА ТУРАБЕКОВА**  
(Записан 29 января 1965 года)

Я родился в Октябрьском районе г.Ташкента на ул.Сағбан тупик II, дом № 1 в 1908 году. Отец у меня был средним крестьянином.

Семья: старший брат Ишанбек – профессор института санитарии и гигиены.

Затем идут я – Карим, потом Хашим – член КПСС с 1939 г. живет в Москве – полковник госбезопасности.

Следующий брат Талат – кондитер кафе "Москва" в Ташкенте. Младший брат – Завкат – член КПСС, начальник отдела кадров республиканской конторы "Заготскот".

Сестры: Халима и Рахбар – домохозяйки.

В 1928 году окончил 10 классов школы № 24 (проверить номер школы) по улице Сағбан.

По 1930 год работал чернорабочим у своего дяди, знаменитого строителя, мастера по ремонту медресе Ахмеда Юсупова.

В 1930 году поступил учеником повара в столовую № I по улице Ленинградской (ныне ресторан "Зоравшан"), был там поваром первой категории.

С 1938 года по 1941 год – до начала войны заведовал производством в ресторане первого класса на Ташкентском вокзале.

22 июня началась война. 24 июня я получил повестку и явился в Октябрьский райвоенкомат. Нас отправили на формирование. Я попал в 370 горно-стрелковый полк. Обучение – одна неделя, потом дали обмундирование и отправили на фронт.

14 июля прибыли в Смоленскую область. Июль–август – до сентября с боями отступали. После нескольких боев заняли оборону. Наш полк разбили. Прошло переформирование и я попал в 405 стрелковый полк. Этот полк широко известен. Ротой командовал лейтенант

*Карим Тўрабековнинг ҳикояси. 1965 йил 29 январда ёзиб олинган.  
Ўзбекистон Миллий архиви. Р-2657-фонд, 1-рўйхат, 7-ийғмажилд*

Шу тариқа Карим Тўрабеков ва лейтенант Егоров душманга асир тушади. Жами 15 нафар асирни 10 кун давомида бир саройда ушлаб туришади.

Кейин форма кийгани учун Егоровни ажратиб олиб, қолганларни Калугадаги ҳарбий асирлар лагерига ҳайдаб кетишади. Асирлар ертўлага жойлаштирилади ва уларга ёвғон шўрва, немис аскарларидан қолган овқатлардан беришарди.

Лагерда 5–6 минг киши бўлиб, лиқ тўла эди. К. Тўрабеков лагерь ҳақида ўз хотираларида шундай деган:

*“10 кун давомида на ўтира олдик, на ёта олдик. Одамлар туриб ухларди, туриб ўларди. Оҳ-воҳлар, ҳидлар. Эшикни бутун сутка давомида автоматчилар қўриқларди.*

*Биринчи кунлари бизни деярли боқишмади. Кейин консерва идишларда ёвғон шўрва, кичкина бодринг бўлаклари ва сув бера бошлашди...”*

Асирлар кунига бир маротаба ҳавога олиб чиқиларди.

Қиш ҳам қаттиқ келди. Тўрт ой давомида кучдан қолган, оёқлари шишган К. Тўрабековни ошхонада юк ташувчи бўлиб хизмат қилаётган тошкентлик Саша қўллаб-қувватларди. У ишга чиқишни маслаҳат беради.

Улар 30 кишидан иборат гуруҳ бўлиб ишга бора бошлайди. Бошида К.Тўрабеков ҳолсизлигидан Сашага таяниб юради. Улар йўлда кетаётганида аҳоли оёқлари остига ейишлари учун картошка отишарди.

Асирлар йўлларни тозалайди, полларни ювишади, турли юкларни туширишади, ўтин тайёрлашади. Бу бир ярим ойча давом этади. Совет қўшинлари ҳужум бошлаганида асирларни Калугадан Юхни шаҳрига лагерга юборишади.

Бу пайтга келиб, 6 минг асирдан 500 дан камроқ киши тирик қолган эди. Кимдир ҳолдан тойиб ўтириб олса, отиб ташланарди...

Юхнидаги лагерда асирлардан 50 кишини саралаб вагонларга жойлаштириб, номаълум жойга юборишади. Шу тарзда Карим Тўрабеков бошқа асирлар билан Италиянинг шимолига келиб қолади.

Улар бу ерда вагонлардан унларни туширишар, ўтин ёришар, немис аскарларига сув ва нон ташишарди.

Фашистлар “руслар” бу ердан ҳеч қаерга қочолмайди, деб ҳисоблашар, шу сабабли уларни қаттиқ қўриқлаш ҳам йўқ эди. Чунки бу жойлар асирлар учун нотаниш ва тил ҳам бегона. Бироқ улар италияликлар билан аввалига имо-ишора оқали мулоқотга киришади, кейин ўзларига керакли сўзларни ўрганиб олишади. Карим Тўрабеков оз фурсатда тилни ўрганиб, суҳбатлаша оладиган бўлади.

Италияликлар қир-адирларда, тоғларда партизанлар борлигини, улар сафига қўшилиш мумкинлигини айтишади. Партизанлар тоғлардан тушиб, яширин ҳолда фашистларнинг омборларини йўқ қилиш, поездларни қулатиш, алоқа симларини узиш, транспорт воситаларини яксон этиш учун пистирмалар қўйиш каби ишлар билан шуғулланарди.

Бу орада фашистларнинг К. Тўрабеков асирликда бўлган ҳарбий қисми Римдан 20 километр узоқликдаги қалъага ўхшаш жойга ўтказилади. Асирлар бу ерда италияликлар билан қочиш учун алоқа ўрнатишади. Бир италиялик Карим Тўрабековга хат тутқазиб: *“Қайси италияликнинг хонадонига бориб бунни кўрсатсанг, партизанларга олиб боради”*, дейди.

Олд позициялардаги фашистларга нон олиб кетаётган машиналар колоннаси чекиш учун тўхтайди. Шунда Карим Тўрабеков шу атрофдаги сув жўмрагини соқчиларга кўрсатиб, ювинишга ўзи ва дўстлари учун рухсат олади. Ювинишга борган тўрт асир ён кўчага ўтиб қочишга муваффақ бўлади. Бунга уларни қўриқлаётган соқчилар қари ёки яқиндагина фронтдан ярадор бўлиб қайтганлар бўлгани қўл келади.

Биринчи тақиллатган эшикларини ўрта бўйли, ориқдан келган италиялик очади. У аёли ва болалари билан йиртиқ немис шинелларидаги тўрт кишини ҳайрон кузатиб турарди.

Нафасини ростлаб олганидан кейин К. Тўрабеков хат узатади. Уни ўқиган эркак бақириб юборади ва шу заҳоти оила асир-



ларни кучоқлаб, хурсандлигини билдиришади. Бир зумда уларга овқат беришади. Эркак қўшнилardan уларга мос кийим тўплаб келади.

Эртасига Карим Тўрабеков асирликда учрашган италиялик келиб, уларни тоққа олиб чиқиб кетади. Шу тарзда старшина Карим Тўрабеков капитан Примонинг партизанлик отрядига қўшилади.

Отряд тоғ дарасида жойлашган бўлиб, партизанлар чодирларда яшашарди. Уч кун ўтиб, уларнинг қўлига автомат беришади ва улар фашистларга қарши партизанлик жанглирида иштирок эта бошлайди.

Тўрабековни партизанлар италянча Карло деб чақиришарди.

Тез орада яна 15 киши асирликдан қочиб партизанликка келиб қўшилади. Улар сафида руслар билан бирга қозоқ Олтинбек, бошқирд Мустафо ҳам бор эди. Италиянчани нисбатан яхши билгани учун капитан Примо бу гуруҳга бошчилик қилишни Карлога топширади.


Энди Карим Тўрабеков бошчилигидаги гуруҳ ҳам фашистларни йўқ қилиш, гранаталар билан портлатиш, душманнинг

қуроллари ва озиқ-овқат маҳсулотларини ўлжа олиш каби ишларда фаол иштирок этарди.

Кунлардан бирида италиялик бир қиз қишлоқда немис генерали одамларга зулм қилаётгани, айниқса, аёлларни зўрлаётганини айтади. Шунда Примо уни тутиб келиш учун К. Тўрабеков бошчилигидаги гуруҳни юборади. Гуруҳ таркибида ундан ташқари 15 италиялик ва 5 рус бор эди.

К. Тўрабеков гуруҳ билан генерал жойлашган уйга тун қоронғисида яқинлашади ва шовқинсиз 4 автоматчини йўқ қилади. Улар генерални ҳужжатлар билан олиб худуддан чиқа бошлаганида отишув бошланади ва ҳарбий қисмдаги аскарлар етиб келади. Партизанлар тезкорлик билан ҳаракат қилгани учун тоққа чиқиб кетишга муваффақ бўлади.

Бошқа сафар немисларнинг механизациялашган колоннаси келаётгани, улар ўз қисмларига қурол олиб кетаётгани маълум бўлади. Тунда ҳаракатланишдан ҳайиққан фашистлар довонда тўхтади. Шунда К. Тўрабеков бошчилигида гуруҳ ҳужумга ўтиб, қуролларни қўлга киритади.



*Карим Тўрабеков шахсий архивидаги Италия харитаси.  
Ҳужжат “Шон-шараф” давлат музейида сақланади*



Лекин ҳар доим ҳам ишлар силлиқ кечмасди. Бир сафар Рим шаҳрида, трамвайда К. Тўрабеков рус тилида гаплашиб қолгани учун немис офицерлари диққатини жалб қилади. Шунда руҳоний Доротео яқинлашиб, уларни немислар кузатаётганини, трамвайдан тушиб ортидан боришни айтади.

Улар руҳоний айтганидек қилишади. Шунда у Номентано кўчасидаги Тай вилласига биринчи бор келади. Айнан бу ерда Алессио номи билан машҳур партизан, эмигрант Алексей Флейшер тузган Қаршилик кўрсатиш ҳаракати штаби жойлашган эди.

1944 йил июнь ойи бошида Буюк Британия – АҚШ қўшинлари ҳужумга ўтганида, партизанлар 4 июнь куни айнан шу виллага байроқ илишади. 5 июнда эса капитан Примо партизанлари ҳам шу виллага келиб жойлашади.

Карим Тўрабеков урушдан кейин Ўзбекистонга қайтиб, озиқ-овқат таъминоти хизматида ишлади, Чирчиқ умумий овқатланиш трестида директор бўлиб фаолият юритди.

1965 йили СССР Олий Совети Президиуми К. Тўрабековни Италия Қаршилик кўрсатиш ҳаракатидаги иштирокини инобатга олиб, “Жасурлиги учун” медали билан тақдирлади.

**Моҳина НУРСАЙДОВА,**  
*тадқиқотчи*





# ЕВРОПАНИНГ ОЗОД ЭТИЛИШИ



## ҲОШИМ ХҲЖАЕВ

(1906–1945)

Николай подшо вақтида уни Ўрда сувининг сўл томонидаги кўчаларда отасининг ортида терга ботиб елкасида обкаш билан керосин ташиб юрганини кўришганди, сал вақт ўтгач, китоб қўлтиқлаб Ўрдада очилган янги мактабга қатнаб юрганини кўришди. Бутун мамлакатда фуқаролар уруши авж олиб кетган пайтларда эса у будёновка кийиб, белига маузер тақиб юрадиган бўлиб қолди.

Унинг болалик йиллари меҳнат билан ўтган бўлса, гулгун ёшлик чоғлари фуқаролар урушининг оловли йилларига тўғри келди. Шу боисдан бўлса керак, болалик чоғлариданоқ оддий кишиларга ҳурмат ва муҳаббат руҳида тарбияланди, халқидаги энг яхши сифатларни ўзида мужассамлаштиришга ҳаракат қилди. Унинг отаси Саидхўжа ака Тошкентнинг Шайхидонтепа маҳалласидаги энг камбағал кишилардан эди, янги шаҳардаги фонус чироқларни ёқиб-ўчириб, кўчаларни супуриб тирикчилик қиларди.

Ҳошимжон 1929 йилда Тошкентдаги ҳарбий билим юртини тамомлаб чиққанида йигирма тўрт ёшли йигит эди. Ундаги ҳарбий қобилиятни кўрган генерал И.Е. Петров унга шу билим юртида ўқитувчи бўлиб қолишни таклиф этди.

Ҳ. Хўжаев бу ердаги саккиз йиллик фаолияти мобайнида армия учун юксак ҳарбий-сиёсий тайёргарликка эга бўлган командирлар тайёрлаб бериш ишига муносиб ҳисса қўшди. Шу мақсадда бор билим ва маҳоратини ишга солиб, меҳнат қилди.

Фашистлар Германияси билан уруш бошланганда Ҳ. Хўжаев мамлакатнинг жанубидаги ҳарбий қисмлардан бирида хизмат қилаётганди. Ўша пайтда гитлерчилар Эрон томонидан ҳам ҳужум қилиш ва Кавказни эгаллаб, мамлакатни Боку нефтидан маҳрум қилишни мўлжаллаб, махфий режа тузганди. Бу мақсадда гитлерчилар Шимо-



лий Эронда жуда кўп шайкаларини тўплаганди. Ана шунда Қизил Армия қисмлари жанубий чегаралар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Совет Иттифоқи билан Эрон ўртасида 1921 йилда тузилган шартномага мувофиқ, Эронга кирди. Мана шу қисмлар орасида Хўжаев командирлик қилган полк ҳам бор эди.

1941 йилнинг охирида Хўжаев Ўрта Осиё Ҳарбий округи ихтиёрига қайтди. Бу пайтда бутун мамлакатда бўлгани сингари республикамизда ҳам халқ хўжалиги ҳарбий изга солина бошланган, ҳамма нарса фронт учун сафарбар этилаётганди. Майор Ҳ. Хўжаев мана шу оғир ишни зудлик билан амалга оширишга муносиб ҳисса қўшди. 1941–1942 йиллар мобайнида шахсан унинг бошчилигида Керкида, Шаҳрисабзда, Когонда, Қўқон ва Фарғонада полк ва бригадалар тузилди. Ўша пайтда мана шу полк ва бригадаларда хизмат қилган киши-



НАГРАДНОЙ ЛИСТ

1. Фамилия, имя и отчество **Хаджаев Халим Сеидович**
2. Звание - **ГВАРДИИ ПОДПОЛКОВНИК** 3. Должность, на которую назначен **командир 222 гвардейского стрелкового ОРД ВНА ЛЕНИНА полка 72-й гвардейской стрелковой Красноградской Краснознаменной дивизии**
- Предоставляется - к Правительственной награде - **ОРДЕНУ КРАСНОЙ ЗВЕЗДЫ**
4. Год рождения **1906** Национальность - **узбек** 6. Партийность - **член ВКП/б/ с 1940 г..**
7. Участие в гражданской войне, последующих боевых действиях на земле СССР и Отечественной войне - **участник подавления бунта басмачества в Средней Азии в 1929 - 1931 г.г.. В Отечественной войне с октября 1943 г. - 2-й Украинский фронт.**
8. Имеет ли ранения и контузии в Отечественной войне - **ранен 11.10.43 2-й Украинский фр..**
9. С какого времени в Красной Армии - **с 1925 г..**
10. Каким Р В К призван - **добровольно - гор. Ташкент**
11. Чем ранее награжден /за какие отличия/ - **не награждался.**
12. Постоянный домашний адрес представляемого к награждению и адрес его семьи -
13. Место рождения -

1. Краткое, конкретное изложение фактов боевого подвига или заслуг

Тог. **Хаджаев** вступил в командование полком в период напряженных боев за закрепление плацдарма на правом берегу р. ДНЕПР в октябре 1943 г..

Несмотря на попытки превосходящих сил врага оттолкнуть части дивизии ДНЕПР, подразделениями в большом количестве танков и авиации, благодаря мужественному и упорному руководству **тог. Хаджаев** боевыми действиями полка, были сорваны с нанесением ему больших урона в живой силе и технике.

Несмотря на малую численность личного состава / 30 - 50 человек / активных отрядов в полку, плацдарм на правом берегу ДНЕПРА был удержан и противник понес большие потери. 18.10.43 г. начал свое отступление под ударами 222 гр.с.п. в восточном направлении до гор. Кировоград.

Успешная многодневная контратака превосходящих сил противника под с. Верблюжка, полком было уничтожено свыше 500 солдат и офицеров немцев, 3 танка и много другой военной техники.

В этом неравном бою гвардииподполковник **Хаджаев** был тяжело ранен, но до тех пор, пока не абсолютный полководец на участке полка, продолжал руководить боевыми действиями.

За умелое, смелое и мужественное руководство боевыми действиями полка, гвардии подполковник **Хаджаев** достоин награждения **ОРДЕНОМ КРАСНОЙ ЗВЕЗДЫ**.

КОМАНДИР 72 ГВАРДЕЙСКОЙ СТРЕЛКОВОЙ  
КРАСНОГРАДСКОЙ КРАСНОЗНАМЕННОЙ ДИВИЗИИ  
ГВАРДИИ ГЕНЕРАЛ-МАЙОР ГЕРОИ СОВЕТСКОГО СОЮЗА  
**АХМЕТОВ**

" 2 " июля 1943 г.

*Handwritten signature in red ink*

Хошим Хўжаев мукофотга тавсия этилган тақдирлаш варақаси



ларнинг ҳаммаси ҳам Ҳ. Хўжаевнинг ҳарбий ташкилотчилиги ва маҳорати ҳақида ҳаяжонланиб гапиришарди.

– *Хўжаев Қўқонда тузилган бригадага, сўнгра эса Фарғонада тузилган захирадаги ўзбек полкига командирлик қилганида, мен унинг қўл остида батальон командири бўлиб хизмат қилгандим, –* деб ҳикоя қилганди истеъфодаги майор Т. Шарипов. – *У ўрта бўйли, қорачадан келган, юзи чўзинчоққа мойилроқ, ихчам ва келишган, тез-тез гапирадиган киши эди.*

*Полкимиз эрта тонгдан тунгача даштда машқ қиларди. Шунда Хўжаев дам у ротага, дам бу ротага бориб машқларни кузатар, солдат ва офицерларга йўл-йўриқ берарди. Армияга чақирилган маҳаллий ёшларнинг аксарияти рус тилини билишмасди. Шу боис, Хўжаев офицерларга ҳарбий машқ пайтида кам гапириб, ёш аскарларга ҳарбий хатти-ҳаракатларни кўпроқ кўрсатинглар, деб тайинларди.*

*Хўжаев кечқурунлари ҳам тинмасди. Бир қарасанг, полк ошхонасида қозонни ёки солдатларнинг котелогини ковлаб кўраётган, бир қарасанг, казармаларнинг тозалигини текшираётган бўларди. Ярим кечаларда келиб қуроолларнинг сақланишини кўздан кечирарди. Мен унинг бирон-бир жойда ҳордиқ чиқариб ўтирганини эслолмайман. Солдатлар ва кичик командирлар ўзаро: – Майор Хўжаев ҳам ҳеч ухлармикан? – деб бир-бирларидан сўраганларини эшитганман.*

У оддий солдатларни жон-дилдан севарди, ўз қўл остидаги офицерлардан солдатларнинг ҳурмати ва эътиқодига сазовор бўлишни талаб этарди.

1943 йилда Ҳ. Хўжаев Москвадаги Олий Ҳарбий академиянинг қисқартирилган курсини тамомлади ва 2-Украина frontiдаги 7-армиянинг 72-дивизияси 222-ўқчи полкига командирлик қилди.

1943 йил 11 декабрда Кировоград яқинидаги Верблюжка қишлоғида ўнг оёғидан яраланиб, Харьков шаҳридаги госпиталда даволанди. Сўнг яна 222-полкка командирлик қила бошлади. У командирлик қилган полк Днепрни кечиб ўтишда, Украина шаҳарларини озод қилишда, Ру-

миния, Венгрия, Чехословакия учун бўлган жангларда қатнашди.

1945 йил қишда полк Грон дарёсига етди. Дарёнинг қуйи оқимидан жанг билан ўтиб, Барт қишлоғи ортида плацдарм қуриб мудофаага ўтди. Январь, февраль бу ерда ҳаво совуқ, қорли бўлди. Аскарлар ҳандақларда ўтириб қийналишарди.

Ҳошим Саидович аскарларнинг аҳволини кўриб, оталарча мулойимлик билан гапириб насиҳат қилди:

– *Биродарлар, руҳингиз тушмасин, бўш келманглар. Бизнинг армиямиз қаергача етиб келганини кўряпсизми? Яқинда душманни тор-мор қилиб, юртимизга қайтамиз. Ғалабагача яшаш керак... Уйда бизни бола-чақамиз, ота-онамиз, севиқли ёримиз кўзи тўрт бўлиб кутиб ўтиришибди... –* У бир оз жим бўлиб, сўнг яна давом этди. – *Ўзингизни, ўртоқларингизни авайланг. Одамларимизни эҳтиёт қилинг. Булар – бизнинг буюк бойлигимиз. Бўлар-бўлмасга ўзингизни душман ўқиға урманг. Лекин кўрқоқ ҳам бўлманг. Кўрқоқларнинг таъзирини мен ўзим бераман.*

Шундай умидбахш сўзларни айтган, ўн-ўн беш кун аввал полковник унвонини олган Ҳошим Хўжаевга буюк Ғалабагача яшаш насиб этмади...

17 февраль эрталабдан душман артиллерия ҳужумини бошлаб юборди, танк ва бронетранспортёрлар ҳам артиллерия ўти панасида ҳужумга ўтди. Бизнинг артиллериямиз ҳам жавоб ўти оча бошлади. Бу пайтда калта қора пўстин кийган Хўжаев команда пунктида эди. У ҳеч ҳовлиқмасдан, эсанкирамасдан ҳаракат қиларди.

Пиёдаларимиз бир нечта танкни сафдан чиқардилар. Гитлерчилар эса катта талафот кўраётганига қарамасдан, янгидан-янги бўлинмаларни ҳужумга ташлай бошлади.

Хўжаев блиндажнинг иккинчи бўлинмасига ўтиб, амбразура орқали жангнинг боришини кузата бошлади. Блиндаж устига ва унинг атрофига тушаётган снарядлар атрофни кузатишни жуда қийинлаштириб қўяётганди. Шунда ташқаридаги кузатувчи душман танклари мудофаа чизигини



№ 06060  
4.9.44.

к  
15.9.44 № 18425

### Наградной лист

1. Фамилия, имя и отчество ХАДЖАЕВ Халим Саидович
2. Звание Гвардии подполковник 3. Должность, часть Командир 222 гвардейского стрелкового полка 72-й гвардейской стрелковой Красноградской Краснознаменной дивизии
4. Представляется к награде - Ордену Суворова 3-й степени
5. Год рождения 1906 6. Национальность узбек 7. Партийность Член ВКП/б, с 1938 г..
8. Участие в гражданской войне, последующих боевых действиях по защите СССР и Отечественной войне (где, когда) Отечественная война с 16.10.43 г. - 2-й Украинский фронт Ренн 11.12.43 г. - 2-й Украинский фр.
9. Имеет ли ранения и контузии в Отечественной войне
10. С какого времени в Красной Армии с 1925 г.. 11. Каким РКВ призван Красноградским РКВ г.р. Ташкент
12. Чем ранее награжден (за какие отличия) Орденом Красного Знамени - пр. № 0.0/н от 29.7.44 г. 7-й гв. армия
13. Постоянный домашний адрес представляемого к награждению и адрес его семьи \_\_\_\_\_
14. Место рождения \_\_\_\_\_

#### 1. КРАТКОЕ, КОНКРЕТНОЕ ИЗЛОЖЕНИЕ ЛИЧНОГО БОЕВОГО ПОДВИГА ИЛИ ЗАСЛУГ

В период боя за перевал Румянского УР 19.8.44 г. на участке высоты 358, I / Румянка / гвардии подполковник Хаджаев проявил смелость, решительность и умение в руководстве наступавшими подразделениями полка.

222 гв.с.п. под командованием гв. подполковника Хаджаева после неоднократной отбитой атаки противника 19.8.44 г. осуществлено наступление УР, оснащенный круговой системой обороны и организованно атака превосходящего противника в течение 40 минут выдержал высотой 358, I.

В течение 20, 21 и 22.8.44 г. противник неоднократно контратаковал подразделения полка, пытаясь обить их с вышележащей высоты, но, благодаря смелости, мужеству и героизму гвардейца Хаджаева, 222 гв. с.п., имея меньшие силы отбил все атаки превосходящих сил противника. В результате бою потеря в живой силе и технике.

Имеюта и обескровил противника на рубеже высоты 358, I 23.8.44 г. подразделения полка вместе с другими частями дивизии перешли в решительное наступление и в результате ожесточенного боя занял в Красноты.

Без боя отбит бои полка нанес огромные потери в живой силе и технике и в результате боя на двойном фронте высота про. ба время наступления бой с 19 по 20.8.44 г. противник уничтожено свыше 1000 солдат и офицеров, захвачено в плен свыше 5000 человек, а также много техники и боевого имущества.

В результате умело организованного удара и смелого руководства подразделения полка полком сумели отбить всю беспрерывность имел. беззастенчивые действия личного состава.

За смелые и мужественные боевые действия подразделения полка в боях, в результате чего достигнуты следующие успехи **ДОСТОИН НАГРАЖДЕНИЯ** **Орден Суворова 3-й степени.**

КОМАНДИР 72 ГВАРДЕЙСКОГО СТРЕЛКОВОГО  
КРАСНОГРАДСКОГО КРАСНОЗНАМЕННОГО ДИВИЗИИ  
ГВАРДИИ ГЕНЕРАЛ-МАЙОР Г. С. С. КОЗЛОВСКИЙ  
Командир (начальник)

2 01.09.44 1944г.

Хошим Хўжаев мукофотга тавсия этилган тақдирлаш варақаси





*Ҳошим Хўжаев (ўртада) 1943 йил февралда  
Фарғона шаҳрида захирадаги ўзбек полкининг офицерлари билан*

ёриб ўтиб, команда пункти томон келаётганини кўриб қолди.

Команда пунктидаги ҳамма жангчилар блиндаждан чиқиб, алоқа йўли орқали танкларнинг ён томонига эмаклаб ўтдилар.

Кимдир куч билан отган граната олдинда келаётган танкни тўхтатиб қўйди. Фашист шошиб машинани орқага бурди. Шунда унинг мотор қисмига иккинчи граната бориб тушиб, машинани қора тутун қоплади. Далада “ура” садоси янгради.

Хўжаев ва унинг гуруҳи руҳланиб кетиб, иккинчи танкка ташландилар. Ундаги ҳайдовчи машинани орқага бурмоқчи бўлиб, бир ғилдирагини алоқа йўлига тушириб юборди ва танк секин ёнига оға бошлади. Шунда Хўжаев отган граната иккинчи танкни ҳам сафдан чиқарди.

Жангчилар хотиржам бўлиб блиндажга қайтаётганида пулемёт тариллаб қолди, ҳамма бирдан яна ерга ётди. Сафдан чиққан икки танк панасида учинчиси пайдо бўлиб қолганини ҳеч ким сезмай қолди.

Аскарлардан бири илгари сурилиб, қўлидаги гранатанинг илгагини суғурди. Аммо отишга улгурмади. Чўккалаганда курагидан ўқ еб, инграб ерга йиқилди.

“Портлайди!” полковникнинг миясига шу фикр урилди. У жангчи томон эмаклаб бориб, унинг панжасидаги гранатани авайлаб олиб, танкка ирғитди.

Ана шунда алоқа йўлида қийшайиб ётган танк қопқоғи очилиб, ундаги фашист Хўжаев томон гранатани улоқтиришга улгурганди. Кучли портлаш натижасида рўй берган тўлқин полковникни анча нарига ирғитиб юборди.

Жангчилар учинчи танкни ҳам унутиб, командирлари томон югурдилар. Полковник Хўжаев сўнгги кучини тўплаб, жонжаҳди билан сакраб туриб кетди, лекин ўзини тутолмай ўртоқлари оёғи остига йиқилди...

Командирларининг ҳалок бўлганини кўрган жангчилар алам билан учинчи танкка ташландилар ва уни тезда яксон қилдилар.

Тиббиёт пунктида шифокорлар полковник қирқ саккиз жойидан ўқ еб ҳалок бўлганини айтдилар.

1945 йилнинг март ойида Х. Хўжаевнинг ординареци А.А. Отаев Ўзбекистон Ҳукумати раиси номига дивизия командири, Қахрамон, гвардиячи генерал-майор А. Лосевнинг



8xw4148

Все графы заполнять полностью.

15.12.44

# НАГРАДНОЙ ЛИСТ

1. Фамилия, имя и отчество Х А Д Ж А Е В Ханым Саидович  
Гвардии
2. Звание ПОДПОЛКОВНИК 3. Должность, часть Командир 222 гвардейского стрелкового  
ОРДЕНА ЛЕНИНА Краснознаменного полка 72-и гвардейской стрелковой Красно  
градской Краснознаменной дивизии.
- Представляется к награде = Ордену Красного Знамени.
4. Год рождения 1906 5. Национальность Узбек 6. Партийность Член ВКП/б/ с  
1938 г..
7. Участие в Гражданской войне, последующих боевых действиях по защите СССР и Отечест-  
венной войне (где, когда) Отечественная война с 16.10.43 г. = 2-и Украинский  
фронт
8. Имеет ли ранения и контузии в Отечественной войне Ранен 11.12.43 г. = 2-и Украин-  
ский фронт.
9. С какого времени в Красной Армии с 1925 г. 10. Каким РВК призван Кадровый состав
11. Чем ранее награжден (за какие отличия) Орденом Красного Знамени 29.7.44 г. =  
пр. № 090/в 7-и гв. армии и Орденом Суворова 3-и степени 24.9.44 г. =  
пр. № 0184/в 2-го Украинского фронта .
12. Постоянный домашний адрес представляемого к награждению и адрес его семьи \_\_\_\_\_
13. Место рождения \_\_\_\_\_

## 1. Краткое конкретное изложение личного боевого подвига или заслуг.

5.12.1944 г. 222 гв.с.п. под командованием гв. подполковника Хаджаева прорвал оборону противника на участке Терез, Перье / Венгрия /, состоящую из трех линий траншей, оснащенных мощной огневой системой противника и стремительным ударом уничтожил частично его живую силу и огневую систему на переднем крае.

Продолжая дальнейшее наступление, подразделения полка с упорными боями и в условиях сильно пересеченной местности преодолели второй оборонительный рубеж противника, вынуждая его к отходу. В ночь с 7 на 8.12.1944 г. командир 222 гв.с.п. = гв. подполковник ХАДЖАЕВ мастерски провел обходной маневр по уничтожению группы противника на участке высоты 170, в результате чего была создана возможность подразделениям 229 и 224 гв.с.п. в овладении населенными пунктами Сарвашгебе и Бадьон.

Противник, используя выгодную для обороны местность, пытался задержать наступающие подразделения 222 гв.с.п., но благодаря умелому и мужественному руководству гв. подполковника Хаджаева был отброшен в район Буйк, умелыми действиями гв. подполковник Хаджаев выбил противника из населенного пункта Буйк, превращенного немцами в укрепленный опорный пункт и заставил его свернуть свою оборону на север-восток.

В этих наступательных боях подразделения полка нанесли большие потери противнику в живой силе и технике, а гв. подполковник Хаджаев проявил исключительное мужество, отвагу и умение руководить наступательными действиями подразделения полка.

Несмотря на численное превосходство врага, полк преодолел трудности наступления, уничтожил при этом свыше 700 солдат и офицеров противника, 6 орудий и много другого вооружения немцев.

**ДОСТОИН НАГРАЖДЕНИЯ ОРДЕНОМ КРАСНОГО ЗНАМЕНИ.**

КОМАНДИР 72 ГВАРДЕЙСКОЙ СТРЕЛКОВОЙ  
КРАСНОГРАДСКОЙ КРАСНОЗНАМЕННОЙ ДИВИЗИИ  
ГВАРДИИ ГЕНЕРАЛ-МАЙОР ГЕРОИ СОВЕТСКОГО СОЮЗА  
/ А. Л О С Е В /

"14" декабря 1944 г.

*Хошим Хўжаев мукофотга тавсия этилган тақдирлаш варақаси*



имзоси билан ёзилган мактубни олиб келди. Бу мактубда шундай дейилганди:

*“1945 йилнинг 17 февралда фашист босқинчиларига қарши курашда ўзбек халқининг содиқ фарзанди, гвардиячи ўқчи полкнинг командири, тошкентлик гвардиячи полковник Хўжаев Ҳошим Саидович қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Гвардиячи полковник жанговар операциялар учун Қизил Юлдуз, III даражали Суворов ордени, I даражали Ватан уруши ордени ва Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганди.*

*Дивизия кўмондонлиги ўртоқ Хўжаев қиёфасида командирларнинг энг сарасидан айрилди. Ўртоқ Хўжаев мардлик ва жасорат кўрсатишда барчага намуна эди”.*

Бир куни Усмон Юсупов бошлиқ Ўзбекистон Республикаси раҳбарлари А. Отаевни, Ҳошим Хўжаевнинг рафиқаси Ойшахон опани, амакиси Маҳмад акани қабул қилишди. А. Отаев Ҳошим Саидович қандай ҳалок бўлганини республика раҳбарларига гапириб берди. Улар Ҳошим Саидовичнинг рафиқаси Ойшахон опага, амакиси Маҳмад акага чуқур таъзия изҳор қилишди. Немис-фашист босқинчиларига қарши курашда жанговар полкка командирлик қилган ўзбек ўғлони қаҳрамонларча ҳалок бўлгани республика учун катта йўқотиш эканини таъкидлашди. Шаҳардаги кўчалардан бири марҳум номи билан аталадиган бўлди.

Марҳумнинг таъзияларини ўтказиш учун Ойшахон опага катта миқдорда пул беришди. Тўрт нафар боласига нафақа белгиладиган бўлди. Оиласининг яшаш шароити ёмонлигини эътиборга олиб, Ишчилар шаҳарчасидаги Ҳошим Хўжаев кўчасида катта ҳовли – коттеж берилди.

Украиналик машҳур ёзувчи, кўплаб мукофотлар совриндори, Меҳнат Қаҳрамони, академик Олесь Гончар Ҳошим Хўжаев командирлик қилган 222-полкда миномётчи сержант бўлиб хизмат қилган. Асли полтавалик бўлган, урушгача журналистлар тайёрланадиган техникумда ўқиган Олесь Гончар полкда хизмат қилиш билан бирга, фронт газеталарига шеър ва очерклар ҳам ёзиб турарди.

Унинг урушдан кейин ёзилган, уч марта Давлат мукофотига сазовор бўлган “Байроқдорлар” трилогияси 222-полкнинг Сталинграддан бошланиб, Прагада тугаган жанговар йўли ҳақидадир. Ёзувчи ўткир қалами билан полк командири, полковник Ҳошим Хўжаев (китобда Самиев деб ёзилган), полк командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, Қаҳрамон, майор Михеев (китобда Воронцов деб ёзилган) сиймоларини жонлантирган.

Олесь Гончар 72-дивизиянинг Беляя Церковь шаҳрида бўладиган анъанавий учрашувига бориб турар, полкдошлар билан суҳбатлашишни яхши кўрарди.

1985 йилда Украинанинг Беляя Церковь шаҳрида 72-дивизия фахрийларининг Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган навбатдаги учрашувига Ҳошим Хўжаевнинг қизи Дилбар Ҳошимовна Пўлатова ҳам таклиф этилди. Дилбар Ҳошимовна бу учрашувга мамнуният билан бориб, катта таассуротлар билан қайтди. Мемориал комплексдаги музейда отасининг расмларини кўрганида кўзларига ёш келди.

*“Учрашувга Хўжаевнинг қизи келибди”* деган гап бир пасда фахрийлар ўртасида тарқалди. Шунда отасининг ўнлаб полкдошлари Дилбар Ҳошимовнанинг олдига келиб, самимий кўришиб, суҳбатлашиб, марҳум командирларини эслашди, бирга расмларга тушишди, манзил айрибошлашди. Уруш пайтида дивизиянинг 229-полкига командирлик қилган 72-дивизия фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-лейтенант Г.М. Баталов Дилбар опага Киевда янги нашр этилган “Жанг майдони” хотиралар китобини совға қилди.

Дилбар Ҳошимовнада шундай фикр пайдо бўлдики, Украинада Ҳошим Хўжаевни биладиганлар Ўзбекистондагидан кам эмас экан. У отасининг Украинадаги полкдошлари билан анча йиллар хат-хабар ёзишиб турди. Ўзбекистондаги қуролдош дўстлари эса яқин-яқин йилларгача Ишчилар шаҳарчасидаги ҳовлига келиб, Ҳошим Хўжаев билан ўтган йилларни хотирлаб кетишарди.

**Али Назар ЭГАМНАЗАРОВ,**  
ёзувчи



## Мўмин САЛОМОВ

(1923–1997)

Ватанимизда бирон хонадон йўқки, машъум уруш жабрини кўрмаган бўлса... Инсониятни фашизм балосидан халос этиш йўлида жангларда жон олиб, жон берган ота-боболаримизнинг урушда кўрсатган қаҳрамонликлари эларо дoston бўлган.

Ўзбекистоннинг энг гўзал гўшаларидан бири бўлган Бўстонлик тумани марказига йўлим тушиб, Товоқсой кўрғонидан ўтаётганимда бир қаҳрамон юртдошимиз ёдимга келади. Ҳозирга қадар шу ҳудудда яшовчи аҳоли уни “Қаҳрамон” номи билан улуғлайди, фарзандларини ҳам “Қаҳрамоннинг болалари” деб тилга олишади. Бу инсон – Мўмин Зокирович Саломовдир.

У кишининг қизи Мукамбар опа билан суҳбатда отаси ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлдим.

М. Саломов 1923 йил Тошкент вилояти Бўстонлик тумани Хондайлик қишлоғида таваллуд топган, 1938 йили ўрта мактабнинг 7-синфини тамомлаган.

Педагог бўлишни орзу қилган Мўмин Саломов 1941 йили ёзда Тошкент педагогика техникумига ўқишга кирган. Энди 19 баҳорни қаршилаганида, тенгдошлари қаторида Бўстонлик тумани ҳарбий комиссарлиги томонидан урушга сафарбар этилди.

Ҳарбий тайёргарликдан ўтган ёш жангчи 1942 йилнинг март ойида шакллантирилаётган 120-ўқчи дивизияси таркибида ўзининг жанговар йўлини бошлади.

Бу бўлинмага жанговар вазифа сифатида Волга дарёси бўйида немис-фашист босқинчиларининг ҳужумини тўхтатиш, душманни тор-мор қилиш ва Сталинград шаҳрини гитлерчилардан озод қилиш қўйилади.

1942 йил июль ойининг охирида немис-фашист қўшинларининг зарбдор гуруҳи ҳужумга ўтди. Душманнинг Волга дарёсига чиқиш ва шаҳарни ишғол қилиш



йўлидаги уриниши барбод бўлди. Бир ой мобайнида гитлерчиларнинг сараланган кўшинлари бор-йўғи 60–80 км илдамлади, холос. Волгадаги мустаҳкам кўрғон химоячилари душман кучлари ҳар қанча ортиқ бўлишига қарамай, фашист қўмондонлигининг режаларини барбод қилди.

Мўмин Саломов 1942 йил Сталинград остоналарида “Уран” ҳарбий операциясини амалга оширишда ва фельдмаршал Паулюснинг 6-армиясини тор-мор этишда станокли пулемёт ўқчиси сифатида жанг қилди.

Унинг Сталинград остоналаридаги жангларда кўрсатган қаҳрамонликлари И.П. Кургузовнинг “Солдатская доблесть” асарида қайд этилган:

*“Мўмин ва унинг бўлинмаси оз қурбонлар берган ҳолда дарёдан кечиб ўтдилар.*

*Қўмондоннинг кўрсатмасига биноан, улар жанговар ҳаракатларни бевосита шаҳарда*

олиб боришлари керак эди. Душман авиацияси шаҳарни бетўхтов бомбардимон қиларди. Шаҳар ўт ичида ёнар, минглаб одамлар вайронага айланган уйлар остида ҳалок бўлаётганди. Ёниб тушган уйларнинг вайроналари қонли жанглар бўлганидан далолат берар эди.

Уйнинг бир қисмини бизлар, иккинчи қисмини душманлар ишғол қилиб турган ҳоллар кўп бўлган. Биринчи қаватни бизнинг аскарлар эгалласа, бошқа қаватда душман турарди.

Мўмин Саломовнинг дастлабки жанги шу аснода бошланди. Мўмин иккиланмади, ўзини ҳам йўқотмади. У рўпарасида инсонийлик қиёфасини йўқотган махлуқлар турганини яхши билар эди. Уларни шу ернинг ўзида тўхтатмаса, улар унинг она Ватанига етиб боришлари муқаррар эканлигини тушуниб етганди.

Тизилиб келаётган фашист газандаларига қарата пулемётдан ўт очар экан, уларнинг бирин-кетин йиқилаётганини кузатарди”.

Шаҳар бўсағасида ва шаҳарнинг ўзида душман бир неча кеча-кундуз давом этган ҳужумлар уюштирди. Бир вақтнинг ўзида 10 дивизия ва 500 га яқин танкни жангга ташлади. Лекин шаҳар ҳимоячилари қаршилигини енга олмади. Волгадаги аёвсиз жангда кўплаб ўрта осиеликлар мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатдилар.

Мўмин Саломов Сталинград остоналаридаги жангларда 1942 йилнинг сентябрь ойида енгил, декабрь ойида эса оғир яраланди. Ҳарбий госпиталда даволаниб чиққанидан сўнг, 21-миномёт бригадаси 131-миномёт полкида хизматни давом эттирди.

Мўмин Саломовнинг бўлинмаси 1943 йилнинг энг катта жангларида бири ҳисобланган Курск ёйидаги жанговар ҳаракатларда иштирок этиш учун етиб келди. 1943 йилнинг 10–16 июль кунлари Курск ёйидаги ҳаракатларда унинг шахсан ўзи 50 босқинчини ер тишлатиб, душманнинг 3 та пулемёт нуқтасини яксон қилади.

Курск ёйидаги жангларда кўрсатган мардлик намуналари учун кичик сержант Мўмин Саломов “Жанговар хизматлари учун” медали билан мукофотланди.

1943 йилнинг августида Брянск яқинида кечган оғир жанглarda иштирок этган Мўмин Саломов учинчи маротаба ярадор бўлди. Қайтиб оёққа туриш жараёни жуда оғир кечди.

Лекин Мўмин Саломов тўлиқ соғаймасдан яна фронтга отланди ва 185-ўқчи дивизиянинг 280-ўқчи полкида уруш охиригача жанг қилди.

Висла дарёсини кечиб ўтиш вақтида М. Саломов қуролдош дўстлари билан ҳарбий техника ва қурол-яроғларни дарёдан олиб ўтиш учун қайиқлар ва соллар ясадилар. Кечиб ўтиш жараёнида душман сезиб қолмаслиги учун жуда кам вақт ажратилгани сабабли кўпгина қурол-яроғларни ташлаб кетишга мажбур бўладилар.

Ўзининг “Максим” номли пулемётини ташлаб кетишни истамаган Мўмин кичик сол яшашга киришади. Сабаби, пулемётининг жанговар дўсти, қадрдони бўлиб қолган эди.

Бўлинмалар секин-асталик билан дарёни кечиб ўтишга киришади. Сузиб ўтаётган рақибни кўрган душман тезда ўқ отишга тайёргарлик кўради. Шунда пулемётчи Мўмин Саломов сузиб борар экан, пулемётини тезда жанговар ҳолатга келтиради ва душманга тинимсиз ўқ узади. Бу эса сафдош дўстларининг қирғоққа чиқиб олишларига ёрдам беради ва бир нечта фашистни ер тишлатади.

1944 йилнинг 9–10 август кунлари Польшадаги Парчев шаҳрининг жанубий қисмида кичик сержант Мўмин Саломов навбатдаги жасорат намунасини кўрсатиб, душманнинг 3 та ўқ отиш нуқтасини йўқ қилди, бу билан у ўқчи бўлинмаларнинг олдинга силжишини таъминлаб берди. Жангнинг энг қийин вазиятида пулемёт взводи командири вазифасини бажарди.

185-ўқчи дивизияси бўлинмалари қўмондонининг 1944 йил 21 августдаги буйруғи билан Мўмин Зокирович Саломов III даражали Слава ордени билан мукофотланди.

1944 йилнинг 26 августида Варшава шаҳрининг шимоли-шарқий қисмидаги Грабе-Нове аҳоли пунктида кичик сер-



№ 504/57

Саломов Мумин Закирович...

1. Родился, имя: Мумин Закирович Саломов...
2. Звание: *Рядовой*... *С. Логинов* и *И. М. Кашаев* пулеметный расчет *280 Стрелкового Сохачевского полка 185 кав. дивизии Армянский фронт*.
3. Награжден орденом *Слава Отечественной войны*.
4. Год рождения: *1922 года*... *Чадан*...
5. Место рождения: *Кандидат ВКП(б)*... 08.1944 г. № 7878/916
6. Участвовал в партизанской войне и партизанских боевых действиях по борьбе с *фашистскими войсками* (рас, война) *7.07.1942 года* *Кавказский фронт* *1-й Крымский фронт* *1-й Украинский фронт*
7. Указом *Ранен 6.09.1942 года* *16.12.1942* *21.08.1943 года*
8. Место ранения: *10.03.1943 года*
9. Место ранения: *Б. Армандовский Рак Южно-Кавказского фронта*
10. Чем ранен: *ранен* *Слава Отечественной войны* *приказ от 27.09.44 года № 47-Арт*
11. Чем ранен: *ранен* *Слава Отечественной войны* *приказ от 27.09.44 года № 47-Арт*

1. В случае, если... 2. В случае, если...

Расчет тов. САЛАМОВ А, считается лучшим пулеметным расчетом в полку и неоднократно во всех наступательных боях расчет показал образцы мужества и храбрости. Материальная часть в любых условиях боя всегда в отличном состоянии и работает безотказно. В бою 1.3.1945 года во время штурма крепости города ПИРИЦ тов. САЛАМОВ быстро через пролом стены крепости, пробрался в крепость и установил свой пулемет и немедленно открыл ураганный огонь по противнику зашедшему в дома и обеспечил дальнейшее продвижение пехоты. В дальнейших боях по очищению города ПИРИЦ тов. САЛАМОВ исполняя обязанности первого номера со своим пулеметом всегда находился в боевых порядках пехоты. В бою 2.3.1945 года в районе сахарного завода, он одним огнем своего пулемета отразил контратаку немцев и уничтожил при этом 22 немца. За исключительную храбрость в бою тов. САЛАМОВ достоин Правительственной награды ордена "С Л А В А 1 С Т В Е Н И".

КОМАНДИР 280 СТРЕЛКОВОГО СОХАЧЕВСКОГО ПОЛКА  
Подполковник: БАЛАВВСКИЙ

НАЧАЛЬНИК ШТАБА ПОЛКА  
Подполковник: ЧЕБЧЕНКО

10 " марта 1945 года.

Мумин Саломов I даражали Слава ордени билан мукофотлашга тавсия этилган тақдирлаш варақаси

жант Мўмин Саломов душманнинг 3 та ўқ отиш нуқтасини йўқ қилиб, душман хужумини қайтарди ва 10 та фашистни ер тишлатди.

Шу ҳудудда 1 сентябрь куни уюштирилган душман хужумлари вақтида Мўмин Саломов бир кадам ҳам орқага чекинмаган ҳолда, 20 душман аскарини маҳв этишга эришди. Юксак жасорати учун у 1944 йилнинг 27 сентябрида 47-армия қўмондонининг буйруғи билан II даражали Слава ордени билан мукофотланди.

Урушнинг якунловчи босқичида сержант Мўмин Саломов пулемёт расчёт командири лавозимида жанговар йўлини давом эттирди. Унинг пулемёт расчёти полкдаги энг яхши бўлинма ҳисобланиб, кўплаб жангларда жасорат ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган эди.

1945 йилнинг 1 мартида Польшанинг Пиритц қалъа шахрини фашистлардан озод этиш вақтида сержант Мўмин Саломов қалъа девори туйнугидан пулемёти билан ичкарига киради ва душман сезиб қолмаслиги учун эҳтиёткорлик билан пулемётини яхшилаб ўрнатади. Фашистлар бунини пайқамайди, бундан фойдаланган сержант Саломов тўсатдан душманни ўққа

тута бошлайди. Бу унинг бўлинмасига олға силжишга имкон яратиб беради.

Пиритц шаҳри учун бўлган кейинги жангларда у пиёдалар бўлинмасининг олдинги сафида ҳаракат қилди. М.Саломов 2 март куни қанд заводи яқинида бўлган жангда фашистларнинг бутун бир бўлинмасини яксон қилди.

Жангларда кўрсатган қаҳрамонлик ва жасорат намуналари учун сержант Мўмин Зокирович Саломов 1945 йил 31 май куни Совет Иттифоқи Олий Совети Фармони-га биноан I даражали Слава ордени билан мукофотланиб, Слава орденининг тўлиқ нишондорига айланди.

Урушдан кейинги йилларда сержант М. Саломов Урал Ҳарбий округида хизматни давом эттирди ва 1947 йилнинг март ойида захирага бўшатилади.

Ўзининг жонажон Ватанига қайтган Мўмин Саломов қишлоқ мактабида ўқитувчилик қилди. Шу билан бирга, Тошкент давлат педагогика институтида таҳсил олди. Чирчиқ шаҳрида жойлашган “Электрокимё” заводида иш фаолиятини давом эттириб, 1974 йилда нафақага чиқди.

Қаҳрамон жангчи 1997 йилнинг 9 апрель куни вафот этди.

**Ҳабибулла ХОЛМАТОВ,**  
*доцент*



## Плис НУРПЕИСОВ

(1919–1945)

Иккинчи жаҳон уруши фронтларида қаҳрамонлик кўрсатиб, ўз номини мангуликка муҳрлаган мард учувчиларимиздан бири – Плис Нурпеисов 1919 йил Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида туғилган.

Ёшлигидан техника сир-асрорларига қизиққан ёш ўспирин 1933 йилда Чоржўй сув транспорти техникумига ўқишга кирди ва орадан икки йил ўтиб, азим дарё – Амударё бағрида сузиб юривчи “Альбатрос” кемаси капитани уни ўзига ёрдамчи қилиб ишга олди. Лекин илм олишга бўлган интилиш уни педагогика институтига ўқишга етаклади ва олий таълим муассасасини муваффақиятли якунлаб, Тўрткўл шаҳридаги тиббиёт билим юртида физика-математика ўқитувчиси бўлиб ўз педагогик фаолиятини бошлади.

Ўтган асрнинг 30–40 йилларида авиация саноатининг ривожланиши ва бу соҳага ёшлар орасидаги қизиқиш Плисни ҳам четлаб ўтмади. 1939 йилда ҳарбий учувчи бўлиш ниятида Мелитополь шаҳридаги ҳарбий авиация билим юртига ўқишга қабул қилинди. Шундан бошлаб унинг ҳарбий фаолияти бошланди.

Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки 1942 йил декабрь ойида Сталинград остоналаридаги жанглардан бошланган Плис Нурпеисов қисқа муддат ичида ўзининг матонати ва топқирлиги билан полкдошлари орасида ҳурмат қозонди. Ана шу қақшатқич жангларда оғир яраланган учувчи олти ой мобайнида Иркутск шаҳридаги ҳарбий госпиталларда даволанди.

Бу муддат ичида эса авиация саноатида янги турдаги самолётлар ишлаб чиқарилиб, қўшинларда кенг қўламда қўлланила бошлаган ва жанг олиб бориш тактикаси ҳам ўзгарган эди. Даволаниб чиққанидан сўнг у Москва яқинидаги аэродромлардан бирига йўлланма олди ва бу ерда янги тур-



даги “ТУ-2” самолётларини бошқаришни ҳамда тунги шароитларда жанг олиб бориш тактикасини ўргана бошлади.

1944 йилда Олий Бош Қўмондонликка бўйсунувчи 47-узоқ масофага учувчи разведка авиополки шакллантирилди. Бу полкка маҳоратли, жанговар тажрибага эга учувчилар қаторида Плис Нурпеисов ҳам саралаб олинди.

1944 йилнинг декабрь ойида Плис қисқа муддатли таътилга чиқди ва Қорақалпоғистонга келди. Шу пайт унинг кўксини иккита Қизил Байроқ ва I даражали Ватан уруши орденлари безаб турарди. Кичик укалари Аметбой ва Жусупбойнинг илтимосига биноан, у фронтда ўзи бошидан кечирган бир қанча воқеаларни ҳикоя қилиб берган экан. Бу хотиралар кейинчалик унинг укаси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи Жусупбой Нурпеисовнинг 2009 йилда нашр қилин-



*Плис Нурпеисов жанговар дўстлари билан. 1944 йил*

ган “Шерюрак” номли китобида ўз аксини топди. Ушбу китоб муаллифнинг акаси тўғрисидаги хотиралари ва архив манбалари асосида ёзилган.

Плис Нурпеисов жанговар ҳаётдан олинган қуйидаги воқеалар эътиборни тортади:

1943 йилда катта лейтенант Плис Нурпеисов Харьков шаҳри яқинида душман кучлари жойлашгани тўғрисидаги қимматли разведка маълумотлари келтиргани учун авиация маршали Александр Новиков томонидан эсдалик соат билан тақдирланган.

Ўшанда Нурпеисов экипажига фронт чизиғини кесиб ўтиб, душман жойлашув нуқталарини аниқлаш ва аэрофототасвирларни олиш учун икки марта жанговар парвозни амалга оширишга тўғри келган.

Биринчи учишда олинган маълумотлар Плисда шубҳа уйғотди, сабаби фашистларнинг ушбу ҳудудда жойлаштирилган ҳарбий техникалари ҳақиқий эмасдек туюла

бошлади. Қўмондонликдан яна бир парвозни амалга оширишга рухсат олишгандан сўнг белгиланган ҳудудга етиб боришди ва синчковлик билан кузата бошлашди.

Нурпеисовнинг шубҳалари ўринли бўлиб чиқди, қўшинларимизни чалғитиш учун айнан ушбу ҳудудда душманнинг анчагина ҳарбий техника макетлари жойлаштирилган, асосий кучлари эса бошқа ҳудудда тўпланган экан. Олиб келинган ўта муҳим разведка маълумотлари Плис Нурпеисовнинг қўмондонлик томонидан эсдалик соат билан тақдирланишига сабаб бўлди.

У 1944 йилнинг 12 февралдан 22 майгача душман ортига 17 марта узоқ масофали разведка парвозларини муваффақиятли амалга оширгани учун Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган. Унда П. Нурпеисовнинг жанговар разведка парвозларида олинган маълумотлари фототасвирлари билан тасдиқланган ҳолда, қўмондонликка тақдим қилингани қайд этилган.



Ғарбий фронт қўшинларининг Белоруссияни фашист босқинчиларидан озод этиш бўйича олиб борган жангларида П. Нурпеисов экипажи Могилев, Бобруйск, Орша, Шклов, Минск, Осиповичи ва Лида каби шаҳарларда 4615 дан ортиқ вагонларга эга бўлган 175 та темир йўл таркибини, 60 дан ортиқ паровоз, 1276 та темир йўл платформаси, 573 та автомашина, озиқ-овқат захираси ва қўшин таркиби жойлашган 82 та юк-аравани, бундан ташқари, 18 та аэродромдаги 425 га яқин турли русумдаги самолётларнинг жойлашув нуқталарини авиатасвирга олишга муваффақ бўлган. Шу билан бирга, душманнинг Белоруссия ҳудудидаги Березина ва Друт дарёлари бўйлаб жойлашган мудофаа иншоотларининг фототасвирлари олинган.

Улар душман эгаллаган ҳудудда 1600 километрдан ортиқ масофада 56 соатдан ортиқ вақт разведка парвозларини олиб боришган. Бу маълумотларнинг барчаси Қизил Байроқ ордени билан тақдирлаш варақасида келтирилган бўлиб, уни мукофотга авиаполк командири, гвардия полковниги Трофим Тюрин тавсия этган.

Аҳамиятли жойи шундаки, ушбу тақдирлаш ҳужжатида одатдагидек, армия томонидан “мукофотга муносиб” деган қайд билан чекланмаган. Балки, Қизил Армия Ғарбий Ҳаво Кучлари бош штаби бошлигининг ўринбосари, разведка бўйича авиация генерал-лейтенанти Дмитрий Грендаль шахсан ўзи ҳам тавсиф бериб, “Нурпеисов душман тўғрисидаги разведка маълумотларини ҳар доим ҳаққоний тарзда фотосуратлари билан исботлаган ҳолда тақдим этишини” алоҳида таъкидлаган.

Шундан сўнг П.Нурпеисовнинг бир ой мобайнида, яъни 1944 йилнинг 23 майдан 30 июнь санасигача бўлган даврда муваффақиятли амалга оширган 14 та жанговар узоқ масофали разведка парвозлари душман қўшинлари, унинг аэродром ва захира кучлари тўғрисида тўлақонли маълумотлар берди. Бу нарса эса моҳир учувчининг яна бир карра Қизил Байроқ ордени билан тақдирланишига сабаб бўлди. 1-Ҳаво Армияси қўмондонлигининг 1944 йил 23 июлдаги буйруғига биноан, жа-

сур ватандошимиз ана шу юксак жанговар орденнинг икки карра соҳибига айланди.

47-узоқ масофали разведка полки командири Плис Нурпеисовни тақдирлаш варақасида унинг қўйидаги хислатларини келтириб ўтган: “Нурпеисов Ғарбий фронт қўшинлари таркибида жанговар парвозларни амалга ошириш баробарида, ҳар доим қўмондонликка душман қўшинлари ҳаракатлари, унинг моддий таъминоти тўғрисида аниқ разведка маълумотларини етказиб берган. Бир неча маротаба олинган маълумотларни парвоз вақтларидаёқ самолёт бортидан беришга улгурган”.

Плис Нурпеисовнинг кейинги жанговар фаолияти Латвия, Литва, Белоруссия ва Польшанинг шарқий ҳудудларига амалга оширган разведка парвозлари билан боғлиқ.

1944 йилнинг 18 июлидан 1 сентябригача бўлган муддатда 19 маротаба разведка парвозларини амалга оширди ва бунда у Рига, Каунас, Кенигсберг, Шауляй, Гродно, Тильзит, Гумбинен каби йирик шаҳарларда мавжуд темир йўл станцияларидаги 8500 тагача вагон, 150 та платформа, 70 та паровоз, ўн мингдан ортиқ автомашина ва бошқа турдаги ҳаракат воситаларининг тасвирларини қўмондонликка тақдим этди. Душман ичкарасида жойлашган аэродромлардаги 800 га яқин самолётларнинг жойлашув нуқталарини аниқлади.

Ана шу хатарли парвозлар давомида душман зенит-артиллерияси томонидан ўн олти марта ўққа тутилди ва тўрт марта қирувчи самолётлар ҳужумидан омон қолди.

Плис Нурпеисов ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам разведка парвозларини мукамал тарзда амалга оширар, ўзининг тиришқоқлиги, топқирлиги ва душман ҳаво ҳужумидан ҳимояни муваффақиятли йўлга қўя олгани билан зиммасига юклатилган жанговар топшириқларни аъло даражада бажарарди.

У олиб борган тизимли разведка-кузатув парвозлари орқали биринчи бўлиб душманнинг Литва ҳудудидаги кучли мудофаа тизимини ва унинг жанговар қудратини аниқлаб берди. Бу ҳақда 47-алоҳида гвардиячи Қизил Байроқ орденли развед-



482

Все графы заполнять полностью

# НАГРАДНОЙ ЛИСТ

*21*  
*Ис. 023108*  
*10.7.45*

1. Фамилия, имя и отчество НУРПСОВ Плис Кольгейдиевич
2. Звание Гв. ст. лейтенант
3. Должность, часть Летчик-наблюдатель -7
4. Год рождения 1919
5. Национальность казак
6. Партийность Ч. ВЛКСМ - 1938 г.
7. Участие в гражданской войне, последующих боевых действиях по защите СССР и отечественной войне (где, когда) участник Отечественной войны с декабря 1942 года
8. Имеет ли ранения и контузии в отечественной войне не имеет
9. С какого времени в Красной Армии с 1940 года
10. Каким РВК призван Ташта-Тупирским
11. Чем ранее награжден (за какие отличия и когда награжден) за 50 боев. выл. награжден орденами: двумя орденами "КРАСНОЕ ЗНАМИ" и "ОТЛИЧНЫЕ ДЕЙСТВИЯ ВО ВРЕМЯ ВОЙНЫ" - 1944 г.
12. Постоянный домашний адрес представляемого к награждению и адрес его семьи \_\_\_\_\_

Д Л Я П О Д Ш И В К И

### Краткое, конкретное изложение личного боевого подвига или заслуг

За успешное выполнение 17 боевых вылетов на дальнюю разведку награжден орденом "КРАСНОЕ ЗНАМИ". Приказ 1 БА № 043/Н от 21.7.1944 года.

За отличное выполнение последующих 17 боевых вылетов на дальнюю разведку награжден вторым орденом "КРАСНОЕ ЗНАМИ". Приказ ВВС КА № 049/Н от 15.8.1944 года.

За отличное выполнение последующих 15 боевых вылетов на дальнюю разведку награжден орденом "ОТЛИЧНЫЕ ДЕЙСТВИЯ ВО ВРЕМЯ ВОЙНЫ". Приказ 4 БА № 004/Н от 12.12.1944 года.

За период боевой работы в полку с 10 марта 1944 года по 1 апреля 1945 года в составе экипажа произвел 100 боевых вылетов на дальнюю разведку глубинных тылов противника по вскрытию группировок войск, подходов резервов и обхода войск противника, загроуженности ж.д. узлов, станций и переронов, базирующиеся авиационные аэродромах и ее деятельность, установление оборонительных рубежей и сооружений противника, из них - 100 боевых вылетов выполнил отлично, что подтверждено фотоснимками и последующими экипажами, из которых 27 боевых вылетов выполнил в сложных метеорологических условиях и при низких высотах, с одновременной штурмовкой войск на марше, железно-дорожных эшелонов и автомашин в движении и 6 боевых вылетов выполнил на разведку города ВАРША, военных объектов и аэроузлов, находящихся в районах ВАРША.

Тов. НУРПСОВ за короткий период боевой работы из молодого летчика-наблюдателя вырос в отличного мастера воздушной разведки не считается одним из отважных, смелых, настойчивых и инициативных летчиков-наблюдателей полка, отлично владеет техникой самолетовождения при любых метеорологических условиях как в облаках, так и за облаками на самолетах ИС-2 и ИУ-100 полка.

Плис Нурпеисов Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилган тақдирлаш варақаси

выполнении боевых заданий проявляет свою личную разумную инициативу в отыскывании цели, свою храбрость и хитрость разведчика в добыче ценных сведений о противнике.

Тов. ИУРПСОВ отлично пользуется и умело применяет в полете рациональные средства, что ему помогает отлично выводить летчика на цель для фотосамопроявления объектов противника. Он один из первых летчиков-наблюдателей полка летал на разведку и фотосамопроявление в дневных условиях на крупные города, железнодорожные узлы, политические центры, как: ВАРША - 10 раз, КИЕВ - 8 раз, ДАНИГ - 10 раз, ГДИН - 10 раз, ШТИТТИ - 7 раз, РИГА - 6 раз, КАУНАС - 5 раз, ВЛЬЮ - 4 раза и КИСКА - 11 раз, где добывал ценные сведения о деятельности противника и своевременно доставлял командованию по воздушной неоднократно действовала штурмовая и бомбардировочная авиации.

За период боевой работы разведывал и сфотографировал ж.д. узлы, станции, города, аэроузлы и аэродромы, как: БОГАНЬ, БИГОВ, ОРЛА, БОРИСОВ, БОБРУСК, ОДИКОВИЦА, ПУЛОВИЧ, МЛИН, БОЛОДИНО, ДИГА, ЗАРАЮВИЧ, ДОЛБИК, МОИНА, БОЖИКО, ГРОДО, ВАРШТА, ОСТРОЖИКА, ЛЕКА, СУАЛИК, ТРОБУРГ, ЛЕНЦА, КОСОВИЦА, ВУДЖИ, ШИДЛ, ШАУЛИ, РОСКИНБУРГ, АЛЕНШТАН, КИРЗВЕРГ, ОМБВИТ, СРАДЬЗБУРГ, ОДИПРО, ДОТ-А-МАУ, КАРКИНБУРГ, ВЛОМАНЬ, ТОРН, БРОВАР, ГРАУДИЦ, ВУДС, ДАНИГ, ГДИН, ШТОЛЬ, ЛЕНСБУРГ, РУМАНОВБУРГ, ШТИТТИ, ВУДИ, КЕЛЕН, КОЛЬБЕРГ, НАИМЬ, ГДИН-КРОНА, ДИРГАРА, ВОЛКИ, ШТИТТИ, ПАСВАЛЬК, СВЕНДИН, НОВА-БРАДЗВЕРГ, ШИМАУ, ОМБ-ВУЛЬ, ШИРСТАЛЬ, ШТАУСБУРГ, ВАРНАУ, НОВА-РУПИЦА, АКСКИ, ОРАШЕВБУРГ, ЛАВЕНШЛЬ-КА, БАУДИ, ПОТОВИ, БРАНДИНБУРГ, ВЕРНИ и города: РИГА, КАУНАС, ЛИБАУ, ПИМАУ, ШИГОВИЦА, ДИВИТ, ГДИН, ШТИТТИ, ШИМАУ и другие, где вскрыл: 30 ж.д. эшелонов, составов из 14500 вагонов и платформ груженых к живой силе и технике противника, вскрыл и сфотографировал 148 аэродромов, на которых обнаружено 207 самолетов разного типа, на шоссе, в грунтовых дорогах и в местах скопления войск вскрыто - 408100 автомашин и повозок, 825 танков, 1785 зенитных батарей и другого вида вооружения противника и 925 судов разного тоннажа.

Систематической разведкой установил наличие и развитие оборонительных сооружений по ф.р.: ДИМР, В.РЕНА по западной государственной границе СССР от 1939 года, оборону в восточной ПРУССИИ на «азурских» озерах, а также оборонительные сооружения в районах: ТОРН-ГРАУДИЦ, КИРЗВЕРГ-ДАНИГ-ГДИН при этом была сфотографирована площадь с оборонительными рубежами и сооружениями 2400 квадратных километров.

Тов. ИУРПСОВ неоднократно при выполнении боевых заданий встречал сильнейшее сопротивление ТВД противника, это никогда не страшило его наводить летчика на цель и производить подсчет и фотосамопроявление войска и технику противника. Он знал только одно, как лучше выполнить боевое задание и доставить в срок ценные сведения о противнике. За время боевой работы 18 раз подвергался преследованию истребителей противника, из них - 4 раза был атакован, но умелыми маневрами летчика и огнем своего истребителя не давал возможности противнику произвести атаку с близких дистанций, тем самым не боя выходял невредимым и 48 раз подвергался интенсивному обстрелу огнем СА противника, из них 1 раз был подбит, но благодаря хорошей сообразительности, хладнокровию не теряясь в сложной обстановке, вывел летчика по кратчайшему пути на свою территорию.



Целый ряд его боевых полетов были по истине героическими, в которых проявлял свои лучшие качества воздушного разведчика, мастерство, отвагу, находчивость, разумную инициативу и героизм, которые помогали ему всегда выполнять самые сложные и ответственные боевые задания на отлично, где он только поставлен был перед боевыми задачами, особенно в полетах над восточной Пруссией и ПОМЕРАНИИ в феврале-марте 1945 года по своей личной инициативе, совместно со стрелком-радистом, произвел 17 штурмовок по отступающим колоннам войск противника, в которых убиты не менее 50 солдат и офицеров, много повреждены автомашины и подбиты два эшелона противника.

22 марта 1945 года, выполняя 6-й очередной полет на БЕРЛИН, он произвел три захода и несмотря на сильный обстрел СА, задание по фотографированию БЕРЛИНА с прилегающими аэродромами, было выполнено, где обнаружил: 107 ж.д. эшелонов, состоящих из 30 паровозов, 6523 вагона и платформ, 2,50 автомашин и на 9-ти аэродромах - 237 самолетов разного типа и несмотря на интенсивный обстрел СА, он производил точную наводку самолета на цель и правильно корректировал летчика от разрывов зенитных снарядов, прокладывая ближайший путь для возвращения на свой аэродром.

26 марта 1945 года экипажу, в котором состоит тов. КУРПИСОВ, было поставлено задание произвести разведку двух аэродромов в районе БЕРЛИНА, которое он выполнил на отлично и на обратном пути по своей инициативе зашел на центр города БЕРЛИНА не страшась интенсивного обстрела СА и барражированными истребителями, сфотографировал западную часть центра города и несмотря на преследование истребителей и интенсивного обстрела СА, применив умелые тактические маневры, вывел самолет из зоны зенитного огня и от преследования истребителей невредимым, доставил командованию исключительно важные данные о противнике. В результате фотографирования обнаружил: 112 ж.д. эшелонов, 3875 вагонов и платформ, 14 паровозов, 2000 автомашин, на 3-х аэродромах - 165 самолетов и одновременно частично вскрыл систему ПВО района и города БЕРЛИНА.

20 марта 1945 года командованием части экипажу тов. КУРПИСОВА была поставлена задача Главного Командования Воздушной армии произвести разведку и сфотографировать результаты бомбометания авиации союзников порта, ж.д. узла, аэродрома и города СВИНМУНДЕ при любых метеорологических условиях, погода была плохая в районе аэродрома, зайдя в облака и прийдя на цель, снизился до 400 метров, цель была закрыта, зайдя снова в облачность через некоторое время погода резко улучшилась и на вторичном заходе цель оказалась открытой, он произвел три захода на фотографирование и после фотографирования снова повел самолет за облака и точно привел на свой аэродром. Результат разведки оказался отличным, после просмотра фильма установлено, что имеются большие разрушения от бомбометания союзников и кроме того обнаружено: 16 эшелонов, 47 самолетов, 100 судов и 219 автомашин.



~~312~~  
485

- 4 -

21

7 Сентября 1944 года, выполняя задачу по разведке ж.д. узлов и движение войск по дорогам в районе: ХАЙЛЬСБЕРГ, КОРУНГЕН, АЛЕНШТАЙН, ОРТЕЛЬСБУРГ был атакован тремя SB-100, неравный бой продолжался долго, израсходовав все боеприпасы, истребители бросались на беззащитного разведчика и с короткой дистанции на высоте 150 метров, был введен правый мотор из строя, но несмотря на продолжительное время борьбы с истребителями и потерю при этом ориентировки, он сумел быстро восстановить ее и вывел самолет на своей территории по кратчайшему пути.

15 Мая 1944 года на 10-м боевом вылете при выполнении задачи на разведку ж.д. узлов и аэродромов: ПОГНИЛЬ, БОБРУССК и ОСИПОВИЧИ при заходе для фотографирования на цель ПОГНИЛЬ был интенсивно обстрелян ЗА противника до 400 разрывов, но благодаря его хладнокровию и смелости, отлично корректируя летчика вывел экипаж из зоны обстрела невредимыми и одновременно произвел фотографирование данного пункта, после захода на БОБРУССК, снова был интенсивно обстрелян ЗА и прямым попаданием снаряда был выведен из строя левый мотор, цель с первого захода не удалось сфотографировать, тов. НУРПИСОВ проявил настойчивость, снова привел самолет на цель и не взвизывая на то, что вышел из строя один мотор, цель им была сфотографирована со второго захода. С большим трудом, но благодаря умелому самолетовождению, он привел самолет на свой аэродром и задание выполнил на отлично. За этот полет вскрыл и сфотографировал: 67 ж.д. составов, 10 самолетов, 50 автомашин и другой техники противника.

Тов. НУРПИСОВ над территорией временно оккупированной противником, над территорией ГЕРМАНИИ в ВОСТОЧНОЙ ПРУССИИ, ПОМЕРАНИИ, БРАНДЕНБУРГСКОЙ области и над центром логова фашизма налетал - 250 часов, пройдя при этом 89000 километров воздушного пути и сбросил 800000 листовок.

Каждую поставленную боевую задачу командованием тщательно разрабатывает перед боевым вылетом, составляя себе разные варианты на случай плохих метеоусловий и противодействия противника.

Тов. НУРПИСОВ на практической боевой работе доказал свою беспредельную преданность делу партии ЛЕНИНА-СТАЛИНА и Социалистической Родине в борьбе с немецкими захватчиками. Своей неутомимой боевой работой он вписал в страницу боевых подвигов в Великой Отечественной войне, верный сын нашей Родины и наш сын казахского народа.

За успешное выполнение 100 боевых вылетов на дальнюю разведку глубоких тылов противника, из них - 10 вылетов выполнил в дневных условиях первым летчиком-наблюдателем полка на столицу фашистской ГЕРМАНИИ - БЕРЛИН и проявленное при этом отвагу, мужество и героизм, достоин Высшей Правительственной награды - присвоения звания ГЕРОИ СОВЕТСКОГО СОЮЗА с вручением ордена "ЛЕНИНА" и медали "ОЛОТАЯ ЗВЕЗДА".

КОМАНДИР 7 ОГНАВЦІ РК  
ГВАРДІЙ ПОЛКОВНИК - *Туркин* (ТОРКИН)

5 апреля 1945 г.



786

ЗАКЛЮЧЕНИЕ ВЫШЕСТОЯЩИХ НАЧАЛЬНИКОВ.

Ст. лейтенант НУРПСОВ П.К. успешно выполнил 100 боевых заданий на разведку в глубокой тыл противника.

За успешное выполнение 14 боевых заданий награжден орденом КРАСНОЕ ЗНАМИ. За последующее успешное выполнение 14 боевых заданий награжден вторым орденом КРАСНОЕ ЗНАМИ и за 19 боевых заданий - орденом ОТЕЧЕСТВЕННОЙ ВОЙНЫ I СТЕПЕНИ.

Тов. НУРПСОВ отлично выполняет самые трудные и сложные боевые задания по разведке. Техникой самолетовождения владеет отлично. На выполнение боевых заданий идет смело и решительно. Неоднократно подвергался обстрелу ЗА и атакам истребителей противника, но не взирая на опасность, выполнял задания конвоирования и доставлял ценные сведения о противнике. В сложных метеоусловиях летает отлично и всегда приходит на свой аэродром.

За отличное выполнение 100 боевых заданий на глубокую разведку в тыл противника и проявленные при этом мужество, отвагу и героизм достоин Правительственной награды - присвоения звания ГЕРОЮ СОВЕТСКОГО СОЮЗА с вручением ордена ЛЕНИНА и медали золотая звезда.

ЗАМ. НАЧ. ШТАБА ВВС КА ПО РАЗВЕДКЕ  
ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТ АВАЛДИ

*А. Авадидзе*  
(ГЕНЕРАЛ);

"К" штаб 1945 г.

*Присвоил 100 боевых вылетов на дальнюю разведку в глубокой тыл противника на самолетах Ту-2 и ТБ-2 в составе экипажа тов. Авадидзе.*

*прик. баш.*

0/190

Присвоено звание  
Героя Советского Союза  
с вручением ордена Ленина  
и медали "Золотая Звезда".  
Указ Президиума Верхов-  
ного Совета Союза ССР  
от 18. 8 1945.



качи авиаполк командири полковник Тюрин ҳамюртимизни I даражали Ватан уруши ордени билан тақдирлаш учун берган тавсияномасида келтириб ўтган.

Узоқ масофали разведка парвозларининг 19 тасини муваффақиятли амалга оширгани ва қўмондонлик томонидан белгиланган жанговар топшириқларни аъло даражада бажаргани учун жасур учувчи 4-ҳаво армияси қўмондонлигининг 1944 йил 12 декабрдаги буйруғига биноан, I даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланди.

1945 йилнинг 5 апрелида 47-алоҳида гвардиячи Қизил Байроқ орденли разведкачи авиаполк командири полковник Тюрин мард учувчимизни 100 та жанговар парвозни муваффақиятли амалга оширгани муносабати билан Қаҳрамон унвонига тавсия этади. Тавсияномада Плис Нурпеисов полкда кундузги шароитда жанговар разведкани амалга оширган биринчи учувчилардан экани ва душман босиб олган Померания, Шарқий Пруссия, Германия ҳудудларида 256 соатлик разведка парвозларини амалга оширган вақтида 89600 километрли ҳаво йўлини босиб ўтгани ва бу жараёнда 800 000 жанговар варақаларни тарқатгани келтириб ўтилган.

У Данциг, Гдиня ва Берлин осмонида 10 мартадан, Кенигсбергга 8 маротаба, Штеттенга 7, Ригага 6, Каунасга 5 марта ва Минскка 11 маротаба кундузги разведка парвозларини олиб борган. Шунга ўхшаш кўплаб маълумотларни ўзида мужасамлаштирган тавсиянома 1945 йилнинг 5 апрель куни шакллантирилган ва юқори қўмондонликка берилган эди.

Плис Нурпеисов ана шу тавсияномада кўрсатилган санадан сўнг яна олти маротаба жанговар разведка парвозларини амалга оширади.

Берлин учун жанглар бир кунда бир неча маротаба осмонга кўтарилишни тақозо этган. Худди шундай ҳолат Плис Нурпеисов экипажида ҳам кузатилди. 1945 йилнинг 23 апрель санасида экипаж уч марта ҳавога кўтарилди ва қўмондонликка муҳим разведка маълумотларини олиб келди.

Улар олиб келган разведка маълумотлари Берлин штурмини амалга ошираётган куруқликдаги қўшинлар жанговар ҳара-

катларини мувофиқлаштириш учун ўта даражада муҳимлиги боис экипаж тўртинчи марта разведка парвозини бажариш учун ҳавога кўтарилди. Белгиланган ҳудудда зарур бўлган авиафототасвирлар олинди, бу тўғрисида қўмондонликка рация орқали хабар берилгач, экипажга ортга қайтишга буйруқ берилди. Буйруққа жавобан экипаж командири ортга қайтишларини билдирди, лекин, минг афсуски, улар қайтиб келишмади...

Экипаж командири К.Д. Дунаевский, кузатувчи-учувчи катта лейтенант П.К.Нурпеисов, ўқчи-радист катта сержант С.И. Кононов ва ҳаво ўқчиси М.З.Панфилов 1945 йилнинг 23 апрель санасида Берлин осмонида сўнгги жанговар парвозини амалга ошириб, зиммасидаги топшириқни аъло даражада адо этганлари ҳолда мангулик қаърига сингиб кетдилар...

Плис Нурпеисов экипажи жанговар фаолияти давомида душманнинг 148 та аэродромини, 3646 та темир йўл эшелони, 1735 зенит батареяларини, 925 та ҳар хил турдаги кема ва бошқа кўплаб стратегик аҳамиятга эга қурилма ва иншоотларини авиафототасвирларга олгани ва уларнинг жойлашув нуқталарини қўмондонликка етказиб бергани маълум бўлди. Унга СССР Олий Совети Президиумининг 1945 йил 18 августдаги Фармони билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Ҳозирга қадар экипажнинг қай тарзда ҳалокатга учрагани ва дастлабки дафн этилган жойи тўғрисидаги архив маълумотлари топилмади. Лекин Россия Федерацияси Калининград вилояти Хотира китобининг 21-бобида Плис Нурпеисовнинг номи қайд этилган. Калининград шаҳридаги Қаҳрамонлар ёдгорлик мажмуасидаги мрамор тошга унинг номи зарҳал ҳарфлар билан абадийлаштирилган.

Қаҳрамон вояга етган Тахтакўпир туманидаги мактабга унинг номи берилди, Нукус давлат университети биносида ёдгорлик тахтаси ўрнатилди.

**Зебо ХОЛБОВА,**  
*“Шон-шараф” давлат музейи ходими*



## Тожиали БОБОВ

(1908–1984)

1908 йилда Марғилонда тўқувчи-хунароманд оиласида таваллуд топган Тожиали Бобоев 7–8 ёшида маҳалласидаги диний хусусий мактабда таҳсил олиш билан бирга, отасидан адрас ва бошқа шойи матолар тўқиш сирларини ўрганиб вояга етади. 1923 йилда уни зардўзлик касбини ўрганиш ва маълумотини ошириш учун Бухоро вилоятининг Ёждувон тумани марказига жўнатилади.

Оиласидаги иқтисодий қийинчилик ва етишмовчиликлар туфайли у Ёждувондаги иши ва мактабини ташлаб Марғилон шаҳрига қайтишга мажбур бўлади. 1926 йилдан 1935 йилгача Марғилон атлас артелида оддий тўқувчи, кейинчалик уста лавозимида ишлайди. Тақдир тақозоси билан навқирон йигит 1935–1942 йилларда яна Ёждувондаги “Қизил тўқувчи” артелида цех бошлиғи лавозимида фаолиятини давом эттиради.

Иккинчи жаҳон уруши авж олган паллада, яъни 1943 йил март ойида 35 ёшида армия сафига кўнгилли сифатида ариза ёзиб, фронтга жўнайди. Дастлаб Ростов шаҳридаги 1006-ўқчи полкида ўқув батальонида уч ой ҳарбий тайёргарликдан ўтгач, кичик сержант унвони билан 1006-ўқчи полкига жўнатилади.

Тожиали Бобоев 1943 йилнинг июнь ойи бошларидан Украинанинг Харьков йўналиши бўйича аёвсиз жангларда ўқчи қисм командири сифатида қатнашади.

Харьков ва Днепропетровск шаҳарларини душмандан озод этишда чап қўлидан оғир ярадор бўлишига қарамай, юксак жасорат кўрсатади. Ҳарбий госпиталда довланиб чиққач, Кривой Рог шаҳрини душмандан тозалашда, шунингдек, Днепр ва Днестр дарёларини кечиб ўтишдаги қонли жангларда қатнашиб, Молдавия ҳудудларида душманга қақшатқич зарбалар бе-



ришда фаол иштирок этади, яна бир неча бор ярадор бўлади.

1944 йил охирида унинг ҳарбий қисми 2-Белоруссия frontiдаги дивизия таркибида Польша давлатини фашистлардан озод этишга сафарбар қилинади.

1945 йилнинг 20 январида Коло шаҳри эгалланиши ва Варта дарёсини кечиб ўтишда Тожиали Бобоев ўз пулемёти билан ўқчи қисмлар силжишига халақит бераётган душман снайпери ва қўл пулемёти расчётини йўқ қилди. Кўча жангларида у 14 гитлерчини яқсон қилиб, яна 7 тасини асир олди.

Одербўйи Франкфурт шаҳри остоналаридаги жангларда кичик сержант Бобоев ўзининг қўл пулемёти билан яқка ўзи гитлерчиларнинг қарийб бир взводини қириб ташлади. Фурсатни бой бермай ҳамда рота командирининг буйруғини кутмасдан, душманнинг йирик ўқотар нуқтасига-



Все графы заполнять полностью

# Наградной лист

Фамилия, имя и отчество БАБАЕВ Таджи Али

Звание Младший сержант 3. Должность, часть наводчик пулемета  
100й стрелкового полка 236 стрелковой дивизии.

Предлагается к награде Званием Герой Советского Союза

4. Г. место рождения 1931 Узбекская С.С.Р. Баркятская обл.  
г. Магдобо Национальность узбек

6. Партийность член ВКП(б) 7. Участие в гражданской войне, последующих боевых действиях по защите СССР и Отечественной войне (где, когда) с 3.1943г. Юго-Западный фронт;  
Черкесский фронт; 3-й Украинский фронт; 1-й Белорусский фронт.

8. Имеет ли ранения или контузии в Отечественной войне (число, месяц, год ранения, место ранения в настоящее время) 3 ранения: 18.11.43г. в плечо; 09.01.44г. в левую руку; 18.11.43г. в плечо.

9. С какого времени в Красной Армии (месяц, год) с 1943г.

10. Каким РВБ призван Баркятским Баркятской обл. 11. Чем ранее награжден (№ приказа, дата, чей приказ) Званием Старшего сержанта приказом от 30.11.43г. № 514. Ком. Восточного фронта.

12. Домашний адрес представляемого к награждению и адрес его семьи

А Ч И В П О Д Ш Н В Б М

### 1. Краткое, конкретное изложение личного боевого подвига или заслуг

В бою при прорыве обороны немцев 18.11.43г. взвод г. Бабаева наступая был принят к боевым действиям после подготовки пулеметом. Г. Бабаев под его огнем дерзко подобрался к пулемету противника, в то же время, дав возможность взводу продвигаться дальше. В бою под Цемли т. Бабаев был ранен, но остался в строю. В бою за Риквановку 19.11.43г., обеспечивая фронт наступающей роты, обнаружил до роты пулемет противника по линии заходящей взротно батальону. После своего замыворочника доложил командира роты, подпустил немцев на 100 метров и открыл точный огонь. Немцы, сначала ошеломленные внезапным ударом отступили и пошли на Бабаева. Но стойкий пулеметчик не отступил ни шага, продолжал биться против роты противника, пока подающим подкреплением немцы не были отброшены. 23.11.43г. т. Бабаев в личном бою за Берлин первым взорвался в здании Ситовского вокзала. Метательной рукой подорвал на нем Красное Знамя. Достоин награждения Званием Герой Советского Союза.



Воин 100й стрелкового полка  
Полковник: Мералин Т. Терезин  
20. Апрель 1945

М. П. Командир (начальник) (наименование части)  
(подпись) (фамилия)

Тожиали Бобоев Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилган тақдирлаш варақаси



*Тожиали Бобоев командирлигидаги 1006-ўқчи полк бўлинмасида жасорат намуналарини кўрсатган ўзбекистонлик жангчилар. Берлин шаҳри. 1945 йил апрель*

ча эмаклаб бориб, дзотни моҳирона яксон қилади. Бу жанговар операцияларда кўрсатган мардлиги учун Қизил Юлдуз ва II даражали Ватан уруши орденлари билан мукофотланади.

1-Белоруссия фронтининг 1006-ўқчи полки бўлинма командири Бобоев фашистларни таг-томири билан йўқ қилишга сарфарбар этилади. У Цехин шаҳри ёнидаги жангларда ярадор бўлса-да, жанг майдонини ташлаб кетмайди.

Рингенвальде шаҳри учун жангларда ўз бўлинмаси билан ротанинг чап қанотини мудофаа қилар экан, зийрак жангчининг назари кенг ўтлоқдаги шубҳали ҳаракатларга тушади. Гитлерчилар жангчиларимизнинг қаторларига янада яқинлашиб, уларга орқадан зарба беришга шайланаётган эди. Вақтни йўқотмаслик учун Бобоев ўз сафдошини командирга зудлик билан хабар етказишга юбориб, ўзи пулемёт би-

лан душман йўлини тўсиб, уларга қарата тўхтовсиз ўт очиб туради.

Душман аскарлари дастлаб гангиб қолади, улар ўзларига қарши ёлғиз бир аскар қўл пулемёти билан ўт очаётганидан мутлақо беҳабар эди. Бобоев эса тез-тез жойини ўзгартириб, бир гуруҳ аскарлар бордай таассурот туғдиради ва взвод ёрдамга етиб келгунча матонат кўрсатиб, жангни давом эттириб туради.

1945 йил апрель ойида сержант Бобоев командирлигидаги жангчиларга Берлин шаҳрига 20 километр қолган масофадаги душманнинг тиш-тирноғига қуролланган ҳарбий истехкомларига кучли зарбалар бериб, душман пойтахтига кириш ҳамда энг муҳим ҳарбий стратегик аҳамиятга эга бўлган иншоотлардан бири – Силезия темир йўл вокзали ва темир йўл узелини қўлга киритишдек жанговар топшириқ берилади.



Ҳал қилувчи жангларда Бобоев чинакам мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатади. 23 апрелда биринчи бўлиб Силезия вокзалига бостириб кириб, юзларча фашистларни йўқ қилади, бинонинг энг баланд қисмига байроқни ўз қўли билан ўрнатади.

Берлинни таслим этишда зўр жасорат ва матонат кўрсатгани учун СССР Олий Совет Президиумининг 1945 йил 31 майдаги Фармонида биноан, ўзбекнинг мард

ўғлони Тожиали Бобоев Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланади.

Қирғинбарот урушдан эсон-омон қайтган ватандошимиз она юртида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бор куч-ғайратини сарфлайди. Бир қанча жамоа хўжаликларига оқилона раҳбарлик қилиб, ҳукумат мукофотларига сазовор бўлади.

Тожиали Бобоев 1984 йилда вафот этади. Марғилон шаҳридаги Оқ мачит қабристонига дафн этилади.

**Тўлқин ЗОҲИДОВ,**  
*тарих фанлари номзоди,*  
*доцент*



## Каримжон ИСОҚОВ

(1922–1986)

Фашизм ва уруш тушунчалари инсоният онгида ўқ овозларию снарядлар портлаши, инсонларнинг кўз ёшию ҳалок бўлганлар безовта руҳи бўлиб гавдаланади.

Мен, уруш фахрийсининг қизи учун уруш – бу шунчаки тарих дарслигининг бир саҳифаси эмас, балки отам Каримжон Исоқов ва унинг полкдошлари – 1-Белоруссия fronti 3-зарбдор армия 79-ўқчи корпус 150-Идрица – Берлин II даражали Кутузов орденли ўқчи дивизияси 674-ўқчи полк жангчиларининг ёрқин хотираларидир.

Мен отам билан алламаҳалгача ўтириб, уларнинг хотираларини тинглардим. Отам табиатан камтар эди, ўзининг қаҳрамонликлари ҳақида тортиниб гапирарди. Ҳужжатлар эса бу ҳақда қуйидагилардан дарак берарди:

Тақдирлаш варақасида қайд этилгандики, *“Биринчи жанговар мукофотни 282-ўқчи дивизия 872-ўқчи полкининг алоқа сержанти сифатида 1943 йилнинг январида ҳужум жангларидаги иштироки учун олган”*. *“Новгород вилояти учун жангларда у алоқа йўналишидаги 80 та шикастланишни бартараф этган. Бунинг учун III даражали Слава ордени билан тақдирланган”*.

Отамга Берлин остонасидаги жанглар учун 1945 йилнинг 14 апрелида, ҳужумкор гуруҳда бўлган пайтида II даражали Ватан уруши ордени берилди. Уларнинг гуруҳлари беш пулемёт нуқтасини эгаллади ва батальоннинг асосий кучи силжиши учун йўлни очиб берди. 1945 йилнинг 17 апрелида шу гуруҳ таркибида Фридландершторм канали орқали кечиб ўтаётганда, душман ҳандақи эгалланди ва бу бир қанча взводларга кечувни йўқотишларсиз кечиб ўтишга имконият яратди.

Гуруҳ Кунерсдорф аҳоли пунктини айланиб ўтиб, душманнинг чекиниш йў-



лини кесди. 250 дан ортиқ немис аскар ва офицерлари асир олинди. Немислар мудофаасини ёриб ўтиш ва Берлинга ҳужумга киришгани учун Олий Бош Қўмондоннинг 1945 йил 23 апрелдаги 339-сонли буйруғи билан отамга “Миннатдорлик” билдирилди.

Асосий жанг ҳали олдинда. Асосий жанг Рейхстаг учун бўлади. Ушбу узоқ кутилган ҳодиса ҳақида хотиралар отамнинг кундаликларида сақланиб қолган.

Албатта, бу ҳодиса рўй берган кунларни уруш фахрийсидан бошқа ҳеч ким ёрқин тасвирлаб бера олмаса керак!

Отам ҳужум ҳақида шундай хотирлаган эди:

*“Рейхстаг ва “Гиммлер уйи” ораси 300 метрдан кўпроқ. Рейхстаг олдида ҳандақлар қазилган, оловли нуқталар кўп. Унинг ва қўшни уйлар томларида ўрнатилган катта калибрли пулемётлар ва енгил*





Офицеры 674 стр. полка, 150 Идрицкой, Берлинской, ордена Кутузова 2-й степени стр. дивизии, 79 стр. корпуса, 3 Ударной Армии, 1-го Белорусского фронта.

Слева направо: 1. Мл. лейтенант МАМЕДОВ, 2. Ст. лейтенант ШЕЙКИН, 3. Капитан ДАВИДОВ, 4. фамилия неизвестна, 5. Майор СУББОТИН, 6. ЧЕПЕЛОВ, 7. лейтенант ИСАКОВ, 8. Мл. лейтенант КАРПОВ, 9. Ст. лейтенант ВАСИЛЬЧЕНКОВ.  
2 мая 1945 года у здания разбитого Рейхстага.

*Каримжон Исоқов сафдошлари билан вайрон бўлган Рейхстаг биноси олдида. 1945 йил 2 май*

зенит тўплари бизнинг жанговар сафимизга қаратилган.

Тиргартен боғида – қуроллар ва танклар. Булар гумбурлар ва олов отарди. Бутун майдон миналаштирилган. Мана шу жаҳаннам орқали ўтиш ва омон қолиш керак. Албатта, омон қолиш керак, ҳали қалғалар қалғаси Рейхстагда олишиш бор. Биз ҳаммамиз Рейхстаг қулаши билан уруш тугашига амин эдик.

Мен, Василий Давидовнинг ҳужумкор батальони партия ташкилотчиси сифатида лейтенантлар Литвак ва Атаев взводлари бўлган лейтенант Петр Греченковнинг ротаси билан ҳужумга бораётган эдим. Шу он Атаевни ўқ ҳалок қилди. Яна бир қанча жангчи йиқилди, лекин бу бошқаларни тўхтатиб қолмади.

Депутатлар кирадиган подъездга биринчи бўлиб бир қанча сафдошларим етиб келди. Лейтенант Кошкарбоев ва Григорий Булатов ўз взводлари кўмагида бузилиб ётган айвон-балконга байроқ ўрнатди. Бош подъ-

езд томондан қўшни батальон – Неустроев жангчилари ёпирилиб киришди.

Бино ички йўлаги туганмас, хоналар жуда кўп эди. Биз бино марказига қараб ҳаракатландик. Ҳужумчиларнинг асосий кучлари Рейхстагга ёриб кирди. Бино ичида жанг авж олди.

Ерости йўлакларида гитлерчилар кўп эди. Душман қаршилиги заифлашмасди. Ёнғинлар бошланди. Уларни имкон борица ўчирардик.

Бу орада Давидов ва Неустроевларнинг батальонлари ҳимояси остида Берест, Егоров ва Кантария тепага кўтарилиб, Рейхстаг устида Ғалаба байроғини ўрнатишди.

Немислар билан жанг 30 апрель тунида, 1 ва 2 майда давом этди. Фақатгина 2 майда Рейхстаг гарнизонидаги фашист қолдиқлари қуролларни топширди ва таслим бўлди. Улар сони мингдан ортиқ эди.

Рейхстаг ва Бранденбург дарвозалари олдида қанчалик хурсандчилик ва шоду хурамлик бўлганини тасвирлаш қийин”.

1945 йил 10 майдаги тақдирлаш варақасида шундай дейилган:

*“1945 йил 29 апрелида ўртоқ Исоқов биринчилардан бўлиб Шпрее дарёсини кечиб ўтди. 1945 йил 30 апрелда жангчилар гуруҳи билан Рейхстаг биносига кирди, йўлида ертўлалардан бирининг киришини эгаллади ҳамда Рейхстаг гарнизонининг 300 дан ортиқ немис аскар ва офицерларини беркитиб қўйди. 14:45 да ўртоқ Исоқов иштирокида ва раҳбарлигида жангчилар ҳужум билан юқори қаватни эгаллашди ва Рейхстаг биноти устига Ғалаба байроғини ўрнатилди.*

*Кўрсатилган қаҳрамонлик ва мардлик учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига муносиб”.*

Мана, яна бир ҳужжат. Бу – 1945 йил апрелидаги “8-зарбдор армия сиёсий бўлимининг махсус варақаси”. У “Қаҳрамонимиз лейтенант Каримжон Исоқов” деб номланади.

*“Батальон партия ташкилотчиси лейтенант Каримжон Исоқов доим ҳужумчиларнинг олдинги сафида. Унинг шон-шавкати ва жасорати жангчиларни ҳужумда журъатли, жангда матонатли бўлишга ундамоқда.*

*Жангчи ҳисобида ўнлаб йўқ қилинган гитлерчилар бор. У тўрт бор яраланди, лекин ўз бўлинмаси сафига тезда қайтди.*

*Армияга кўнгилли бўлиб келди ва ўзбек халқининг топшириғини виждонан бажармоқда. Кўксидеги III даражали Слава ордени унинг жанговар шон-шавкатидан гувоҳлик беради.*

*Берлин ҳужумига ўтилганда лейтенант Исоқов ўзини довярак қаҳрамон сифатида кўрсатди... Ҳужумга кириш керак бўлган пайтда, немислар пулемётларидан олов очганида, баъзи жангчилар иккилашиб ёки қадамини секинлатиб ерга ётиб олаётганида, айнан Исоқов ўзини кўрсатди.*

*– Олға, Берлинга! – деган унинг даъваткор овози эшитилди.*

*У душманнинг қаршилигига қарамасдан, олдинга интилди. Жангчилар лейтенантни қўллаб-қувватлашди ва йўлдаги немис ҳандақларига ёриб киришди. Исоқов ҳандақларда жанг олиб бориб, гранаталар ва автомат билан шахсан тўрт немисни йўқ қилди...*

*Немислар қайта ҳужумга ўтганида эса Исоқов энг хавfli нуқтада турди. Немис ўзиюрар замбараклари яқинлашганда Исоқов биринчилардан бўлиб уларга ўт очди... Ўзиюрарлар олдга юра олмади, орқага бурилди. Немис пиёдаси ҳам саросимага тушди...*

*Жасур жангчига – ўзбек халқининг ботир ўғлонига шон-шарафлар бўлсин!*

*Ўртоқ жангчилар! Қаҳрамонларга тенглашинг, уларнинг сафини кенгайтиринг, бизнинг жанговар шон-шавкатимизни кўпайтиринг! Ватан учун олға! Берлин кўчаларида душманни тор-мор келтирамиз!”*

*Батальон аскарлари отамни журъати ва ботирлиги, жангдаги жасоратлари учун яхши кўришарди. Мазкур жанговар варақада уларга бағишланган алоҳида шеър босилиши ҳам бундан далолат беради.*



ЖАНГЛАР ҚАҲРАМОНИ – III ДАРАЖАЛИ  
СЛАВА ОРДЕНИ СОҲИБИ ИСОҚОВГА

**ҲАММА ИСОҚОВДЕК БЎЛСИН!**

*Тўрт томонимизда гувуларди ер,  
Қутурганча босиб келарди ёғий.  
Жангга отиларди доим биринчи,  
Илк ғолиб ҳам ўзи олишув чоғи.  
Унинг жасурлик-ла керилган кўксин,  
Билсангиз, “Шуҳрат” ҳам безамас бежиз.  
Не-не ўқларга у қалқон бўлганди,  
Янги йўллар сари етаклаб унсиз.  
Бўлажак олишув ва ҳужумларда,  
Биламан, у бўлар олдинги сафда.  
Ҳамма Исоқовдек бўлсин, тилагим,  
Кўксиди порласин шон ила шавкат.*





*Каримжон Исоқовнинг фарзандлари Рустам, Элнура, Равшана ва невараси Жаҳонгир “Шон-шараф” давлат музейида. 2020 йил*

Отамнинг омади келиб, урушдан омон қайтди. Мен отам билан қаҳрамон шаҳарга қилган сафарларимизни, буюк Ғалабани таъминлаганлар билан мулоқотларни ҳеч қачон унутмайман: Москва шаҳри Измайлово боғидаги, 247-сонли, ҳозирда 1494-сонли ўрта мактабдаги ҳар йилги учрашувлар; “Жанговар шон-шараф ҳафталиги” доирасида маршал В.И. Чуйков, генераллар К.Ф. Телегин, В.М. Шатилов, Ф.Я. Лисицин, Рейхстаг ҳужуми ва Ғалаба байроғини ўрнатиш қаҳрамонлари М.А. Егоров ва М.В. Кантариянинг Ўзбекистон заминига, уйимизга ташрифлари...

Отам 1922 йилнинг 30 майида туғилган. 1941 йилдан 19 ёшли йигит аскарлик шинелини кийди. Отам бу давр ҳақида элаганида доимо йўталарди ва кўз ёшларини яширарди. Қўлларида мушт тугиларди. Юзларида ғам ва дард ифодаланарди. Ҳойнаҳой, бунинг сабаби охириги жангдан бир неча кун олдин кўплаб жанговар дўстлари ҳалок бўлганидадир.

Ҳаётининг сўнгги йилларида тунлари баланд овоз билан даъваткор сўзларни айтиб уйғонарди. Гарчи орадан анча йиллар ўтган бўлса-да, у кунларнинг хотиралари безовта қиларди, чоғи: тушларида оловли 40-йилларда яшашда давом этарди.

Отам умр бўйи ҳарбий бўлди. Урушдан кейин Киев, Москва, Кавказорти, Туркистон ҳарбий округларида хизмат қилди.

1969 йили полковник ҳарбий унвонига эга бўлди. 21 йил ҳарбий комиссар бўлиб ишлади. Ҳарбий хизматни 1980 йили – 40 йиллик фаолиятдан кейин тамомлади.

Отам 1986 йили вафот этди ва Наманган шаҳрида дафн қилинди. Қабртошида шундай қайд бор:

*“Рейхстаг қуббасига  
байроқ тиккан он,  
Сизга олқиш айтган  
толиққан жаҳон,  
Ватан посбонлари  
яшайди уйғоқ,  
Демак, ҳар бир дилда  
ёдсиз, отажон!”*

Отамнинг қаҳрамонликлари ва жасорати Н. Шатиловнинг ҳужжатли қиссасида, шунингдек, В. Шатилов, И. Кургузов, Ф. Лисицин, М. Сбойчаков, М. Мержанов, М. Байсуров, Е. Долматовский, В. Субботин, Ҳ. Тожибоев қаламига мансуб китобларда, вақтли матбуотда ёритилган.

Уруш хотираси билан боғлиқ яна бир қизиқ воқеа ёдимга келади.

1973 йили, 18 ёш пайтимда Москвага борганимизда, отам билан тарих музейига кирдик. Музей экспозициялари билан таниша бошладик. Мен Улуғ Ватан уруши залига етиб келдим ва оловли 40-йилларга тааллуқли тарихий ҳужжатларни кўраётган эдим.



Тўсатдан 1945 йилда чоп қилинган жанговар варақада отам ҳақидаги шеърни ўқиб қолдим ва ҳаяжонланганимдан биланд овозда: “Бу – менинг дадам!!!” – деб қичқириб юбордим.

Шунда стулда ўтирган зал назоратчиси ёнимга келиб ҳайрат билан сўради: “Бу сизнинг дадангизми? Буни тасдиқлай olasизми?”

Мен уларга отам билан бирга келганимизни, фақат у киши бошқа залда эканини билдириб, чақириб келгани кетдим. Отам билан қайтганимда, экспонат олдида суратчи ва музей ходимлари тўпланган эди. Бир зумда ташриф буюрувчилар бизни қўршаб олди, уларнинг орасида катталар қатори болалар ҳам бор эди.

Бир киши, назаримда, музей директори бўлса керак, отамни барча ташриф буюрувчиларга – жонли тарих сифатида таништирди. Бизни суратга олишди ва хотира учун суратни совға қилишди. Кейин музей ходимлари отам билан узоқ суҳбатлашишди.

1977 йили отам музейга 1945 йили уларга Берлинда Рейхстагга биринчи бўлиб ҳужум қилган жангчилардан бири сифатида берилган “Гала” русумли соатини топширди. Бу соатлар, аслида, Қизил майдонга биринчи кирадиган вермахт аскарларига мўлжалланган эди. Бу соатлардан бири музейга, ниҳоят, инсониятни Вермахт зулмидан озод қилган халоскор жангчилардан бири орқали кириб келди...

“Рейхстагга” сурати Москвадаги Куролли Кучлар Марказий музейига тақдим этилди. Кўплаб тарихий ҳужжатлар, полкдошлар билан учрашувларнинг суратлари, видеолавҳалар Москва шаҳридаги 1494-сонли (аввалги 247-сонли) ўрта мактабнинг “150-Идрица-Берлин дивизияси” номли музейида сақланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Тошкентда “Ғалаба боғи” ҳамда унинг таркибидаги “Шон-шараф” музейини ташкил этиш ташаббусини эшитганимизда, бу янгиликни ҳаяжон билан қабул қилдик.



*Каримжон Исоқовнинг  
“Гала” русумли соати*

Биз, Каримжон Исоқовнинг фарзандлари фахр билан шу вақтгача уйда сақлаб келган бебаҳо тарихий ашёларни – хотиралар қўлёзмалари, жанговар мукофотларнинг ҳужжатлари, орденлар ва медалларни буюк Ғалабанинг 75 йиллигида очилган ушбу музейга топширдик.

Отам ҳақидаги хотиралар умр йўлдошлари Нафиса Раимовна, фарзандлари Элнура, Равшана ва Рустам, неваралари ва эваралари, улар билан хизмат қилган, ишлаган ва шунчаки таниган инсонлар қалбида чуқур из қолдирган.

Менинг оилам учун Ғалаба куни жуда рамзий, сабаби 2017 йилнинг 9 майида ўғлим Жаҳонгир фарзандли бўлди. Биз унга катта бобосининг шарафига Каримжон деб исм қўйдик.

Биз учун отам – орият, донолик, қалб улуғворлиги ва камтаринлик рамзи. У – ўзбек халқининг чин ўғли ва умрининг сўнги кунларигача элига садоқат билан хизмат қилган инсон.

Отажон! Доимо бизнинг ёдимиздасиз... Хотирада сақланаётган қаҳрамонона ўтмиш – бугуннинг бир бўлагидир.

**Равшана ИСОҚОВА,**  
*полковник Каримжон  
Исоқовнинг қизи*



## Ғулом СУЛТОНОВ

(1922–2009)

Рейхстагга биринчи бўлиб кирган ва байроқ ўрнатган машҳур 150-Идрица – Берлин II даражали Кутузов орденли ўқчи дивизияси таркибида ўзбекистонлик Ғулом Султонов ҳам бор эди.

Унинг жанговар йўли 1942 йилдан бошланади.

Ғ.Султонов 127-алоҳида ўқчи бригаданинг 1-алоҳида ўқчи батальони миномёт ротасида взвод командири бўлиб хизмат қилди. У взводи билан душманга миномёт оловини йўллаб, ўт очиш нуқталарини йўқ қиларди.

1943 йили Ғулом Султонов Қизил Юлдуз ордени билан биринчи бор тақдирланди.

1943 йил сентябрда 127-алоҳида ўқчи бригада янги ташкил топган 150-ўқчи дивизия таркибига кирди. Эндиликда лейтенант Ғулом Султонов дивизиянинг 469-ўқчи полкида миномёт ротасига бошчилик қила бошлади ва 1944 йилдан рота командири бўлди. Зеленая тепалиги учун жангларда кўрсатган жасорати учун у иккинчи бор Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди.

1944 йилнинг 16 октябрида бўлган жангларда душмanning артиллерия ва миномёт батареяларини, ўт очиш нуқталарини, 70 дан ортиқ фашистни йўқ қилди.

19 октябрда пиёда қисмлар душмanning олти хужумини миномёт олови ёрдамида қайтаришга муваффақ бўлди.

Ғ. Султоновга бу жанглардаги мардлиги учун I даражали Ватан уруши ордени берилди.

У 1945 йилнинг 16 апрелидан Берлин йўналишида душман мудофаасини ёриб ўтишда ва 22 апрелдан кўча жанглирида жасорат кўрсатди.

Катта лейтенант Ғ. Султоновнинг ротаси томонидан 16 апрелдан 30 апрелгача 14 пулемёт нуқтаси ва 80 га яқин гитлерчилар йўқ қилинди.



У Берлин шаҳри кўчаларида 24 апрель куни олиб борилган жангда фашистлар яширинган ертўлани пайқаб қолади ва икки жангчи билан бирга билдирмасдан бориб, гранаталар отади. Натижада 12 гитлерчи йўқ қилинади ва душмanning 18 аскари асир олинади.

29 апрель куни Рейхстагга бошланган юришда миномётчиларнинг ўрни катта бўлган. Уларнинг олдида душман хандақларидаги зенит қуроллари ва пулемётлари расчётларини йўқ қилиш ва штурм қиладиган ҳарбий қисм учун йўлни очиб бериш вазифаси турарди. Фашистлар қаттиқ қаршилиқ кўрсатар, ўз позициясини сақлаб қолишга ҳаракат қиларди.

Дивизион газетаси мухбири Н. Шатилов ёзганидек, миномётчиларнинг қатъият билан ҳаракат қилиши жангда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бунда барча миномётчиларга командир Ғулом Султонов наму-



НАГР А Д Н О Й Л И С Т

1. Фамилия, имя, Отчество Султонов Гулом Султонович

2. Звание Вой. лейтенант 3. должность, часть Командир 469 стр. полка  
Заст. б-на 469 стр. полка 150 стр. Истринской дивизии

Представляется к Награде ордена Александра Невского

4. Год рожд. 1922 5. Национальность Узбек 6. Партийность Чл ВКП(б)

7. Участие в гражданской войне, последующих боевых действиях по защите СССР и отечественной войне с 8.1942г.

8. Имеет ли ранения и контузии ранен: 25.9.42г.

9. С какого времени в Красной армии с 6.7.1942г.

10. Каким РВВ призван Октябрьский фронт 7. Машинист

11. Чем ранее награжден Ор. Звезда и орд. 5.8.44г. 150 стр. Истрин. дивизии б-на 469 стр. полка 18.12.44г. 79 стр.

12. Постоянный домашний адрес представляемого и награжденного

Краткое, конкретное изложение личного боевого подвига или заслуг

*Трижды в обороне при-ка с 16.4.45г. на Берлинском направлении и в финской боях с 22.4.45г. тов. Султонов проявил мужество и отвагу. Сам лично уничтожил на КП. Корректировал огонь Мин. батарей по objectives враждовав и после боя присутствовал за время боя с 16.4. по 30.4.45г. его личной уничтожено 14 пулеметных точек и до 80 пехотинцев.*

*В финской боях с гор. Берлин 24.4.45. и др. на КП. обнаружил и уничтожил в подвале. лично сам с двумя бойцами безжалостно подбрасывал и забрасал гранатами где было уничтожено 17 пехотинцев и много 18 сол-дат противника.*

До смерти правдиво выполнял обязанности командира ордена "Александра Невского".

КОМАНДИР 469 СТР. ПОЛКА  
Подполковник Мочалов (Мочалов)

" 5 " Мая 1945г.

Гулом Султонов мукофотга тавсия этилган тақдирлаш варақаси

на кўрсатади. Бу жангдаги қахрамонлиги учун у Александр Невский ордени билан тақдирланади.

Шунингдек, Ғ.Султонов уруш йилларидаги жасорати учун “Берлин забот этилгани учун” медали ва 1985 йили иккинчи бор

И даражали Ватан уруши ордени билан мукофотланди.

Гулом Султонов урушдан кейин Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий тадқиқот институтида самарали меҳнат қилиб, катта обрў-этибор қозонди.

**Мухтор НАЗИРОВ,**  
фалсафа доктори (PhD)



## Ҳамдам ХОТАМОВ

(1910–1945)

Қақшатқич зарбаларга бардош беролмай қолган гитлерчилар 1945 йилнинг баҳорида чекина бошлади. У чекинар экан, йўлида учраганни чопиб, кўринган биноларга ўт қўйди.

Фашистларнинг йирик бир қисми Балатон қўли яқинидаги Заласентгрот қишлоғидан чекинаётиб, кичик, аммо ҳайқириб, тўлқинланиб оқадиган Зала дарёси устига қурилган кўприкни ҳам портлатмоқчи бўлди. Бу кўприк 1846 йилда қурилган эди.

1945 йилнинг 28 мартида Заласентгрот қишлоғи озод қилинаётган куни бир воқеа рўй берди. 28 март тонгида қишлоқдаги фашист комендантининг кабинетига бир солдат ҳовлиққанча югуриб кириб:

– *Жаноб капитан, руслар!* – деб қичқирди.

Ҳақиқатан ҳам, шарқ томонда гувуллаб келаётган танкларнинг овозини эшитган капитан дарҳол кўприкни портлатиш тўғрисида буйруқ берди. Икки гитлерчи

кўприкни портлатиш учун дарё томонга қараб жўнади ва кўприк остига портловчи моддани қўйди.

Орадан кўп ўтмай, совет танклари кўприкка яқинлашиб кела бошлади. Энг олдинги танк устида келаётган Ҳамдам Хотамов узоқдан кўприк олдидан икки фашист қочганини кўриб шубҳаланди ва танк кўприкка яқинлашиб қолганда, кўприкнинг нариги томонида аланга олиб тутаб келаётган пилтани кўриб қолди, у танкдан отилиб тушди-да, бурқситиб тутун чиқаётган томон югурди. Ёнаётган пилта портловчи моддага жуда яқинлашиб қолган эди. Хотамов дарҳол пилтани узиб ташлади. У кўприк устида туриб, танкчиларга қараб:

– *Йўл очиқ, ўтаверинглар!* – дегандек, қўли билан ишора қилди, шу дақиқада қайдандир пулемётдан ўт очилди. Пулемёт ўқининг бештаси қахрамон Хотамовнинг кўкрагини тешиб ўтди.



*Заласентгрот шаҳридаги кўприк. Уни Х.Хотамов портлашдан сақлаб қолган*





Баҳодир сержантнинг жасадини ҳарбий ҳурмат ва эҳтиром билан Залаэгерсег марказидаги ўртоқлик мазорига дафн этдилар.

Заласентгрот немис-фашист босқинчиларидан озод қилинган куннинг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда қишлоқ аҳли бу кўприкка “Хотамов кўприги” номини беришга қарор қилди.

Орадан кўп йиллар ўтгач, венгриялик ўқувчи ёшлар Ҳамдам Хотамовнинг қаерлик эканини билиш учун унинг изига тушадилар. Хотамов ҳалок бўлганда унинг чўнтагидан чиққан хатда *“Катта сержант Ҳамдам Хотамов. Самарқанд. 1910 йилда туғилган”*, деб ёзилган эди.

Ўқувчи ёшлар зудлик билан Самарқанд туман ҳарбий комиссарлигига хат йўлла-

дилар. Хатга тез орада жавоб келди. Унда Ҳамдам Хотамов урушгача Самарқанд туманидаги “Гулистон” колхозида ишлагани, ҳозир қахрамоннинг хотини Ҳаловат ва ўғли Неъмат колхозда ишлаётганликлари, отаси ҳалок бўлганда Неъмат тўрт яшар бола эканлиги ёзилган эди.

Кейинчалик Ҳамдам Хотамовнинг ўғли Неъмат отаси жанг қилган ва ҳалок бўлган жойларга бориб, унинг ёдгорлигига гулчамбар қўйиб, зиёрат қилиб қайтди.

“Хотамов кўприги”га ўрнатилган маълумот тахтасида бу кўприк немис қўшинлари томонидан миналаштирилганда жангчи Ҳ. Хотамов ўз жонини фидо қилиб, ушбу стратегик объект ва ёдгорликни портлашдан қутқариб қолгани қайд этилган.

**Адҳам РАҲМАТ,**  
*ёзувчи*



## Иброҳим РАҲИМ

(1916–2001)

Уруш қатнашчиси, таниқли ёзувчи Иброҳим Раҳим 1916 йили Фарғонанинг Соёқелди қишлоғида туғилган. 30-йиллар бошида у қишлоқ мактабида ўқитувчилик қилган. 1933 йили Тошкентга кўчиб келиб, республика “Колхоз йўли” газетасида ишлаб бошлаган.

У 1937 йилда ҳарбий хизматга чақирилиб, дастлаб Самарқанддаги инженер батальонида оддий аскар бўлди. Кейин кичик командирлар курсида таҳсил олиб, кичик командир, сиёсий раҳбар ўринбосари ва сиёсий раҳбар сифатида хизматни 1938–1939 йилларда Белоруссиянинг Витебск шаҳрида, 1939–1940 йилларда аввал Болтиқбўйи мамлакатларида, сўнг Финляндиядаги қирғинбарот жангларда давом эттирди.

Иброҳим Раҳимнинг илк ижод намуналаридан чегарачилар ҳаёти ҳақидаги “Баҳодир” поэмаси 1939 йили адабий асарлар танловида иккинчи мукофотга сазовор бўлади. Ўшанда бу ҳақдаги хушхабар бутун сапёрлар ротасига тарқалиб, катта тантананага айланиб кетади. Ўша кезларда у “Чегарадан ўтган думсиз ит”, “Шавлани кавлаганда” каби илк ҳикояларини ёза бошлаган эди.

Ёзувчининг “105 кун тарихи” деб аталмиш жанговар лавҳалари ҳам Фин уруши жанггоҳлари, Карелиянинг пастак ўрмонларида, 50–60 даража совуқда ёзилган эди...

Армия сафидан бўшагандан сўнг Иброҳим Раҳим “Қизил Ўзбекистон” газетасида адабий ходим бўлиб бир оз муддат ишлади. Бу орада фашистлар Германияси уруш бошлагач, у яна жанговар сафга қайтди.

Дастлаб Москва яқинидаги жангларда 194-ўқчи дивизия, кейин Ғарбий фронт таркибида иштирок этди. 1941 йилнинг 9 декабрида қуролдош сафдоши, сапёр Низомиддинов билан бирга Малеево қишлоғи яқинида душман пулемёт рас-



чётини ишдан чиқарди ва пулемёт билан 380 патронни ўлжа сифатида келтирди.

1942 йилнинг 26 феврилида разведкачилар взводи билан Хвошчи қишлоғи яқинида пистирма қўйиб, 4 немисни йўқ қилди ва яна 4 нафарини асирга олди. Улардан 1 таси обер лейтенант эди, 3 пулемёт ва 7 от-арава ўлжа сифатида олинди.

12 апрелда Павлово қишлоғи яқинида унинг бошчилиги ва иштирокида Угра дарёси орқали душман ўти ичра алоқа линияси ўтказилди. Бу бошқа бўлинмалар муваффақиятли жанг олиб боришида аҳамиятли бўлди. 14 апрелда жангчи линиядаги узилишлар бартараф этилишини таъминлади.

Бу мардлик намуналари учун 114-алоҳида алоқа полкининг телефон-кабел ротаси сиёсий раҳбари Иброҳим Раҳимов “Жанговар хизматлари учун” медали билан тақдирланди.





*“Қизил аскар ҳақиқати” газетаси ходимлари  
Адҳам Раҳмат, Ҳамид Файзий, Иброҳим Раҳим ва Абдулла Шарафуддинов*

Иброҳим Раҳим жанговар хизмат давомида имкон бўлган ҳар дақиқада вақт топиб қалам тебратар эди. Ёзувчининг ўзи: *“Планшетимнинг бир томонида жанговар буйруқлар ва оператив хариталар, схемалар турса, иккинчи томонида ёзув дафтари турарди”*, деб эслайди.

У бошидан ўтказган сапёрлик ҳаёти ҳақидаги *“Чин муҳаббат”* романи ҳали жанггоҳда, чекиниш ва маневр жанглари даврида йўл-йўлакай ёзилади. Афсуски, унинг асл варианты немис-фашистлар томонидан бомбардимон вақтида сапёрлар машинасида чамадони билан ёниб кетади.

Асарнинг иккинчи варианты қўлёзма-сини фронтдан Тошкентга юборади. Лекин нашриёт бир бинодан бошқасига кўчаётганида, бу вариант ҳам йўқолади.

Нихоят, адиб урушдан қайтгач, асарнинг куйган ва йўқолган вариантларини хотирлаш йўли билан қайтадан тиклаб, учинчи вариантини тақдим этади.

1942 йил ноябрида Иброҳим Раҳимни янги чоп этилаётган *“Қизил аскар ҳақиқати”* газетасига ишга чақиришади.

Ёзувчи қўлда қурол ва қалам билан урушда иштирок этар экан, жангчилар-

нинг руҳини кўтаришни, улар ҳар онда ўз эл-юртининг мададини сезиб туришини истарди. Бу мулоҳазасини у тез-тез хат йўллайдиган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбари Ҳамид Олимжонга маълум қилади. Кейинчалик хотирлашича, у мактубларидан бирида: *“Тошкентда фашистларга қарши митинг ўтказиб, ҳамма ўзбекларга, шу жумладан, хорижий мамлакатларда яшовчи ўзбекларга мурожаат қилинса, дунёдаги жами ўзбек фашизмга қарши қаттиқ кураш бошласа, бирорта ўзбек бу курашдан четда қолмаса”*, деган таклифни айтади.

Орадан сал ўтмай, Ҳамид Олимжондан жавоб келади. Хатда яқин фурсатда Тошкентда шундай митинг бўлиб ўтиши билдирилганди. Айни шу митингда Ҳамид Олимжон нутқ сўзлаб, Иброҳим Раҳимнинг ўша хатига тўхталиб ўтган ва бу ҳақида республика газеталарида ҳам ёзилган эди.

Айтиш керакки, Ҳамид Олимжоннинг Иброҳим Раҳимга юборган хатлари ўзбек жангчилари томонидан қўлма-қўл бўлиб ўқиларди. Шу туфайли, бу мактублар жангу жадалларда йўқ бўлиб кетган. Фақатгина Иброҳим Раҳимнинг мактубларида айрим сатрлари сақланган бўлиб, уларда фронт-



даги ишлар, ўзбек йигитларининг жасорати ҳақида сўз боради...

1944 йилнинг ноябрида Иброҳим Раҳим 5-гвардиячи танк армияси 3-гвардиячи танк корпуси 19-гвардиячи танк бригадасининг муҳандислик хизматига бошлиқ этиб тайинланди. У қатор аҳоли пунктларини миносизлаштириш ва дарёни кечиб ўтиш учун қурилиш ишларини ташкил этишга бошчилик қилди. Хусусан, 1945 йилнинг 5 мартда қисқа муддатда Мальхов яқинида душманнинг миномёт ва артиллерия олови остида Грабов дарёси узра танклар учун кечиб ўтиш йўли ётқизилди.

Шунингдек, у 25 апрелдан 5 майгача Пренцлау, Нойбранденбург, Мальхин, Тетеров, Лааге учун жангларда мина майдонлари разведкаси ва кечув қурилмалари ўрнатилишида ташкилотчилик қобилиятини намоён этди. Айниқса, гвардия майори Иброҳим Раҳим ўз вақтида ҳарбий қисмлар юриши учун айланма йўлларни аниқладикки, бу бригаданинг шиддат билан олдинга силжиши ва шаҳарлар тез фурсатда эгалланишини таъминлади. Унинг уруш йўли Штутгарт шаҳрида яқунланди. Иброҳим Раҳим 1946 йил октябрида армия сафидан бўшаб, юртига қайтди.

У жангдаги жасоратлари ва урушдан кейинги ўз юртига намунали хизматлари учун Қизил Юлдуз, I ва II даражали Ватан уруши, Меҳнат Қизил Байроқ, “Дўстлик”, “Эл-юрт ҳурмати” орденлари, Польшанинг “Шараф майдонида қозонилган ғалаба”, “Варшава учун” медаллари ва бошқа бир қанча мукофотлар билан тақдирланди.

Ёзувчининг ўзи уруш ҳаётида ўчмас из қолдирганини алоҳида таъкид этиб ёзади: *“Менинг адабий фаолиятим ўша кезлардаги жанговар вазият ўтхонасида бошлангани сабабиданми, ўтган кунларимни сира унутолмайман. Шу боис ижодимнинг салмоқли бўлагини ўша унутилмас кунларнинг қаҳрамонларига бағишладим ва ижодий умримнинг бу ёғида ҳам шу ҳақда гапиришдан чарчамайман, деган ниятим бор”*.

Ҳа, бу ният сермахсул бўлди.

Иброҳим Раҳим ўша суронли кунларда эл-юрт фронт билан бирдам бўлиб, доим мадад бергани, бу уруш шароитида муҳим аҳа-

мият касб этганини такрор-такрор айтарди. Хусусан, жанггоҳларга ўзбек халқидан бориб турган минглаб совғалар қаторида Ўзбекистон меҳнаткашларининг жамғармасига сотиб олиниб, фронтга юборилган танклар колоннасининг фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабани таъмин этишда ўрни катталигини таъкидларди.

Иброҳим Раҳим хизмат қилган 3-гвардиячи танк корпуси Млава шаҳрига яқин жойда қайта тузилиб, Уралнинг яроғаслаҳа арсеналидан – Танкограддан янгидан қуролланади. Танк корпусига етказиб берилган 300 та танк, ўзюрар тўпларнинг ҳаммаси ўзбек халқининг фронтга совғаси бўлганидан у ҳақли равишда фахрланарди.

Қўмондонликнинг буйруғи билан бу танкларга “Совет Ўзбекистонининг йигирма йиллиги” деб ном берилган ва бир кечада корпуснинг барча қуролларига шу сўзлар оқ бўёқ билан катта ҳарфларда ёзиб чиқилган эди. Бу ёзувларни узоқдан ҳам ўқиш мумкин бўлиб, жанг вақтида бу ёзувларга кўзи тушган фашистлар: *“Азиатен панцерваген”, “Осиё йўлбарслари бостириб келяпти!”* – деб саросимага тушар эканлар.

Ўзбекистон номи билан ҳаракатланган ушбу танк корпуси Помераниядан айланиб ўтиб, Данцигни озод қилиб, Ростокча тўхтамай борган ва апрелнинг охирида Иттифоқдошлар бўлмиш Буюк Британия, сўнгра АҚШ қўшинлари билан учрашган...

Ўзи гувоҳи бўлган бу воқеалар ҳақида Иброҳим Раҳим дастлаб “Совет Ўзбекистонининг йигирма йиллиги” танклари “Германия юрагида” номли очерк ёзади. Кейинчалик эса “Фарҳоднинг жасорати” деб аталган бадиий фильм суратга олинади.

“Фидойилар” романи ҳам қуролдош дўстларининг жанговар ҳаёти аксидир. Иброҳим Раҳим бу асар реал воқеалар ва ҳаётий қаҳрамонлар асосида ёзилганини таъкидлаган.

Ғалабадан кейин Ўзбекистонга қайтгач, Иброҳим Раҳим республиканинг турли маданий-маърифий жамоаларида самарали меҳнат қилди: Ўзбекистон радиоси сиёсий эшиттиришлар бўлими бош муҳарри-





*Иброҳим Раҳимнинг “1941–1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун” медали билан тақдирлангани тўғрисида гувоҳнома*



*Иброҳим Раҳимнинг “65-армия фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирлангани тўғрисида гувоҳнома*

ри, сўнг “Қизил Ўзбекистон” (“Ўзбекистон овози”) газетаси бўлим мудирлари, муҳаррири, “Гулистон”, “Муштум” журналлари бош муҳаррири, “Ўзбекфильм” киностудияси директори, Кинематография қўмитаси раисининг ўринбосари бўлди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимнинг “Чин муҳаббат”, “Фидойилар”,

“Генерал Равшанов”, “105 кун тарихи” асарлари, “Фарҳоднинг жасорати”, “Қалбдаги қуёш” кинофильмлари, “Чақмоқ”, “Жонфидо” пьесалари Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган ўзбек йигит-қизларига, Беларуссия тупроғида партизанлик қилиб ном чиқарган Ўзбекистоннинг мард ўғлонларига бағишланган.

**Севара ПЎЛАТОВА,**  
тарих фанлари номзоди,  
профессор



## Умид ИСМОИЛОВ

(1925–1980)

Иккинчи жаҳон урушига 1943 йил февралдан сафарбар этилган отам Умид Исмоилов уруш ҳақида гапиришни хуш кўрмасди, тинчликнинг қадрига етиб ҳаёт кечирарди.

У киши дастлаб 117-ўқчи дивизияси таркибида бўлган. Кейин 7-алоҳида ўқчи полкидаги мактабни тамомлаган ва сержант унвонига эга бўлган. Сўнгра взвод командири ёрдамчиси сифатида 283-ўқчи дивизия 856-ўқчи полкига юборилган.

Отамнинг дастлабки иштирок этган жанглари тафсилоти шундай бўлган:

Другь дарёси... Фашист-босқинчилар қаршилиги борган сари кучаймоқда. Умид Исмоиловнинг мудофаа маррасини эгаллаган взводи бир суткадаёқ ўз позициясини мустаҳкамлаб олди. Взвод командири жанг майдонига биринчи киришига қарамай, бу ишни ташкил этишда ортиқча қийналмади.

Умид уйқу нималигини билмас, унинг взводи душман ҳамласини қайтаришга доим тайёр турарди. Унинг баҳодирлиги ва эпчиллигини яхши баҳолаган қўмондонлик уни разведкачилар командири қилиб, разведкага жўнатди. Бу – унга нотаниш, мутлақо янги иш.

У биринчи разведкага сержант Юсуф Қахҳоров, сержант Александр Иванов ва бошқалар билан жўнади. Разведкачилар душманнинг Другь дарёси яқинидаги биринчи қатор траншеясини разведка қилди, фашистларнинг қаерда жойлашгани, постлари ва ўт очиш нуқталарини аниқлаб, қўмондонликка қимматли маълумот келтирди.

Умид Исмоилов бошчилигидаги гуруҳ иккинчи разведкадан “тил” келтирди. Бу “тил”ни, яъни постда турган фашист-часовойни Умиднинг шахсан ўзи бориб, ғиппа бўғиб олган эди. “Тил” қисмга келтирилгач, қўшинларимиз ҳужумга ўтди ва разведка маълумотлари тўғрилиги амалда исбот этилди.



Кейинги жангларда отам 283-ўқчи дивизия 856-ўқчи полкининг миномётни мўлжалга тўғриловчи-наводкачи сифатида иштирок этади.

Хусусан, 1944 йилнинг 12 июлида Зельвянка дарёсини кечиб ўтиш учун бўлган жангларда душманнинг бир миномётини яқсон этган ва қарийб бир рота немис пиёдаларини тарқатиб юборишга эришган. Шахсан ўзи 10 тагача гитлерчини маҳв этган.

20 июлда Радулин атрофида бўлган жангларда душманнинг 2 пулемёт нуқтасини расчёти билан йўқ қилгани учун III даражали Слава ордени билан мукофотланган.

Отам Нарев дарёсида плацдармни эгаллаш жангларида ҳам ботирлик намунасини кўрсатади. 1945 йил 21 январда дарёнинг Омудев ирмоғини кечиб ўтиш учун бўлган жангларда душман кучли артиллерия ўтишига қарамай, ўз миномёти билан





*Берлиндаги жанг олдидан. 1945 йил*

мўлжални тўғри олгани сабабли душман пиёдаларини тўзитиб юборади. У киши кейинчалик бу жанг ҳақида гапирганида қуролдош дўстлари сафдан чиқиб, миномётда бир ўзи қолганини қайд этганди.

23 январда Веллинберг шаҳри атрофида душман танклар кўмагида 3 бора пиёда ташлаб, хужумга ўтди. Тақдирлаш варақасида ёзилганидек, отам *“мўлжални тўғри олиб, душманнинг кучи ва техникасини катта йўқотишлар билан қайтаришига”* муваффақ бўлган. Бу жангларда кўрсатган мардлиги ва қатъияти учун Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланган.

Кейин отам Шарқий Пруссияда жанг қилиб, биринчилар қаторида Болтиқ денгизига чиққан ва Берлин учун жангларда ҳам иштирок этган.

1945 йил 4 май куни. Командирлар отамга бир пакет бериб, уни қўшни қисмга олиб бориб топширишни тайинлайди. Отам 3 йилдан бери ҳамроҳи бўлган қора отига миниб, йўлга тушади. Ўрмон оралаб кетаётганида, яширинган немислар томонидан кетма-кет ўқ узилади. Ўқлардан бири отнинг орқа сонига тегади. Шунда

ҳам от тўхтамайди. Кейинги ўқ отнинг бошига тегади. От бор кучи билан олдинга интилиб, яна 200–300 метрча юришга муваффақ бўладию йиқилади. Отамнинг бир оёғи от жасади остида қолиб кетади.

Ортга қараса, ўн чоғли немис югуриб келмоқда. Ўша ҳолатда амаллаб, уларга қарата ўқ ота бошлайди. Бир ўқдон тамом бўлганидан кейин қараса, бор-йўғи бир немисни йўқ қилибди. Кейин иккинчи ўқдон ҳам бўшаган. Улар ҳамон тирик. Шунда гранатани олиб, уларга яқиндан отиш учун пойлаб ётганида, отишма бошланиб кетади.

Шу вақтда ўтиб кетаётган бир машина жангчилар етиб келишган эди. Ниҳоят, фашистлар янчиб ташланди. Лекин бир взвод жангчиларгина отни кўтариб, отамни чиқариб олишган экан.

Ана шу воқеа сабаб отам 4 майни *“иккинчи туғилган куним”* деб ҳар йили нишонлар эди. Отам жонфидо қилган қора отини, қутқариб қолган халоскор жангчиларни умрининг охиригача ёдда сақлади...

Ғалабадан кейин қўмондонликнинг махсус вазифаларини бажарувчи батальон тuzилиб, унинг таркибига отам ҳам киритилади. Махсус вазифалар қаторида фахрий қоровуллик бўлгани сабабли бутун армиядан бўйи 1 метру 76 сантиметрли жангчилар танланган, уларнинг камида икки орденли бўлишига ҳам эътибор қаратилган экан. Саралаб олинганлар сони 364 кишини ташкил этади, улардан ярми Москвага, Ғалаба парадидаги байроқ амалиётида иштирок этиш учун жўнатилади. Отамни Берлинда олиб қолишади...

Кунларнинг бирида Бранденбург дарвозаси олдидаги постда турганида ўтиб кетаётган қора машиналар карвони тўхтади. Машиналардан тушиб келаётганлар орасида Потсдам конференциясига келган Буюк Британиянинг Бош вазири Уинстон Черчилль ҳам бор эди. У отамнинг ўзини тугиши, айниқса, бўйдор эканига ҳавас билан қараб, савол бера бошлайди.

*“Осиёликмисан?”* – деб сўрайди у таржимон орқали. Отам: *“Ҳа, осиеликман, ўзбекман”*, – деб жавоб беради. Шунда Бош вазир таажжубланиб: *“Ўзбек?!”* – деб қайта сўрайди. Таржимон: *“Туркистонлик, Ўрта*





*Осиёда яшайдиган миллат, Самарқанд, Бухоро*”, – деб тушунтириш беради. Кейин у отамнинг елкасига қоқиб: “*Омон бўл!*” – дея хайрлашган экан.

Назаримда, отамнинг бўйи баланд, елкалари кенглиги Черчиллни ҳам қойил қолдирган бўлса керак.

Отам ҳарбий хизматни 1946 йилнинг охирида якунлаб, узоқ йиллар Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тад-

қиқот институтида механизатор бўлиб ишлади.

У киши “Берлин забт этилгани учун”, “1941–1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун” жанговар медаллари билан бирга, “Шавкатли меҳнати учун” ва бошқа медаллар, фахрий ёрлиқлар билан ҳам тақдирланган эди.

**Бахтиёр ИСМОИЛОВ,**  
*меҳнат фахрийси*



## Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ

(1925–1985)

Фашистлар бостириб кирган вақтда Муҳаммаджон Қорабоев ўз қишлоғида тракторчи эди. У тракторчиликни ҳали 15 ёшида шогирд тушиб қисқа муддатда ўрганган эди.

Уруш шароити эмасми, ҳамқишлоқлари Муҳаммаджоннинг трактор бошқариш маҳоратини кўриб, *“сендан моҳир танкчи чиқади”*, деб айтишар эди.

Ўзи ҳам фронтга юборилган қишлоқдошлари қаторида фашистларга қарши жанг қилишни истарди. Аммо ҳали сафарбарлик ёшида эмас. Ўша вақтда унинг хаёлидан кўнгилли бўлиб ариза берса, ёши кичиклигига қарамасдан юборишар, деган ўй ўтарди.

Шу ният билан у 1942 йили ўзининг Ёнариқ (ҳозирги Маданият) қишлоғидан Оржоникидзе (ҳозирги Қибрай) тумани ҳарбий комиссарлигига ариза беради. Лекин унинг мурожаати рад этилади. Бундан кейин ҳам яна бир неча бор мурожаат қилади. Ниҳоят, 1943 йили 18 ёшга тўлгандан кейин аризаси кўриб чиқилиб, урушга сафарбар этилади. Ҳарбий хизматда унинг мактабда аъло баҳоларга ўқигани ва техникани бошқариш қобилияти кўл келади.

Муҳаммаджон Қорабоев дастлаб Узоқ Шарқ fronti 2-армия 5-ҳаво ҳужумига қарши бригаданинг 9-алоҳида зенитчи артиллерия дивизиони таркибида бўлди. 1943 йилнинг 22 ноябрь куни 5-зарбдор армиянинг Островский номидаги Қизил Байроқли 89-алоҳида гвардиячи оғир танк полкига ўтказилди.

Иккинчи жаҳон урушида кескин бурилиш ясаган ИС-2 оғир танки ўзбек ўғлонининг измида эди. У 122 ммли ДТ-25 тўпи билан йўлида учраган фашистларнинг мақталган Тигр, Пантера танклари ва бошқа техникаларига талафот етказарди.

Айниқса, старшина М.Қорабоев Европани озод қилиш ва Берлинни забт этиш



учун бўлган ҳаёт-мамот жангларида мардонавор иштирок этди.

1945 йил 14 январь куни бўлиб ўтган жангда у экипаж таркибида душманнинг битта ўзиюар артиллерия қурилмаси, 2 дона танкка қарши тўп, 8 дона пулемёт нуқтаси ва 18 нафар душман аскарини йўқ қилди. Тўп командири М. Қорабоев полк томонидан II даражали Ватан уруши орденига тавсия этилди. Унга 5-зарбдор Армиянинг 1945 йил 15 февралдаги 19/н-сон буйруғи билан III даражали Слава ордени берилди.

7 март куни бўлиб ўтган жангларда М. Қорабоев Одер дарёси яқинида жойлашган Кюстрин шаҳрини ишғол қилишда экипаж таркибида душманнинг ўттизга яқин ўт очиш нуқтаси, иккита тўп, иккита миномёт ва 40 аскарини йўқ қилди. У кўрсатган жасорати учун Қизил Юлдуз орденига тавсия этилди ҳамда 5-зарбдор



*М. Қорабоев жанговар экипаж билан бирга. 1943 йил*

Армиянинг 1945 йил 29 мартдаги 73/н-сон буйруғи билан II даражали Слава ордени билан тақдирланди.

Германиянинг Лебус шаҳрини ишғол қилиш жанглирида М. Қорабоев экипаж таркибида душманнинг 4 та танкка қарши тўпини, 2 та пулемёт позицияси ва 10 аскарини йўқ қилишга муваффақ бўлди. Натижада пиёда қисмларнинг олдинга силжишини таъминлади. 69-армия зирхли техника ва механизациялашган қўшинлари кўмондонининг 1945 йил 29 апрелдаги 012-сон буйруғи билан М.Қорабоев Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди.

Галабани Берлинда кутиб олган қаҳрамонимиз урушдан кейин ҳарбий хизматни Германияда давом эттирди. 1949 йили Германияда армия генерали Василий Чуйков энг моҳир танкчилар билан учрашади. Уларнинг сафида Муҳаммаджон Қорабоев ҳам бор эди. У генерал билан суратга тушади. Сурат “Совет армияси” газетасининг 1949 йил 1 сентябрь сонидида чоп этилади.

1950 йили М. Қорабоев ҳарбий хизматни яқунлаб, юртига қайтиб келади. Ўзи билан бирга ота-онаси урушда ҳалок бўлган, ҳеч кими йўқ 4–5 ёшли немис болани олиб келади. Болага Турғун исмини қўйиб, тарбия бера бошлайди.

1951 йили Муҳаммаджон ота Зулфия Одилова билан турмуш қуради ҳамда улар олти қиз, уч ўғилнинг ота-онаси бўлишади. Шундай қилиб, жами 10 нафар фарзандни вояга етказишади.

Турғун Қорабоев узоқ йиллар давомида Тошкент авиация заводида электрмонтёр бўлиб хизмат қилади.

Уруш туфайли етим қолган болани бағрига олиб, меҳр кўрсатиш чин инсонийлик ибратидир. Ҳозирда Турғун отанинг фарзандлари Чилонзор туманида истиқомат қилишади.

Муҳаммаджон Қорабоев уруш йилларидаги кўрсатган жасорати учун II даражали Ватан уруши ордени ва “1941–1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия





*М. Қорабоев армия генерали В. Чуйковнинг  
энг моҳир танкчилар билан учрашувда. Германия, 1949 йил*



*“Советская Армия” газетаси. 1949 йил 1 сентябрь сони*





*М. Қорабоевнинг Германияда асраб олган немис фарзанди Турғун Қорабоевнинг ёшликдаги сурати*

устидан қозонилган ғалаба учун”, “Варшава озод этилгани учун”, “Берлин забт этилгани учун” медаллари билан ҳам тақдирланган эди.

Урушдан кейин узоқ йиллар таълим соҳасида фаолият олиб борган Муҳаммаджон домланинг Германияда ҳарбий хизматни давом эттирганида немис тилини пухта эгаллагани қўл келади. У Қибрай туманидаги 32 ва 39-сонли умумтаълим мактабларида немис тили ҳамда бошланғич ҳарбий таълимдан дарс бериб, кўплаб шогирдлар тайёрлайди. Уларнинг орасидан ҳозир ҳам 32-мактабда Қудрат Раҳматиллаев, Тоҳир Собиров, 39-мактабда Мурод Қўзибоев, Йўлдош Расулов ва Назира Исматуллаева немис тилидан ёш авлодга сабоқ бериб келмоқда.

“Инсондан яхшилик қолади”, деган ҳикмат бежиз айтилмаган экан. Қишлоқдошлари Муҳаммаджон отанинг ташаббуслари билан қишлоқ электрлаштирилгани ва газлаштирилгани, йўлларга асфальт ётқизилганини ҳануз ҳурмат билан ёдга олишади.

**Шухрат ЮСУПОВ,**  
*полковник,*

**Ботир ИСЛОМОВ,**  
*“Шон-шараф” музейи ходими*



## Роза ИБРОҲИМОВА

(1925–2003)

Унинг номи 1970–80-йилларга оид адабиётларда Наргиза деб қайд этилган бўлса-да, ҳужжатларнинг барчасида Роза Иброҳимова деб кўрсатилган.

Иброҳимова Роза – Наргиза Аҳмаджоновна 1925 йилда Хоразм вилоятининг Шовот туманида туғилган. Тиббиёт билим юртини битириш вақти уруш бошланишига тўғри келди ва у биринчилар қаторида фронтга сафарбар этилди.

Роза Иброҳимова ўз жанговар йўлини Смоленск остоналаридаги жанглардан бошлади. Москва, Сталинград остоналарида бўлиб ўтган жангларда фашистларга берилган қақшатқич зарбаларни, озод этилган илк шаҳар ва қишлоқларни ўз кўзи билан кўрди.

1943 йилнинг ёзида алоқачилар тайёрлаш қисқа махсус курсини ўқиб тугатди ва радист-разведкачи бўлиб жанговар хизматини бошлади. Тайёрлов курсида ўқиш билан бирга, немис тилини, парашютдан сакраш ва танк бошқаришни ўрганди. Дастлаб Москва яқинидаги алоҳида дивизияда, 1944 йил баҳоридан 4-танкчилар гуруҳида хизмат қилди.

Улар радистлар гуруҳи билан бирга жанговар ҳаракатлар вақтида пиёда аскарлар позициясидан сал орқароқда жойлашар ва душман рацияларининг ишини кузатишарди.

Шу йўл билан Роза ва унинг қуролдошлари душманнинг керакли тўлқинларидаги маълумотларни тўплашар ва радиотўлқинлардан олинган муҳим ахборотларни қўмондонликка батафсил етказиб турарди. Барча зарур маълумотлар олинганидан сўнг разведкачилар рация ва асбобларини йиғиштириб, бир чақирим узоқлашар, ўзлари маълумот берган манзиллар артиллериячилар томонидан бомбардимон қилинарди.

У разведкачилар таркибида душманнинг ичкарасига кириб, қурол-яроғ, ёнилғи



омборларини аниқлаб харитага тушириши лозим эди.

Бир гал операция тугаб, разведкачилар қайтар экан, пистирмага дуч келишди ва жанг қилиш баробарида ўрмон ичкарасига яширилган танккача етиб келдилар. Шу пайт танкка снаряд келиб тушди ва у ёна бошлади, Роза Иброҳимова танк ичига отилиб кирди ва танк командири олов ичидан олиб чиқди. Омон қолган разведкачилардан уч киши душманни чалғитиб турди, Роза эса муҳим маълумотларни ва ярадор командирни олиб, қуршовдан чиқиб кетишга улгурди.

Пиёда аскарлар дивизиясида радист-разведкачи бўлиб ўзига яраша малака ва тажриба орттирган Роза Иброҳимовани ўқчилар дивизиясининг разведкасига ўтказишди. Шундай қилиб, бу жасур ўзбек қизининг жанговар йўли Смоленскдан кейин Орша, Минск, Витебск, Литва, Лат-



*Роза Иброҳимова умр йўлдоши, гвардия катта лейтенанти  
Фаттоҳ Абдуманнопов билан хизмат даврида. Берлин, 1945 йил*

вия, Польша, Шарқий Пруссиянинг шаҳар ва қишлоқларидан ўтди.

Роза Иброҳимова фаолияти билан боғлиқ қуйидаги лавҳалар унинг ҳаётидаги уруш йилларининг оддий ҳолатларидир:

Разведкачилар душман орқасида жанговар топшириқни бажариб бўлгач, Польшадаги маълум бир аҳоли яшайдиган пунктга яшириниш ва яқинлашиб келаётган қўшинларимиз билан бирлашиш тўғрисида қўмондонликдан кўрсатма олди.

Пунктда яшириниш учун катта ўрмонлар йўқ, бунинг устига, маҳаллий аҳоли билан ҳам ишончли алоқа бўлмагани сабабли гуруҳ командири гумбази ағдарилган черков ертўласига яширинишга буйруқ берди. Тунда разведкачилар буғ қозони жойлашган ертўлага кириб олдилар, черков ёнидаги майда буталар орасида радио антеннасини яшириб, ўз координатларини хабар қилдилар.

Эрталаб улар черков атрофида шовқин солиб юрган фашистларни кўрдилар. Маълум бўлишича, чекинаётган душманга мадад кучлари етиб келган экан.

Командир атрофни кўздан кечириб экан, душман ортидан тўпга тутиб, унинг қочиб кетишига йўл қўймасликка аҳд қилди. Ёш, аммо шижоатли Роза радио-

станцияни ишга солди. Қўмондонликдан берилган кўрсатмани қабул қилиб олди ва тўпчиларга “Тезроқ тўпга тутинг, душманни ўтказманг”, деган буйруқни радио орқали берди ва радиоқурилмани буғ қозони печкасига яшириб қўйди. Ўзи эса труба остига жойлашиб олди.

Разведкачилар гумбаз йиқилса ҳам, ўзларига зарар етмайдиган ҳолатда жойлашдилар. Роза берган ахборотга биноан, қўшинларимиз жангга ўтдилар, берилган аниқ маълумотлар бўйича душманга катта талафот етказилди ва у тор-мор этилди.

Орадан бирмунча фурсат ўтгач, Роза теваарак-атроф жим-жит бўлиб қолганини сизди. Кечга яқин етиб келган жангчиларимиз разведкачиларни ағдарилган гумбаз остидан чиқариб олишди. Роза атрофидаги одамларни кўрар, улар унга алланималар дейишар, аммо у уларни эшитмасди. У контузияга учраган эди...

Кейинги марра, албатта, Берлин эди. Шаҳарнинг ҳар бир кўчаси, квартали ёки биноси учун ҳар иккала томон жангчилари жон олиб жон беришарди. Берлингача етиб келган ва ана шундай беомон жангларнинг бевосита иштирокчисига айлан-



ган Роза Иброҳимова энди Ҳарбий Ҳаво Кучларининг алоқа полкида хизмат қиларди.

Урушда ғалаба қозонишнинг асосий омилларидан бири – ҳаво разведкасининг аниқ ва тезкор ахборотларига боғлиқ. Албатта, у олинган барча разведка маълумотларини тез ва аниқ, тўғридан-тўғри қўмондонликка етказар ва бу нарса ундан ўта ҳушёрлик ва сезгирликни талаб этарди.

Роза Иброҳимова Берлингача жанг қилиб борди ва ғалабани шу ерда кутиб олди.

Унинг кўрсатган жасорати ва мардлиги муносиб тақдирланди, у II даражали Ватан уруши, Қизил Юлдуз орденлари, “Жанговар хизматлари учун”, “Кенигсберг забт этилгани учун” ҳамда “1941–1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун” медалларининг соҳибасига айланди.

Берлинни ишғол этиш билан Иккинчи жаҳон урушини якунлаган гвардия катта сержанти Роза Иброҳимова 1945 йилнинг 24 июнида Ғалаба парадида иштирок этди.

Роза Иброҳимова тўғрисидаги архив маълумотлари Ўзбекистон Миллий архивида Р-2791-жамғарма 1-рўйхат 24-йиғма жилдда жамланган. Бундан ташқари, унинг жанговар фаолияти билан боғлиқ айрим маълумотлар Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий архивида ҳам 21-шкаф, 6-яшиқда 88-рақам остида сақланмоқда.

Роза Иброҳимова урушдан кейин тиббиёт соҳасида фаолият олиб борди. Кўп йиллар акушер бўлиб ишлади, ўзининг бу шарафли касби орқали неча юзлаб оилаларга фарзанд қувончини бахшида айланди. Ўзи ҳам оналик бахтини ҳис этди, яъни бир хонадоннинг бахтли бекаси бўлиб, уч фарзандни тарбиялаб вояга етказди.

**Зебо ХОЛБОЕВА,**  
*“Шон-шараф” давлат музейи ходими*





# ЯПОН МИЛИТАРИСТЛАРИГА ҚАРШИ ЖАНГЛАРДА



## Дехқонбой МИРАЛИМОВ

(1919–2002)

Боғистонлик Дехқонбой Миралимов 1937 йили мактабни тамомлаб, Тошкент шаҳридаги юридик мактабда таълимни давом эттиради. 1939 йил 5 майда армия сафига чақирилади ва 1946 йил 8 августга-ча ҳарбий хизматда бўлади.

Д.Миралимов япон милитаристларига қарши жанглarda иштирок этди. 1945 йил 23 августда 2-ўқчи полк катта сержанти Д.Миралимовга намунали жанговар ҳаракатлари, Катта Хинган тоғ тизмаси ва қўриқ мўғул даштларидан ўтгани учун миннатдорлик эълон қилинди. 28 сентябрда 284-ўқчи дивизиянинг буйруғига асосан, “Жасурлиги учун” медали билан ҳам тақдирланди.

Д. Миралимов фарзандларига бу медаль берилиши билан боғлиқ воқеаларни ёдга олиб, шундай ҳикоя қилиб берган эди:

*“Фашистлар Германияси устидан ғалаба қозонилди. Ҳамма бахтиёр. Шунчаки, сўз билан ифода этиб бўлмайди. Ҳамма бир-бири билан қучоқлашган. Осмонга қараб зафар ўқларини отишмоқда.*

*Бизнинг ҳарбий қисмимиз бу пайтда Германиянинг Ландсберг шаҳрида жойлашган ва биз ҳам ғалабани нишонлаётган эдик. Уйга боришимизга яқин қолди, деган ўй билан яшаётгандик. Бироқ бизга бирданига янги уруш ҳақида эълон қилишди. Шарқда япон милитаристларига қарши уруш бошланган эди.*

*Шундай қилиб, 1945 йил 11 майда бизнинг қисмимизни бошқа қисмлар билан бирга Япония билан урушга ташлашди. Орадан беш кун ўтгач, биз Мўғулистонгача бордик. Биз Катта Хинган тоғ тизмаси ва қўриқ мўғул даштларидан ўтишимиз керак эди. Узоқ, бир неча кун давомида юрдик. Ниҳоят, фронт чизиғига етиб келдик.*

*Мен 2-взвод 1-пулемёт ротасига командирлик қилаётган эдим. Рота таркибида 13 жангчи бор эди. Япония тарафига жуда*



*кўп самолёт учаётганди. Бизга дара орқали ўтишимиз кераклигини тушунтиришди. Бу дарага яқинлашганимизда, у ерда душман мустаҳкам ўрнашиб олган ва совет қўшинлари ўтишига имкон бермаётганди. Бу бир неча кун давом этди.*

*Душман муҳим тепаликда туриб, бизнинг позицияларимизга қарата тўхтовсиз ўт очарди.*

*Полк командири мени чақириб, “ўқчи взвод билан душман дзотини йўқ қилишга буйруқ бераман”, деди ва бунга қанча вақт кетишини сўради. Бирданига нимадир дейиши қийин эди. Мен ўйлаб кўришга вақт сўрадим. У душманни эрталабгача йўқ қилиш кераклигини таъкидлади.*

*Ишончли ва садоқатли йигитларни ёнимга олиб, тайёргарликни бошлаб юбордик. Булардан бири В. Топорков, бошқаси сержант И. Нинаев эди. Қоронғи тушиши билан душман позициясини айланиб ўта бошладик. Ўзимизга керакли бўлган манзилга,*

душман позициясига сездирмасдан бориш учун бутун тун вақт кетди.

Биз уларнинг жойлашуви яхши кўриниши ва шароитни ўрганиш учун тонг отишини кутишга қарор қилдик. Тонг ота бошлади. Уларнинг позициялари ҳам кўринди. Улар уч киши эди: бири ярадор, ота олмасди, аммо пулемёт лентасини бериб турарди. Иккиси отиш билан банд эди.

Мен буйруқ бердим: асосийсини ўзимга оламан, иккинчиси Топорковга. Игорь Нинаев эса эҳтиёт чораси сифатида ярадорни

мўлжалга олиб туради. Бир лаҳзада Топорков билан бирга японларга ташландик. Улар кичик бўлса-да, жуда эпчил эди, қаршилиқ кўрсатиб бақришарди.

Биз уларни шу қадар бўғдикки, ҳатто ҳаракатланишга имконлари қолмади. Бу пайтда Игорь ҳам автомати билан ярадорни сиқиб турар, у ҳам ҳаракатлана олмай қолганди. Биз барчасини арқон билан боғлаб, полга ётқиздик.

Мен бош кийимимни кўтариб, улар асир олингани ҳақида ўзимизникиларга сигнал бердим.



Деҳқонбой Миралимовнинг “Япония устидан қозонилган ғалаба учун” медали билан тақдирлангани тўғрисида гувоҳнома



Деҳқонбой Миралимовнинг II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирлангани тўғрисида гувоҳнома





*Деҳқонбой Миралимов умр йўлдоши билан*

*Менинг вазним 110 кило эди, Топорков ҳам бақувват эди. Биз икки душманни қўлтиғимиз остига маҳкам сиқиб олиб ҳаракатланардик. Ярадор эса ўзи юрарди. Шу ҳолатда уларни настга, ўзимизникилар олдига олиб тушдик.*

*Полк командири бизни қучоқлаб, миннатдорлик билдирди. Дўстларимиз қуршаб олди. Ҳамма улардан ғазабланган ва биздан хурсанд эди. Командир полк олдига бизга миннатдорлик билдириб, мукофотга тавсия этди. Кейинроқ учаламизга “Жасурлиги учун” медали берилганини билдик.*

*Энди полк бу машғум дара оралаб эркин ўтди. Бир километрдан кейин яна жанг бошланиб кетди”.*

*Д. Миралимов II даражали Ватан уруши ордени, “Япония устидан қозонилган ғалаба учун”, “1941–1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 20 йиллиги”, “1941–1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 30 йиллиги”, “СССР Қуролли*

*Кучларига 60 йил”, “1941–1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 40 йиллиги”, “СССР Қуролли Кучларига 70 йил” нишонлари билан тақдирланган. Мустақил Ўзбекистоннинг “Шухрат”, “Жасорат” ва “1941–1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги” медаллари билан мукофотланган.*

*Урушдан қайтгач, Д. Миралимов Бўстонлиқ тумани ижтимоий таъминот бўлими инспектори бўлиб ишлади. 1953–1984 йилларда ўз қишлоғида, “Боғистон ишчи кооперацияси” раиси сифатида фаолият олиб борди. У 28 марта туман Халқ депутатлари кенгашига депутат этиб сайланди. 1967 йили унга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими” фахрий унвони берилди.*

*Деҳқонбой ота Миралимов умр йўлдоши билан бирга беш ўғил ва тўрт қизни тарбиялаб вояга етказди, 38 неvara ва 23 эваранинг сеvimли бобоси бўлди.*

**Мухтор НАЗИРОВ,**  
*фалсафа доктори (PhD)*



# АСКАР

## МАКТУБЛАРИ



Аллаханы  
Бира пр. 2 газ  
Марьяеву Багдад  
Восток  
1920

2. (Машкева)  
Алексеевская д. ред. газ  
"Кзол. Узбекистан"  
Мутыковой Вибикун  
Воронежской области, Ке  
Камышировск. р-он.  
Аманов З.

Учма  
Аманову  
1920

СССР ПОЧТА  
12 Ташкент  
Триумфальная 499  
кв. 8. Буревой Саодат.  
(Амановой)  
1920

1920  
1419-511  
1920

Салом қилмагачи Бибинур!

Фронт ҳаётимизда қатъия ўзгартишига  
Бундан муқимиз учун ҳақ ёзишга имкон  
ёти бўлмади болди. Эски Шойларнинг  
(Туча областининг Клавск районидан  
Катынский ўрмони) ҳило ўроғда бо-  
либ кетди. 25.12.42. Йовура тўғиб Мўно-  
ган эдик. Ҳозир биз ҳудуд ама ўша  
биз йовура тўғган кўрликми- 25.12.42 да  
бизнинг шоним. Ўзим қилганим  
~~озод қилинган~~ асирларимиз: ўрта 80н.  
Биз ёвдан олинган ўша қасамнинг Мари-  
Залатини кўрдик: йовура терган вақ-  
тида ама биз асирларимиздан асир-  
ларни ўраганми: "Традицияро чини-  
қилини қилди" ва "рушимлар" асир-  
ларни кейин асир биз қилганми асир.  
Асирга тўғанларни ўради кўра кўради.  
Йовура асир тўғган. 200 қил. иёда иш  
Биздик. Осиёдай ама. Брок талаба

Жангчи Зиё Аминовнинг Воронеждан умр йўлдоши Бибинур Мўминовага юборган хати. 1943 йил.  
Хатда озод қилинган ҳудуддан ўтиб боришаётгани, асирга олинганларни кўришгани ҳақида ёзилган





Выше черты не писать

Привет, Зия!

Поздравляю Вас с новой про-  
рессией. Но никак не могу представить  
Вас антирком. Я не думала, что у Вас  
такие способности. Ну ждем успеха.  
Сегодня получила письмо от  
Тибди. Она упрямая меня за то,  
что от меня не получает писем.  
А мне кажется, что я от нее не  
получаю, она мне не пишет. Как  
быть, в таких случаях, Зия? Еще  
пишет, что от Вас тоже очень  
редко получаю писем и прошу  
меня писать о Вас.

Зия, мы не знаем уже ничего са-  
рому. Это вы сами знаете. Книжку  
босвал работа сорвать и сорвать  
новую авиацию Уинтера! Зия,  
мне кажется, что победы придутся  
Сегодня мне сообщили ТАСА, о высадке  
войск наших союзников на о-в Сицилия,  
это раз утверждаем, что много-много  
победа. При этой мысли сердце сильно  
таит в груди. Пока дойдет мое письмо  
до Вас, оно может быть будет совсем ко-  
роем, на эти строки посмотрите, как на побе-

Выше черты не писать

“Қизил Армия” газетасининг ходими Зифа Шамсутдинованинг Зиё Аминовга йўллаган мактуби.  
1943 йил 10 июль. Шу йилнинг кузида ҳалок бўлган З.Шамсутдинова мактубда  
ғалабага тобора яқинлашиб борилаётганини таъкидлайди



Смерть немецким оккупантам!

ВОЙНСКОЕ

Куда Полевая почта  
38508-2.

Кому Аминову Зия.

ПРАВИТЕЛЬСТВО  
ВОЙСКОЙ ПОЧТЫ  
01675



Обратный  
адрес

ПОЛЕВАЯ ПОЧТА

48251-А

Шашуриковой З.

решного майорана. Тогда в своем  
отвечном письме мне напишите  
о том и письме, хорошо?

А пока разрешите на это закончить.  
Все наши товарищи, жены и здоровья.  
И маме передайте Ваш привет.

Пишите, также мне и Бибди.

Желаю здоровья и успехов в Вашей  
боевой жизни.

10.7.43.

С уважением

*З.А.*

Ваше чертё не писать



Дўстларга мактуб.

Қадирдонларим:

Зиё, Шўлаган!

Мангдан соғ-саломат тижиб дўстларимга хат ёзаётганим ушунхал бахти ёрмон.

Бундан хуш ушун илгари қисми тизга Тошкентнинг бешёғозини дан Мезомов Холтой деган бир лейтенант келди. Тошкент тревваини ~~бу~~ бизнинг олдимизга турган оёқлари билан тижибди. Ишонасизми театриларга ҳам ўша Тошкент кўчаларидан ториб борибди. Хаттоки "Қани" қишлоғига Самаркандирбоза, Ёупоноталарни босиб ўтибди. Тошкентнинг ёзги кўзи-ни матиларидан келтиб, табаррук бўлиб келтибди. Биз бу гапларга сга ишонмас эдик. Ахир, Тошкентнинг ўша ўзимиз курган боғларидан ~~гўш~~ оқ бўйрасига қуриган ўрунларидан, 18 ёшар <sup>ушун</sup> кизини кизилликни ўзи ~~дан~~ оқс этиб курган олти ларидан олиб келибди. Бирини редакция иргитай дедим у қулосим етмас деб кўрқдим-га.

Ушун кунлик ~~тўғ~~ ширўдан сўнг лейтенантнинг Тошкентга бориб келгани охиқланди. Қога унинг ша-

Фрондан фронтга мактуб. Аъзам Мирбобоевнинг Зиё Аминовга йўллаган хати. 1944 йил. Тошкент соғинчи, Ватандан келган мевалар таърифи билан бошланган бу мактубда А. Мирбобоев Ленинград бўсағасида Ўзбекистон халқининг бахти-саодатини ҳимоя қилган ўзбек жангчиси образини гавдалантириши ниятида эканлигини қайд этади



рафига ўтириши қилдиқ. Назирэмон иснолла  
 йигитнинг ёқити овози ўрмон этакларига  
 тўзилиб ~~қилдиқ~~ қилдиқ. Классик куйларни, 90рамоннинг  
 хурди ўз кизидек шух яллаларини завқ билан бери-  
 либ тингладик.

Назирэмон юракларга кириб куйларди. Ўз  
 мухаббатини, латаққа биле изхор қилётқан ошиқ-  
 диқ берилиб юракдан куйларди. Унинг куйида найи-  
 дан оқайётқан куй қисми руҳига шундай гушир сини  
 гил борардики, деврада Турғул, Явазхон, Рустиамдек  
 мастурлар сердами куйи ўтирган ордени, медални  
~~қилдиқ~~ пайлавон йигитлар аниқласи билан <sup>қизи</sup> туйкига  
 кетиётқан ёш боладан ширин туйғи билан тиб-  
 ранирдилар. Назирэмон шух яллаларга ўтади,  
 деврада эшонларини бошлариб, тилик ва кизил  
 тозларга табассум юзларди.

✦

Мен Назирэмон билан шу заманга кириши ошуде-  
 тганимиз. Унинг тўридашми кундан эмин тиб юрган  
 бўладим хал ўзини кўрмаган эди. У билан Ташкентлик  
 эб. лейтенантчи Тожиев Турсун оркали танилдими.  
 Унинг таниабдуси билан узбек тилиларни заманга кириши





Жоокумунгун хети олт туривезиз гудим?  
Бибикуртунь созлим халыга милу мот бор  
ли?

Бизинь Ойтмаполгун хети кетимий куй-  
ди. Эмун ховатирга мун. Менгун бутуунай  
ушун узгилли, деб.

Жугалан келин<sup>ни</sup> аргизини гугу мун? Кат  
олатимизин?

Вактингладбан хисоблам мун; хатан  
жун гизит юбергун. Буицен сун Бунгой  
"Ромей"лар едил мун.

Шинигларга муза гурар кунан  
тиниман. Менгун Русия маке ва  
Болшея уртоктуге салем бир туреллар

Салам иле Азам.

Ана бир мезе а бан  
тиа Брнла селлар булад.

17.07.44.





# ФРОНТ ОРТИДАГИ

## МАТОНАТ



## Тошмуҳаммад ҚОРИ-НИЁЗИЙ

(1897–1970)

Эл-юртимиз атоқли педагог, машҳур математик олим, жамоат арбоби, профессор, ўзбеклардан биринчи физика-математика фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи президенти Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий номини доимо юксак ҳурмат-эҳтиром билан ёдга олади.

Олим ўзининг “Ҳаёт мактаби” номли китобида: *“Кишининг ёши ҳақиқий йил билан эмас, унинг мундарижаси билан ўлчанади”*, – деб бежиз ёзмаган эди.

Дарҳақиқат, ҳаёт мундарижасида турли – баъзан текис, баъзан ўнқир-чўнқир йўллар босиб ўтилади, ноҳақликларга дуч келинади, мураккабликлар, тўсиқларни енгиб инсон тобланади. Бу жараён тинимсиз ҳаракатдаги чархпалак сингари айланади.

Қори-Ниёзий сўзлари билан айтганда:

*“Ажойиб ҳикмат: фалакнинг ёки бошқача таъбир билан айтганда, тарихнинг улғвор чархи доимо айланиб туради ва табиатда ҳеч қандай куч йўқки, уни тўхтата олса! Ҳақиқатан ҳам, у ҳеч кимга итоат қилмайди, чунки унинг айланиши бизга боғлиқ бўлмай, балки объектив қонуниятдир.*

*Бошқача ифода этганда, тарих чархининг айланиши вақтнинг биздан қочиб кетаётганидир.*

*Шунинг учун ҳамма гап мумкин қадар унинг ҳар бир лаҳзасидан, ақл-идроққа суяниб, тўғри, рационал фойдалана билишда.*

*Менимча, ҳаётнинг энг муҳим ҳикматларидан бири ҳам ана шунда”.*

Бутун умри ва фаолиятини Ўзбекистон илм-фани ривожига бахшида қилган Қори-Ниёзий 1897 йил 2 сентябрда Хўжандда қосиб оиласида таваллуд топди. Дастлаб Хўжандда эски мактабда, кейин Фарғона шаҳридаги рус-тузем мактабида ўқиди.



1917 йилда 20 ёшли Қори-Ниёзий мазкур рус-тузем мактаби биносида Фарғона вилоятидаги биринчи ўзбек совет мактабини ташкил этади ва бошқаради. Тез орада ушбу мактаб Туркистон ҳудудида энг намунали мактабга айланади ва маҳаллий ёшларни ўзига жалб этади.

1920 йилда бу мактаб Қўқон шаҳридаги “Дор ул-муаллимин” таълим-тарбия курси билан қўшилиб, ўша даврдаги йирик билим маркази – Фарғона вилояти педагогика техникумига айлантирилди ва Қори-Ниёзий унга директор этиб тайинланди (1930 йилда техникум Фарғона педагогика институтига айланади).

Унинг биринчи битирувчилари ҳақида “Фарғона” газетасининг 1924 йил 26 май сонидида “Ўн уч – ўн уч минг бўлсин” сарлавҳали мақола чоп этилади.

Ҳақиқатан ҳам, бу йигит-қизлар ўз даврининг машҳур олимлари, фан ташкилот-

чилари, педагоглари, жамоат арбоблари бўлиб етишдилар.

Қори-Ниёзий 1926 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг физика-математика факультетига иккинчи курсга ўқишга қабул қилинади. Олимнинг хотираларида, у биринчи курсни мустақил ўқиб, имтиҳонлар топширгани, иккинчи курс аудиториясига кирганида, талабалар орасида фақат битта ўзбек бўлгани (бу талаба келгусида физика-математика фанлари доктори, профессор, Тожикистон Фанлар академиясининг иккинчи президенти (1957–1964) Султон Умаров эди) қайд этилган.

Қори-Ниёзий 1929 йилда ўқишни муддатидан олдин тугатди. 1926–1931 йиллар давомида шу университетда ўқитувчи, профессор, 1931–1933 йилларда ректор бўлиб ишлади. 1934–1936 йиллар давомида бир қатор олий таълим муассасаларида “Олий математика” кафедраларини бошқарди ва асосий курслардан маърузалар ўқиди.

Т.Н. Қори-Ниёзий илмий жамоатчилиқда ўзбек математика атамашунослиги, олий ва ўрта таълим муассасалари учун математик адабиётлар асосчиси ҳамда фан тарихи бўйича йирик мутахассис сифатида тан олинди.

Олим олий ва элементар математика бўйича бир қатор тадқиқотлар яратди. Унинг тўрт жилдан иборат “Математика анализининг асосий курси”, “Аналитик геометрия асосий курси” китоблари ўз даврида муҳим дарслик вазифасини ўтади.

Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий Ўзбекистонда кўпгина фан соҳаларига биринчилардан бўлиб қўл урган ва илм-фан бошқарувида турган олим ҳисобланади.

1937–1938 йилларда у ЎзССР Халқ Маорифи комиссари ва бир вақтнинг ўзида Фанлар қўмитасида Президиум раиси бўлди. 1939–1943 йилларда ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети раисининг фан, маданият ва санъат бўйича муовини, аynи вақтда, СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали Президиумининг раиси (1940–1943 йиллар) бўлиб ишлади.

Бу даврда мактаблар сони оширилса-да, уларни ўқитувчилар билан таъминлаш ма-

саласи оқсар, ўқитувчининг билим савияси талаб даражасидан паст эди.

Қори-Ниёзий таълим соҳасига жавобгар раҳбар сифатида педагогика институтлари тизимига катта аҳамият берди.

Қори-Ниёзийнинг фикрича, “*Ўқитувчида ўз касбига самимий муҳаббат бўлиши керак. Ўқитувчининг билими ўз шогирдларининг билимидан доимо ҳеч бўлмаганда бир неча бош юқори туриши керак, акс ҳолда, болалар олдида унинг обрўси бўлмайди, чунки кутилмаган саволларга ўқитувчи жавоб бера олмай қолиши мумкин. Ҳолбуки, бола сезгир бўлади. Ўқувчилар олдида йўқотилган обрўни тиклаш жуда қийин, ҳатто баъзи вақтларда мумкин ҳам эмас*”.

1940 йил 9 январда Ўзбекистон Фанлар қўмитаси СССР Фанлар академиясининг ўзбек филиалига айлантирилди. Бу йилларда республикада 19 та илмий тадқиқот институти, 23 та илмий станция, 11 та музей ва бошқа илмий ташкилотлар фаолият юритар эди.

Олим 1940 йилдан, деярли 10 йил давомида буюк олим, астроном Мирзо Улуғбекнинг қўлөзма манбаларини ўрганди ва илмий мероси бўйича тадқиқотлар олиб борди. Бу ишлар натижасида у Улуғбекнинг астрономия мактаби тўғрисида йирик илмий иш яратди. “Улуғбекнинг астрономия мактаби” номли китоби илк марта 1950 йили Москвада рус тилида нашр қилинди. Мазкур рисола 1952 йилда давлат мукофотига сазовор бўлди.

Уруш йилларида илм-фан ҳамжамияти катта муаммоларга дуч келди. 1941 йил 21 октябрда Москва шаҳрида мамлакат олимларининг антифашист митинги бўлиб ўтди. Улар бутун дунё олимларига қарата фашизмга қарши курашиш зарурлиги бўйича мурожаат қилдилар.

Барча республикаларда олимларнинг антифашистик ташкилотлари иш бошлади. Қори-Ниёзий уруш йилларида Ўзбекистонда олимларнинг антифашистик ташкилотини бошқарди.

Бу даврда Тошкент илм-фанни эвакуация қилишнинг муҳим марказига айланди. Тошкентга кўчириб келтирилган олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларини жойлаштириш ишларини мувофиқлашти-





*Т.Қори-Ниёзий Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг очилишида нутқ сўзламоқда.  
1943 йил 4 ноябрь*

риш, олимлар фаолияти учун шароит яратиш ўта мураккаб вазифа эди. Уруш йилларида 370 дан ортиқ олимлар Тошкентга кўчиб келган эди.

Қори-Ниёзий республика илм-фан соҳаси масъули сифатида бу жараёнларнинг олдинги сафида турди.

Олим кейинчалик бу даврни шундай хотирлайди:

*“Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг бир мажлиси ҳозиргача менинг эсимда.*

*1942 йилда бўлса керак, кечқурун соат тўққизда бошланган мажлис кечаси билан давом этиб, эртасига эрта билан соат ўнда бир соат танаффус бўлгандан кейин яна кундузи ва кечаси давом этиб, учинчи куни эрта билан тамом бўлган эди.*

*Табиий, ҳамма уйқудан қолган, гаранг эди. Ҳатто мажлис кетаётган вақтда иш бошқарувчининг ўринбосари уйқусизликдан чарчаб, ўтирган жойидан гурсиллаб йиқилиб тушган эди.*

*Бусатрларни ўқийётган киши: “Ахир, битта эмас, бир неча мажлис қилса бўлмас эканми”, – деб ўйлаши мумкин. Йўқ, бўлмас эди, чунки вақт ва шароит шуни талаб этарди ва кўп вақт ҳал қилиш лозим бўлган масалаларнинг характери шундай эдики, уларни мутлақо кечиктириб бўлмас эди.*

*Ҳатто, шундай муҳим ва жиддий масалалар бўлардики, улар тўғрисида ёзилган қарорнинг сиёҳи қуримасдан бажариш талаб қилинарди. Чунки иш ҳарбий услуб асосида қурилган эди.*

*Бунинг устига, уруш йилларидаги кўп масалалар бир-бирдан мураккаб бўлиб, уларни ҳал қилиш устида кўп бош қотиришга тўғри келарди”.*

Иқтисодиётнинг ҳарбий асосга ўтишини ҳисобга олган ҳолда, ўша йилларда энергетика соҳасидаги тадқиқотлар катта аҳамиятга эга эди. Қисқа муддатда олимлар иштирокида энергия тизимидаги йўқотишларни камайтириш, бир қатор саноат корхоналарида ускуналарнинг иш шароитларини яхшилаш ва энергияни оқилона сарфлаш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Энергетик олимлар Фарҳод ГЭСи лойиҳасини тақдим этдилар. Уруш даврида мис, алюминий, вольфрам, молибден ва бошқа металлар катта миқдорда талаб қилинган. Уларнинг саноат захираларини аниқлаш ниҳоятда муҳим стратегик аҳамиятга эга эди. Кенг кўламли геология-қидирув ҳамда разведка ва бурғулаш ишлари натижасида Фарғона вилоятида нефть қазиб олиш кўпайди, жанубий Ўзбекистоннинг нефтли ҳудудларида қидирув ишлари фаоллашди.

Ўқ-дорилар, ҳарбий техника сифатини ошириш, авиацияни ривожлантириш билан боғлиқ муҳим илмий муаммоларни ҳал қилишда математиклар, физиклар ва астрономларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон физика-техника лабораторияси шундан сўнг электроника соҳасида кенг кўламли тадқиқотларни бошлади. Ботаника ва тупроқшунослик институти олимлари, асосан, лалмикор деҳқончиликни кенгайтириш ва дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш, Мирзачўлни ўз-



лаштириш, жанубий Хоразм ерларининг мелиоратив ҳолати масалалари билан шуғулланганлар. Уруш даврида Ўзбекистон эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар институти фронтга бактериал препаратлар етказиб берувчи асосий ташкилотлардан бири бўлди.

Урушнинг оғир даврига қарамай, археологлар томонидан Мирзо Улуғбек расадхонаси ва темурийлар сарой бинолари, шунингдек, Афросиёб манзилгоҳида қазишмалар олиб борилди. Тарихчи олимлар “Ўзбекистон халқи тарихи” номли йирик асарни тайёрлаш устида иш бошладилар. Алишер Навоийнинг танланган асарларини нашр этиш, ўзбек тили грамматикасини ишлаб чиқиш, ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча луғатларни, шунингдек,



ўзбек тилининг изохли луғатини тузиш ишлари давом эттирилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Уруш даврида Ўзбекистон тарихидаги энг муҳим воқеа – Ўзбекистон Фанлар академиясининг ташкил этилиши эди. 1943 йил 4 ноябрда илм-фан маркази бўлган республика Фанлар академиясининг тантанали очилиши бўлиб ўтди.

Академиянинг дастлабки таркибига Ўзбекистоннинг 29 нафар етакчи олимлари киритилди. Уларнинг 21 нафари аниқ ва табиий фанлар, 8 нафари ижтимоий фан вакиллари эди.

11 нафар олим академиянинг биринчи ҳақиқий аъзолари – академик бўлиб сайландилар. Улар: Т.Н. Қори-Ниёзий (математик), М.Т. Ойбек (ёзувчи), М.С. Андреев



*Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг 1943 йил 3 ноябрдаги “Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари, мухбир аъзолари ва фахрий аъзоларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори*



(этнограф), А.Н. Аскоченский (ирригатор, гидроэнергетик) Ғ.Ғулом (шоир), В.В. Пославский (математик), В.И. Романовский (математик), Т.А. Саримсоқов (математик), С.У. Умаров (физик), А.С. Уклонский (геолог), Р.Р. Шредер (агроном-селекциячи).

Фанлар академиясининг биринчи мухбир аъзолари 18 нафар олим бўлди. Улар: Ҳ.М. Абдуллаев (геолог), Г.Г. Абдуллаев (тиббиёт), Р.А. Алимов (мелиоратор), А.А. Асқаров (тиббиёт), А.К. Боровков (филолог-шарқшунос), И.И. Ислотов (физик), Е.П. Коровин (геоботаник ва эколог), Б.Д. Коржавин (гидролог), С.С.Канаш (селекциячи), А.М. Мальцев (селекциячи), И.М. Мўминов (файласуф), М.А. Насреддинов (манбашунос), М.И. Слоним (тиббиёт), А.А. Семенов (шарқшунос ва этнограф), Ҳ.Олимжон (шоир), И.П. Цукерваник, Г.Н. Черданцев (иқтисодчи), А.Ш. Шарафутдинов (адабиётшунос).

Ёзувчи Садриддин Айний, халқ усталари Усто Ширин Муродов ва Юсуф Али Мусаев академиянинг фахрий аъзолари бўлишди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзолари иштирокида ўтказилган биринчи умумий мажлисда зиёлиларга мурожаат қилинди. Унда илм-фан ривожига Фанлар академияси бош марказ бўлиши, барча илмий тадқиқотлар мамлакат ривожига хизмат қилиши белгилаб олинди.

1943–1944 йилларда Фанлар академияси таркибига 10 та илмий тадқиқот муассасаси – Математика ва механика институти, Геология институти, Физика-техника институти, Ботаника ва зоология институти, Тупроқшунослик ва геоботаника институти, Энергетика институти, Кимё институти, Иқтисодиёт институти, Тарих ва археология институти, Тил ва адабиёт институти киритилди.


Шунингдек, унинг таркибига Китоб кенглик станцияси билан Тошкент астрономик обсерваторияси, Ботаника боғи, тарих музейи, Фундаментал кутубхона, “Фан” нашриёти киритилган эди.

Бу илмий муассасаларда 210 нафар илмий ходим, жумладан, 28 нафар фан доктори, 57 нафар фан номзоди фаолият юритарди.

Албатта, бу жараён 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи президенти этиб тайинланган ва уни 1947 йилгача бошқарган Тошмуҳаммад Қори-Ниёзийнинг тинимсиз меҳнати, саъй-ҳаракати, ташаббуслари, жонкуярлиги, фан олдидаги масъулияти ва фидойилиги билан бевосита боғлиқ ҳолда кечди.

Айниқса, олим қадимий қўлёзма манбаларни асраш ва келажак авлодга етказиш масаласига бефарқ қараб турмади. 1943 йил Ўзбекистон давлат халқ кутубхонасининг Шарқ бўлими негизида Ўзбекистон Фанлар академияси қошида Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти ташкил этилди (ҳозирги Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). Урушнинг оғир шароитига қарамай, аҳоли ўртасида сақланиб қолган қўлёзмаларни йиғиш чоралари кўрилди.

Қори-Ниёзий бу масалага ўта жиддий ёндашди. Авваламбор, Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институтига республиканинг турли ҳудудларидан қўлёзмаларни яхши биладиган ва мадрасада таълим олган, кекса ва тажрибали соҳа мутахассислари жалб этилди.



Тошмуҳаммад Қори-Ниёзийнинг ён дафтаридан саҳифа



Олим бу воқеаларни шундай хотирлаган эди:

“Урушнинг оғир йилларида бу кексаларга шароит яратиш учун Тошкентга яқин бўлган Чўпонотадан кичкина боғ ҳам олиб берилган эди. Айрим кишилар: “Қори-Ниёзий қўлёзма институтига фақат намозхонларни тўплади”, – деган ифво ҳам тарқатганди. Лекин шунга қарамай, қўлёзма соҳасидаги ишлар катта суръат билан давом эттирилди. Натижада Тошкентнинг ўзидан ва республикамизнинг Самарқанд, Бухоро, Марғилон, Термиз каби шаҳарларидан аллақанча қўлёзмалар тўпланди”.

Ҳатто Қори-Ниёзийнинг ўзи Мирзо Содик домла билан биргаликда Бухорога экспедицияга борган эди. Бу ҳаракатлар ўша даврда катта жасорат талаб этарди.

Гарчи Қори-Ниёзий уруш ортида илмфан йўлида хизматда бўлса-да, унинг қалб хавотири доимо уруш майдони билан боғлиқ бўлди. Зеро, оиланинг ёлғиз ўғли Шавкат 1942 йили 18 ёшида ўз хоҳиши билан фронтга ариза ёзган ва артиллерия мактабига юборилган эди.



1945 йил баҳоригача уруш майдонларида бўлиб, уйга соғ-омон қайтган, отаси каби математикани, хорижий тилларни яхши билган Шавкат кейинчалик Москвада Ҳарбий техника академиясини тамомлаб, ҳарбий кадр, ракета конструктори, техника фанлари номзоди бўлди. Унинг баллистика бўйича бир қанча асарлари чоп этилди.

Қори-Ниёзийнинг “Ҳаёт мактаби” эсдаликлар китобида республикада фан, маориф ва маданият тараққиёти тарихи ўз аксини топган. Китобнинг ҳар бир сатрида ўз халқига бўлган чуқур муҳаббат, унинг фаровонлиги учун қилинган ҳаракат, маърифатга йўғрилган умр мазмунини кўриш мумкин.

Олим Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти президиуми раиси муовини, бир қатор илмий жамоат кенгашлари ва жамиятлар аъзоси, “Фан ва турмуш” журнали бош муҳаррири (1939–1970 йиллар) бўлди. 1954 йил-



*Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институтида*



да Халқаро астрономия жамияти аъзоси, 1968 йилда Фанлар тарихи бўйича XII Халқаро конгрессда Бош Ассамблея аъзоси этиб сайланди. Кўплаб халқаро анжуманлар ва симпозиумларда иштирок этди. Япония, Ҳиндистон, Италия, Польша, Болгария, Афғонистон ва бошқа кўплаб давлатларда хизмат сафарларида бўлди.

Тошмуҳаммад Ниёзович Қори-Ниёзий 1970 йил 17 март куни Тошкент шаҳрида вафот этди.

Айни пайтда, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти, Тошкентдаги кўчалардан бири олим номи билан аталган.

Қори-Ниёзий Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1967 йил), Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти (1970 йил) ва бошқа кўплаб мукофотлар билан тақдирланди. 2002 йилда халқимиз олдидаги

хизматлари муносиб эътироф этилиб, унга “Буюк хизматлари учун” ордени берилди.

2007 йилда Қори-Ниёзовлар оиласининг ташаббуси ва кўмагида “Академик Қори-Ниёзов мероси” илмий-методик маркази ташкил этилди. Машҳур олим яшаган уйда жойлашган марказнинг асосий фаолияти математика соҳасидаги ёш олим ва мутахассисларнинг ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Жумладан, марказ математиклар учун тадқиқотлар олиб бориш, олий ва ўрта таълим тизимида математика фанини ўқитиш методикасини такомиллаштиришда кўмак беради.

*“Хулоса шул эрур дўстлар: ҳаёт ғоят мураккабдир, Яқуни бизга боғлиқ: саодат ё ҳалокат, ё фалокатдир”,* деб ёзган фидойи олим, дарҳақиқат, ўзининг ибратли фаолияти билан халқимиз қалбидан мустаҳкам жой олди.

**Нодира МУСТАФАЕВА,**  
*тарих фанлари доктори,*  
*профессор*



## Обид СОДИҚОВ

(1913–1987)

Урушдан аввалги йилларда отам – Обид Содиқов номзодлик диссертациясини якунлаётган эди. Москвада Александр Орехов лабораториясида илмий изланишлар олиб борарди.

Лабораторияда шароит яхши бўлиб, барча ходимлар, жумладан, А.Орехов ва унинг умр йўлдоши, кимё фанлари доктори Раиса Коновалованинг эътиборида бир йил давомида алколоидлар соҳасидаги номзодлик диссертациясининг тажриба қисмини якунлашга муваффақ бўлди.

Номзодлик диссертацияси ҳимояси 1940 йили Тошкент давлат университетининг Илмий кенгашида бўлиб ўтди. Ўша йили отам Олий аттестация комиссияси томонидан илмий даражага тасдиқланди ва доцент унвонига эга бўлди.

Бу йилларда аспирантурани Самарқанд давлат университетидаги педагогик фаолияти билан бирга олиб боришига тўғри келди.

Аввалига отам ассистент бўлиб иш бошлади, 1939 йили Самарқанд давлат университетининг кимё факультети Тошкент давлат университетига кўчиб юборилгач, умумий кимё кафедраси доценти ва мудир бўлди. Отам Самарқанд давлат университетида органик кимё, умумий кимёдан, шунингдек, табиий бирикмалар бўйича махсус курсдан сабоқ берди.

1941 йилда уруш бошланиши билан тинч ҳаётга, шу билан бирга, илмий тадқиқот режаларига путур етди.

Эндиликда республика ва унинг фани олдида душманга қарши сафарбарлик юзасидан заруратга айланган ҳамда уруш кетаётган республикаларга моддий ёрдам кўрсатишга йўналтирилган янги вазифалар турарди. Бу вазифалар мамлакат ичкарисига эвакуация қилинган кўплаб раҳбарлар, шунингдек, Россия, Украина, Белоруссия ва бошқа республикалар олим-



лари билан ҳамжихатликда ҳал этила бошланди.

Урушнинг бошланғич босқичида СССР маркази ва ғарбида илмий ташкилотлар мамлакат ичкарисига, жумладан, Тошкентга кўчирилди.

Институтлар билан биргаликда Тошкентга етакчи олимларнинг катта гуруҳи келди. Улар орасида СССР Фанлар академияси академиклари ва мухбир аъзолари, фан докторлари, профессорлар Борис Греков, Генрих Графтио, Михаил Костенко, Леонид Прасолов, Сергей Бахрушин, Виктор Ковда, Евгений Бертельс бор эди.

Эвакуация қилинган илмий ташкилотлар ва олимлар республикадаги олимлар билан фаол ҳамкор бўлдилар, олий таълим муассасаларида дарс беришди, кадрлар тайёрлашда раҳбарлик қилдилар. Россияни электрофикациялаштириш бўйича комиссия режасини ишлаб чиқувчиларидан





*Обид Содиқов лабораторияда. Уруш йиллари*

бири Михаил Шателен СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиалига ўринбосар бўлди.

1942 йилнинг апрелида СССР Фанлар академияси Президиумида мухбир аъзо Мария Смит-Фалкнер маърузаси бўйича фойдали қазилмаларнинг янги конларини қидириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ТошДУнинг кўплаб кафедраларига етакчи олимлар бириктирилди. Коллоидлар кимёси кафедрасига Белоруссия ССР Фанлар академияси вице-президенти Сергей Липатов бошчилик қилди, география кафедраси мудирлиги ва университет проректорлигига профессор Матвей Кадек тайинланди.

Москвадан яна Тошкентга қайтган профессор Андрей Благовешенский ўсимликлар физиологияси ва биокимёси кафедрасига раҳбарлик қилди. У академик Владимир Филатов билан биргаликда Ўрта Осиё ўсимликларидан кўз мугузининг хираланиши ва тери зарарланишини даволаш учун воситалар ишлаб чиқишди ва муваффақиятли қўллашди.

Уруш бошланиши билан Тошкент давлат университети кимё факультетида кимё лабораториясига эга бўлган махсус ишлаб

чиқариш ташкил этилди, унда 100 дан ортиқ инсон меҳнат қилди.

Уруш ва унинг мудҳиш овозаси органик кимё кафедрасининг кичкина лабораториясини ҳам ларзага келтирганди. Госпиталларга дорилар керак эди, ҳарбий қисмлар ҳам органик моддаларга эҳтиёж сезарди. Шу сабабдан, лабораторияда госпиталларни дорилар билан таъминлаш бўйича кенг миқёсли ишлар бошланди.

Ўсимлик хомашёсини муваффақиятли ўрганиш органик кимё кафедрасига республикада кимёвий-фармацевтик саноатни ташкил этиш ташаббуси билан чиқишга имкон берди. Уруш йилларида университет лабораториясида 50 дан ортиқ номлаштидаги тиббиёт воситалари ва махсус реактивлар тайёрланди.

Отам Самарқанд давлат университетида ишлаган 1939–1940 йилларда госпиталларни дорилар билан таъминлаш бўйича ишланмаларини бошлаганди.

У киши Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасида бўлиб, ишлаб чиқариш технологияси билан танишар экан, чой қадоғидан кейин қоладиган упа, чанг фабрикада чиқинди сифатида фойдаланишга яроқсиз деб ҳисоблашларини кўрганди. Шунда



олимлар лабораторияда чиқиндини таҳлил қилишганида, унда етарлича кофеин алкалоиди борлигини аниқлашди.

Қисқа фурсатда чангдан кофеин олиш технологияси ишлаб чиқилди. Кейинчалик Тошкент кимё-фармацевтика заводида бу технология такомиллаштирилган ҳолда кофеин ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Отам ўз хотираларида қайд этганидек, бу борадаги фаолияти Тошкент давлат университетининг органик кимё кафедраси лабораторияларида давом эттирилиб, фронт учун керакли бўлган дори воситаларини яратиш ишлари амалга оширилган.

Оғир уруш шароитида госпиталларда дориларга бўлган талаб катта қийинчиликларни туғдирарди. Лабораторияда ўсимликлардан олинадиган дори моддалари госпиталларга мисқоллаб олиб кетиларди.

Уруш ҳам дориларни, ҳам озиқ-овқатни еб тамом қилади. Нон, гўшт, шакар, сариеъ тақчиллиги ортидан одамлар турли касалликлар, аввало, витамин етишмаслиги билан хасталандилар.

Бу касалликлар, витамин етишмаслиги витамин РР (никотин кислотаси)ни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни тақозо этарди. Бу витаминнинг манбаларидан бири (махорка) жўн тамакидан олинадиган никотин алкалоиди эди.

Тамаки етиштириладиган ғарбий ҳудудларни душман эгаллаб олган. Мамлакат ичкарасида тайёрланадиган жўн тамаки фронтга жўнатиш учун керак. Шу сабабли, кимёгар олимлар витамин РР олиш мумкин бўлган бошқа ўсимлик манбасини топиши керак эди. Ана шундай моддалардан бири Ўрта Осиё итсигеки (анабазис)дан ажраладиган анабазин алкалоиди эди.

Тошкент давлат университети органик кимё кафедраси лабораторияси ходимлари, жумладан, улар билан бир сафда бўлган отам Обид Содиқов керакли миқдорда РР витаминини йиғиб, никотин кислотаси асосида бошқа дори воситаларига синтез ўтказишди. Булар ўша вақтда мамлакатда тақчил бўлган сульфидин, сульфазол, сульфгин дори воситалари эди.

Табий алкалоидлар ва уларнинг ишланмалари асосидаги мазкур изланишлар фундаментал тадқиқотлар бўлиб, қисқа муддатда ўз самарасини берди.

1943 йили СССР Фанлар академияси раёсати ва СССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қарори билан отам икки йил давомида давлат стипендияси билан докторантликка тасдиқланди.

1945 йили кимё фанлари доктори даражаси учун диссертация тақдим этиши керак эди. Фронт эҳтиёжлари учун дори воситаларини яратиш бўйича тўпланган катта тажриба материаллари билан боғлиқ тарзда илмий адабиётларни танқидий кўриб чиқиш, умумлаштириш зарур эди.

1944 йил охирида отам докторлик диссертациясининг биринчи вариантини тайёрлайди. Уни муҳокамадан ўтказиш учун Москва шаҳрида бўлади.

Отамнинг хотирлашича, у маориф вазири ўринбосари билан бирга транспорт самолётида Актюбинск, Куйбишев, Пензада оралиқ тўхташ билан манзилларига етиб олишган экан. Йўлга 13 соат вақт кетган.

Москвада ҳаёт кечириш қийин эди. Отам Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонаси ошхонасига жойлашган. Москвага сафар давомида марказий кутубхоналарда ва илмий ташкилотлар кутубхоналарида ишлаб, диссертация мавзуси бўйича қўшимча материаллар тўплаган.

Диссертация муҳокамаси кимё фанлари доктори, профессор О. Магилсон раҳбарлик қилаётган Бутуниттифоқ кимё илмий тадқиқот институти илмий семинари мажлисида бўлиб ўтади. Барча қатнашчилар бажарилган тадқиқотлар юқори даражадалигини қайд этиб, докторлик диссертацияси талабларига мос келишини таъкидлашган.

1945 йили отам докторлик ишини якунлаб, химояга Тошкент давлат университети Илмий кенгашига 20 декабрда тақдим этган.

Шу ўринда расмий оппонент, академик Владимир Родионов тақризидан бир иқтибос ҳавола этсам:

*“Диссертация батамом одатий намунада эмас, мен томонимдан аниқлаштирилишича, иш монографик-тажрибавий харак-*





*Ота-ўғил суҳбати*

*терда. Муаллиф алкалоидлар кимёси соҳаси билимдони...”*

Дарҳақиқат, отам Обид Содиқов машаққатли уруш йилларида фан frontiда хизмат қилиб, ўз ишланмалари ва докторлик диссертацияси билан ғалабага муносиб ҳисса қўшди. У киши 1946 йили “1941–1945 йиллар Улуғ Ватан урушида шавкатли меҳнати учун” медали билан тақдирланди.

1947 йили отамга профессор унвони берилди. Шу йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистон Фанлар академияси академиклигига сайланди.

Отам 1946–1950 йилларда Фанлар академияси Кимё институти директори, 1958–1966 йилларда Ўрта Осиё давлат университети ректори, 1966–1984 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси президенти бўлиб ишлади.

1973 йили Фанлар академияси тизимида Биоорганик кимё институтига асос со-

либ, умрининг охиригача раҳбари бўлди. 1988 йили институтга Обид Содиқов номи берилди.

Обид Содиқов 1966 йили “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби” фахрий унвони, 1973 йили Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 1979 йили Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти, қатор орден ва медаллар билан тақдирланди.

Отам дунёда табиий бирикмалар кимёси асосини яратган олимлардан бири сифатида халқимизнинг фахри бўлиб қолди. Ундан катта илмий мерос – 500 дан ортиқ илмий иш жумладан, 7 монография қолди.

Отам 10 нафар фан доктори ва 80 дан ортиқ фан номзодини тайёрлаган.

Падари бузрукворим вафотидан кейин 2002 йили мустақил Ўзбекистоннинг “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланди.

**Комила ОБИДОВА,**  
*кимё фанлари номзоди*



## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИК

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш масаласида жиддий қийинчиликлар пайдо бўлди. Айниқса, аҳолини гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут билан таъминлаш ёмонлашди.

Албатта, аҳолининг ушбу оқсилга бой маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш бевосита республикадаги чорвачилик ҳолатига боғлиқ эди. Бу пайтга келиб, қишлоқ хўжалигининг муҳим аҳамиятга эга тармоқларидан бири бўлган чорвачилик ҳолати кескин ёмонлашган эди. Чунки, XX асрнинг 30-йилларида Ўзбекистон чорвачилиги жамоалаштириш ва қулоқлаштириш туфайли анча зарар кўрган эди. Уруш бошланиши туфайли аҳвол янада қийинлашди.

Соҳада пайдо бўлган муаммоларнинг асосий сабаблари қуйидагилар эди:

биринчидан, чорвачилик тизими Ўзбекистон аҳолиси билан бир қаторда, ҳаракатдаги армияни гўшт билан таъминлашга ҳам сафарбар этилди.

1942 йил 23 ноябрда Қизил армия гўшт фонди тузилиб, Ўзбекистон учун унинг миқдори 7000 тоннани ташкил этди.

Фронтни қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида тузилган фондлар армия таъминотини бирмунча яхшиласа-да, аҳоли таъминотига салбий таъсир кўрсатди.

Асосий фондлардан ташқари, Ўзбекистонда маълум бир юбилей муносабати билан вақтинчалик фондлар ҳам ташкил этилди.

Масалан, Қизил армия тузилганининг 24 йиллиги муносабати билан ташкил этилган фондга Фарғона вилоятининг ўзидан 600 та қўй, 112 бош қорамол, 1152 товуқ ва ўрдак, 40 тонна қуритилган мева, 17 тонна гуруч, 1224 кг. ёнғоқ ва бодом, 1272 кг. анор, 11000 литр вино, 17 тонна мева-

сабзавот, 500 минг сўм пул ва 1 вагон шахсий посылкалар совға сифатида топширилди;

иккинчидан, чорвачилик ривожланиши учун асос бўлган озуқа базаси етарли ғамланмади. Ем-хашак ва озуқанинг етарли эмаслиги туфайли чорва моллари вазн тўплай олмади. 1942 йилда республика бўйича гўштга топширилган чорва молларининг 45 фоизи етарли вазнга эга эмас эди.

Бу ҳолатдан яна икки муаммо келиб чиқарди. Яъни етарли вазнга эга бўлмаган чорва молининг гўшт сифати ҳам қониқарсиз эди. Давлат гўшт режасини (тонна ҳисобида) бажариш учун 80 минг чорва молини қўшимча топширишга тўғри келди. Вазият оғирлигидан бузоқли сигирлар ҳам гўштга топшириб юборилди.

Уруш йилларида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш даражаси тушиб кетди. Қишлоқ хўжалигида уй ҳайвонлари кенг фойдаланилиши меҳнат унумдорлиги ва иш сифатини ҳам пасайтирди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинган уй ҳайвонлари республика бўйича ем-хашак сарфини кўпайтириб, гўшт ва сут чорвачилиги билан озуқавий емлар учун рақобат қилди;

учинчи сабаб, Ўзбекистондан озод этилган ҳудудларга чорва молларининг юборилиши бўлди.

Масалан, 1943 йил 17 сентябрдан 17 октябргача Ўзбекистондан Украинанинг озод этилган ҳудудларига 3636,7 центнер дон, 1075 бош йирик қорамол, 7989 бош қўй-эчки, 295 центнер сабзавот, 1975 центнер қуритилган мева, 34,5 центнер гўшт ва ёғ ҳамда 1018,5 центнер бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатилди. Умумий ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистондан Украинага жами 200 минг бош чорва юборилди.



Шуни ҳам қайд этиш керакки, ўша йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги чорвачиликка эмас, асосан, пахтачиликка ихтисослаштирилган эди.

Республика чорвачилигидаги муаммолар туфайли ҳар йили ўн минглаб чорва моллари ҳалок бўларди.

1942 йилда Ўзбекистон қоракўлчилигида фавқулодда вазият юзага келди. Бухоро, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларининг чорвачилик совхозларида ем-хашак етишмаслиги оқибатида кўплаб қўйлар нобуд бўлди.

Масалан, Бухоро вилоятининг қоракўлчилик совхозларида қўйларнинг нобуд бўлиши ўртача 10–15 фоиздан ошиб кетди. Жумладан, “Томди” ва “Жангельди” совхозларида 500 тадан, “Чорвадор” ва “Муборак” совхозларининг ҳар бирида 2 мингдан ортиқ чорва нобуд бўлди.

Ўзбекистонда озиқ-овқат муаммосини ҳал этишда ишчи ва хизматчилар ҳам иштирок этдилар. Озиқ-овқат маҳсулотларига танқисликни қисман енгиллаштириш мақсадида корхона ва ташкилотлар ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиб, ўз ошхоналарини мустақил равишда сабзаёт-полиз, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ҳаракат қилдилар.

Ишчи ва ходимлар озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини тўлдириш мақсадида индивидуал томорқа хўжаликлари юритдилар.

Томорқа хўжаликлари фақат қорамолчиликда ёки қўйчиликда эмас, паррандачиликда ҳам ташкил этилди. Масалан, 1942 йил 23 апрелдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг қарори билан шоли экувчи колхозлар ва очиқ сув ҳавзаларига эга корхоналарда ўрдак етиштирувчи фермалар ташкил этилди.

Колхоз, совхоз ва томорқа хўжаликларида тайёрланган деярли ҳар бир маҳсулотнинг давлатга топшириш режаси мавжуд эди. Масалан, 1942 йилнинг 1 чорагида Ўзбекистон колхозчилари давлатга 4 млн. 320 минг дона тухум топшириши керак эди. Ўзбекистон колхозчилари топширган тухумнинг асосий қисми Москва ва Ленинград шаҳарлари таъминотида мўлжалланганди.

Томорқа хўжаликлари бириктирилган корхоналар бу хўжаликларга техника ва йиғим-терим даврида ишчи кучи билан ёрдам берарди. Маълум маънода, корхоналар ҳам томорқа хўжаликларини ташкил қилишдан манфаатдор эди. Томорқа хўжаликларида етиштирилган гўшт, балиқ, ғалланинг ярим миқдори ҳамда картошка, сут, тухумнинг барчасидан корхона ишчиларининг карточка нормаларидан ташқари озиқ-овқат таъминотини яхшилаш учун фойдаланилди.

Уруш йилларида томорқа хўжаликлари ташкил этишнинг барча ижобий томонларини инобатга олган ҳолда, томорқа хўжаликлари ҳар доим ҳам тўғри ташкил этилмай, иқтисодий фойдасидан кўра зарари кўп бўлганини ҳам таъкидлаш зарур.

Бу каби салбий ҳолат корхоналар қошида ташкил этилган чорвачилик фермалари фаолиятида ҳам кузатилди. Қорамолларни семиртириш вазифаси бу соҳага умуман ихтисослашмаган ташкилотларга юкланди.

Масалан, 1941 йил 18 июлдаги Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг 829-сонли қарори асосида чорва моллари шартнома асосида боқиш ва семиртириш учун ташкилотларга берилди. Жумладан, қорамол бириктирилган ташкилотлар рўйхатида Қувасой цемент заводи, олтингурт кони кабилар бор эди.

Уруш йилларида аҳоли таъминотидаги энг тақчил маҳсулотлардан бири гўшт ва гўшт маҳсулотлари бўлди. Гўшт ва уни қайта ишлашдан тайёрланган маҳсулотларнинг аксарият қисми фронтга юбориларди. Шунинг учун бу маҳсулотларнинг жуда оз қисми аҳоли истеъмоли учун ажратиларди.

Чакана савдода гўшт маҳсулотларига белгиланган нархлар шунчалик юқори эдики, кўпчиликнинг уни сотиб олишга қурби етмасди. Давлат гўштга юқори оборот солиғи белгилаб, сунъий равишда тақчил маҳсулот истеъмолини чеклаб қўйганди.

1942 йил 4 июлдаги СССР Молия Халқ Комиссарлигининг 405-сонли вақтинчалик кўрсатмасига кўра, сояли колбасага 50%, оқсилли котлетларга 67% чакана савдо айланма солиғи белгиланди. 1942 йил



**Совет Народных Комиссаров Узбекской ССР  
и ЦК КП(б)Уз**

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ № 300**

**О мероприятиях по улучшению нагула и откорма скота, сдаваемого по мясопоставкам колхозами и совхозами Узбекской ССР, и развитию промышленного откорма в хозяйствах Наркоммясомолпрома УзССР**

СНК УзССР и ЦК КП(б)Уз отмечают, что за последние годы советскими и партийными организациями республики были допущены серьезные недочеты в деле организации работ по выполнению плана мясопоставок. В результате отсутствия должного внимания к этому важнейшему вопросу сдававшийся по мясопоставкам скот предварительно не подготавливался и поступал в состоянии плохой упитанности. В 1942 году из-за плохой организации откорма и нагула было сдано 45 проц. скота в состоянии ниже средней упитанности. В результате, государство получило низкокачественное, малоценное мясо, а колхозы республики сдали лишних более 80 тыс. голов скота и тем самым нанесли серьезный ущерб делу развития животноводства. Имеет место также массовая сдача на мясопоставки рабочих волов, коров и маточного молодняка, годного для воспроизводства, что становится серьезным тормозом для дальнейшего форсированного расширения стада крупного рогатого скота и разрешения одного из основных вопросов колхозного животноводства—формирования рабочего поголовья.

В целях выполнения плана мясопоставок в 1943-44 г.г. скотом хорошей упитанности и получения дополнительных продовольственных ресурсов за счет промышленного откорма скота, СНК УзССР и ЦК КП(б)Уз постановляют:

**I. По организации нагула и откорма скота  
колхозами и совхозами**

1. Установить на 1943 год план откорма и нагула скота всего 517.5 тыс. голов, в том числе:

нагул и откорм овец в колхозах	293.5 тыс. голов
нагул и откорм овец в совхозах	161.5 тыс. голов
нагул и откорм крупного рогатого скота:	
в колхозах	54.3 тыс. голов
в совхозах	0.4 тыс. голов
откорм свиней в совхозах	7.8 тыс. голов

с распределением по областям и совхозам, согласно приложениям 1, 2.

2. Обязать Совнарком КК АССР, оргкомитеты Наманганской, Андижанской и Кашка-Дарьинской областей, облисполкомы и обкомы КП(б)Уз, Наркомсовхозов и Узбеккаракультрест:

*Чорва молларини озуқа билан таъминлаш ишларини яхшилаш бўйича қарор.  
Ўзбекистон Миллий архиви, 837-жамғарма, 3753-йиғмажилд, 32-рўйхат, 153-варақ*



20 июндаги СССР Молия Халқ Комиссарлиги 375-сонли ва СССР Сут ва Гўшт саноати Халқ Комиссарлигининг 405-сонли буйруқлари асосида мол гўштига чакана савдо айланма солиғи ставкаси 70%, қўй ва чўчка гўштига 67%, от ва туя гўштига 10% этиб белгиланди. Куён ва қоракўл кўзилари гўшти учун чакана савдо айланма солиғи жорий этилмади.

Йилнинг йиғим-терим бўлмаган даврларида республика аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш масаласи бирмунча оғирлашарди.

Айниқса, йилнинг апрелдан июнгача бўлган даври энг мураккаб ойлар ҳисобланарди. Шу даврда республикада аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашга барча имкониятлар сафарбар этилиб, турли ноанъанавий усуллардан ҳам фойдаланилди.

Масалан, 1943 йил март, апрель, май ойларида маҳаллий аҳоли учун ноанъанавий бўлган 600 тонна қоракўл кўзилари гўшти ва 250 тонна тошбақа гўшти истеъмол учун тайёрланди.

1943–1944 йилларда республика аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш бирмунча яхшиланди. Марказий тақсимот ва жамоат овқатланиш тизими янги маҳсулотлар билан бойиди ҳамда жамоат овқатланиш тизими сифат ва сон нуқтаи назари-

дан бойиди. Масалан, умумий овқатланиш шохобчаларидан ташқари, йирик шаҳарларда парҳез ошхоналари ҳам ташкил этилди. 1943 йилда Тошкент шаҳрининг ўзида 600 киши парҳез ошхоналарига бириктирилган эди.


1944 йилда СССР Халқ Комиссарлар Советининг 1571-сонли қарори асосида аёллар ва болаларнинг таъминот даражаси бирмунча яхшиланди. Ушбу қарор асосида СССР Савдо Халқ Комиссарлигининг 566-сонли буйруғида болалар ва туғуруқхонадаги аёллар учун бир ой ҳисобида қуйидаги озиқ-овқат нормалари белгиланди.

Буйруқда болалар учун мўлжалланган шакар ва ҳайвон ёғларини бошқа маҳсулотлар билан алмаштириб бўлмаслиги ва гўшт нормаларининг энг кўпи билан 10 фоизини тухум порошоги билан алмаштириш мумкинлиги белгиланди.

Баъзи маҳсулотларга ойлик нормалар жуда кам белгиланса-да (эътибор берилса, ойлик туз нормаси творог ва сметана нормаларига нисбатан яқин), болаларга берилиши керак бўлган маҳсулотлар рўйхатида сметана, творог, кофе ва пишлоқ пайдо бўлишининг ўзи вазиятнинг секин-аста яхшиланиб бораётганидан дарак берарди.

Маҳсулотлар номланиши	Ўлчов бирлиги	Болалар уйлари ва суткалик ясли гуруҳлар	Кундузги боғчалар	Сут ошхоналари	Болалар озиқ-овқат станциялари	Туғуруқхоналар	Болалар боғчаси	
							Суткалик	Кундузги 10 соатлик
Гўшт-балиқ	гр	1200	750	–	500	2500	1500	1200
Ёғлар	гр	600	500	60	150	1100	500	500
Сут	литр	12	10	9	6	15	10	6
Сметана	гр	300	150	–	150	300	150	150
Творог	гр	600	300	–	300	300	600	300
Пишлоқ	гр	150	150	–	–	–	150	150
Тухум	дона	10	8	–	–	30	15	10





*“Краснодар ўлкаси учун 150 бош қоракўл қўйларини тайёрлаш ҳақида”ги қарор.  
Ўзбекистон Миллий архиви, 837-жамғарма, 3740-йиғмажилд, 32-рўйхат, 183-варақ*

Нарх	Мол гўшти (кг)	Сут (л)	Ёғ (кг)
Тайёрлов	34 тийин	45 тийин	1,3 руб.
Давлат (чакана)	13,2 руб.	18 руб.	25 руб.



Истеъмолчиларни давлат томонидан белгиланган сут-гўшт маҳсулотлари нормаси билан тўлиқ таъминлашда муаммолар бўлганини ҳам таъкидлаш зарур. Чунки шу йилларда республика чорвачилигида юзага келган инқирозли вазият сут ва гўшт маҳсулотларини норма бўйича етказиб беришга имкон бермасди.

Жумладан, Ўзбекистон пойтахтини сут билан таъминловчи Тошкент вилояти колхозлари сут топшириш режасини бажара олмасди. 1944 йилдан аҳоли (асосан, болалар ва ҳомиладор аёллар) учун сут маҳсулотлари билан таъминлаш нормаси бирмунча оширилишига қарамай, бу нормаларни таъминлашнинг имконияти амалда ҳар доим ҳам бўлмаган. 1945 йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрининг сутга бўлган талаби 1,5 тоннани ташкил этган ҳолда, бу талаб 0,5 тоннага қондирилган.

Режалар тўлиқ бажарилмаслигининг яна бир сабаби – колхозлар давлатга мажбурий маҳсулот топширишдан иқтисодий манфаатдор эмасди. Маҳсулотларга тайёрлов ва давлат (чакана) нархларининг ўртасида кескин тафовут мавжуд эди.

Савдода деярли монополь ҳуқуққа эга бўлган давлат савдоси маҳсулотларни жуда паст нархларда сотиб олар ҳамда аҳолига жуда қиммат нархларда сотарди.

Бу ҳолатни уруш йилларида собиқ иттифоқда ўрнатилган нархлар фарқида ҳам кўриш мумкин:

бу сабабларга кўра, сут ишлаб чиқариш қисқариб, собиқ иттифоқ бўйича сут ва сут маҳсулотлари истеъмоли 1944 йилда (урушгача бўлган миқдордан) 69,5 фоизни ташкил этди. Аҳоли рацион асортимент рўйхати қисқариб, инсон организми учун зарур маҳсулотлар миқдори камайди. Уруш йилларида озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳам пасайди.

Бу даврда тинч аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган минимал талаби карточка тизими орқали таъминланди.

Уруш туфайли энг кўп вайрон бўлган тармоқлардан бири қишлоқ хўжалиги соҳаси эди. Ҳарбий ҳаракатлар туфайли миллионлаб унумдор ерларнинг камайиши, қишлоқ хўжалик техникаси ва отуловларнинг урушга сафарбар этилиши, чорва молларининг оммавий сўйилиши ва бошқа ҳолатлар қишлоқ хўжалигига жиддий салбий таъсир кўрсатди.

Урушдан кейин саноат, транспорт ва хўжалик тармоқлари 2–3 йилда тикланган бўлиши мумкин, ammo қишлоқ хўжалигининг ўзига хослиги туфайли, бу соҳа камида 5–6 йил, чорвачилик эса урушгача бўлган ҳолатига 8–9 йил ичида қайтди.

Чорвачилик соҳаси фронтни озиқ-овқат ва жун билан таъминлашга мослаштирилди.

Уруш йилларида Ўзбекистон чорвачилиги инқирозли вазиятга яқин ҳолатда бўлса-да, ўз имкониятларидан максимал фойдаланган ҳолда, фронтни керакли маҳсулотлар билан таъминлашга бекиёс ҳисса қўшди.

Юзага келган мураккаб шароитга қарамадан, 1941 йилда Ўзбекистонда давлатга гўшт топшириш режаси 108,3 фоизга бажарилди.

Хашак ва озуқа емларининг етишмаслиги шароитида республикага турли фондлар ва мажбурий топшириш мажбуриятлари юкланди. Ўзбекистон чорвачилиги бу режаларни бажаришда барча имкониятларни сафарбар этди, шу жумладан, ёш молларни ҳам сўйиб давлатга топширди. 1943 йил охирида республика чорвачилиги инқирозли ҳолатда эди. Шундай қийин шароитда уруш йилларида республика чорвачилиги давлатга 159 минг 300 тонна гўшт, 22 минг 300 тонна жун ва бошқа кўпгина маҳсулотлар етказиб берди.

**Ҳасан БОБОЖОНОВ,**  
*фалсафа доктори (PhD),  
доцент*



## Мастура АЗИЗОВА

(1903–1961)

Ҳаёт мисли шиддатли дарё. Унинг вақт деб аталмиш олтин тарозиси бор. Лаҳзалар, сониялар, дақиқалар, соатлар. Кейин эса кунлар, ҳафталар, ой ва йиллар. Қудратли бу тўлқинни орқага суриш нари турсин, унинг тезлигини ҳатто секинлатишни хаёлга келтириб бўлмайди.

Воқеалар занжири инсон хотирасидан қалам қудрати воситасида қоғозда, газеталар, китоблар саҳифаларида бирлашиб, тарих бўлиб қолади. Бир пайтлар оддий, кундалик ҳодиса ҳисобланган турмуш икир-чикирлари давр ўтиши билан ўзгача мазмун, моҳият касб этади, қалбни тўлқинлантиради.

Мастура Азизова 1903 йилда Самарқанд шаҳридаги “Пулисафед” маҳалласида ишчи оиласида дунёга келди. Вақти келиб, мотридик Бобокалон Фозиловга турмушга чиқди. Шу вақтлардаги мураккаб шароитда оила ва фарзандларини оёққа турғазини мақсадида эр-хотин тинмай меҳнат қилишди.

Мастура ая серғайратлиги билан тезда кўзга ташланиб, 1932 йилда сабзавотчилик звеносининг бошлиғи қилиб тайинланди.

Мастура Азизова Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб қишлоқ хотин-қизлари орасида трактор рулига ўтирган аёллардан ҳисобланади. У “Қизил намуна”, Самарқанд вилоятининг бошқа хўжаликлари далаларида трактор билан ер ҳайдади. Ўтган асрнинг 30-йиллари ўрталарида қишлоқ хўжалигини механизациялаш кўлами кенгайиб, МТСлар (машина-трактор станциялари) тармоғи кенгая бошлаши билан Мастура Азизова Самарқанд МТСи қошидаги 3 ойлик тракторчилар тайёрлаш курсида ўқиди. Гувонмани қўлга олиб, колхозга янги “СХТЗ” трактори билан кириб келди.

Мастура “СХТЗ” рулини уч йил бошқарди. Сўнгра тракторчилар бригадасини ту-



зиб, бригадага бошчилик қилди. Бригада ихтиёрига 4 та “СХТЗ” трактори берилиб, унга 12 киши аъзо қилиб олинди. Аъзоларга трактор рулини бошқаришни Мастуранинг ўзи ўргатди. У ремонт мавсумида ҳафталаб комбинзонини ечмай, шогирдларига нозик жараёнларни ўргатар эди.

Бригада 4 та колхозга техника хизмати кўрсата бошлади. Баҳорда, кузда шудгор, ёзда эса йиғим-терим, ғалла ўрими.

Бу ишларнинг ҳаммаси ана шу бригада механизаторлари зиммасида. Аммо трактор ҳам, тракторчи ҳам етишмайди. Техника олиш, албатта, зарур. Лекин, аввало, кадрларни тайёрлаш керак.

Мастура ана шу мақсадини амалга оширишга киришди. Натижа ёмон бўлмади. Унинг бевосита ёрдамида, даъвати ва ташаббуси билан Меҳри Ашурова, Мусаллам Шокирова, Фотима Ҳалимова, Абдуҳамид Каримов, Ражаббой Отамуродов, ака-ука



Эргаш ва Шариф Розиковлар, Пўлат Ҳамидов, Убайдулла Қозоқов, Қозоқ Узоқов, Акрам Бурҳонов, Кўчим Бўриев, Саттор Зиёев ва бошқалар тракторчилик касбини эгалладилар.

*“Ўзиям олов эди, – дея хотирлайди Мастура опанинг дастлабки шогирдларидан бири Облоқул ака Раҳмонқулов. – Шароит қийин бўлишига қарамай, биз бригадамиз билан Фориш, Ғаллаорол, Ло-йиш чўлларига бориб ғалла экардик, ўриб олардик. Кейин қайтар эдик. Орамизда қизлар, аёллар ҳам бор эди. Бизнинг устозимиз Мастура опа тадбирли, талабчан, сўздан қайтмайдиган, ялқовлик, қўрқоқликни ёқтирмайдиган, ўткир сўзли, кенг гавдали, билаклари бақувват, меҳнатда унча-мунча йигитни тан олмайдиган чин инсон, ҳақиқий меҳнаткаш, заҳматкаш аёл эди...”*

Мастура трактор рулини бошқарган кезларида маҳаллий аҳоли уни Пўлат қанотли лочин, деб таърифлай бошлади.

Урушгача Мастура опанинг меҳнатлари бир неча бор тақдирланди. Жумладан, 1939 йилда Йўлдош Охунбобоевнинг шахсан ўзи Мастура опага Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини топширган эди. Бундай Фахрий ёрлиқлардан у яна иккитасини олди. Раҳматномалар, ёрлиқларнинг эса ҳисобига етиш қийин.

Қатор медаллардан ташқари, у уч марта “Победа” энгил автомашинаси ва қимматбаҳо совғалар билан ҳам тақдирланганди.

1941 йил 22 июнь... Уруш бошланди. Ҳамма Ватан ҳимоясига отланяпти. Фронт ортини мустаҳкамлаш ёшлар, аёллар, кексалар зиммасига қолган. Мастура опа ўз бригадаси аъзолари билан Ғаллаорол даштларига отланди. Моллар учун озуқа, деҳқонлар учун ғалла етиштириш, фронтга бир қисмини жўнатиш зарур. Тракторчилар палаткалар ясаб, ишни икки сменада ташкил этишди.

Опа доим дала кезар, тракторларнинг бир меъёрда ишлашини таъминларди. Фақат даштдагина эмас, қўшимча равишда бошқа жамоа деҳқонларига ҳам техника хизмати кўрсатиш улар зиммасида эди.

Уруш даврида далаларда иш суръати пасайган эмас. Ҳамма ғалабага ўз ҳиссасини қўшди. Мастура Азизованинг тракторлари ҳам, тракторчилари ҳам тиним билишмади. Мастура опа бошчилигидаги бригада ва бригадирнинг шуҳрати ошди. Меҳнати натижаси туфайли 1946 йилда у Ленин ордени билан мукофотланди. Уч йилдан сўнг, яъни 1949 йилда Мастура опа кўксига яна бир Ленин орденини тақиб қўйди.

1947, 1951, 1955 йилларда М.Азизова Ўзбекистон Олий Советига депутат қилиб сайланди. Бир неча бор вилоят, туман, қишлоқ Советлари депутати бўлди. Сайловчилар талабини, уларнинг мурожаатларини жон-дилдан бажарди.


Дарҳақиқат, уруш даврида Мастура Азизова каби минглаб аёллар трактор ва машина рулини қўлга олдилар, энг мураккаб техникани бошқаришни ўргандилар. Шу йўл билан иқтисодиётда кадрлар танқислигини юмшатишга ҳаракат қилдилар. Биргина 1941–1942 йилларда республика колхозларида меҳнатга яроқли бўлган эркаклар сони 32 фоизга камайиб кетди. Ўзбекистонда иқтисодиётни ишчи кучи билан таъминлаш муаммоси биринчи навбатда ички имкониятларни жалб қилиш орқали ҳал этилди.

1942 йил 13 февралдаги ЎзССР Олий Совети Президиумининг фармонида биноан, давлат корхона ва муассасаларида ишламайдиган 16 ёшдан 45 ёшгача аёлларга меҳнат сафарбарлиги эълон қилинди.

Ўзбекистонда аёлларнинг қишлоқ хўжалигидаги меҳнати, айниқса, салмоқли бўлди. Қишлоқ хўжалиги фақатгина ишчи кучига эмас, малакали мутахассисларга эҳтиёж сезарди. Тезликда агрономлик ва механизаторлик қисқа муддатли курслари ташкил этилиб, ўқув машғулотлари бошлаб юборилди.

Лекин қисқа муддатли курсларнинг очилиши муаммони тўла-тўқис ҳал эта олмади. Бундай курсларда фақат машиналарни бошқариш бўйича билим бериларди. Олинган билимлар, албатта, етарли бўлмай, қишлоқ хўжалигини малакали кадрлар билан таъминлашда биринчи босқични ўтарди, холос.





*Мастура Азизовага Самарқанд МТСдан мазкур МТСда  
1935 йилдан буён ишлаётганлиги ҳақида маълумотнома. 1948 йил 10 июль*

1941 йил мобайнида механизаторлар мактаблари ва МТСлар қошида ташкил этилган қисқа муддатли курсларни 18765 киши битирган бўлса, уларнинг 12428 нафари аёллар эди.

Шу билан бирга, ўзбек аёлларининг меҳнатсеварлиги ва тиришқоқлиги туфайли раҳбарлик лавозимларида ҳам уларнинг улуши ортиб борди. Уруш йиллари Ўзбекистонда раҳбарлик лавозимига 64 мингдан зиёд аёллар кўтарилди. Жумладан, Бухоро вилоятида 3688, Сурхондарё вилоятида 927, Тошкент вилоятида 635, Қашқадарё вилоятида 581 нафар илғор аёллар раҳбарлик вазифаларида ишладилар.

1943 йилда Ўзбекистон ССР бўйича ҳаммаси бўлиб 15 минг тажрибали, ташкилотчи колхозчи аёллар колхоз раиси, раис ўринбосари ва бригадир, 48 772 қишлоқ аёли звено бошлиғи этиб тайинланди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистондаги ҳар бир соҳа ва йўналишда –

қишлоқ хўжалиги ёки саноат тармоқлари, тиббиёт, таълим-тарбия, фан ва маданият, санъат бўладими – уларнинг бир текис фаолияти ва ривожига ўзбекистонлик хотин-қизлар катта ҳисса қўшди.

Айниқса, уруш йилларида саноат ва қишлоқ хўжалиги ишчи кадрларга кескин эҳтиёж сезган даврда аёллар фронтга кетган оталари, акалари ва турмуш ўртоқлари ўрнини муносиб эгаллади.

Бу ишларнинг бошида, албатта, Мастура Азизова каби меҳнаткаш аёллар турарди. Мастура опанинг тажрибаси бутун республика бўйича ўрганилди. Мастура Азизовадан ўрнак олган минглаб ўзбек аёллари биринчи бор трактор рулини тутдилар. Натижада республикада минглаб мастуралар пайдо бўлди.

Ўзбек аёлларининг сабр-бардоши, чидами, донолиги ва эртанги кунга ишончи Ўзбекистоннинг уруш синовларини енгиб ўтишда мустаҳкам асос бўлди.

**Ҳасан БОБОЖОНОВ,**  
фалсафа доктори (PhD),  
доцент



## Замира МУТАЛОВА

(1930–1979)

Аёл табиатан нозик яратилгани бор гап. Аммо шундай вақтлар бўладики, аёл қудратидан барчамиз ҳайратга тушамиз.

Бунга биз сўз юритмоқчи бўлаётган қаҳрамон юртдошимиз мисолида яна бир бор амин бўлиш мумкин.

Замира Муталова 1930 йил 30 декабрда Ўрта Чирчиқ туманида таваллуд топди. Шу ердаги ўрта мактабда таҳсил олди.

У мактабдан қайтаркан, тўғри далага борар ва 70–80 килограмм, дам олиш кунларида, ҳатто 150 килограммгача пахта терарди. Бу вақтда дунёда Иккинчи жаҳон урушининг мураккаб палласи кечарди.

Замира Муталова мактабни тамомлагач, жамоа хўжалигидан унга ер ажратиб беришларини сўрайди ва ўзи бошчилигида юз центнердан пахта ҳосили берадиган звено ташкил этишга ваъда беради. Шу тариқа, юзцентнерчилик ҳаракатига қўшилган янги звено ташкил этилади ва З.Муталова бошлиқ этиб тайинланади. Звено таркибига тажрибали суғорувчи Ваҳоб Сатторов ҳам киради.

Февраль–март ойларида звено ўзига ажратилган ерни тайёрлаб, март ойининг охирида чигит экади. Баъзан об-ҳаво совиб кетар, Замира тажрибали пахтакорлардан маслаҳат олиб, ғўзаларни похол билан ўрарди. Звено ғўзалар атрофида похол ва хас-чўпларни кечаю кундуз тутатишади. Натижада тутун ғўзалар устида учиб, осмондан тушадиган қировни эритади ва ерни музлатмайди.

Звено ғўза ичидан чиқмади, керагида суғорди, вақтида чопди, культивация қилди, кеча-ю кундуз парвариш билан банд бўлди. Натижада ғўзалар барвақт гуллади ва ҳар тупда 30 дан 200 тагача кўсак тугди. 25 августда терим бошланди.

Замира Муталова ёш бўлишига қарамай, ўзининг фидойилиги ва меҳнатсеварлиги билан тез орада ҳосилдорликни ошириш



ва давлат режасини бажаришда бошқалардан ўзиб кетди. У кунига 250–300 килограммга етказиб пахта терар, ҳар куни беш кишилик звено 700–800 килограмм пахта топширарди.

Звено давлатга ҳар гектар ердан 34 центнердан пахта берди. Ўша вақтда бу Ўрта Чирчиқ туманида энг юқори ҳосил эди.

Эндиликда ёш звено бошлиғи номи республиканинг уста пахтакорлари билан бир қаторда тилга олина бошлади. Пахта етиштириш бўйича давлат режасини ортиғи билан бажаргани сабабли ёш қаҳрамонимиз 1944 йили – 14 ёшида Ленин ордени соҳибига айланди.

Эришган ютуқлари билан чекланиб қолмаган Замира йилдан-йилга пахта етиштириш давлат режасини ортиғи билан бажариб борарди. Натижада у 1945 йили Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.





### *Пахтакор қизлар*

Звено гектаридан 101 центнердан пахта ҳосилини етиштиришга эришгани сабабли Замира Муталова 1947 йили энг олий мукофот – Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Ёзувчи Шукур Саъдулланинг 1945 йили чоп этилган “Кенжа пахтакор” асарида, 1948 йили яратилган Комил Файзуллиннинг “Пахтаободлик қиз”, Н.Охундийнинг “Қаҳрамон қиз” асарларида Замира Муталованинг меҳнат қаҳрамонликлари акс эттирилади. Кейинчалик ушбу асарлар асосида “Пахтаободлик қиз” номли ҳужжатли фильм ҳам суратга олинади.

1950 йили Замира Муталова Тўхтасин Ҳамидов билан турмуш қурди. Бахтли ҳаётлари давомида улар мамлакатимизнинг турли соҳаларида фаолият юритаётган 7 нафар олий маълумотли фарзандни вояга етказишди.

Оиланинг тўнғич фарзанди Тамира опа Замира она ишлаган даврларда қишлоқ хўжалигида, асосан, кетмон билан қўл меҳнати устувор бўлгани, оналари 22 килограммлик кетмон билан пахта етиштирганини таъкидлайди.

Шунингдек, Тамира опа Замира она қишлоқ хўжалигида ишлашига қарамай, аёллик назокати билан ораста кийиниши ва ҳаммиша янги фасондаги кийимларни хуш кўриб, ўзига оро бериб юрадиган гўзал аёл бўлгани, маҳаллада ҳам ҳаммага маслаҳатгўй ва фаол бўлганларини ёдга олди.

Суронли Иккинчи жаҳон уруши йиллари меҳнатда тобланган Замира Муталова ўзининг 49 йиллик қисқа умри давомида ўз меҳнатлари билан улкан ютуқларга эришди. Аслида, мана шундай қаҳрамон инсонларнинг шижоати ва қаҳрамонлиги сабабли фашизм устидан ғалаба қозонилгани айна ҳақиқат эмасми?

**Шухрат ЮСУПОВ,**  
*полковник*



## ҚАНД ЛАВЛАГИ ЕТИШТИРИШ

Иккинчи жаҳон уруши қишлоқ хўжалиги соҳасига улкан зарар етказди. Уруш кетаётган ҳудудларда оккупация туфайли айрим экин турларини етиштириш кескин камайиб кетди.

Масалан, урушгача собиқ иттифоқ миқёсида етиштириладиган қанд лавлагининг 87 фоизи Украина ҳиссасига тўғри келарди. Фашистлар томонидан Украинанинг босиб олиниши ва Россияда қанд лавлаги ялпи ҳосилининг 4 баробар камайиши шакар таъминотини қийинлаштирди.

Иккинчидан, собиқ иттифоқ ғарбий ҳудудларининг эгалланиши туфайли Ўзбекистонга ғалла, шакар ва бошқа маҳсулотлар келтирилиши тўхтатилди. Юзага келган танқислик, асосан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ички резервларидан тўлдирилди.

Шакар озиқ-овқат саноати учун жуда зарур маҳсулот бўлгани сабабли йўқотилган қанд лавлаги майдонларини шарқий ҳудудлар, жумладан, Ўзбекистонда тиклаш ишлари бошлаб юборилди. Республика деҳқонлари қанд лавлаги етиштиришни ўзлаштиришга катта эътибор бердилар.

Ўзбекистонда қанд лавлаги етиштириш, асосан, бошқа экинлар майдонларининг қисқартирилиши эвазига амалга оширилди. СССР Халқ Комиссарлар Совети ва партия Марказий Қўмитасининг қўшма қарори асосида 1942 йилда Ўзбекистонда қанд лавлаги учун 70 минг гектар ер ажратиш мақсадида 52400 гектар беда ва 22600 гектар пахта майдонлари қисқартирилди.

1943 йилда республика деҳқонлари давлатга 1565 минг центнер қанд лавлаги топ-



*Қанд лавлаги экиш жараёни. Булунғур тумани, 1945 йил*



ширдилар. 1942 йили лавлаги ҳосилдорлиги 162 ц/га ва 1944 йилда эса 260 ц/га етди. Ўзбекистон собиқ иттифоқ миқёсидаги қанд лавлагининг чорак қисмини ишлаб чиқара бошлади. Бу, ўз навбатида, фақат республикадаги қанд ишлаб чиқариш заводларини эмас, балки бошқа республикаларни ҳам лавлаги билан таъминлаш имконини берди.

Ўзбекистонга эвакуация қилинган ва аниқ корхонага бириктирилмаган мутахассислар касбий фаолиятига қараб, турли соҳаларга ишга юборилди. Жумладан, 1941 йилда Ўзбекистонда қанд лавлаги экишнинг бошланиши билан эвакуация қилинган колхозчилардан 5 минги Фарғона, Тошкент ва Самарқанд вилоятларига юборилди. Ўзбекистон аҳолиси ҳам қанд лавлаги экиш ва йиғиш ишларига фаол жалб этилди.

Уруш йилларида Ўзбекистонда қанд лавлаги етиштиришга давлат даражасида шу қадар жиддий эътибор қаратилдики, ҳатто 1942 йил 24 октябрда Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг 1421-сонли қарори билан Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси баъзи моддалар билан тўлдирилди. Унга кўра, қанд лавлагига ҳар қандай зарар етказиш, қанд лавлаги бўйича давлат режасини бажаришга тўсқинлик қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат барча мол-мулк мусодара қилинган ҳолда, ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланадиган бўлди.

Шакар ва қандолатчилик маҳсулотлари болалар истеъмоли учун муҳим эди. Уруш йиллари таъминотдаги қийинчиликларга қарамасдан, 250 мингга яқин кўчирилган болалар биринчилардан бўлиб озиқ-овқат билан таъминланарди. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг 1942 йил 3 февралдаги қарори билан болалар уйларидаги ҳар бир болага қуйидаги кунлик озиқ-овқат маҳсулотлари белгилаб берилди: нон – 400 гр., макарон ва крупалар 70 гр., балиқ – 56 гр., ёғлар – 32 гр., шакар – 15гр., қандолатчилик маҳсулотлари – 20 гр.

1944 йилда лавлаги экиладиган ҳудудлар озод этилиши билан Ўзбекистонда ушбу экинга ажратилган ерлар қисқар-



*«Хурмат белгиси» ордени билан тақдирланган Жалолiddин Элмуродов қанд лавлаги уруғини текширмоқда. Булунғур тумани, 1945 йил*

тирилди. Шу йили Тошкент вилоятида 5900 га, Фарғона вилоятида 14300 га, Самарқанд вилоятида 18800 га ва Қашқадарё вилоятида 1000 га ер қанд лавлаги учун ажратилган эди.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, Ўзбекистондаги қанд заводлари маҳсулотлари маҳаллий аҳолига деярли сотилмади. Республика аҳолиси шакар эмас, қайта ишланмаган қанд лавлаги билан таъминланди.

Республикада етиштирилган лавлагининг барчаси ҳам заводларда қайта ишланмасдан, маълум миқдори аҳоли истеъмоли учун ажратилди. Масалан, 1943 йилнинг ўзида 20700 тонна қанд лавлаги республика ташкилотлари ҳамда Тошкент шаҳри ва вилояти, Бухоро вилояти аҳолиси ўртасида тақсимланди. Шунингдек, 1943 йил ҳосили ҳисобидан Тошкент шаҳридаги жамоат ошхоналари таъминоти учун кунига 30 вагон қанд лавлаги юборилди.

**Ҳасан БОБОЖОНОВ,**  
*фалсафа доктори (PhD),  
доцент*



## ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ

Тошкент тўқимачилик комбинати – республикадаги пахта матолар ҳамда тикув ва трикотаж калава иплари ишлаб чиқаришга ихтисослашган биринчи йирик корхона сифатида эътироф этилади.

1932 йил 6 майда комбинат қурилиши бошланди ва бир йилдан сўнг корхона пахта газламасининг биринчи метрларини ишлаб чиқарди. Қурилиш ишларида ўзбек халқи катта жонбозлик кўрсатди. Дастлабки кунлардан оқ завод қурилиши умумхалқ ҳашарига айланиб кетди. Ташкил этилган шанбаликларда жами 32 минг киши иштирок этди.

Қурилиш билан бир вақтда соҳа ишчиларини тайёрлаш бошланди. 120 нафарга яқин ёшлар махсус ташкил этилган курсларда таҳсил олди. Бунга қўшимча равишда 127 нафар маҳаллий кадр Москва, Ленинград, Иваново ва Фарғона тўқимачилик фабрикаларига малака ошириш ва тажриба ўрганиш учун юборилди.

1934 йилда жадал қурилиш ишлари давом этаётган бир вақтда, фабриканинг ҳали тугалланмаган цехларида биринчи йигирув ва тўқиш ускуналарини ўрнатиш бошланди. Қурилиш ва пардозлаш ишлари тугаллангач, корхона тўлиқ қувватда ишлай бошлади. 1935 йилда 3250 та тўқувчилик дастгоҳи ишга туширилди. 1940 йилда комбинатнинг иккинчи қисми қурилиши бошланди.

Уруш бошланиши билан комбинат маҳсулотларига талаб ниҳоятда ортиб кетди. Ишлаб чиқариш қувватлари ҳарбий буржумларни бажаришга қаратилди.

Ўша вақтда чарм молларига ихтисослашган корхоналар авиация, автомобиль-трактор, танк ишлаб чиқариш ва бошқа ҳарбий йўналишдаги соҳаларни маҳсулот билан таъминлади. Тикувчилик корхоналари кийим-кечак, шинел, телогрейка тикишга, тери-мўйна ва пойабзал корхоналари

эса қалпоқ, этик, аскар ботинкалари, калта пўстинлар, қўлқоп ва шу каби маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтдилар.

Бу вазифаларни бажариш учун, аввало, халқ истеъмоли товарлари ва умуман, тинчлик даврида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар қисқартирилди.

Уруш йилларида Ўзбекистонга келтириладиган енгил саноат учун зарур маҳсулотлар (тугмалар, илгақлар, замоқлар ва ҳоказо) билан таъминлаш тўхтаб қолди. Шунингдек, уруш бошланиши билан тармоққа ажратиладиган молиявий маблағлар камайди.

Ана шундай мураккаб вазиятда Тошкент тўқимачилик комбинати катта қийинчиликларни енгиб ўтди. Энг катта муаммолардан бири кадрлар масаласи эди. 4 мингдан ортиқ тажрибали мутахассис фронтга сафарбар этилди. Аёллар ва ёшлар ишлаб чиқаришда эркаклар ўрнини эгаллади. Тошкент тўқимачилик комбинатида ҳам ишчиларнинг 70 фоизини ёшлар ташкил этди.

Тошкент тўқимачилик комбинати ҳудудида Ленинграддан Ўзбекистонга кўчирилган ип фабрикаси жойлаштирилди. Уч ой ичида корхона ускуналари монтаж қилиниб, 1941 йил 5 октябрда маҳсулот ишлаб чиқариш бошланди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида мазкур корхона фронт ва унинг ортини ип билан таъминлаган ягона завод эди.

Жамоа фидокорона меҳнатлари туфайли 1944 йил 4 январда СССР Олий Кенгаши Президиумининг Фармони билан Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Хадича Солихўжаева, Собир Очилов, Н.С. Рижов сингари 80 дан ортиқ ходим олий мукофотларга сазовор бўлди.

1941–1945 йилларда республика енгил саноат корхоналари фронт учун 7518,8 мингта гимнастёрка, 2636,7 мингта пахта-





*Тикувчи хотин-қизлар иш устида. 1942 йил*

*1935–1945 йилларда Тошкент тўқимачилик  
комбинатида қайта ишланган пахта толаси (тонна ҳисобида):*

1935 йил	1453
1936 йил	3926
1937 йил	5129
1938 йил	5684
1939 йил	7385
1940 йил	10684
1945 йил	12284

ли нимча, 2861,5 мингта армия этиги, жами 24 469 918 сўмлик маҳсулот етказиб берди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон енгил саноати фашист босқинчилари усти-

дан ғалабани таъминлаш ишига салмоқли ҳисса қўшди. Асосий фабрикаларнинг ҳарбий мақсадларда қайта ташкил этилиши туфайли республика ривожланган тикувчилик маркази бўлиб қолди.

**Ҳасан БОБОЖОНОВ,**  
*фалсафа доктори (PhD),  
доцент*



## ТОШКЕНТДАН ФРОНТ УЧУН ПАРАШЮТЛАР

1941 йилнинг кузи... Москва остонасида жадал жанг ҳаракатлари давом этмоқда. Уруш ҳаракатларига яқин ҳудудлардан минглаб корхоналар Шарққа, шу жумладан, Ўзбекистонга кўчирилмоқда. Бундай корхоналар ичида Тушино парашют-десант ускуналари заводи (ТПДУЗ) ҳам бор.

ТПДУЗ СССРдаги ҳарбий парашютлар ишлаб чиқарадиган энг йирик корхона ҳисобланади. Бу йирик муҳофаа корхонасининг жамоаси барча жиҳозлари, техник ҳужжатлари ва ўша пайтда мавжуд бўлган моддий-техника ресурслари захиралари билан Тошкентга кўчирилди.

Тошкентга кўчирилган ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун ётоқхоналардан жой ажратилди.

Қисқа вақт ичида, деярли бир неча ҳафтада корхона ускуналари шаҳардаги бўш саноат майдонларига йўналтирилди: ТПДУЗнинг асосий ишлаб чиқариш қувватлари (1-сонли завод), завод маъмурияти, цехлар ва техник лаборатория собиқ аёллар ахлоқ тузатиш колонияси биносига жойлаштирилди. Парашютлар учун осма арқон ва рюкзаклар ишлаб чиқарувчи цех Бешёғочда, фурнитура цехи собиқ Леваневский (ҳозирги Конституция) кўчасидаги биноларга ҳамда заводнинг парвоз-синов станцияси Тошкент аэродроми ҳудудига бириктирилди.

Завод раҳбарияти олдига имкон қадар тезликда ускуналарни ўрнатиш ва парашютлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш вазифаси қўйилди. Қўшимча равишда республика енгил саноат қувватлари ҳам парашютлар ишлаб чиқаришга сафарбар этилди.

Парашютларни чиқариш учун зарур бўлган ипак мато ишлаб чиқариш кескин оширилди. Ўзбекистонда 1940 йилда 4534 минг метр ипак мато ишлаб чиқа-

рилган бўлса, бу кўрсаткич 1943 йилда 4825 минг метр, 1945 йилда эса 4725 минг метрни ташкил этди.

Дарҳақиқат, урушнинг бошланғич даврида армияда парашютларнинг кескин етишмовчилиги мавжуд эди. Бу эса минглаб учувчилар ва техник ходимлар ҳаётини сақлаб қолиш билан боғлиқ ҳолат эди.

Завод ишчиларининг меҳнати минглаб учувчи ва авиация ходимлари ҳаётини сақлаб қолиши мумкин эди. Албатта, буни улар тушунганлар. Шунинг учун инсон ҳаёти олдидаги масъулиятни чуқур англаган ҳолда, улар тезроқ ва кўпроқ маҳсулот беришга ҳаракат қилдилар.

Амалий ва фидокорона меҳнат ўз натижасини берди. 1941 йилнинг ноябрь ойида ТПДУЗ парашютларининг биринчи партияси тайёрланиб, фронтга юборилди.

Лекин парашютларни ишлаб чиқаришга кўп нарса етишмасди. Ишлаб чиқариш қувватлари, кадрлар танқислиги ва хомашё етишмовчилиги шароитида ишлашга тўғри келарди.

1942 йилнинг баҳорига келиб, вазият бирмунча яхшилана бошлади. Асосан, тўйиб овқатланмаган ва дам олмаган ўсмир ёшлар ва аёллардан иборат меҳнат жамоаси 12 соатлаб меҳнат қилди. Муҳандис ва техник ходимлар эса доимий равишда парашют ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириб бордилар.

Тошкентдаги парашют заводи 1941 – 1944 йилларда 330 мингдан ортиқ парашют ишлаб чиқарди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентда ишлаб чиқарилган парашютлар кўмагида осмон жангларида қанча учувчиларнинг ҳаёти асраб қолинганини тасаввур қилиш қийин эмас. 1944 йилда парашют заводи Москвага қайта реэвакуация қилинди.





*Тикувчи хотин-қизлар иш устида. 1942 йил*

1945 йилда сон-саноксиз инсоний ва моддий қурбонликларга сабаб бўлган уруш тугади. Бу даврга келиб халқ турмуш даражаси кескин ёмонлашди. Одамларга озиқ-овқат, кийим-кечак, пойабзал, яшаш учун зарур бўлган маҳсулотлар етишмасди.

Фрондан миллионлаб аскарлар ўз шаҳар ва қишлоқларида, иш жойлари бўлган фабрика, завод, далаларга қайтиб келдилар.

Энди урушдан чиққан халқ олдида янги вазифа – уруш етказган жароҳатларни даволаш, халқ хўжалигини урушдан олдинги даражага қайтариш вазифаси турарди.

Уруш йилларида фронт эҳтиёжлари учун ишлаган кўплаб саноат корхоналари халқ истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун қайта қурила бошланди. Бундай қисмат ТПДУЗда ҳам бор эди.

1946 йилда завод ислоҳ қилинди. Энди у ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ассортиментида парашютлар йўқ эди. Завод турли куртклар, эркаклар ички кийимлари, шимлар ва армия учун чойшаблар ишлаб чиқара бошлади.

Лекин Тушино парашют-десант ускуналари заводининг Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентдаги ҳарбий фаолияти муносиб баҳоланди. ТПДУЗ заводининг катта жамоаси (уруш охирига келиб ишчилар сони 3000 кишидан ортиқ эди) СССР Олий Кенгаши Президиумининг қарори билан давлат мукофоти билан тақдирланди.

Энг асосийси, сенинг меҳнатинг минглаб одамлар ҳаётини сақлаб қолишга хизмат қилса – ҳаётда бундан ортиқ мукофот бўлмаса керак.

**Ҳасан БОБОЖОНОВ,**  
*фалсафа доктори (PhD),*  
*доцент*



## ТОШКЕНТ – МЕВАЛАР ШАҲРИ

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга кўплаб саноат корхоналари билан бир қаторда, фронталди ҳудудларидан миллиондан ортиқ аҳоли эвакуация қилинди. Кўчиб келаётган аҳоли минглаб чақирим йўл босиб келиб, узоқ сафар давомида жуда оч қолишарди. Уларнинг кўпчилиги Тошкентга келганларида тўйиб-тўйиб овқатлана олишларига умид қилардилар.

Сабаби, шу даврда “Тошкент – нон шаҳри” деб ном қозонган эди.

Ёзувчи Александр Неверовнинг шу номли китоби жуда машҳур эди. Китобнинг номи кўпчилик қийналган ва оч қолганлар учун мусиқа каби оҳанрабодай эшитиларди.

Афсуски, уруш даврида Тошкентда ҳам бошқа фронторти шаҳарлари каби муҳтожлик ва етишмовчилик ҳукм сурарди. Тошкент аҳолиси ҳам, кўчиб келганлар каби давлат томонидан аниқ белгиланган карточка нормалари асосида нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини харид қиларди. Шунга қарамай, бизнинг шаҳримизда озиқ-овқат таъминоти шимолроқда жойлашган шаҳарларга қараганда яхшироқ эди.

Тошкент икки қисмдан иборат эди – Эски ва Янги шаҳар. Янги шаҳар, асосан, кўп қаватли уйлардан ташкил топган эди. Шаҳарнинг иккинчи қисми – Эски шаҳар эса хом ғиштдан қурилган бир қаватли уйлардан иборат бўлиб, уйларнинг катта бўлмаган ҳовлисида бир неча мевали дарахтлардан боғ ва томорқа бор эди.

Айнан шу мевали дарахтлар, томорқадан олинган мева-чева ва сабзавотлар оиланинг талабини маълум даражада қопларди. Баъзи ҳолатларда сабзавот ва меваларни бозорда сотиш имкони бор эди. Одамлар ҳам сабзавот, мева ва узум етиштиришда моҳир ва ниҳоятда меҳнаткаш эдилар.

Албатта, уруш йилларида ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақи жуда паст эди,

лекин барибир улар оилаларига вақти-вақти билан бозордан мева сотиб олишга имкон топар эдилар. Уруш даврида ҳам Тошкентда сотувда турли хил меваларни топиш мумкин эди.

Сабзавотлар билан боғлиқ вазият анча қийин эди. Тез бузилмайдиган ва узоқ сақланадиган сабзавотлар аскар ва командирларнинг овқатланишини яхшилаш учун фронтга юбориларди.

Мен Тошкентда туғилганман ва умримнинг дастлабки уч йилини Эски шаҳарда, Хадра майдонидаги ўзбек маҳалласида ўтказганман. Тенгдошларим бўлмиш ўзбек болаларини, уларнинг уйлари ва ҳовлисини ҳамон катта илиқлик билан хотирлайман.

Ўзбек оилаларида фарзандларга берилган тарбияни мутлақ тўғри деб ҳисоблайман ва қойил қолганман. Улар ёшлигидан меҳнатга одатланадилар, ота-оналарига ҳар бир ишда ёрдам беришади.

Кўчада, уйлар дарвозаси олдида гиламчалар тўшаб, савдо қилинар, сотувда оқ ва қора тут, олхўри, кўксултон, нок, олма, шафтоли ва ўрикларни кўриш мумкин эди. Мевалар доналаб ҳам сотиларди.

Мевали дарахтларнинг номларини санганимда, тутни биринчи эслаганим бежиз эмас. Тут дарахтини азалдан табиблар муқаддас ҳисоблашиб, унинг меваси, барги, пўстлоғи ва илдизидан табобатда фойдаланишган. Шунинг учун тут дарахтини деярли барча ҳовлиларда учратиш мумкин эди.

Бундан ташқари, бу дарахтларнинг меваси ширин, таъми ёқимли ва жуда тўйимли эди. Қолаверса, тут баргидан ипак қурти учун озуқа сифатида ҳам фойдаланиларди.

Бироқ урушдан олдинги йилларда катта фалокат юз берди. Ундан, биринчи навбатда, тут дарахтлари энг кўп зарар кўрди. Ушбу фалокатнинг сабабчиси минтақамизда янги зараркунанда ҳашарот пайдо бўлиши эди.





*А.М. Нюренберг (1887–1979). Тошкентдаги ҳовли. 1942–1943 йиллар.*

Бу зараркунанда бизга Япониядан номаълум йўллар орқали келиб қолган ва бу ерда унинг табиий душманлари бўлмагани учун республика ҳудуди бўйлаб тез тарқалганди.

Зараркунандалар билан касалланган тут дарахтида ипак қуртини боқиш учун мос барглар сони деярли учдан иккига камайиб кетди. Кўп дарахтлар бутунлай қуриб қолди.

Масалан, Эски шаҳарда яшовчи қариндошларимиз боғида иккита эски бақувват тут бор эди, бири оқ, иккинчиси эса қора тут. Уларнинг иккаласи ҳам зараркунанда таъсирига дучор бўлди. Оқ тут омон қолди, қора тут дарахтлари эса қуриб қолди.

Аммо уруш даврида парашют ишлаб чиқариш учун жуда катта ҳажмдаги табиий ипак керак эди. Зараркунандалар туфайли ипак етиштириш камаймаслиги учун республикада фавқулодда чоралар кўрилди. Барча тут дарахтлари рўйхатга олинди.

Ҳар йили баҳорда махсус гуруҳлар шаҳар бўйлаб аравачаларда айланиб, ҳар бир дарахтдан ипак қурти боқиш учун баргларни бўлган новдаларнинг бир қисмини кесиб олардилар. Йўллар четига анъанавий экилган тераклар ўрнини тут дарахтлари эгаллади.

Бу чора-тадбирлар керакли натижа берди. 1941 йилнинг кузида Тошкентга Москва вилоятидан эвакуация қилинган Тушино парашют-ускуналари заводи хомашё билан муттасил таъминланди. 1941–1945 йиллар давомида ушбу завод 330 мингдан ортиқ парашют ишлаб чиқарди, натижада кўп-кўп ҳарбий самолёт экипаж аъзоларининг ҳаёти сақлаб қолинди.

Кўксултон ҳақида бир неча сўз айтмоқчиман. Ушбу мева, афсуски, ҳозирда бирмунча унутилган. Уруш даврида кўксултон жуда машҳур эди, деярли ҳар бир ҳовлида мевали дарахтлар орасида бор эди. Мева мазаси ширин-нордон эди, кўпроқ ширин дейиш



мумкин. Кўпчилик кўксултонни йирик олча, баъзилари думалоқ олхўри деб ҳисобларди. Бироқ, менинг тушунишимча, кўксултон алоҳида мева тури эди.

Гилос тошкентликларнинг севимли меваларидан эди. Аҳоли гилоснинг ажойиб таъмидан ташқари, унинг кўп фойдали хусусиятларга эга эканини биларди. Айниқса, оғир уруш шароитида, сурункали тўйиб овқатланмаслик ва витамин етишмаслиги ҳолатида гилос жуда асқатарди...

Шу сабабли гилос, ҳатто тўлиқ пишиб улгурмасдан сотила бошланарди ва бажонидил сотиб олинарди. У, одатда, шода қилиб сотиларди. Маҳаллий табиблар гилоснинг шифобахш хусусиятларини яхши билишган, шунинг учун унинг меваси, пояси, барги ва новдалари, кўпинча, халқ табобатида ишлатилган.

Уруш йилларидаги мевалар ҳақида гап кетганда, тошкентликларнинг энг севимли меваси бўлмиш ўрикни алоҳида эслаб ўтиш

жоиз. Тошкент боғларида мевасининг катталиги ва шакли, ранги ва таъми билан бир-биридан фарқланувчи ўрик дарахтлари бор эди. Уруш йилларида (ҳозирда ҳам) тошкентликлар ва айниқса, болалар (улар орасида мен ҳам бўлганман) томонидан ўрик ҳали пишиб улгурмасдан, яшил ҳолатида истеъмол қилиш бошланарди.

Эски шаҳарда яшовчи қариндошларимиз боғида икки туп ўрик дарахти бор эди. Улардан бирининг меваси жуда катта, инсон юраги шаклига ўхшаган ва мазали эди.

Иккинчи дарахт кимдир ташлаган данакдан ўз-ўзидан ўсиб чиққан эди, адашмасам. Мен ҳеч қачон ва ҳеч қаерда бошқа бундай ажойиб ўрикни кўрмаганман. Ташқи кўринишига кўра, у пишмаган бодомга ўхшарди. Меваси бир оз чўзиқроқ, пўсти юпқа эди. Ўрик данаги ичида иккита мазали мағизи бор эди. Тўлиқ пишганида, меваси ва унинг данаги, кўпинча, дарахтнинг ўзида ёрилиб кетарди.



*А.М. Нюренберг (1887–1979). Эски Тошкент манзараларидан. 1942 й.*



Мева қуритилганда, ажойиб таъмли туршакка айланарди. Мазаси ажойиб эди!

Уруш даврида ва ундан кейинги йилларда аксарият тенгқурларим каби доимо оч юрардим. Оч қоринни тўйдириш учун ердан ўрик ва бошқа данакларни териб олиб, уларни тошда чақиб, мағизини ер эдик. Уларни мева сотиб олишга қурби етадиган омадлилар ташлаб кетишарди.

Мен ҳам барча болалар каби ширинликни яхши кўрардим, лекин нордон, шўр ва аччиқ таъмдан кўпроқ завқ олардим. Шу сабабдан топиб олган данакларнинг мағизи аччиқ ёки ширинлигига аҳамият бермай истеъмол қилаверардим. Истеъмолга шафтоли, олхўри, кўксултон ва ҳатто олчанинг аччиқ данаклари ҳам ярарди.

Ота-онам мени аччиқ мағизлар таркибида заҳарли модда бўлгани учун уларни истеъмол қилиш мумкин эмаслиги ҳақида огоҳлантиришган. Аммо оч қоринни тўйдириш истаги ота-онамнинг огоҳлантиришларидан устун келган. Аччиқ нарсаларга бўлган бундай муҳаббат, қанчалик ғалати туюлмасин, менинг ҳаётимни сақлаб қолди.

Болалигимда эрталаб уйқудан турганимдан кейин юра олмаслигимдан азоб чекардим. Ҳаракат қилиш учун узоқ вақт оёқларимни уқалашим керак эди.

Ота-онам касаллигим сабабларини аниқлаш ва даволаш учун мени бир неча шифокорга олиб боришди. Уруш йилларида Тошкентда ҳали “подшоҳ замонида” таълим олган кўплаб яхши болалар шифокорлари бор эди. Текширувлардан сўнг улар менга полиартрит ташхисини қўйишди. Отам ва онамнинг хавотиридан касал жиддий эканлигини англадим.

Бироқ, бир мунча вақт ўтгач, менда полиартрит касаллиги белгилари йўқола бошлади: эрталаб уйқудан турганимдан сўнг, дарҳол одатдагидек юра бошладим. Кейинчалик бу ҳолатни таҳлил қилиб, касалликдан тузалишимга мева данакларининг аччиқ мағизлари сабаб бўлган, деган хулосага келганман.

Демак, уруш йилларида тошкентликларнинг меваларни имкон қадар эртароқ истеъмол қилишида катта донолик мужассам экан.

**Борис ПОНОМАРЁВ,**  
*меҳнат фахрийси*

*фалсафа доктори (PhD)*  
**Ҳасан БОБОЖОНОВ**  
*таржимаси*





**ЎЗБЕКИСТОН –**

**МЕҲР МАМЛАКАТИ**



## ТОШКЕНТДАГИ ПОЛЯК БОЛАЛАР УЙИ

Список  
дочей Польского Вендома

31/59  
29

1. Айструх Саломон. 6849	43. Гольдфард Майсак 6899
2. Айструх Пета. 6848	44. Шадман Лева. 6848
3. Эрнст Саломон. 6847	45. Зайденгауз Стелга 6859
4. Блюмман Реня. 6846	46. Зухендауш Перез 6873
5. Бек Моджм. 6845	47. Гольдбергер Марцелин 68
6. Боккер Абрам 6844	48. Сей Роза 6877
7. Будневский Элек 6843	49. Сей Эльва 6876
8. Бекер Абрам 6842	50. Сей Вильгельм 6875
9. Флейшжер Сая 6841	51. Кресель Дитмар 6874
10. Флейшжер Миня 6816	52. Кресель Руба 6873
11. Финкельштейн Вистор 6817	53. Войцешевская Клеа 6872
12. Федермесер Шейна 6818	54. Войцешевская Казя 6871
13. Зандер Лана 6819	55. Камский Арон 6870
14. Срока Здислава 6820	56. Камская Сая 6869
15. Срока Данута 6833	57. Гольдфард Зельман 6868
16. Куцый Рашарг 6794	58. Кемпф Андрей 6867
17. Куцый Пеняш 6795	59. Уршман Леви 6866
18. Криса Леонард 6796	60. Уршман Берек 6865
19. Шпондер Генрик 6797	61. Кронгауэр Фурек 6869
20. Штейнер Лана 6798	62. Шварцштейн Мауда 6799
21. Федермесер Цавия 6799	63. Камская Витома 6816
22. Мейвницкий Давид 6800	64. Гольдштейн Майндя 6870
23. Мейвницкая Фрэнк 6801	65. Штраубауш Севейк 6858
24. Миттенштейн Эла 6802	66. Федермесер Лана 6897
25. Кац Саломон 6803	67. Мисовский Артур 6896
26. Кац Лана 6804	68. Войновский Вова 6895
27. Окунь Елена 6805	69. Эльштейн Пинкель 6894
28. Окунь Юрий 6806	70. Моджм Фрэнк 6893
29. Хмель Леня 6807	71. Крикел Генек 6892
30. Хмель Зельга 6808	72. Блюштейн Садина 6891
31. Хмель Фира 6852	73. Блюштейн Звет 6890
32. Месер Мира 6851	74. Треиз Казимир 6889
33. Прикш Абрам 6850	75. Рохман Шейндя 6888
34. Прикш Рашарг 6849	76. Маер Юрий 6877
35. Прикш Рейза 6807	77. Шадер Хая 6856
36. Ротман Сара 6806	78. Циммерман Овофра 6855
37. Ротман Мондель 6805	79. Пекатс-Бишток Дорат 6854
38. Вассерштрум Шара 6804	80. Веренштейн Владимир 6853
39. Ледерман Эдгар 6803	81. Рот Ерма 6852
40. Сидлана Стася 6802	82. Война Леня 6851
41. Радамска Зельман 6801	83. Пельц Майер 6850
42. Радамский Риск 6800	84. Кац Роза 6849
	85. Пельц Хая 6848
	86. Прикш Сара 6847



## ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ РЎЙХАТИ

321 30

87. Плохачев Луишав 6813
88. Ковальский Эвгений 6864
89. Войны Людвиг 6811
90. Войны Стефан 6850
91. Марф Эдик 6812
92. Марф Ерун 6814
93. Крицкий Ирак 6815
94. Бекер Вольф 6821
95. Бекер Майкл 6822
96. Мтейндер Косиф 6823
97. Мабак Кра 6824
98. Фейгенбаум Абрам 6825
99. Фейгенбаум Яков 6826
100. Лейман Лейт 6824
101. Табер Абрам 6856
102. Табер Фейга 6855
103. Биндес Мизетта 6854
104. Уркиштан Метек 6853
105. Уркиштан Майкел 6866
106. Шварц Вениамин 6861
107. Град Камил 6862
108. Собоушко Игор 6862
109. Бардочин Александр 6867
110. Мафранский Григорий
111. Плохачев Эвгений 6838
112. Мтраубаум Питч 6839
113. Прикц Хана 6837
114. Шнайдер Монек 6836
115. Ледерман Абрам 6835
116. Веб Марек 6834
117. Каминковский Мечислав 6833
118. Ледерман Саму 6832
119. Рейзес Ицек 6831
120. Лидгоестер Сайда 6830
121. Ваис Мода 6829



Директор  
Г. Карасев

М. 46.



## ТОШКЕНТДАГИ ПОЛЯК БОЛАЛАР



## УЙНИНГ ФОТОАЛЬБОМИДАН



## ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ЧЕКСИЗ

*ёхуд ўзбекка айланган поляк*

Бухоро вилояти архивлари ва Тошкент шаҳридаги Марказий давлат архивларидан Бухоро давлат университети тарихи, унинг илк қалдирғоч талабалари ҳақида топган маълумотларимиз бизни Тезгузар қишлоғига бошлаб борди. Бухоро давлат педагогика институти тарихига доир суратларни топдик. Сурат остида *“БДПИ аълочи битирувчилари: Зайниш Жўраева ва Саодат Ҳалимова, 1956 йил”* деган ёзув бор эди. Бу сурат *“Суратларда БухДУ тарихи”* номли китобимизга ҳам киритилди.

2017 йил ноябрь ойида Вазирлар Маҳкамасининг юртимиздаги барча ҳудудий университетлар ҳузурида Қатағон қурбон-



*Зайниш Жўраева тутинган ота-онаси Шароф бобо, Муаззам буви ва умр йўлдоши Ҳасан Раҳматов билан бирга*

лари хотираси музейи ташкил этилиши кўзда тутилган қарори эълон қилинди.

Бухоро давлат университетида *“Қатағон қурбонлари хотираси музейи”*ни ташкил этиш вазифаси менга топширилди. Хизмат вазифам доирасида ўз юртидан депортация қилинган турли миллат вакиллари ҳақида маълумот йиғар эканман, эвакуация қилинганлар рўйхатида поляк миллатига мансуб Жанна Пузевич (Зайниш Жўраева) номига яна дуч келдим. Ўша вақтга қадар ҳали бу инсоннинг тақдирида нималар кечгани ҳақида маълумотга эга эмас эдим.

Изланишларимиз жараёнида профессор Шодмонқул Пиримқуловнинг *“Сургун қилинган поляк фуқаролари Ўзбекистонда”* номли монографиясидаги қуйидаги маълумотлар диққатимизни тортди:

*“1942–1946 йилларда бир қанча поляк болалари Бухоро вилоятидаги маҳаллий аҳоли оилаларига тарбиялаш учун берилди, улар борган жойларида ғамхўрлик ва эътибор кўрди. Улар орасида Данута Шуберт, Жанна Пузевич, Юзеф Маркевич, Сабина ҳамда Владислав Кисель ва бошқалар бор эди.*

*Кейинчалик улардан бир қисмининг ҳаёт йўллари умрбод ўзбек замини билан боғланиб қолди. Масалан, Жанна Пузевич Бухоро вилояти Шофиркон туманининг Тезгузар қишлоғида яшовчи Шароф ота ва Муаззам она Жўраевлар оиласи томонидан фарзандликка олиниб, янгича исми ва ота-онасининг фамилияси билан рўйхатга олинган.*

*Жаннани ўз полякча исмига оҳангдор бўлган янги исм билан Зайниш деб аташди. Шу тариқа поляк қизи Жанна Пузевич – ўзбек қизи Зайниш Шарофовна Жўраевага айланди. Урушдан кейин у ўзбек мактабини тугатиб, институтга ўқишга кирди ва уни*

## МИННАТДОРЛИК

### *опа-сингиллар ҳақида*

*битиргач, Тезгузар қишлоғидаги мактабга директор бўлди.*

*Зайниш опа шу мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган Ҳасан исмли ўзбек йигитига турмушга чиқди, бу бахтли никоҳдан етти фарзанд туғилди”.*

2018 йилнинг октябрь ойида мен Польшада хизмат сафарида бўлдим. Мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги Шарқ масалалари бўлими ходимлари билан учрашувда ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон уруши йилларида поляк халқига кўрсатган беминнат хизматлари ҳақида гапириб бердим. Жумладан, уруш йилларида Бухоро вилоятида поляк болалар уйлари ташкил этилгани уларни жуда қизиқтирди.

Архив маълумотларига кўра, Бухоро шаҳридаги 5-болалар уйида 90 нафар, 23-болалар уйида 53, Ромитан туманида 40, Вобкентда 58, Ғиждувонда 44 нафар поляк болалари бошпана топган.

Ўша вақтда Бухоро вилоятига қарашли бўлган Кармана шаҳридаги 16-болалар уйини ташкил этиш учун бир вақтлар Бухоро амири Саид Абдулаҳадхон қурдирган мухташам бинолардан бири ажратилди. Дастлаб бу ерда 40,1943 йилдан бошлаб эса 135 нафар поляк болалари барча қулайликларга эга бўлиб яшаган.

Табиийки, Польша элчихонаси вакиллари поляк қизи Зайниш Жўраеванинг тақдир билан ҳам қаттиқ қизиқди. Шу муносабат билан 2023 йилда яна Зайниш Жўраевани ёдга олдим ва маълумот излашга тушдим. Шофиркон тумани ҳокимлиги мутасаддиларига қаҳрамонимиз ҳақида сўз очсам, улар у кишини яхши билишларини айтиб, ўғли Одил аканинг телефон рақамини берди.

Келишилган кунда Тезгузар қишлоғи сари йўл олдик.

Тезгузарда Зайниш бувининг уйи қайси, деб сўрасангиз, тақдир тақозоси билан



*Бухоро давлат педагогика институти  
аълочи битирувчилари  
Зайниш Жўраева ва Саодат Ҳалимова*

юртимизга келиб қолиб, тили, дини, миллий урф-одат ва анъаналари болажон ўзбек аёлларидан умуман фарқ қилмайдиган самимий, меҳрибон, зиёли онахон истиқомат қилаётган файзли хонадонни қишлоқ аҳли мамнуният билан сизга кўрсатади.

Бизни илиқ кутиб олган уй эгалари анча ҳужжат ва суратларни жамлаб қўйган экан. Қимматли маълумотларни ўрганар эканмиз, 92 ёшли Зайниш ая очик чехра билан кучоқ очиб биз томон келди. Ва ниҳоят, мен Зайниш аяни биринчи марта кўришга муяссар бўлдим.

Хушчақчақ ая барча саволларимизга пухта жавоб бериб, биз билан ҳазиллашиб



ҳам қўяр, ёшлик хотираларини қайта кўз олдига келтириб, дам ўйчан, дам хурсанд бўлиб кетар, сўзининг орасида “Худога шукр”, деб қўйишни канда қилмас эди.

Зайниш ая чиройли ҳуснихат билан тўлдирилган кундалигини менга узатди. Кундалик “*Мен, Зайниш Жўраева 1931 йил 19 сентябрда Украинанинг Харьков областига қарашли Изюм шаҳрида туғилганман. 1942 йилга қадар ота-онам тарбиясида бўлиб, Изюм шаҳрида яшаганман*”, деб бошланади.

10 яшар қизалоқ Жанна опаси Таисия билан 1941 йил кузида фашистлар бомбардимонидан омон қолиб, поездда фронт ортидаги қуёшли Ўзбекистонга жўнатилади.

“Уруш бошланиши билан отам кўнгили бўлиб фронтга жўнаб кетди. Онам беш болани боқишга кучи етмаганидан, мени ва опам Таисияни болалар уйига топширди. Бизларни болалар уйидан фронт ортига жўнатишганда, онам ва ака-укаларимнинг

*тақдири ҳақида ҳеч нарса маълум эмас эди*”, деб оғир хўрсиниб қўйди ая.

Поездда неча бор ажалга чап бериб, бир неча ҳафта йўл босиб, оч, юпун кийинган опа-сингиллар Қизилтепа (ҳозирги Навоий вилояти) станциясига етиб келади. У ердан уларни Дўрмон (ҳозирги Шофиркон тумани) болалар уйига келтиришади.

Зайниш ая ўша оғир кунларни шундай эслайди:

“*Поезд узоқ йўл юрди. Вагон турқишидан самолётларнинг парвози ва товуши юракларга даҳшатли қўрқув соларди. Ёш болаларнинг йиғи-сиғилари ҳам тинимсиз давом этар, бир неча кундан сўнг кўзда ёш ҳам, танда мадор ҳам қолмади.*

*Ва ниҳоят, вагон эшиклари очилиб, барчани тушишга чақирди. Кутиб олиш учун чиққан ёш-у қари инсонлар қўлларидаги мева, нон ва турли ширинликлар билан бизни сийлади.*



*Таисия Олимова тутинган ота-онаси Акром бобо, Очил буви, умр йўлдоши Музаффар Олимов ва фарзандлари билан бирга*



*Барча болалар биз тилини ҳам тушунмайдиган, чеҳраси ўта меҳрибон инсонлар томонидан бирин-кетин етаклаб олиб кетилди”.*

Кундаликни ўқишда давом этамиз:

*“Мени чорва ширкатининг раиси Жўраев Шароф ота ва рафиқаси Муаззам ая уйига олиб кетди. Опамни эса бошқа кишилар олиб кетган экан”.*

Муаззам аянинг ўз фарзанди бўлмагани учун жажжи Зайнишни еру кўкка ишонмасди. Унинг тилларанг сочларини майда ўриб, дўппи ва атлас кўйлақлар кийдириб, ўзбек қизига айлантирди.

Йиллар ҳам оқар сув каби тез ўтиб кетди. Зайниш Шофиркондаги мактабни аъло баҳоларга тугатди. Шароф ота интилувчан қизининг Бухоро шаҳридаги институтда ўқиш нияти борлигини билиб, уни қўлаб-қувватлади. Зайниш 1953–1958 йиллари Бухоро давлат педагогика институтининг “Ўзбек тили ва ада-

биёти” ихтисослигини муваффақиятли тугатди.

Ота қизи олий маълумотли деган диплом олган куни катта дастурхон ёзиб, қишлоққа ош берди. Шароф ота ва рафиқаси Муаззам аянинг шу қизалоқ туфайли орзу-умидлари ушалди. Улар бу фоний дунёда бежиз яшамаганларига шукрона қиларди. Боқиб олган қизини ўзбекона урф-одатлар билан турмушга ҳам берди.

Қаҳрамонимиз бирин-кетин етти фарзанднинг севимли онаси, моҳир педагог ва раҳбар бўлиб етишди. Бироқ туғилиб ўсган она юрти, ота-онаси, ака-укалари, опа-сингилларининг тақдири қандай кечгани ҳақидаги ўй-хаёллар уни ҳеч тарк этмасди.

1976 йил Зайниш опа отаси Казимир Пузевичдан хат олади. Хатда онаси Анна Яковлевна ва ака-укалари ҳам ҳаёт экани ёзилганди.

*“Сенга отанг Казимир Казимирович Пузевич мактуб ёзмоқда.*



*Зайниш Жўраева оила аъзолари билан бирга*





*Зайниш Жўраева ва Азалишох Ҳамроев*

*Уруш тугагандан сўнг билдимки, сени ўзбек оиласи фарзанд қилиб олган экан. Бироқ сизларнинг қаерда эканингизни ҳеч ким айта олмади. Барча умидларим сўнганига қарамасдан, яна бир бор Изюм шаҳри ЗАГСига хат ёздим. Мўъжиза рўй берди! Уларнинг берган жавобига кўра, сен 1951 йилда паспорт олиш мақсадида ўзингнинг йўқолган туғилганлик ҳақидаги гувоҳномангдан нусха сўраган экансан. Шу тўғрисида сени топдим...*

*Мен сенинг отанг, менинг олдимда сенинг онанг – Анна Яковлевна.*

*Қизалоғим, уруш бизларни дунёнинг турли бурчакларига тўзғитиб ташлади. Умид қиламанки, яқинда ҳаммамиз она шаҳримиз – Изюмда бирга жам бўламиз.*

*Сен ҳақидаги хабар юракларимизни парча-парча қилиб юборди...”*

*Хатда опаси Таисиянинг қаердалиги ҳам сўралган эди.*

*Шундан сўнг Зайниш опа поездда қаттиқ қўл ушлашиб Дўрмонгача бирга келган опасини излашга киришди. Тиниб-тинчимас*

*Шароф ота қишлоқ радиоси орқали эълонлар ўқиттирди. Зайниш опа ўз суратини жойлаган, опасини излаётгани ҳақидаги хабарлар маҳаллий газета орқали тарқалди. Кутилмаганда редакцияга жавоб хати келди!*

*Маълум бўлишича, 35 йил давомида Зайниш опаси Таисия билан бир-биридан бор-йўғи 10 чақирим узоқликда яшаган экан...*

*Уларнинг 35 йилдан сўнг учрашиши катта шов-шув, байрамга айланиб кетди.*

*Дарҳақиқат, болажон ўзбек халқи бу гўдакларни миллати, дини ва тилидан қатъи назар, ўз фарзанди каби бағрига олди. Бу опа-сингиллар ҳам уруш даврининг талафотлари боис ўз юртидан, ота-онаси ва жигарларидан айрилиб, Ўзбекистоннинг оддий қишлоқ хонадонида меҳр-муҳаббат ардоғида вояга етди.*

*Узоқ айрилиқдан сўнг, 1976 йилда Зайниш опа ота-онасини кўриш учун Украинага йўл олади. Изюм шаҳри аэропортида қариндошлари билан яна дийдор кўришиш насиб этади.*



Зайниш опа ота-онасидан ўзининг поляк миллатига мансуб эканини билиб олади. Отаси Казимир Пузевичларнинг бир неча авлоди Польшадан Харьков областига кўчиб келиб яшаётган поляклардан эканини сўзлаб беради.

Кейинчалик Зайниш опанинг отаси Казимир Пузевич ҳам Шофирконнинг Тезгузар қишлоғига меҳмон бўлиб келади. Икки қизини фарзанд ўрнида кўриб, бағрига босиб катта қилган ўзбек халқига чексиз миннатдорлигини изҳор қилади. Айтишларича, юрагининг бир парчаси бўлган ҳар иккала қизининг бахтидан чексиз хурсанд бўлган ота шундан сўнг узоқ яшамайди.

Иккинчи қаҳрамонимиз Таисия Казимировна Пузевич 1929 йил 25 майда Харьков областининг Изюм шаҳрида туғилган. 1941 йилнинг кузида Таисияни бошқа бир савобталаб ўзбек оиласи фарзандликка олади.

Хуллас, опа-сингиллар бошқа-бошқа оилалар фарзанди бўлиб вояга етади. Таисия Пузевич Кўли Одина қишлоғидаги ўрта мактабни битиргач, колхозга ишга киради ва 1959 йилда Музаффар Олимовга турмушга чиқади.

Эр-хотин тўрт ўғил ва бир қизни вояга етказди. Элнинг ҳурматини қозонган Таисия опа 2014 йилда 85 ёшда вафот этган экан. Онахон бугун орамизда бўлмаса-да, у кишининг фарзандлари, неvara-эваралари бутун бир қишлоқ бўйлаб тарқалган.

Таисия ватан тутган Вобкент туманига қарашли Кўли Одина қишлоғи сари йўл олдик.

– Раҳматли онамнинг сўзларига қараганда, – деб гап бошлади опанинг ўғли Ка-

рим ака, – очликдан шишиб кетган, силласи қуриган эшелон-эшелон уруш болалари ўзбек хонадонларида қучоқ очиб кутиб олинган экан.

Яқинларидан айрилган, уруш даҳшатларидан кўрқиб қолган ёш болаларни, жумладан, менинг онам 12 яшар Таисияни Акрам бобо ва Очил буви фарзандликка олган.

Бу оила узоқ йиллар давомида тирноққа зор бўлиб яшаб келган. Ёш Таисияга бўлган меҳр кучи бўлса керак, Очил буви ва Акрам бобо кейинчалик бир этак фарзанд кўрган.

Раҳматли онамиз Таисия Казимировна 35 йиллик айрилиқдан сўнг синглиси Жанна – Зайниш Жўраева билан топишган.

Ҳар иккала хонадонда бўлганимизда аҳил оила аъзоларини, шукроналик ҳисси билан яшаётган, чехраси ёруғ инсонларни кўрдик.

Иккала опа-сингилнинг ўзбек халқига нисбатан чексиз миннатдорлиги, шукроналик ҳисси уларнинг фарзандларига ҳам ўтган. Айниқса, бугунги кунда уруш даҳшатларининг тирик гувоҳи бўлмиш 92 ёшли Зайниш момонинг ҳаёт йўли, иродаси минглаб ёшларимиз учун ибрат тимсоли бўлиб келмоқда.

Онахон билан суҳбатлашсангиз, шу муқаддас диёрда яшаётганингиз, ўзбекингиздан фахрланиб кетасиз, шукроналар келтирасиз. Зайниш бувининг ўзбекларнинг яхшиликка тўла ҳароратли қалби ҳақидаги сўзлари тарих саҳифаларига ёзиб қолдиргулик одамийлик ҳикояси эканига амин бўласиз.

**Азалшоҳ ҲАМРОЕВ,**  
*Бухоро давлат университетидаги*  
*“Қатағон қурбонлари хотираси”*  
*музейи раҳбари*





Шокова 71  
Фонской  
7/2  
век



Блюград  
30  
1918  
1919  
1920  
1921  
1922  
1923  
1924  
1925  
1926  
1927  
1928  
1929  
1930  
1931  
1932  
1933  
1934  
1935  
1936  
1937  
1938  
1939  
1940  
1941  
1942  
1943  
1944  
1945  
1946  
1947  
1948  
1949  
1950  
1951  
1952  
1953  
1954  
1955  
1956  
1957  
1958  
1959  
1960  
1961  
1962  
1963  
1964  
1965  
1966  
1967  
1968  
1969  
1970  
1971  
1972  
1973  
1974  
1975  
1976  
1977  
1978  
1979  
1980  
1981  
1982  
1983  
1984  
1985  
1986  
1987  
1988  
1989  
1990  
1991  
1992  
1993  
1994  
1995  
1996  
1997  
1998  
1999  
2000  
2001  
2002  
2003  
2004  
2005  
2006  
2007  
2008  
2009  
2010  
2011  
2012  
2013  
2014  
2015  
2016  
2017  
2018  
2019  
2020  
2021  
2022  
2023  
2024  
2025

A collage of historical artifacts including medals, ribbons, and handwritten letters. The top section features a blue and white striped ribbon and a gold medal. The middle section shows several medals with ribbons, including a prominent red ribbon with black and gold stripes. The bottom section contains handwritten letters and photographs, including a black and white photo of two men in military uniforms.

**УНУТМАС**

**СИЗЛАРНИ ВАТАН**

## “ОЙЖАМОЛ”

Асосий меҳнат фаолияти давлат бошқарув идораларида кечган, иқтисод фанлари доктори, профессор Баҳодир Умурзоқов, анча йиллардан буён бадиий ижод соҳасида қалам тебратиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Лекин шундай бўлса-да, ижодкорнинг йирик эпик жанрда ёзган “Ойжамол” романи баъзилар, хусусан, ушбу сатрлар муаллифи учун ҳам кутилмаган воқеа сифатида кутиб олинди.

Китобга хужжатли роман жанрининг тайин қилингани асардаги воқеалар реал ҳаётдан олинганини англатади ва бу муаллиф зиммасига янада кўпроқ масъулият юклайди.

Китоб уч – “Ота”, “Ўғиллар” ва “Она” сарлавҳали қисмлардан иборат.

Муаллиф сўзбошида ёзади:

*“Ёшлигимни эслар эканман, доим мени ҳайратлантиргани уйимизга узоқ-яқин жойлардан қариндошларимиз келганларида, ота-онам улар билан нимагадир йиғлашиб кўришарди. Ҳозир кўпчилик ўзаро кўришганда, фақат хурсандчилик, ўйинкулги билан бир-бирини қарши олади. Демак, ўша замон машаққатлари оқибатида вужудга келган аянчли муҳит бунга сабаб бўлган”.*

Хўш, аждодларимиз босиб ўтган давр машаққатлари нималардан иборат? У кимларнинг тақдирига қандай таъсир қилди? “Ойжамол” китобида ана шу саволларга жавоб топасиз. Жавоб топасиз-у, ўтмиш сабоқларидан хулоса чиқарасиз, бугунги эркин замонга шукрона айтасиз.

Бир оиланинг тақдири ҳақидаги ҳикоятлар ўтган асрнинг 30-йилларидан бошланади. Ушбу хонадоннинг саркори Болтабой Икромовнинг қатағон гирдобига тортилган кунлардаги қисмат тафсилоти-ни қадам-бақадам кузатасиз.

Болтабой Икромовнинг ҳолидан хабар олиш учун Ойжамол, укаси Шодиёр Самарқандга боришади. У ерга етиб бориш ҳам осон кечмайди. Пахта ташийдиган юк машинасида Самарқандга етиб боргач, Шодиёрнинг дўсти Ҳабибулла билан қамоқхонада Болтабойни излашади. Биргина ана шу қидирув тафсилотлари қатағон даврининг азоб-уқубатини ифодалайди.

Сўраб-суриштиришдан кейин билишса, Болтабой 18 йилга кесилиб кетибди. Ойжамол эрига олиб борган қути (ичида ўзи ёпган нон, жун кофта, азалдан таниш қийиқча ва икки энлик хат) манзилига етиб борган лаҳзаларни ҳаяжонсиз ўқий олмайсиз.

Болтабойнинг қамоқдаги азоблари, у ерда инсон қадр-қиммати сариқ чақача ҳам эмаслиги аянчли манзараларда намоён бўлади. “Архипелаг Гулаг”нинг нақ ўзи. Энди қамоқдаки аҳвол шундай, хўш, озод юрган инсонлар ҳаёти қай аҳволда? Бечоралар бир бурда нонга зор, қайси хонадонда бир қучоқ ўтин бўлса, ундан бахтли одам йўқ.

Хуллас, Болтабой юртидан жуда узоқда, қамоқнинг аёзли ва зулматли бағрида вафот этди. Бекафан, беватан жон берди. Ёзувчининг айтишича, худди шу лаҳзада унинг уйига келин тушди. Ойжамол бу саодатли кунда қувончга тўлди, лекин бу шодлик ўрнини қайғу босишига ҳали вақт бор эди.

Китобхон Болтабойнинг бандаликни бажо келтирганидан хабардор, лекин Ойжамолнинг: *“Оталаринг соғ-омон етиб келса”*, фарзандларнинг *“Агар отам келса”*, деган сўзлари дилларга азоб солади.

1941 йилнинг 22 юнида уруш бошлангани ҳақидаги хабарни қишлоқ аҳлининг қандай кутиб олгани таъсирли лавҳаларда



ифодаланган. Радиокарнайлардан совет ҳукуматининг баёноти ўқилганда, уни қотиб тинглаганлар ҳаётлари иккига бўлинганлигини ҳис этишади.

Биз, кўпинча, бахт – нисбий тушунча, деймиз.

Бир оиладан уч азамат ўғлини урушга жўнатган, ёстиқдоши турмада ётган бечора она ҳам бахтли бўлиши мумкинми?!

Мумкин экан. Ўша азобли кунларда узоқ сукунат, узоқ муддатли мавҳумликдан сўнг бир кунда бирданига ўғиллари Аҳмад ва Абдулладан соғинчли хат келиши, қисқа муддатга бўлса ҳам, Ойжамолни бахтли қилди. Ўзи ҳарф танимаса-да, нуридийдаларидан келган учбурчак мактубларни, ундаги ёзувларни кўзига суртди. Бу манзаралар тасвирланган саҳифаларни китобхон кўзга ёш олмасдан ўқий олмайди.

Абдуллани урушнинг охиригача кутишга ваъда берган Ҳалима иложсиз ҳолатга тушди. Унга икки жойдан совчи келиб, келин қилиш аҳдида қаттиқ туришди. Ҳалима бор гапни хат орқали Абдуллага етказди.

Жанговар хизматдаги Абдулла уйланиб келиш учун командирдан рухсат сўрамоқчи эди. Шу лаҳзада бу ерга Воронеж фронти қўмондони Голиков кириб келди. Масала билан қизиқди. Йигитга: *“Агар душман томонидан муҳим ҳужжатлар ва битта асир тутиб келсанг, таътил берамиз”*, деди. Абдулла шериклари билан уч асирни тутиб келди.

Генерал сўзида туриб, 34 кунга жавоб берди. Ўз юртига, оиласига, сеvimли ёрига интилган Абдулланинг Пайариққа етиб келиб, қандай кутиб олинганини ўзингиз тасаввур қилаверинг.

Оиланинг уч фарзанди кутилмаган вазиятлар таъсирида тақдирнинг турли кўчаларига тушиб қолади.

Абдулла намунали хизматлари учун қишлоғига қаҳрамонлардек келган бўлса, Аҳмад ҳаёт-мамот жангида қаттиқ жароҳат олиб, бедарак йўқолади ва яхши одамлар қўлида дардига малҳам топади. Акбар эса ҳушсиз ҳолда душман қўлига асир тушади.

Урушга кетганларни қисмат деб билиш мумкин. Лекин икки ёш келинлар-



нинг Каттақўрғон сув омбори қурилишига мажбуран сафарбар этилганига нима дейсиз. Мустабид тузум халқимиз боши узра тегирмон тоши юритмаган, деб ким айта олади.

Романдаги воқеалар бир неча планда давом этади. Бир боб қишлоқдаги оила аҳволини баён этса, кейингиси Абдулланинг урушдаги жасорати ҳақида ҳикоя қилади. Навбатдаги боб асир тушган Акбарнинг мушкул ҳолати ҳақида, бошқа бобда эса оғир ярадор бўлиб танг ҳолга тушган Аҳмаднинг қисмати ҳақида маълумот беради.

Китобхон манзаралар алмашиб турган ҳар бир бобга ўтганда, воқеалар ривожига қай тарзда кетишига қизиқади. Шу аснода, инсон тақдири нақадар мураккаб эканига иймон келтирасиз.

Тасодифни қарангки, немисларга асир тушган инсонлар тақдирини ҳал қилиш Абдулла Икромов бошлиқ комиссияга топширилади-ю, унинг қўлига туғишган акаси Акбарнинг ҳужжати тушади. Бир ота-она

фарзандлари, жигаргўшалар ўша лаҳза мустабид тузум тартибига биноан, рус тилида суҳбатлашишади. Шу ҳол муаллиф томонидан ажиб маҳорат билан баён этилади.

Мустабид тузумнинг ўйинлари бу билан тугамайди. Комиссия аъзолари, жумладан, Абдулла Икромов ҳам қанчадан-қанча асирлар тақдирини ҳал қилганидан сўнг улар ўтирган автомашина портлатиб юборилади. Абдулланинг урушдан кейин ҳалок бўлгани ҳақидаги қорахат Ҳалимани қайғуга солади. Бу шум хабарни эшитган Ойжамол эси оған одамдек гандираклаб, гурс этиб ерга йиқилади.

Уруш тугагандан уч йил ўтгач, не-не азобларни бошдан кечирган Акбар Иркутскда қамоқдан озод бўлиб чиқди. Бу орада Неъмат деган ногирон киши: *“Энди Акбар қайтиб келмайди, мен Санобарга уйланаман”*, дея хонадонга келади. Ниҳоят, Санобар ўша киши билан никоҳдан ўтади.

Акбар уйга етишига оз қолганда, Санобарнинг тўйи бўлаётганини эшитади. Уйга келиб, аравада узатиш учун йўлга тушаётган Санобарни олиб қолишга улгуради.

Санобар билан Акбар олти фарзанд кўришди.

Дориламон кунлар бошланди. 1991 йил Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганда Ойжамол 88 ёшда эди.

Китобнинг пировард маррасидаги воқеалар шиддат билан кечади. Ҳеч кимнинг хаёлида йўқ Аҳмад Белоруссиядаги яхши одамлар қўлида ўлимларни доғда қолдириб, Ўзбекистонга келади. Бу ҳақда Икромовларнинг куёви, Ижтимоий таъминот вазири (яъни муаллиф) хабар топади. Амакини машинага ўтирғизиб, Пайариқдаги 93 яшар онаси Ойжамол билан учраштиради. 57 йил, 3 ой ва 15 кун деганда она-бола учрашади. Аҳмад ўз оиласида, қариндошлари бағрида боқий дунёга йўл олади.

Китобнинг сўнгги сатри шундай тугайди: *“Қишлоқда тонг ёриша бошлаганда Ойжамол вафот қилди”*.

Бир оиладаги инсонларнинг тақдир йўлидаги булутли ва офтобли кунлари ҳужжатли роман сюжетининг асосий мазмунидир. Унда хонадон бекаси – Ойжамолнинг бошидан кечирганлари китобхон онгу шуурида муҳрланади.

Романдаги лавҳалар нафақат Ойжамолнинг, балки юртимиздаги оддий ўзбек хонадонининг қисматини акс эттирган, десак, адашмаган бўламиз. Мустақиллик давригача бўлган уқубатлар ҳақида ўқиганимизда, бугунги дориламон кунларнинг бебаҳо қадрини янада ёрқин англаймиз. Озодлик, эркинлик, ҳурлик сийму зарга алмашмайдиган бойлик эканига ишонч ҳосил қиламиз.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ,**  
*Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган журналист*



## АКА-УКА ҲАҚҚУЛОВЛАР

Иккинчи жаҳон уруши минглаб инсонларнинг ёстиғини қуритди. Гўдакларни етим, аёлларни тул қолдирди, оналарни қон қақшатди, шаҳар-қишлоқларни вайрон қилди.

Бу уруш эл-юртимиз бошига оғир савдоларни солди. Унинг яралари ҳамон дилларимизда чандиқ бўлиб турибди.

Эсимни танибманки, урушнинг дардли ҳикояларини эшитиб, у даврнинг аянчли ҳолатини кўнглимдан кечириб улғайдим. Бобом Рўзимурод Ҳаққулов шафқатсиз урушнинг қурбони бўлган эди. Фақат бобомгина эмас, у кишининг укаси Нурмурод бобо Ҳаққулов ҳам қирғинбарот жангларда жон таслим этган эди...

1903 йил Самарқанд вилояти Каттакўрғон тумани (у даврларда Қорадарё тумани деб аталган), Адабиёт колхози, Чўянчи қишлоғида яшовчи Ҳаққул бобо ва Нозик момолар оиласида ўғил фарзанд дунёга келади. Унга яхши ният билан Рўзимурод деб исм қўйишади. Сўнгра хонадонда бирин-кетин яна тўрт фарзанд дунёга келади: Нурмурод (1905 йил), Ҳасан ва Зухра (1909 йил) ҳамда кенжа фарзанд Нормурод (1922 йил).

Ҳаққул бобо ва Нозик момо катта қийинчилик ва тақдир синовлари билан фарзандларини улғайтиради. Улардан Ҳасан саккиз ёшида, 1917 йилда Ҳаққул бобонинг хонадонига ўғрилиқка кирган босқинчилар томонидан ваҳшиёна ўлдирилган эди...

Фашистлар уруш бошлаган пайтда Рўзимурод бобо Шакар момо билан бахтли ҳаёт кечириб, ўғли Тоғаймурод, қизлари Каромат ва Машғулотни яхши ниятлар билан вояга етказётган эди.

Шакар момонинг айтишича, Рўзи бобо кенг елкали, узун бўйли, забардаст ва бақувват бўлгани учун эшиклардан эгилиб, ёнбоши билан уйга кирар экан.



*Рўзимурод Ҳаққулов*

Рўзимурод бобо қишлоқда тенги йўқ чавандоз ва курашда елкаси ерга тегмаган паҳлавон бўлган. Шу боис “Рўзи полвон” деб ном қозонган.

Рўзи полвон ҳаёти билан боғлиқ хотиралар эл орасида ҳикояларга айланиб, оғиздан-оғизга ўтиб келади. Кўпқарилардан бирида Рўзи полвоннинг оти оғзи билан ерга тушиб кетган улоқни, ўзи эса иккинчи улоқни даврдан олиб чиққанини чавандозлар яхши эшлашади.

1930 йилда Рўзимурод бобомнинг отаси Ҳаққул бобо шифохонада вафот этади. Ўлим сабабларини аниқлаш мақсадида суд тиббиёт экспертизаси тайинланиб, майит ўликхонага ўтказилади. Шунда Рўзи полвон падари бузрукворининг жасадини ёрдирмаслик учун кечаси укалари билан келиб, ҳеч кимга билдирмасдан отасининг



*Шакар Ҳаққулова*

мурдасини елкасига ортиб ўликхонадан олиб чиқади. Шаррос жала кўйиб турган паллада кўзда аччиқ ёш билан тахминан 5–6 чақирим узоқликдаги қишлоқ қабростонига олиб келиб, эғнидаги чопонига ўраб дафн қилишади. Бу ҳикоя ҳам Рўзимурод бобомнинг ҳақиқатан полвон бўлганидан далолат беради.

Ҳаққул бобо илмли бўлгани сабабли ўғли Рўзимуродни малакали агрономларга шогирдликка берган. У киши деҳқончилик сир-синоатларини кунт билан ўрганган ва қишлоқда агроном бўлиб ишлаган. Шу билан бирга, ҳалол меҳнат қилиб, дурадгорлик билан ҳам шуғулланган.

Уруш бошланган йили бобом биринчилардан бўлиб туман ҳарбий комиссарлигига ариза беради ва 1941 йил 20 сентябрда 38 ёшида урушга сафарбар қилинади.

Орадан бир ой ўтганидан сўнг, яъни ўша йил октябрь ойида укаси, колхозда ҳисобчи бўлиб ишлаётган Нурмурод ҳам фронтга юборилади. Ноябрь ойида эса 18 ёшли кенжа ўғил Нурмурод ҳам урушга сафарбар қилинади. Шундай қилиб, барча ака-укалар биринчилардан бўлиб, биринкетин шафқатсиз жангларга юборилади.

Россия Федерацияси Мудофаа вазирлигининг Марказий архивидан олинган маълумотларга қараганда, Рўзимурод бобо 1942 йил май ойида, Нурмурод бобо эса 1943 йил август ойида Подольскдаги жангларда бедарак йўқолган.

Уруш тугаганидан сўнг ҳамма каби рафиқалари Шакар момо, фарзандлари Тоғаймурод, Каромат ва Машғулот ҳам оталарининг уйга қайтишини интиқлик билан кутадилар. Бироқ Рўзимурод бобо қайтмайди.

Шунда Тоғаймурод бобо оталари билан бирга жанг қилган қуролдош дўстларини ахтара бошлайди. Дастлаб Самарқанд вилояти мудофаа ишлари бўлимига бир неча бор мурожаат қилади. Бироқ бу пайтлар маълумот алмашинув тизими яхши йўлга қўйилмагани учун зарур маълумотларни топа олмайди. Кейинчалик Тошкент шахрига келиб, отаси билан боғлиқ маълумотларни қидира бошлайди. Бироқ бу ҳам самарасиз эди. Чунки Рўзимурод бобо уруш пайтида бедарак йўқолгани (Тоғаймурод бобо отасининг бедарак йўқолганини ҳам билмас эди) туфайли керакли маълумотларни топишнинг имкони йўқ эди.

Лекин Тоғаймурод бобо отасини ахтаришдан тўхтамайди. Кунлардан бирида Тошкентга қилинган мурожаатдан сўнг отасининг оҳангаронлик қуролдоши бўлгани ва яшаш манзили ҳақида маълумот олади ва шу заҳоти у кишини ахтариб топади.

Оҳангаронлик сафдоши (исми бизга номаълум) Рўзимурод бобо билан урушда бирга жанг қилгани ва урушнинг аянчли кунларини гапириб беради. Энг муҳими, Рўзимурод бобо билан елкама-елка бир пулемётда душманга зарба берган энг яқин қуролдошлари Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида яшаши ва ундан тўлиқ маълумот олиш мумкинлигини айтади. Бундан тўлқинланган Тоғаймурод бобо отаси билан елкама-елка жанг қилган пастдарғомлик сафдошини (исми бизга номаълум) излаб топади.

Пастдарғомлик қуролдошининг айтишича, уруш пайтида Рўзимурод бобога икки оёқли пулемёт бириктирилган бўлиб, у шу орқали душманга қақшатқич зарба



берган ва бу қуролнинг барча сир-синаотларини яхши билган.

Москва вилоятининг Подольск шаҳридаги навбатдаги жанглардан бирида душман томонидан айнан юқоридаги каби пулемёт орқали зарба берилаётган бўлган. Рўзимурод бобо ушбу қуролни яхши тушунишини ва уни зарарсизлантириш орқали душманни тор-мор этиш мумкинлигини айтиб, аскарлар билан жангга киришини маълум қилган.

Шунда пастдарғомлик қуролдоши ҳозир мавриди эмаслигини тушунтиришга ҳаракат қилади. Бироқ Рўзимурод бобо “*нима бўлса пешанамдан кўраман*”, дея окопдан сакраб чиқиб, олдинга югурган вақтида кўкрак қисмидан яраланиб ерга йиқилади.

Буни кузатиб турган пастдарғомлик қуролдоши югуриб бориб, Рўзимурод бобони хавфсиз жойга олиб келади ва зудлик билан санитар бригадасига хабар қилади.

Санитар бригадаси етиб келгунига қадар унинг ўзи биринчи ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилади. Бироқ бу самара бермайди. Натижада Рўзимурод бобо қуролдошининг қўлида жон беради...

Бу пайтда уруш авжида, душман тинимсиз ҳужум қилаётган эди. Шунга қарамасдан, қуролдоши бобомнинг жасадини четроққа олиб, бир дарахтнинг тагига оҳисталик билан қўйиб, окоп қазиш учун мўлжалланган белкурак билан устига тупроқ ташлаб, билганича жаноза ўқиб, яна урушга кириб кетган.

Афсуски, Рўзимурод бобомнинг иккинчи укаси Нурмурод бобонинг қаерда ва қандай вафот этгани тўғрисидаги маълумотлар бизгача етиб келмаган. Лекин ушбу масала бўйича ҳам изланишларни амалга оширяпмиз.

Шукрлар бўлсинки, уруш туганидан кейин 1946 йилда бу ерда армия хизматини ўтаб, кенжа ука Нормурод уйга қайтиб келади ва вафот этган икки акасининг оиласи ҳамда уларнинг фарзандларини ўз қарамоғига олади.



*Нормурод Ҳаққулов*

Нормурод бобо 1985 йил 11 мартда СССР мудофаа вазирининг буйруғи билан II даражали Ватан уруши ордени билан мукофотланган.

Нормурод бобо ушбу орденни фақат ўзига эмас, жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган акалари Рўзимурод ва Нурмурод боболарга ҳам берилган, деб ҳисоблайди.

Қанчадан-қанча ватандошларимизни қон қақшатган урушда ака-ука Ҳаққуловлар ҳам муносиб қатнашган. Минг афсуски, оила фарзандларидан фақат бир нафари уйига эсон-омон қайтган. Бу айриликда онаизорнинг ҳолини тасаввур қилиб кўринг!

Мазкур хотира мақоламизни тайёрлашда отам Райимберди Рўзиев, амакимиз Эгамберди Рўзиев, Нормурод бобонинг ўғли Гофур Ҳаққулов ҳамда Россия Федерацияси Мудофаа вазирлигининг Марказий архивидан олинган маълумотларга таяндик.

**Зафар РЎЗИЕВ,**  
*юримдик фанлари доктори,*  
*профессор*



## БЕШ ЖАНГЧИ

Иккинчи жаҳон уруши миллионлаб одамларнинг тақдирига ўрнини тўлдириб бўлмас улкан йўқотишлар солди. Урушдан қайтмаган ҳар бир инсон ортида фарзандини қайта бағрига боса олмаган ота-оналарнинг, жигарбандларнинг изтироблари, ушалмаган армонлари бор.

Кўпчилик беш фарзандини урушга юборган Зулфия ая Зокированинг матонатга тўла ҳаётини яхши билади. Беш ўғли урушга юборилган оилалардан яна бири – Тошкент вилоятининг Хонқўрғон қишлоғида яшаган Бегматовлар хонадони бўлган.

Бу ерга Зангиота туманининг Сартепа деган жойидан кўчиб келган Бегмат ота ва Роҳатой онанинг 6 ўғил ва 1 қизи бор эди.

Фашистлар босқинидан кейин олдинмакетин беш ака-ука фронтга жўнаб кетди. Ота-она икки кичик фарзанд – Деҳқонбой ва Азиза билан қолди. Ака-укалардан фақатгина тўртинчи ўғил Шермат Бегматов уйига омон қайтди. Бошқа ака-укалар бедарак кетишди. Йиллар ўтиб борар, аммо жигарбандлардан бирон хабар йўқ эди.

Бек ота (қишлоқдошлари Бегмат отани шундай деб чақирарди) ҳар куни Ўртаовулдаги чойхонага қатнашни қанда қилмаган. Сабаби, бу ерда поезд йўли бўлиб, у киши “болаларимдан биронтаси қайтиб қолса, ўзим кутиб оламан”, деган эзгу мақсад билан келар экан.

Акалари ва укасининг кейинги тақдири ҳақида Шермат Бегматов кўп ўйланарди: “Қаердайкин улар? Қабрлари бормикан, лоақал?”

У бу саволларга умр бўйи жавоб излади. Қўлида фақат укаси Алмат Бегматовнинг Калинин области Держитино қишлоғида ҳалок бўлгани ёзилган қорахат бор эди.

У “Прометей” ватанпарварлик-қидирув экспедицияси иш бошлагани ҳақида хабар топганидан кейин ўша хатни олиб

келганди. Дастлаб Калинин область ҳарбий комиссарлигига сўров йўлланди. Аммо натижа бўлмади, ҳатто жавоб ҳам келмади. Икки-уч марта мурожаат қилинди. Лекин жавоб бўлмади.

Шундан кейин Подольскдаги Мудофаа вазирлиги марказий архивига сўров юборилганида улар Калинин областида Алмат Бегматовнинг қабри йўқлигини билдириб, Псков областига мурожаат қилишни маслаҳат беришди.

Псков областига мурожаат қилингандан бир йил ўтгач, қидирув иши бошлангани ҳақида жавоб олинди. Кейинроқ Алмат Бегматовнинг қабри Псков областининг Невель райони Новохованск қишлоғи ҳудудида эканини маълум қилишди. Невель район ҳарбий комиссари, майор Рибанов қабрнинг суратини ҳам юборди.

Шермат ака хатни ва расмни кўриб йиғлаб юборди. Кўп ўтмай, у сафарга отланди. 1988 йилнинг ёзида жанговар дўсти Рустам Юсупхўжаев билан уни Невель районида илиқ кутиб олишди. Қишлоқ аҳли уларга Алмат Бегматов ҳақида сўзлаб бериб, қабрни зиёрат қилгани олиб боришди.

Шермат Бегматов укаси ётган жойдан бир ҳовуч тупроқ олиб қайтди...

Алмат Бегматов 1924 йилда (айрим ҳужжатларда 1923 йил) туғилган бўлиб, 1942 йили урушга сафарбар этилган. Дастлаб у захира ўқчи қисмлари таркибида бўлган, кейинроқ 527-алоҳида пулемёт артиллерия батальонида, 28-гвардия ўқчи дивизияси 88-ўқчи полки сафида жанговар йўлни босиб ўтди. 1943 йилнинг 1 ноябрида қахрамонларча ҳалок бўлди.

Яқинда маълум бўлган бошқа бир ҳужжатга кўра, Алмат Бегматов 1943 йилнинг 12 декабрида Смоленск области Велиж райони ҳудудидаги 1044-эвакогоспиталга қабул қилиб олинган ва 1944 йилнинг биринчи кунини вафот этган...





*Нурмат Бегматов*



*Холмат Бегматов*



*Кўрғон Бегматов*



*Шермат Бегматов*



*Алмат Бегматов*





Афсуски, ўша вақтда акаларнинг тақдирини номаълумлигича қолди.

Шермат Бегматовнинг ўзи 1941 йил 12 сентябрда чақирилиб, ўзбек ҳарбий қисмлари таркибида урушга сафарбар этилди. 1944 йили 173-ўқчи дивизия 1311-ўқчи полк 1-ўқчи батальон ўқчиси, ефрейтор Ш. Бегматов “Жасурлиги учун” медали ва урушдан кейин I даражали Ватан уруши ордени ҳамда бошқа юбилей медаллари билан тақдирланди.

Қишлоққа қайтганидан сўнг Шермат ака мактабда география, биология фанларидан дарс бериб, илмий бўлим мудирини сифатида фаолият олиб борди. Шу билан бирга, жамоатчилик асосида ҳудудда Шон-шухрат музейини ташкил этиб, уруш қатнашчилари номларини абадийлаштиришга ҳисса қўшди.

Қишлоққа кираверишда ҳалок бўлган жангчилар хотирасига бағишланган хиёбон ҳам ташкил этилган, унда ёнида ўспирин боласи билан бирга бошқа

фарзандларини илҳақ кутаётган она ҳайкали қад ростлаган.

Айтишларича, ҳайкалтарош Бегматовлар оиласи ҳақида эшитиб, қаттиқ таъсирланган ва она образини Роҳатой Норматова сиймосида, болани эса Дехқонбой Бегматовга қараб гавдалантирган экан...

Алмат Бегматов қабри топилганига ҳам 35 йилдан кўп вақт ўтди. 1995 йили чоп этилган Тошкент вилояти бўйича Хотира китобининг 2-жилдини варақладик. Унда уч ака-ука – Холмат, Нурмат ва Қўрғон Бегматовлар тўғрисида “жангда бедарак йўқолган” деган қайдларга яна бир бор назар солиб, Бек ота ва Роҳатой онанинг фарзандлари, Шермат аканинг жигарбандлари ҳақида бирон хабар келишига умид илинжида ўтган ҳаётларини ёдга олдик.

Мана шу ўй-хаёллар таъсирида “Шон-шараф” музейи ходими Зебо Холбоева, фалсафа доктори Козимхон Саъдуллаев билан бирга янги маълумотлар топишга муваффақ бўлдик.





*Тошкент вилояти Хонқўрғон қишлоғидаги хотира хиёбони*

Оиланинг тўнғич фарзанди Холмат Бегматов Хотира китобида “1905 йилда туғилган” деб кўрсатилган. Аниқланган ҳужжатлар асосида у киши 1902 йилда туғилгани, 1943 йил 28 июнда урушга сафарбар этилгани маълум бўлди. Х. Бегматов дастлаб 231-захира ўқчи полк таркибида, кейин 3-зарбдор армиянинг 191-гвардия ўқчи полки сафида бўлгани ҳам аниқланди. Жангда ҳалок бўлгани ҳақидаги ҳужжатда фамилия Бехматов тарзида, унинг туғилган вилояти Тошкент эмас Тамбов деб қайд этилган экан. Бошқа барча маълумотлар мос келди, ҳатто ҳужжатда кўрсатилган умр йўлдошининг фамилияси Султонова экани ҳам тасдиғини топди.

Ҳужжатлар ўз вақтида чалкаш тўлдирилиши оқибатида аскар қабри ҳақидаги маълумотни яқинлар саксон йилдан кейингина билишди...

Холмат Бегматов 1943 йил 27 октябрда жароҳат натижасида вафот этгани ва Калинин области Великие Луки шаҳридаги

Карцево посёлкасида дафн этилгани маълум бўлди.

1913 йилда туғилган Қўрғон Бегматов бўйича Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги Марказий архиви филиали ҳисобланмиш Ҳарбий-тиббиёт ҳужжатлари архивидан бир ҳужжат чиқди, холос. Унга кўра, Қ. Бегматов 1913 йилда туғилган, 1944 йил 28 февралда 332-ўқчи дивизия 1117-ўқчи полк таркибида жанг қилаётганда ярадор бўлган ва 2392-рақамли эвакуогоспиталга юборилган. Бу ҳужжатда ҳам исм-фамилиясидаги ҳарфлар хато қайд этилган: Кургем Бекматов.

1910 йилда туғилган Нурмат Бегматов бўйича ҳозирча маълумот топилмади...

Қишлоққа бурилишдаги ёдгорликда тасвирланган она фарзандлари ҳақидаги хабарни ҳануз кутаётгандек...

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,**  
*Ўзбекистон “Прометей”  
ватанпарварлик-қидирув  
экспедицияси раҳбари*

## АСКАР ОТАСИ

1986 йилнинг март ойлари... Ишхонамга сочлари оқарган, ўрта бўйли, кўксига орден таққан бир киши кириб келди. Кўзидан катта дардни, оғриқни англаб олиш қийин эмасди.

Кўришганимиздан кейин у Янгийўл туман газетасида эълон қилинган мақоламда отаси дафн этилган жой ҳақида маълумот берилганини айтди. Отаси кимлигини сўраганимда, бу инсон анчадан бери қидираётганим – Саидғози Саидқосимов экани маълум бўлди. Ҳатто бу инсоннинг бирон яқини топилишидан умидим узилган эди.

Барчаси 1984 йили уруш йилларида ҳалок бўлган ҳамда бедарак йўқолган жангчилар ҳақида маълумотларни тўплаш, уларнинг қабрларини аниқлаш ва яқинларига етказиш бўйича қидирув ишларига киришганимиздан сўнг бошланди.

Бу орада Украинадан истеъфодаги полковник, уруш қатнашчиси Владимир Денисович Драгунов Чернигов вилоятида ҳалок бўлган ўзбекистонлик аскарлар рўйхатини юборди.

В. Драгунов урушдан омон қайтганидан кейин Чернигов вилояти бўйича турли миллатга мансуб 18 минг (кейинчалик 20 мингдан ошиб кетган) аскарлар рўйхатини тузади. Бунда архивларда, ҳарбий комиссарликларда сақланаётган ҳужжатлар, қишлоқлардаги қабристон китобларидаги маълумотлар асос бўлади. Булардан 1200 нафари ўзбекистонлик эди.

Дастлаб, бу рўйхатни у ёшлар ташкилотига жўнатади. Бу ерда рўйхат маълум муддат ҳаракатсиз ётади. Кейин у “Прометей” қидирув клуби ҳақида хабар топгач, биз билан алоқа ўрнатиб, рўйхатни юборади.

Биз рўйхатдаги маълумотларни республика бўйлаб, вилоят, шаҳар ва туман газеталарига тарқата бошладик. Асосийси, уларнинг барчаси эълон қилинди. Қайси

газетага бормайлик, муҳаррир бўладими, масъул котиб бўладими, ҳеч йўқ демасдан рўйхатларни тезликда чоп этишарди. Журналистлар уруш мавзусини ўзларига яқин олишарди.

Мен ана шундай яхши инсонлар билан бир соҳада ишлаганимдан миннатдорман. Улар Россия, Украинага уюштирилган сафарларда ҳам бирга бориб, репортажлар тайёрлашди.

Ҳа, мана шу газеталар бизга жуда катта ёрдам берди. Сабаби, ўша вақтда газеталарни ҳамма ўқирди, ўша пайтда ҳар бир хонадонга газета келарди.

Шу тариқа урушда ҳалок бўлган юртошларимизнинг яқинлари, фарзандлари топила бошлади. Бири фарзандим, бошқаси жигарим, яна бири отам, деб йиғлашарди. Ҳеч бўлмаса қабрини зиёрат қилиш имкони пайдо бўлганига шукроналик билан бирга, қайта бағрига босолмаган яқинининг соғинчи бор эди бу йиғиларда!


Гўдаклигида отасининг дийдорига тўймаган замондошларимиз қанчадан-қанча эди. Улар уруш йилларида дунёга келган ва улғайган фарзандлар эди...

Саидғози Саидқосимов билан боғлиқ воқеа тамомила бошқача эди. Бу ҳақда у кишининг ҳозиргина ташриф буюрган ўғли Қовунбой ака сўзлай бошлади:

*“Отам аслида жангчи бўлмаган, менинг ўзим уруш қатнашчисиман. Отам менинг ортимдан излаб Украинага борган экан...”*

1924 йили туғилган Қовунбой Саидғозиев урушга кўнгилли бўлиб кетади. У дастлаб 2-Украина frontiда 989-ўқчи дивизия таркибида жанг қилади. Оғир ярадор бўлиб, маълум муддат даволанганидан кейин 44-гвардиячи ўқчи дивизиянинг 130-гвардиячи ўқчи полкида жанговар йўлни давом эттиради. 1943 йилнинг майида Курск ёйидаги аёвсиз жангларда иштирок этади.





*Саидғози Саидқосимов*

Курск озод қилинганидан сўнг Черниговга келади.

Саидғози ота ўғли Қовунбойни фронтга жўнатгач, ўзи далада тер тўкиб меҳнат қилади. Ўша кезларда у фронтга бу ёшдаги кишиларни олишмаётганидан ўксинарди. Сабаби, С. Саидқосимов 1892 йили туғилган бўлиб, 50 ёшдан ошган эди.

Ота ўғлидан келган хатларни авайлаб асрар, фарзандини бағрига босишни истарди.

Ахийри оталик соғинчи устун келди. У 1943 йили ўғлини кўриб келиш учун Зангиотанинг Ўртаовул қишлоғидан икки тенгдош ҳамроҳи билан фронтга йўл олди.

Йўл, устига-устак уруш шароитида турли вазиятлар бўлиши табиий. Уч ҳамроҳдан бири ортга қайтиб кетади. Икковлон йўлда давом этади, ўғлидан келган конвертда ёзилган дала почтаси рақамини кўрсатиб, ҳарбий қисмни сўроқлаб фронт ичкарасига киришади.

Саидғози ота бомбардимондан омон қолиб, ўзи қидирган ҳарбий қисм издан Украинанинг Чернигов вилоятига келади.



*Қовунбой Саидғозиев*

Ота ўша ерда командирлар билан суҳбатлашиб, Ўзбекистон ҳақида, фарзандлари тўғрисида гапириб беради. Командирлардан бири: “Ўғлингиз жанговар топшириқ олиб чиқиб кетган, ҳали замон қайтиб келади”, дейди.

Ота шу ерда қолиб, фарзанди билан ёнма-ён жанг қилмоқчилигини айтади: “Мен шу ерда қоламан, мен ҳам ғалабага ҳисса қўшаман”.

Аммо командир уруш шиддатли кетаётганини, махсус тайёргарликсиз жангга кириб бўлмаслигини айтади. Шу ваздан, ўғлини ҳарбий қисмда кутиб туришга рухсат беради.

Саидғози ота бекор ўтиришни истамайди. У аввалига от-аравада жанг майдонига сув, озиқ-овқат ташийди.

Жангларда талафотлар кўп бўларди. Энди Саидғози ота қанчадан-қанча ярадорларни аравага ётқизиб, госпиталга олиб келиб топширарди. Госпиталдан ҳалок бўлганларнинг жасадини олиб қабристонга етказарди.

Жанг майдонидан ярадорларни олиб келаётганида кучли бомбардимон бошла-



ниб қолади. От-арава ҳам портлаб, Саидғози ота ҳалок бўлади...

Бундан ўн беш-ўн етти кун олдин, аниқроғи, 29 август куни Қовунбой Саидғозиев Чернигов остонасида оғир ярадор бўлади ва уни жанг майдонидан бошқа киши олиб чиқади.

Қ. Саидғозиев даволаниш учун Курскдаги госпиталга юборилади. 1943 йилнинг октябрь ойидан яна жангларга киришади.

Қ. Саидғозиев отаси келганидан беҳабар эди. Маълум муддат ўтгандан кейин жангчилардан бири: *“Кимнидир отаси излаб келди, ҳойнаҳой, сенинг отанг бўлса керак”*, дейди.

Менга буни гапириб бераётган Қовунбой ака яна ғамгин бўлиб қолди:

*– Ғалати бўлиб кетдим, ҳеч ичим ёришмасди. Қандайдир юрагим ғаш эди. Ўша пайтда сал олдинроқ онамнинг хатини олган эдим. Унда ортимдан отам излаб кетгани ёзилган эди. Бироқ ярадор бўлганимданми, билмадим, ўша пайтда буни англай олмаган эканман...*

Уруш давом этарди. Қ. Саидғозиев Белоруссиянинг Полоцк, Барановичи шаҳарларини озод қилишда иштирок этади. Брест озод этилишида 44-ўқчи дивизия билан бирга генерал-майор Собир Раҳимов бошчилик қилаётган 37-ўқчи дивизия ҳам қатнашаётган эди. Қовунбой ака Собир Раҳимов билан учрашади. Кейин Польша учун жангларда иштирок этади ва 1944 йилнинг октябрида оғир яраланиб, ногирон бўлади.

Қишлоқда онасидан отаси уни излаб, шу кўйи йўқ бўлиб кетганини эшитади. Қовунбой ака қандай бўлмасин отамнинг қабрини топишим керак, деган мақсадни ўз олдига қўяди.

Урушдан кейин Қ. Саидғозиев Украинага боради, ўзи жанг қилган йўллардан қайта-қайта ўтиб, отаси ҳақида маълумот қидиради: ўша ерлик одамлардан, ҳарбий комиссарликлардан, туманлар раҳбариятларидан, қишлоқ раисларидан суриштиради. Аммо натижа, ҳеч қандай хабар йўқ. Чунки Саидғози ота урушга ўзи борган, бирон жойда номи қайд этилмаган эди...

Қовунбой ака ҳар сафар уйига оғир дард билан қайтарди. Аммо, қалбида *“зора*

*отамнинг дараги чиқиб қолса”*, деган орзу яшарди.

Ниҳоят, 1986 йили отаси ҳақидаги маълумот уйига газета орқали кириб келди. Ўша пайтда у қанчалик қувонди, кўзлари ёшга тўлди. Бу сўзсиз йиғи – армон бўлган учрашув, ота соғинчи, умр бўйи дарагидан умидвор бўлиб вафот этган онасининг ўкинчи эди...

Мана, тўғримда қирқ уч йилдан кейин отаси ҳақида маълумотга эга бўлган Қовунбой ака ўтирибди. Оғир сукунатдан кейин у қабрлари топилган уруш қатнашчиларининг болаларини Черниговга олиб кетаётганимизни эшитгани, ўзи ҳам бормоқчи эканини айтди. Биз ҳужжатларни расмийлаштирдик. Май ойига билет ҳам олинди. Бироқ 1986 йилнинг 26 апрелида Чернобиль ҳалокати сабабли сафарни май ойида амалга ошира олмадик.

Ниҳоят, сентябрь ойида жами етти уруш қатнашчисининг яқинлари билан Черниговга бордик. Улар орасида ака-ука Қовунбой ва Олим Саидғозиевлар ҳам бор эди. Гуруҳдаги уруш қатнашчиларининг фарзандлари оталари дафн этилган қабристонларга боришди. Оталар қаторида ўша ерда ётган ўзбек аскарлари ёдга олинди.

Ҳар бир қишлоқ аҳли бизни қучоқ очиб кутиб олди. Биз борган пайтда аёллар, отахонлар ёнимизга келиб, ҳурмат кўрсатишарди. Қишлоқларда ёшларнинг кўпчилиги иш ё ўқишда бўлгани учун кўринмасди.

Улар: *“Оталарингиз бизнинг юртимизда жон берди, биз учун жон берди, бизнинг тупроғимизда ётибди. Демак, сизлар биз учун азиз инсонсизлар! Бизга қариндошларсиз! Бизга жигарсизлар!”* – дейишарди. Аёллар пискентлик жангчи Мамаюсуф Эгамбердиевнинг қизи Холбу опани, Ўрта Чирчиқдан Мухаммадберди Қурбоновнинг қизи Улбўсин опани – ўзбек аскарларидан қолган ёлғиз ёдгораларни қучоқлаб: *“Биз опа-сингилмиз. Энди шу уй сеники. Кел, меҳмон бўл. Болаларингни ҳам олиб кел”*, – деб ҳурмат кўрсатишарди...

Қовунбой аканинг отаси марказдан энг узоқ қишлоқда – Шчучья греблида дафн этилган экан. Ниҳоят, Чернигов вилояти-





*Ҳалок бўлган уруш қатнашчиларининг фарзандлари  
Черниговга ташириф буюрди. 1986 йил сентябрь*

нинг бир чеккасидаги бу қишлоққа кириб бордик.

Қовунбой аканинг ҳикояси қишлоқдагиларга, умуман, Чернигов халқига жуда қаттиқ таъсир этган эди. Аёллар: “Бу отангмиди? Отангни излаб келдингми? Отанг ўшанда сени топа олмадимми? Сен ҳам отангни топа олмадингми?” – деб йиғлашарди.

Ўшанда уруш кўрганлардан бир киши хотирлай бошлади: “Ўзбек отаси энг хавфли ишни қилган. Бу катта йўлда нуқул бомбалар тушарди, ҳаммаёқ ёниб ётарди. Оддий ўзбек деҳқони мана шу ёнаётган йўлдан турли миллатга мансуб аскарларни госпиталга олиб ўтган. Ярадорларни тезда етказиб келиш керак бўлган. Улар-

нинг ҳаётини сақлаб қолиш учун бу муҳим бўлиб, тез ёрдам ўз вақтида кўрсатилиши керак эди...”

Ота қабри зиёратидан кейин икки ўғил Тошкентга келгунча гапиришмади, овқат ҳам ейишгани йўқ. Назаримда, олтмишдан ошган Қовунбой ака бир ҳафтада йигирма йилга қариб қолгандек кўринди...

У киши дастлабки учрашганимизда чексиз бир армон ва алам билан шундай деган эди:

“Грузинларнинг “Аскар отаси” фильмини кўрганман. Бизда акси бўлди. Буни тақдир десалар керак. Отаннинг хоки Украина тупроғида қолиб кетди...”

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,**  
Ўзбекистон “Прометей”  
ватанпарварлик-қидирув  
экспедицияси раҳбари





1941

"MENI KUTGIL"  
Meni kutgil va men qaytarman,  
faqat kutgil, juda intizor,...  
(Hamid Olimjon tarjiması)

1942

1943

1944

ГАЛАВ

# ҒАЛАБА

## БОҒИ



“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ва унинг таркибидаги “Шон-шараф” давлат музейи томонидан Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабага қўшган ҳиссасини ўрганиш ва тарғиб этиш юзасидан республика ва халқаро конференциялар, илмий семинарлар, китоблар тақдимотлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, Фанлар академияси Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бў-

йича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ, “Ўзархив” агентлиги билан ҳамкорликда 2023 йил 27 апрель куни “Кўп миллатли Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт ва фронт ортида кўрсатган беқиёс жасорати: тарих, талқин, технология” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди.

Конференцияда Нидерландия, Россия Федерацияси, Беларусь Республикасидан олимлар ва мутахассислар иштирок этди.





2023 йил 5 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, Республика маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда “Уруш, но-

минг ўчсин жаҳонда” мавзусида республика конференцияси ўтказилди.

Тадбирда Янги Ўзбекистонда уруш қатнашчилари ва фронт ортидаги меҳнат фахрийларини эъзозлаш – ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлардан бири эканлиги таъкидланди.



Мажмуа томонидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда Ғалабанинг 78 йиллиги муносабати билан “Иккинчи жаҳон уруши хотираларда” ижодий ишлар кўрик-танлови, “Мусаффо осмон” расмлар кўрик-танлови, “Ўчмас у кунлар шухрати” фотолавҳалар кўргазмаси ўтказилди.



Айни пайтда, мажмуанинг халқаро ҳамкорлик алоқалари ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Хусусан, нидерландиялик тадқиқотчи Ремко Рейдинг билан “Шон-шараф” давлат музейида давра суҳбати ўтказилди.





Мажмуа Ленинград қамалдан озод бўлганлигининг 80 йиллигига бағишланган Ҳамдўстлик мамлакатлари телекўприк тадбирида иштирок этди. Шунингдек, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази билан ҳамкорликда ўзбекистонликларнинг қамалдан эвакуация қилинган аҳолига, болаларга кўрсатган инсонийлиги ҳақида давра суҳбати ташкил этилди.





“Хотиралардан ўрин олган тарих” номли китобни чоп этиш анъанага айланди. Унда замондошларимизнинг жанггоҳларда мардонавор курашган ота-боболари ҳақидаги хотиралари, ўзбекистонликларнинг жанговар йўли юзасидан мақолалар чоп этилмоқда.







**ВАТАНГА САДОҚАТЛИ БЎЛИШГА ВАЪДА БЕРАМАН**





## М У Н Д А Р И Ж А

Ўзбекистон халқига байрам табриги .....	4
Унутилмас жасорат .....	15
Аскар мактублари .....	209
Фронт ортидаги матонат .....	219
Ўзбекистон – меҳр мамлакати .....	253
Унутмас сизларни Ватан .....	265
Ғалаба боғи .....	281

Китоб-альбом Адлия вазирлиги “Ўзархив” агентлиги, Ўзбекистон Миллий архиви, Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ФХДЁ архиви, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий архиви, Ғалаба боғи ёдгорлик мажмуаси ва унинг таркибидаги “Шон-шараф” давлат музейи, Ойбек уй музейи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Мудофаа вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон “Прометей” ватанпарварлик-қидирув экспедицияси, “Аждодлар изидан” ҳарбий-тарихий жамияти ҳамда уруш қатнашчилари оилаларида сақланаётган ноёб тарихий материаллар асосида тайёрланди. Шунингдек, китобга Россия Федерациясининг Мудофаа вазирлиги Марказий архиви, Гданскдаги Иккинчи жаҳон уруши музейида сақланаётган ҳужжатлар киритилди.

Нашрни тайёрлашда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган материаллардан фойдаланилди.

Ушбу китоб-альбомни тайёрлашда ҳамкорлик қилган вазирлик ва идоралар, музей ва архивлар, олимлар ва мутахассислар, уруш қатнашчилари ва уларнинг оилаларига алоҳида миннатдорлик билдирамиз.

Китоб-альбом Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлигининг ЎЗРФА Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказда амалга оширилаётган “Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида” мавзусидаги АЛМ-202106002 рақамли мақсадли амалий лойиҳа доирасида тайёрланди.

# ЎЗБЕКИСТОН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА

Бешинчи китоб-альбом

Нашр учун масъул **Х. Султонов**

Тузувчилар:

**С. Саидолимов, К. Саъдуллаев, Ҳ. Бобожонов**

Ижодий гуруҳ **Ф. Усарова, Ш. Юсупов, У. Юсупов, М. Ҳамидова,  
С. Пўлатова, Н. Мустафаева, А. Маҳкамов, Ш. Турсунбоев, З. Холбоева,  
Н. Маҳкамова, Р. Ҳайдарова, М. Назиров, М. Нурсаидова, Ф. Усмонов**

Шеърлар таржимони

**Ш. Қосимова**

Муҳаррир **И. Бўрибоев**

Фотосуратчилар: **С. Ўрмонов, Б. Абдурахимов, С. Зайниев, Н. Ҳайдаров**

Нашриёт муҳаррирлари **Ж. Мелиқулов, Д. Абдураимова**

Рассом-дизайнер **Ш. Мирфаёзов**

Компьютер дизайнери **Б. Тухтаров**

Техник муҳаррир **Е. Толочко**

Мусахҳиҳ **М. Исмоилова**

Тасдиқнома № 4642. 22.07.2020. Босишга 2024 йил 9 августда рухсат этилди.  
Бичими 70x100  $\frac{1}{8}$ . Меловланган қоғоз. “PT Serif” гарнитурасида офсет усулида босилди.  
Шартли босма табоғи 47,73. Нашр табоғи 70,5. Адади 500 нусха. Шартнома № 8-01/24.  
Буюртма № \_\_.

Оригинал макет Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг “O‘zbekiston” нашриётида тайёрланди.  
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Телефон: (71) 244-34-38.

“Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй

УЎК 94(575.1)“1939/1945”

КБК 63.3(5Ў)“1939/1945”

Ў 24

Ў 24 Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида [Альбом]: китоб-альбом / нашр  
учун масъул Х. Султонов; тузувчилар С. Саидолимов, К. Саъдуллаев, Ҳ. Бобожонов. –  
Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2024. – 296 б.

ISBN 978-9910-9559-8-3

УЎК 94(575.1)“1939/1945”

КБК 63.3(5Ў)“1939/1945”

ISBN 978-9910-9559-8-3

© С. Саидолимов ва бошқ., 2024

© “O‘zbekiston” нашриёти, 2024